



ПАУЛЬ КУУСБЕРГ
АНДРЕС ФОЖИАСИ

Роман



ТОШКЕНТ — 1979

Рафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Б. БОЙКОБИЛОВ, И. ГАФУРОВ, ҲАМИД ҒУЛОМ, З. И. ЕСЕНБОЕВ, В. Й. ЗОХИДОВ, ЗУЛФИЯ, М. ҚУШЖОНОВ, МИРМУҲСИН, Н. САФАРОВ, Р. А. САФАРОВ, Р. ФАЙЗИЙ, П. ШЕРМУҲАМЕДОВ, О. ЕҶУВОВ, К. ЯШИН (Редколлегия раҳбари).

ББК 84Эст
К 96

*Русчадан
МИРЗИЁД МИРЗОИДОВ
таржимаси*

Иккинчи нашири

Куусберг Пауль.

Андрес фожиаси: Роман/Русчадан М. Мирзоидов таржимаси; Редколлегия: ...К. Яшин (раҳбари).— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.— 248 б.— (Дўстлик кутубхонаси. СССР ҳалқла-ри прозаси).

Эстон ёаувчиси Пауль Куусбергнинг «Андрес фожиаси» романни автомобиль ҳалокати билан бошланади. Бу ҳалокатнинг айбори комбинат директори Andres Lapeteus. Andres уриб юборган машинада унинг хотини ва дўсти бўлади.

Бироқ роман олди-қочдилардан иборат эмас. Китобда автомобиль ҳалокати билан бирга худбик Lapeteusning фожиаси ҳам ҳикоя қилинади. Lapeteus ўз мавқеини сақлаб колиш учун ҳақиқий муҳаббатидан воз кечади, севгилисидан юз ўтиради, ўртоқларидан тонади.

Бу роман инсонпарварликка, ҳақгўйликка ва олиҳимматликка чақиради.

Куусберг П. Происшествие с Андресом Лапетеусом. Роман.

ББК 84Эст
С(Эст)

70303 — 88
К М352(04) — 79 94 — 79 — 3708150000

1

Майор Лаури Роогас эшитган гапларига сира ишонгиси келмади. У автомобиль ҳалокати натижасида шикастланганларнинг фамилияларини такрор сўради.

Телефон трубкасидан йўғон овоз эшитилди:

— ЭСБ 73-98 номерли «Волга»ни Andres Адевич Lapeteus, ЭСБ 91-02 номерли «Москвич»ни Виктор Петрович Хаавик бошқарган. Унинг ёнида Реэт Монгансесовна Lapeteus бўлган. Унинг кимлигини аниқладик, у «Волга» ҳайдовчисининг хотини экан.

Йўқ, ҳеч қандай янглиш йўқ эди.

Роогас тўсатдан Lapeteusning овозини эшитгандек бўлди: «Уша вақтда ҳозиргичалик ақлли бўлсан, сени Вильяндидан кеткизмасдим». Овоз шунчалик аниқ эшитилдики, гўё Lapeteus ёнгинасида тургандек туюлди...

Майор ташвишланиб сўради:

— Шикастланганларнинг аҳволи қандай?

— Andres билан унинг хотинини «Тез ёрдам» машинасида касалхонага олиб кетишиди. Иккovi беҳуш. Дастрлабки маълумотларга қараганда, Lapeteusдан умид йўқ, аҳволи оғир. «Москвич»нинг эгаси Хаавик тил тортмай ўлган.

Майор Роогас бу гапларни эшитиб, довдираб қолди. У Давлат автоинспекциясининг ходими эканлигини, шаҳар бўйича навбатчи билан жиддий сухбатлашётганини унутди. Юз берган фалокатда у негадир ўзини қисман айбор сезарди.

Телефон трубкасида яна овоз эшитилди. Чамаси, лейтенант Филиппов майор мукаммал тафсилотлар кутяпти, деб ўйлади.

— Фалокат «Волга»нинг ҳаддан ташқари тез ке-

лаётib, олдиндаги юк машинасини әхтиётсизлик билан қувиб ўтиши натижасида содир бўлган. Машиналар «Волга» юк машинаси билан тенглашганда ёки тенглашай деганда уришиб кетган. «Волга» ҳайдаб кетаётган одам маст бўлган. Рўпарадан келаётган «Москвич»ни ўз вақтида кўрмаган. Ҳамма айб «Волга»да.— Трубкадаги овоз учди, кейин ўзгарган товуш билан қўшимча қилди:— Оғзидан худди пиво бочкасидан анқиётгандек гуркираб ароқ ҳиди келяпти. Гаройиб тасодифни қарангки, бир машинада эри, бошқасида хотини бўлган.

Майор Роогас шуни эслаб қолдики, Лапетеуснинг хотини қишлоқда, Ҳаавик эса Ракверада бўлиши керак эди.

Бу фалокатнинг содир бўлишига мен ҳам айбордман, деган фикр унда кучая борди. Шунингдек, Лапетеуснинг хотини билан Ҳаавикнинг бир машинада бўлганига ҳеч ақли етмасди. Роогасни қаттиқ ташвишга solaётган нарса шу эдики, у Лапетеуснинг уйида бўлган, унивидан алла-паллада чиқиб кетган эди. Лапетеус уни узатиб қўяётиб: «Ўша вақтда ҳовиргичалик ақлли бўлсан сени Вильяннидан кеткизмасдим», деганди. Лапетеус худди ўзини оқлаётгандек эди. Бунинг сабабига Роогас тушунмади. У меҳмондўст мезбоннинг қўлини қаттиқ қисди-да: «Сен билан Каартнадан ҳамиша миннатдорман», деди. Буни у мулозамат тариқасида айтгани йўқ. Аҳволи жуда оғирлашган вақтда Хельви Каартна билан Andres Лапетеус унинг жонига ора кирган эдилар.

Шу пайт бир вақтлар Каартна билан Лапетеус турмуш қурмоқчи бўлганиларини эслади, шуниси қизиқки, кечка Хельви келмаган эди.

Кейин Лапетеус нима учун уни, Оскар Пидруси, Антс Паювийдикни, Виктор Ҳаавикни ва Хельви Каартнани меҳмонга чақиридийкин, деб ўзига-ўзи савол берди. Рост, Ҳаавик билан Каартна келмади, лекин улар мукаллиф эдилар-ку?! Эски фронтчи дўстларини кўргиси келгандир-да, деб ўйлади Роогас. Лекин унинг бошқа кўзлаган мақсади ҳам бор эди...

Лапетеус бегоналашиб кетганиданми ёки бошқа бирор сабабданми, ишқилиб, ўтиришлари қизимади, ланж ўтди.

Стол устидаги анча-мунча конъяк билан ароқ ҳам уларнинг кайфларини чоғ қилмади.

Бироқ шу пайт майор Лаури Роогас ўзини автоиспекция ходими эканлигини ўйлаб қолди. Фалокат бошлаган одам билан бирга ичгансан, деб ўзига-ўзи таъна қилди. Энди бу баҳтсиз ҳодиса учун қисман у ҳам жавоб бериши керак. Аммо у ўзини бунинг учун айбдор деб ҳисобламаётганини тушунди. Бўлмаса айби нимада?

Лапетеус билан Ҳаавикни дўст деб билишарди. Лапетеус бошқалар билан алоқани узуб қўйган, фақат Ҳаавик билангина борди-келди қилар эди. Буни Лапетеус кеча кечқурун ўз оғзи билан айтди. Роогас ўзи кетганда Пидрус ва Паювийдик қолганини эслади. Яна Паювийдикнинг: «Гапнинг пўскалласини айтганда, менга кўзинг учиб тургани йўқ. Сен мени кўнглимни кўтариш учун эмас, ўз манфаатингни кўзлаб таклиф қилгансан», деган аччиқ-тизиқ гапларини ҳам эслади. Кейин улар ярашишди, бироқ айтилган сўз — отилган ўқ.

Ҳаавик келмади. Хельви Каартна ҳам. У Пидрусга, узримни айтиб қўй, афсуски боролмайман, ишда бандман, деб ундан илтимос қилибди.

Майор Роогас яна бир минг тўққиз юз қирқ олтинчи йили Лапетеус ва Хельви армия сафидан бўшаб келгандарига уларга уйини таклиф қилиб, Лапетеус билан ғижиллашиб қолганини ҳам эслади.

Миясига лоп этиб баҳтсиз ҳодиса тўғрисидаги фикр келди. Шуниси аниқки, Лапетеус Пидрус ва Паювийдиклар билан яна анча вақт ичган, натижада улар охирги автобусга ўтиришолмаган, электричкага ҳам улгуришмаган. Шундан кейин уй эгаси Пидрус билан Паювийдикни ўз машинасида олиб бориб қўйган. Қайтиб келаётганда авария юз берган. Лапетеус гараждан машинасини олиб чиқишига Пидрус билан Паювийдик йўл қўймасликлари даркор эди. Бироқ бундай енгилтаклик қандай оқибатларга олиб келишини кайфи бор одам қаердан ҳам билиарди...

Лейтенант Филипповга ҳам, майор Роогасга ҳам Лапетеус уриб юборган машинада унинг дўсти билан хотинининг бўлиши ҳеч ақлга сифмайдиган иш кўринарди. Лапетеуснинг гапига қараганда, хотини қай-

сиам қишлоқда бўлиши, бетоб холасига қараб туриши керак эди, дўсти эса кечқурун унга Ракверадан телефон қилган эди.

Хаавик билан Лапетеуснинг хотини қандай қилиб бир машинага тушиб қолди?

Роогас бу тўғрида бош қотиришни истамади. Ўзигаузи, Давлат автоинспекцияси старший инспекторининг вазифаси шикастланганларнинг ўзаро алоқаси билан эмас, автомобиль ҳалокатига тааллуқли материаллар билан шуғулланиши керак, деди.

Роогаснинг Лапетеусга юраги ачиdi. У ўнлаб йўлдаги ҳалокатларни текширган, дабдаласи чиққан машиналарни кўрган эди. У «Волга»нинг олдинги қисми-ю, мотори гижимланиб шофёрининг ўринидигигача сурилиб келганини кўз олдига келтириди. Ўриндида эса кўкрак қафаси эзилган, бир кун олдин уни хушчақчақлик билан меҳмон қилган одам бор. Уша одам билан у Великие Лукида бир кунда, қарийб бир соатда ярадор бўлган эди.

Майор Роогас негадир Виктор Хаавикни эсидан чиқариб юборган эди. Роогас Лапетеусни неча йилдан бери билса, Хаавикни ҳам шунчалик билишига қарамай у ҳақда ўйлагиси келмасди.

Роогас шаҳар инспекциясида бирор янги гап эшитмади. Юк машинаси шофёрининг гапига қараганда, «Волга» саксон-тўқсон километрлар чамаси тезликда, узоқни ёритадиган чироқни ёқиб, фонаръ тагидаги кичик чироқни ёқиб-үчириб келаётган экан. Юк машинаси унга жавоб сигнали қилолмабди, сабаби, рўпарасида олтмиш километрча тезликда «Москвич» келаётган экан. «Москвич» ўз вақтида узоқни ёритадиган чироқни яқинни ёритадиганига алмаштириби. Бу гаплар ва ҳалокат юз берган жойдаги бекаму кўст текширишлар бир нарсани, бадмаст Andres Lapeteus олдинда келаётган машинани қувиб ўтаман, деб рўпарадан келаётган «Москвич»ни уриб юборганини тасдиқлади. «Москвич»ни ҳайдаб келаётган одам сўнгги дақиқада машинани ўнгга бурмоқчи бўлгану, лекин бари бир фалокатнинг олдини ололмаган. Ўқдек учуб келаётган «Волга» «Москвич»ни сўл фараси томонидан урган.

— Оғиздан худди пиво бочкасидан анқиётгандек туркираб ароқ ҳиди келяпти,— деб такрорлади нав-

батчи лейтенант Филиппов.— Мен у ерга «Тез ёрдам» мишиниаси билан баравар етиб бордим.

Касалхонага телефон қилишган эди, Лапетеус ҳали жуннига келганий ўқ, деб жавоб қилишибди.

Тунги ҳодиса Роогаснинг тинчини бузди. Нима билли машғул бўлмасин, фикри ҳадеб Лапетеусга қайтаверди.

Уч-тўрт кун олдин Лапетеус унга телефон қилган оди.

— Майор Роогас керак эди.

— Эшитаман?..

— Лапетеус гапирияпти. Унутмаган бўлсангиз, эсларсиз балки. Салом!

— Салом! Жуда яхши эслайман. Кўп йилдан бери учрашмадик.

— Ҳаммамизнинг ишимиз, ташвишларимиз ўзимнога етиб ортади... Мен эски жанговар дўстларимни кўриб, улар билан бир отамлашсам, деган эдим. Якшонба¹ куни кечқурун бизникига бир келмайсизми?

Пидрус, Каартна, Хаавик ва Паювийдиклар келинди.

— Таклиф қилганингиз учун катта раҳмат.

— Илтимосимни ерда қолдирмасангиз жуда хурсанд бўлардим. Мен Нимме¹да Моховая кўчасида турман, ўй номерим ўн етти. Транспорт соҳасида мутахассис бўлганингиз учун бу жой қаердалигини муфасал тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

— Албатта бораман.

— Жуда соз. Биз бир-биримиздан узоқлашиб кетдик, яхши эмас. Хўп, сизни соат олтида, бошқача қилиб айтганда, ҳужумга ўтар чоғимизда айтганимиздек ўн саккизу ноль-нолда кутаман. Моховая, ўн етти, осингиздан чиқиб қолмасин. Якшонба куни кечқурунгача хайр.

Лапетеуснинг таклифи кутилмаган воқеа эди. Роогас охирги марта қаҷон учрашганларини эслашга ҳаракат қилиб кўрди. Учрашганларига етти-саккиз йил, балки бундан ҳам кўп бўлган эди. Албатта, кўп бўлди.

¹ Нимме — Таллин четидаги ўрмонзор боф, бу ерда шахсий ўйлар қурилади. (Бу ердаги ва бошқа жойлардаги изоҳларнинг ҳаммаси таржимонники.)

У вақтда Лапетеус ўрмон саноати министрлигига ишларди. Ҳозир комбинат директори.

Лаури Роогас Andres Lapeteus билан 1942 йил деқабрь ойининг охирларида чоқцина бир гиштин бино учун, аниқроғи, унинг харобаси учун олиб борилган жанг вақтида танишган эди. Снарядлар бу бинонинг томини учиреб, деворларининг ярмини құлатыб юборганды.

2

Уша вақтда бешинчи рота түғридан-түғри ҳужум қилиб харбазорга бостириб кирган эди. Биринчи взвод шу ерда жойлашишга буйруқ олди. Ротанинг қолган взводлари батальоннинг бошқа бўлинмалари билан бирликда ўнг қанотда ҳужумни давом өттириди. Кутимаганда немислар қарши ҳужумга ўтиб, батальонни илгариги позициясига суреб ташлади. Биринчи взвод узилиб қолди.

Одамлар ярмисини синган гишtlар босиб ётган эшик ўринидан немиснинг қорасини кўргандагина взводлари ўраб олинганини билдилар. Шу туйнукдан улар бир соат илгари эмаклаб ичкарига кириб олган эдилар. Эшик бинонинг гарб томонида, бизнинг одамлар шу ёқда бўлишлари керак эди. Биринчи взвод нуқул немислар яқинлашиб келаётган шарқ томонга қараб ўқ узмоқда эди. Энди бўлса бирдан орқа томонда мoshранг шинель кийган немиснинг буқчайган гавдаси кўринди. Паювийдик автоматдан ўқ узди, фриц хириллаб гишт устига ағдарилди. Фриц бу ерда бир оз ётгач, Паювийдик тўнгиётган жасадни гишт парчалари уюми орқасига ағдариб юборди. Гиштдаги қон бугланиб турарди. Роогас буни аниқ кўрди. Гўё гиштга жон киргандек бўлди. Улар ҳаракатга келди-ю, осмонга гишт ва муз парчалари учди.

Ўқлар патирлаб келиб ғовга тегиб пайраҳаларни ҳар томонга тўзитди.

Харбазорда озгина одам қолди. Взвод командири младший лейтенант Лапетеусни, сиёсий бўлим бўйича батальон командири ёрдамчиси капитан Пидрусни ва дивизия штаби вакили капитан Роогасни қўшганда йигирма иккита одам қолган эди. Младший лейтенант

қизиқ устида бир кўнгли ўз взводига чекинишга буйруқ бермоқчи ҳам бўлди. Бироқ шу заҳоти чекиниш ўлим билан баравар эканлигини фаҳмлаб қолди. Башарти немислар илгариги позицияларини әгаллаб олишган бўлса, взвод сайҳонликдан ўтаётганида немисларнинг чапараста ўқига дуч келади. Харобадан бир неча соат кейинроқ қоронғи тушгандан чиқиб кетишига уриниб кўриш бошқа гап. Ҳар қандай тўсиққа қарамай у дарҳол ёриб ўтишга қарор қилгандек эди. Батальондан узилиб қолганлари тўғрисидаги фикр азоб берар, нафасини бўғар, зеҳнини ўтмаслаштиради. Бироқ Лапетеуснинг ёнида ёнгашганча дераза ўрнидан комиссар қараб турардики, бу ҳол унинг кўнглидаги мақсадини амалга оширишига монелик қиласди. Аллақаердан бу ерга келиб қолган капитанни у назар-писанд қилмасди.

Команда берилмаса-да, одамлар ўзларича ўқ узашарди.

Лапетеус ҳалигидан бошқа биронта ҳам немисни кўрмади.

Капитан Пидрус унга:

— Ўқларни тежаш керак,— деди.

Уй ёнида икки-уч мина портлади. Бу ерга уларнинг қаердан учиб келгани номаълум эди.

— Оббо савил-э!— деди аллаким ҳам сўкиниб, ҳам нолиб.

Капитан Роогас зарда билан сўради:

— Бирор ерда әгасиз автоматми, милтиқми йўқми?

Немислар ярим соат чамаси эшиклар, деразалар ўринини ўқча тутди. Учинчи бўлим командирлари ҳалок бўлди-ю, унинг автоматини капитанга олиб беришиди.

Кейин ҳаммаёқ жимиб қолди.

Солдатлар буйруқни кутиб ўтирмай бўлиндиларда, деразалар тагига, снаряд тешиб юборган деворлардаги туйнуклар олдига ётиб олишди.

Миналар яна портлагб ёрила бошлади. Улардан бири нақ ғовга келиб тушди. Икки киши яраланди.

— Қаердан отишаётганини фаҳмляйсанми? Менимча, ўзимизнинг миномётлар. Бизнинг бу ерда эканимиздан хабарлари йўқдир-да?

Бу гапни младший сержант Хаавик оддий аекар Паювийдикка айтди.

— Ҳеч ажабланадиган ери йўқ бунинг. Худди боалар боғчасининг энагалари сингари жанг қилилмиз. Бироқ ҳозир бизларни немислар ўққа тутяпти,— деди Паювийдик.

— Кечаси «қуён» бўлиб қолиш керак,— деди Хаавик ўз фикрини билдириб.

Паювийдик тиззасини силади-да:

— Ўлим ҳақ, қаерга борма, ёқангдан олади,— деди.

Миналар тез-тез портлай бошлади.

Лапетеус, уйнинг ҳар бир томонида иккитадан қоровул турсин, деб топшириқ берди. Қолганларга ертўлага яширинишни буюрди.

Офицерлар ўзаро маслаҳат қуришди. Кўп ўтмай харобани қандай бўлмасин ҳимоя этишга қарор қилишганини ҳамма билди.

Қоронги тушгач, миномёт ўти тинди. Кечаси взвод командири одамларни икки гуруҳга бўлди. Бир гуруҳи ертўлада дам олгани қолди, бошқаси деразалар ёнига ўрнашди. Бироқ ҳеч ким мижжа қоқмади. Кечаси соат ўнда ва тўртда немислар қоронгиликдан фойдаланиб харобага бостириб киришга уриниб кўрди. Уларни даф қилишди.

Эрталабга келиб ишга ярайдиган ўн иккита одам қолди. Кечга келиб эса беш киши: Лапетеус, Пидрус, Роогас, Паювийдик ва Хаавиклар қолишди.

Хайриятки, фрицлар буларни тинч қўйди. Буларнинг бешови ҳам шу кеча кўз юмгани йўқ. Фақат Паювийдиккина ўқ узиб бир оз мизгиб олар, кўз очиб яна ўқ узарди.

Уйқусизлик, очлик ва ташналик жон-жонларидан ўтиб кетди.

Эрталаб мина парчаси тегиб Лапетеус билан Роогасни ярадор қилди.

Соат 10.00 да бизнинг тўплар ва миномётлар шигаб ўт очди. Снарядлар ҳатто харобада ҳам портлаб турди.

Хаавик:

— Бизларни ўлган деб ўйлашяпти,— деб қичқирди Паювийдикка.

Паювийдик ундан:

— Махорка борми? Йўқми? Менда бор. Ма, ўра,— деди.

Ҳадемай ҳужум бошланди.

Паювийдик билан Пидрус хароба ёнидан чопиб ўтаётган немисларни ўққа тутишди.

Хаавик гарб томондаги эшик олдида, гишт уюми орқасида ётар ва ташқарини кўздан кечирар эди, лекин ҳеч ким кўринмасди.

Полкларининг бўлинмалари харобага етиб келгач, Пидрус ярадорларни яра боғлаш пунктига юборишга буйруқ берди. Младший лейтенант Лапетеус кечқурун санитар батальонидан қайтиб келди, ўпкасидан яранган Роогасни фронт орқасига жўнатишиди.

Паювийдик сўқина-сўқина хўжалик взводини ахтарди. Уйнинг қорни сурнай чалар, аллақаёққа гум бўлган ошпазларни сўкар эди.

Хаавик батальон командирига хароба мудофаасининг тафсилотларини маълум қилди. Дивизия газетасига ўзи хабар ҳам ёэди, орадан кўп ўтмай унга Қизил Юлдуз ордени беришди...

3

Бирдан майор Роогас ўша куни Andres Lapeteus меҳмонга харобани сўнгги дақиқагача бирга ҳимоя қилганларни таклиф этганини фаҳмлаб қолди. У яна шуни ҳам эсладики, жангдан кейин Лапетеус билан у анча яқинлашиб қолган эди. Улар қалин дўст бўлганлари йўқ, бироқ гоҳ-гоҳ уйнинг иккинчи батальоннинг бешинчي ротасига боргиси келиб қоларди. Бу ротага Лапетеус командирлик қиласди. У Паювийдик билан Хаавикни мана шу ерда учратди. Кейинчалик Хаавикни ошигич офицерлар тайёрлайдиган ҳарбий мактабга юборишидди. Ора-сира у ҳамшира Хельви Каартинани ҳам кўриб турарди. Бир вақтлар саҳар чоғида Лапетеус билан уйнинг ярасини шу қиз боғлаб қўйган эди.

Ҳа, Лапетеус фақат ўзи билан харобада бирга бўлганларни таклиф қилган, деб ўйлади Роогас кўнгли йираб. У яна касалхонага телефон қилди. Лапетеус ҳали ҳам ҳушига келмаган эди.

— Хўш, аҳволи қалай ўзи?

— Аҳволи оғир. Мияси чайқалган. Қовурғалари синган. Ичига қон кетган. Боши ёрилган. Ҳозирча

аниқ бир нарса дейиш қишин. Ҳали-бери унинг олдига одам қўймаймиз.

Роогас шуну фаҳмлаб қолдики, навбатчи врач уни ҳалокатнинг бош айборини тезроқ сўроқ қила қолсам, деб ҳовлиқаётган шошмашошар ходим деб ўйла-япти. Унинг бўлса Andres Лапетеусга жони ачияпти. У кеча кечқурун ўзини бегона, сипо туттани, Лапете-уснинг аҳволига тушунмагани, тушунищни истамагани учун ўзидан ўпкаланди.

Майор Роогас Паювийдик билан Пидрусни қидириб топмоқчи бўлди. Уларнинг адресларини биларди...

Анте Паювийдик емакхонада шўрва ичиб ўтиради.

— Утири,— деди у табуреткани кўрсатиб. Кейин шкафдан тоза тарелка олиб Роогасга шўрва қўйди.— Ич, ош бўлсин.

Гё майор Роогас ҳар куни кечқурун келиб емакхонадаги стол ёнида мисқадан шўрва ичадиган қунда шунда меҳмондек, Паювийдик пинагини бузмай, унга оддийгина муомала қиласди. Тўғри, Роогас унга етти ёт бегона эмас. Душман ўки остида бирга бўлган, кўча-кўйда учраб қолганда ҳол-аҳвол сўрайдиган, буфетдами, бардами пивохўрлик қиладиган одам ҳеч вақтда бегона бўладими? Улар бир-икки марта бир-бирларини гана махмонга ҳам келишган.

Майор Роогас шўрвадан уч-тўрт қошиқ ичиб:

— Лапетеус касалхонада,— деди.

— Нима қипти?— деди Паювийдик овқат ейишдан тўхтаб.

— Машинасини бошқа машинага уриб юборган, чалажон бўлиб ётибди.

— Қачон бўлган бу иш?

— Бугун кечаси.

— Нега бундай бўпти?

— У сизларни уйингизга элтиб қўймаганмиди?

Паювийдик майор Роогасга диққат билан тикилди.

— Йўқ. Мен поездга улгурдим. Пидрус унникада қолди. Ўйлайманки, уни олиб бориб қўймаган бўлса керак.

Роогас, нега бундай деяпсан, деб сўрашга оғиз жуфтлади-ю, лекин индамади. Ахир у ҳеч кимни сўроқ қилаётгани йўқ-ку. Бунинг устига у бу ерга расмий равища келгани йўқ.

— Қўнгилсиз ҳодиса,— деди Роогас.— Қечқурун бирга ўтирган эдик.

— Лапетеус жуда ғалати тутди-я ўзини. У, умуман, камгар одам. Ҳолбуки кеча ҳеч кимга гап бермади. Мен ёки Хаавикдек маҳмадоналик қилди. Хаавик дарвоҷе келмади-я.

Роогас ўзи ҳам Лапетеуснинг сергаплигини пайқаганини эслади.

— Хаавик ҳалок бўлди,— деди у.

Шундан кейин Паювийдикка ҳамма гапни оқизмай-томизмай гапириб берди. Ўзининг тажминларини ўртага ташлади. Лапетеус, сизларни уй-уйингизга олиб бориб қўйган бўлса керак деб ўйлаган эдим, деди. Мастиликда кўпгина одамлар ножъя иш қилишади, деб қўшимча қилди. Кўпинча аварияни автомашина ёки мотоцикл мингган маст одамлар қиласди.

— Ҳеч нарсага тушунмаяпман,— деди Паювийдик.— Бу баҳтсиз ҳодисамикин ёки бошқа бир баломикин? Хаавик — хотинбоз, буни ҳаммамиз биламиз. Бироқ дўстининг хотинига кўз олайтириши, шу ёшга етгандада... Биз Хаавик билан унчалик чиқишимасдик, лекин бу кўргиликни унга раво кўрмасдим. Унга одам ачинади. Гулга ишқибоз эди-ю, тиканига тоби йўқ эди... Кеча Лапетеусга қаттиқ гапириб юбордим. Ҳаёт ниҳоятда чигал нарса.

Майор Роогас кетганидан кейин Паювийдик ўйланиб қолди. Кечакечқурун ўзининг собиқ рота командирига аччиқ-тизиқ гаплар айтгани учун ўзини койиди. Лапетеус эшикни очганидан бошлаб унга тирғила бошлади.

Ўни кўздан кечириб чиқиб, пичинг қилди:

— Худди кинодагидек-а.

Лапетеус буни хушомад деб тушунди.

— Ҳали бальзи камчиликлар бор,— деди у.— Бироқ, умуман, битган деса бўлади. Хотиним жуда бало — бу унинг иши. Йўлдан қайтариш қишин, хотинларни биласан-ку. Менга кўпроқ оддий шароит ёқади. Ҳашамсизроқ диванда ётиш кўнгилли, лекин аҳвол шундай бўлгандан кейин нима ҳам дердик.

— Сен ўзингни бу ерда яхши ҳис қиласанми?

«Чамаси, Лапетеус нимага шама қилаётганини англамади,— деб ўйлади Паювийдик.— Йўқса, астасекин кўниципман, деб жавоб бермасди».

Паювийдик Лапетеуснинг гапига:

— Мен бу ерда ўзимни жуда ҳам яхши ҳис қиласдим,— деди астайдил.— Сенга ўхшаб дўстларни меҳмонга чақирадим. Совет кишиси коммунизмда ҳандай яшашини кўриб қўйишсин-да. Машъаллардан ибрат олишсин.

Паювийдик кечаги ўтиришни эслади-ю, нима қиласдим унинг ғашига тегиб, деб пушаймон бўлди. Кейардим юзингда кўзинг борми, демай, шартта башарасига сен бизларни кўнглимизни олиш учун эмас, ўзингни ўйлаб таклиф қилгансан, деди-я.

Нафсилаам, Лапетеус ўн йил айрилиқдан кейин уларни нима мақсадда уйига чақирганини Паювийдик ҳозир ҳам тушунолмади. Ким билсин, балки унинг кўнглида бирор гап бормиди? Ахир ҳаловатини бузадиган нарса оз эмас-ку. Ҳаёт ҳатто Хаавикка ўхшаганлар учун ҳам айш-ишрат эмас.

Бир вақтлар Лапетеус билан чиқишиб юраверарди. Албатта, у бошлиқ эди, аввал взводга, кейин ротага командирлик қилди, унинг ўзи эса Лапетеусга қарам, қизил аскар эди, кейинчалик сержант, сўнг взвод старшинаси бўлди. Баъзан Лапетеус уни жуда қаттиқ койирди. Лекин уни ҳам ўзига teng олиб, эрракчасига муомала қиласди. Ҳатто уни бир оз аяди ҳам. Бу ҳол айниқса бемаъни ҳужумдан кейин, бошқа роталар тазиека бардош беролмай, уларнинг взводи қуршовга тушиб қолганда яққол кўринарди.

Кейинчалик эса... Урушдан кейин дастлабки йилларда кўча-кўйда тасодифан учрашиб қолиша, учтўрт оғиз гаплашарди. Бир марта ҳатто қаергаям кириб ўтиришган, ўткир ичимлик ичиб ўтмишни эсга олишган эди. Улар бир-бирларини уйга таклиф қиласдилар, Andres ҳар сафар ваъда берарди-ю, ваъдининг устидан чиқмасди. Лапетеус негадир ўзини четга олиб юрарди. Лекин ихтиёр унинг қўлидамиди? Ҳаёт ҳар кимни ўз ўйлига солиб юборади, иш, янги танишлар ва дўстлар ортиришга мажбур қиласди. Эллил иккинчи йилнинг охирларида мажбурий учинчи йил бошларида, у бир куни Лапетеус билан суҳбатлашгани олдига борган эди. Бироқ у расмий иш билан боргани учун Лапетеус уни кабинетида қабул қиласди. Шунда улар гапни гапга улаш учун урушини, роталарни әслашди. Лапетеус бу сафар меҳмонга

таклиф қиласди, лекин шундай бўлса ҳам фронтчи дўстларини согинганини айтди. Шунда Паювийдик унга: «Қўлинг узун, қаёққа узатсанг етади, буйруқ ёзиб, тарқат, кимда-ким ҳақиқий гвардиячи бўлса, кўз очиб-юмгунча етиб келади», деди. Лапетеус унга жавобан лабини буриб, хўрсинди, у, четдан қараганда шундай, қўлим узун кўринади, аслида унчалик эмас, деди. Паювийдикнинг назарида Лапетеус, сенга ёрдам бериш қўлимдан келмайди, дейиш учунгина қўли қисқалигидан шикоят қилгандек бўлди. Паювийдик обласъ ижроия комитетига зарурат юзасидан келган эди.

Лапетеус роталаридағи одамлардан фақат Виктор Хаавик билан борди-келди қиласди. Ҳозир у тобутда ётибди, унинг бошига Лапетеус етди. Паювийдикнинг фикрича, Хаавик билан Лапетеуснинг хотинининг бир «Москвич»да бўлиши бежиз эмасди. Паювийдик, Andresнинг хотини Хаавикнинг машинасида бўлганида бир гап бўр, деб биларди.

Кеча кечқурун Лапетеуснинг кўнгли алағда эди, ҳозир бунга Паювийдик тобора қаттиқ ишона бошлади. Умуман, Andres Лапетеус жуда ўзгариб кетди. Алланарсадан норозидек, тинмасдан гапиради, шу билан бирга уларнинг кўнглини олишга ҳаракат қиласди. Ўзини илгариги вақтидагидан бутунлай бошқача тутди.

Ишқилиб тирик қолсин-да, деб ўйлади Паювийдик. Кейин касалхонага бориб Лапетеусни кўришга жазм қиласди. Ахир Лапетеус қандай бўлишига қарамай, фронтчи дўсти-ку. Бунинг устига ҳозир у бир неча йил муқаддам қуршовга тушиб қолганларидан бешбаттар ёмон аҳволда...

4

Майор Роогас Оскар Пидрусни ҳам уйидаи топди.

— Киришга ижозат этасанми?

Ҳарбий одат Роогаснинг қон-қонига сингиб кетган эди.

— Марҳамат, кир.

Роогаснинг назарида Пидрус уни кўриб хижолат чеккандек бўлди.

— Кир. Уйда яна бир меҳмоним бор, бироқ туючукса жой топади, деган гап бор-ку.

15

— Бемаврид келиб қолган бўлсан, узр,— деди Роогас кечирим сўраб.— Яххиси, шу ерда гаплашиб қўя қолайлик. Сенда муҳим гапим бор.

— Сен уни танийсан. Биз бу ерда пичирлашиб турсак худди бошимда ёнғоқ қақади-я.

Майор Роогас назокатли одам бўлганидан истиҳо-ла чекди. У Пидрус меҳмони аёл киши эканлигидан хижолат чекканини тушунди.

Хонада Хельви Каартна ўтиарди.

Роогас ҳайрату таажжубни жуда усталик билан яшири ва пошиналарини бир-бирига уриб Каартна билан саломлашди.

Хельви диванга ўрнашиб ўтириб олиб, қандайдир қалин китобни варақларди. Унга қўл берди.

— Салом, ўртоқ майор. Сизнинг орзуингиз ўзи аслида...

— Милиция хизмати,— деб Роогас шоша-пиша унинг сўзини бўлди.

Хельви ҳазил аралаш жиддий жавоб берди:

— Шоп-шалоп тақиши, демоқчи эдим.

Ҳаммалари кулиб юборишиди.

Хельви Каартна ҳали ҳам жуда ёш кўринарди. Ийллар ўтиши билан у чиниққан эди. Бироқ ўша-ўша хушфөъллигича қолганди. Ўзини эркин тутиши, Роогаснинг тўсатдан кириб келганидан ҳеч қанча ўнгай-сизланмагани Роогасга манзур бўлди. Шу заҳотиёқ нима мақсадда келганини, қачонлардир Хельви Каартна Лапетеусни севганини эслаб қўлди.

Пидрус Роогаста кўз қисиб қўйди.

— Нима, яна даҳлизга чиқадиган бўлдикми?

Пидрус жуда ўринлатиб чандигандек қиқирлаб кулди.

Роогас гапни нимадан бошлашни билмасди. Диван столчасида бир даста дафтарларни кўриб сўради:

— Ўқитувчиликни ташлайсан шекилли?

— Нега энди?

— Илмий иш билан шугулланаман, девдинг-ку.

— Аллақачон бошлаб юборганман,— деди Пидрус.— Икки йилдан бери ишлайпман. Лекин ўқитувчиликни ташлаш ниятим йўқ.

— Кечир,— деди Роогас,— гапимни нотўғри тушунма.

Хельви Каартна ҳайрон бўлганича уларни кузатарди. Роогасга шундай туюлди.

Пидрус заҳарханда қилди:

— Сен ҳам гапимни нотўғри тушунма. Ўқитувчилик қилсан айб бўптими? Бизларда қандайдир аҳмоқона фикрлар пайдо бўлди. Булардан бири муайян иш олиб бораётган одамни назар-писанд қилмаслик. «Муайян иш» деган тушунча унчалик аниқ эмас, лекин ҳозир бундан жоизроқ ибора тополмадим. Ҳай, майли. Министрликларда ўралашиб юрадиган, комитетларда раҳбарлик қиласидиган, идораларда ивирсийдиган ёки институтларда ифво билан шугулланадиган одамларни уддабурон ва мўътабар деб билишади. Ўқитувчиларга ва поликлиникаларда ишловчи врачларга омади келмаган одамлар деб қарашади.

Роогас изза бўлди.

— Мен ўйлагандимки...

Пидрус уни гапиргани қўймади.

— Кимни кўрсанг, мактаб уни қилмади, буни қилмади, деб нолийди,— деди гапида давом этиб.— Ёшлар билан ким шугулланиши керак? Ҳозир шу нарса расм бўпти: кимда-ким ўзини жиндек бўлса ҳам филолог ёки адабиётчи деб ҳисобласа, дарров институтга, жилақурмаса нашриёт ёинки бирон-бир редакцияга кириб олишнинг пайдан бўлади. Рассом расм дарсидан ўқитувчилик қилишга ор қиласиди. Хайриятки, хорларнинг раҳбарлари эркин қасбга интилмайди, профессионал ансамблларга суқилмайди. Математиклар фақат кибернетика ҳақида ўйлади. Бир вакътлар мактаб ўқитувчиси вазифасини ҳеч ким ерга урмасди. Эндиликда фақат умумлаштиришни-ю, директивалар беришини биладилар!

Хельви Каартна шодон кулди.

— Оғир бўлинглар! Оскар сизга эмас, менга ҳужум қиляпти. Сиз келмасингиздан бурун биз баҳслашиб ўтиргандик.

— Миннатдорман,— деди майор Роогас ҳазиллашиб.— Мен бўлсан тор-мор бўлдим, деб ўтирибман.

Пидрус тинчланди.

Бир оз сукунатдан кейин Роогас тилга кирди:

— Мен сизга ноҳуш хабар келтирдим. Виктор Хаавик ўлди.

Хельви Каартна қалтираб кетди.

— Қандай қилиб?!

— У кеча кечқурун Ракверадан телефон қилганди-ку! — деди Пидрус.

— Автомобиль ҳалокати, — деб тушунтириди Роогас. — Лапетеусни оғир аҳволда касалхонага олиб кетишган. Хаавикнинг машинасини у уриб юборган.

Хельви тахта бўлиб қолди. У катта-катта мовий кўзларини майор Роогасга тикиб, савол назари билан қараб турарди.

Роогас машиналар тўқнашувини гапириб берди. Тафсилотларга ўтмади. Лапетеуснинг согайиб кетишига врачларнинг кўзи етмаётгани тўғрисида лом-мим демади.

— Мен кетганимда у уйида қолган эди, — деди Пидрус овозини чиқариб ўйларкан. — Унчалик мастга ўхшамовди. Мен кечаси соат иккиларда чиқиб кетгандим.

— Авария соат тўртлардан ошганда юз берган.

— Бу ҳодисалар сира ақлга сифмайди, — деб хулоса қилди Оскар Пидрус.

Хельви чурқ этмасди.

— У саккиз йилдан бери машина ҳайдарди, — деди Роогас. — Даставвал «Победа» олишиб, кейин уни «Волга»га алмаштиришиб. Шу пайтгача унинг ҳатто талонини ҳам алмаштирганлари йўқ эди.

— Сиз кетганингиздан кейин биз ҳар хил масалалар хусусида баҳслашдик, — деб гап қистирди Пидрус. — Давр тўғрисида, одамларнинг одоб-ахлоқи ҳақида гаплашдик. Назаримда, у илгариги дўстларим мендан ўзларини тортиб кетишибди, деб шубҳаланаётгандек бўлди. У қизишиб, эски ошналарим мени ёмонотлиқ қилишяпти, деб юборди. Унинг кўнглидаги гапни билмасам ҳам мен унга тасалли бердим.

Хийла вақт жим ўтиришиб.

Кейин Хельви гап очди:

— Andres хотинини жудаям севади. Балки ҳозир унга жуда оғирдир.

Роогас яна, Хаавикни ҳеч ким эсга олмайди-я, деб кўнглидан ўтказди. Ўзи ҳам шундай қиляпти.

— Лапетеус кимни уриб юборганини биладими? — деб сўради Пидрус.

— Билмаса керак. Буни унга врачлар ижозат этишгандан кейингина айтишибди. Йўқса, бу унинг ҳаётига

зомин бўлиши мумкин. «Москвич»да кимлар борлиги-ни билмайди. Ҳаммаси бир зумда бўлиб ўтган. Чироқ нури кўзни қамаштирган, Лапетеус дарҳол ҳушидан кетган.

Пидрус Хельвии кузатиб ўтирганини Роогас пай-қаб қолди.

Улар ҷоққина хонада ўтиришарди. Бутун деворларга китоб рафлари қуриб ташланган эди. Диван устидағи деворга ҳам китоблар қўйилганди. Дераза олдидаги кичкина стол устида қоғозлар, очиқ журналлар ва китоблар қалашиб ётарди. Диван олдидаги пастак столчада ҳам дафтарлар ёнида китоблар, машинкада бо-силган саҳифалар, оқ қоғозлар бор эди.

Хельви ўрнидан турди.

— Кофе қайнатиб келай.

Роогас бу уйда у бегона одам эмаслигини тушунди. Кечи Хельви Пидрусларга узр айтиб қўйишини тайинлаганидан энди Роогас ажабланмади.

Пидрус диван столчаси устидағи нарсаларни йи-ғиштириб олди-да, дастурхон ёзиг чашкалар қўйди. Роогас бир вақтлар Хельви учун ўзи ҳам стол тузаганини эслади. Ўшанда у тўсатдан уникига кириб келганди, бу ташрифи учун ҳозиргача ундан миннатдор.

Хельви кофе олиб келди. Унинг кўзлари қизарган эди. Пидрус билан Роогас армиядан бўшагаларини, ҳар бир станцияда ҳаяллаб қолувчи поездда Таллинга имиллаб келгандарини эслашди. Гап нима устида кетаётганини Хельви дарров тушунди. Ахир унинг ўзи ҳам улар билан бирга эди-да.

ИККИНЧИ БОБ

1

Купеда улар олтловон ўтиришарди. Баланд бўйли, кенг елкали собиқ рота командири капитан Лапетеус, куни кечагина батальон адъютанти бўлган куйди-пишиди, тиним билмас Виктор Хаавик. Унинг елкасида янги лейтенантлик погонлари ярқираб турибди. Мовий кўзлари катта-катта санбатнинг ҳамшираси кўҳликкина Хельви Каартна. Собиқ батальон командири сиёсий бўлим ёрдамчиси яғриндор Оскар Пидрус. Уни

солдатлар одатда комиссар деб аташарди. Дивизия штаби офицери, хизматни Совет Армиясида давом эттирган майор Лаури Роогас. Олтинчи одам уларга нотаниш артиллериячи, старший лейтенант эди, чамаси поездга Тапада чиққан бўлса керак, улар вагонга чиққанда у купеда ўтирган эди. Эстончани билмагани учун сұхбатга қўшилмасди.

Андрес Лапетеус кенг, чўнг елкасини күпенинг де-ворига суюганча Хельви Каартнага кўз қирини ташлаб турар, ҳамма ишни ойдинлаштирадиган сұхбатни ортиқ пайсалга солмаслиги даркорлигини яна бир бор ўйлар эди. Кейин хаёлидан, ҳадемай поезд Кехрага етиб келади, деган фикр лип этиб ўтди. У завъланиб кетди, фикрлари хаёлидан учди. Лейтенант Хаавик унга мурожаат қилди:

— Капитан,— у алланарсани сўрамоқчи бўлган эди, лекин Лапетеус унинг сўзини бўлди.

— Қўй энди бу одатингни, Виктор. Уйвонни тилга олма. Эсингдан чиқарма, биз демобилизация қилинганимиз. Тушуняпсанми, де-мо-би-ли-за-ция,— деди у дона-дона қилиб.— Гражданлармиз. Бунга кўникишинг керак.

— Дарров кўнишиб бўлмайди,— деб луқма ташлади майор Пидрус. У қўлларини кўксисда чалмаштиранча, гоҳ биттасига, гоҳ бошқасига тикиларди.— Мен мундирни қозиққа иладиган кун келишини энг бахти кунни кутгандек зориқиб кутган эдим, энди шу кун келганда негадир довдираф қолдим.

Лейтенант Хаавик қаҳ-қаҳ отиб кулди. У жуда ёш кўринарди, қорайган юзидан соғломлик ва гайрат ёғиларди.

Кулганида бақувват, садафдек оппоқ тишлари кўриниб кетарди.

— Менга сен бари бир капитансан. Ҳозир капитан бўлмасанг ҳамки, сени капитан дейишимни тақиқлаб қўёлмайсан.

Кулишди.

Хельви Каартна, Лапетеус мен учун ҳам доимо капитанлигича қолади, демоқчи бўлди-ю, лекин ўзини тутиб қолди. Чунки Andres ўзини босиқ тутарди.

— Сизнинг бошингизга тушган иш менинг бошимга тушганида абгор бўлардим,— деди майор Роогас.— Унда ҳолим нима кечади? Ахир мен ҳарбий ишдан

бошқа ҳеч нарсага ўқимаганман-ку, очигини айтсам, бу менинг эзгу ниятим.

Хельви Каартна бошини чайқади.

— Гапларингизга ишонмайман. Уруш бирор одамнинг эзгу нияти бўлиши мумкин эмас, айниқса сизнинг.

— Укситманг мени. Ўрта мактабни битиргач, мен аспирантлар курсига¹ кирдим, у ердан ҳарбий мактабга ўтиб ўқидим, мактаб қучоғидан урушга кетдим. Ўқиб турганимда биринчи йили пулемёт ротасида хизмат қилдим, иккинчи йили ҳарбий мактабда взводга командир бўлдим. Армия менинг уйим, мактабим, ишхонам эди. Дарҳақиқат, уруш эзгу ниятим эмас. Буни Великие Луки остонасида ҳис қилдим. Уруш—маршлар, пулемётларни шошилинч бузиб-йигиши, тактик машғулотлардаги қунт билан чизилиб шартли белгилар қўйилган ва чизиқлар тортилган ҳужум схемасидан бошқа нарса эканлиги менга аён бўлди. Аниқроғи, менинг ниятим ҳарбий ўқишига ёрдам беришдир.

Майор Роогаснинг ҳарбий ўқишига ёрдам бериш тўғрисидаги гапи ҳамманинг кулгисини қистатди. Умуман, улар бўлар-бўлмасга хоҳолаб кулишар эди. Фақат Роогасгина ўзини сипо тутди, у одатдаги хизмат юзасидан Таллинга кетаётган эди. Армиядан бўшаган бошқалари эса қисмлардан жўнаб кетишаётган эди.

Андрес Лапетеус деразага кўз ташлади-да:

— Кехра,— деди.

Хаавик яна:

— Капитан,— деб гап бошлаган эди, Лапетеус яна унинг сўзини бўлди:

— Бас қил, Виктор.

Пидрус яна ўз гапини маъқуллади:

— Дарров кўнишиб бўлмайди.

Хельви Каартна Andresга қараб қўйди-да, чиндан ҳам кўнишиб осон эмас, деб ўйлади. У Andres билан кўз уриштироқчи бўлиб ҳар қанча уринса ҳам бўлмади.

— Капитан, сени қаёққа ишга юборишларини билсанг керак-а?

¹ Бу курсларда буржуазия Эстониясида кичик офицерлар тайорлашарди.

Бу сафар Хаавик шу қадар тез гапириб ташладики, Лапетеус унинг сўзини бўлолмади.

Хельви билан Пидрус хохолаб кулишди. Лапетеус ҳам мийигида кулиб қўйди. Майор Роогас жилмайди.

Лапетеус ўзини Хельви кузатиб турганини пайқаб, кўзини опқочди. Шу заҳотиёқ унинг назаридаги кўзини опқочганини Хельви англагандек бўлди-ю, ўнгайсизланди. Энди унинг ўзи у билан кўз уриштиришнинг пайига тушди, лекин бу сафар Хельви юзини тескари ўгирди. Наҳотки Хельви фаҳмлган бўлса?

— Иш бўлса топилар,— деди у Хаавикка мужмал қилиб. Нафсилаэр, аниқроқ бир нарса дейлмасди ҳам, чунки бу хусусда ҳеч ерда гап очмаган эди. У иш хусусида ташвишланмаслиги кераклигини биларди, ҳар қандай бўлгандаги ҳам бирор ишнинг бошини ушлайди. Шундай деб яна Хельвига назар ташлади, лекин бу сафар у мақсадини тушунган-тушунмаганинги ажратолмади.

— Сиз ҳар ҳолда партия секретари бўлсангиз керак?— деди Хаавик майор Пидрусга мурожаат қилиб.— Сиз комиссар эдингиз, горком ёки укомга секретарь бўлсангиз, жуда узукка кўз қўйгандек бўларди. Хато қилган бўлсам, жазони енгилроқ беринг. Бугун тилим қичиб турибди. Мана, ниҳоят, кўнгилсиз, машақатли кунлар орта қолди, олдинда бизни кўнгилли, янги-янги нарсалар кутмоқда, одам нуқул беҳуда гапларни гапиргиси келади.

Роогас эътиroz билди:

— Шу пайтгача сув ичиб келган қудуғингизга тупурманг.

Хаавик савол назари билан қараганини кўриб, иловава қилди:

— Армияни назарда тутяпман.

— Қурол осиб юрган тўрт йилимиз ҳаётимизда энг мазмунли йил бўлган бўлса керак,— деди Лапетеус ва яна Хельвига қаради. Кўзи унинг кўзига тушди, шундай улар бир-бирларининг кўзларига синовчан қарашди. «Хельви бугун галати-я,— деб ўйлади Лапетеус ичида.— Ахийри фаҳмлади». У Хельвини таҳқиrlamoқчи эмасди, ўйқ, асло бундай нияти ўйқ эди. У ажойиб аёл, Лапетеус, ҳамма иш хамирдан қил суғургандек силлиқ битишини, унинг олдида юзи шувут бўлиб қолмаслигини истарди. Бироқ айбини сира бўйнидан

соқит қилолмасди. У Хельвига ҳеч нарса ваъда қилмаган, қасам ичиб оёқ-қўлини боғлаб бермаган эди. Улар осонгина топишиб кетишгандек эди. Қани энди бу яна шундай осонгина тугаса! Бироқ Лапетеус бу шундоқ ўз-ўзидан тугамаслигини сезарди. Муносабатларининг бундай тугаши гайритабиий эди. Шунинг билан бирга Хельви билан бир ёстиққа бош қўйиш тўғрисидаги фикрни ҳеч ақлига сифдиролмасди.

— Мен бундай деб ўйламаган эдим,— деди Хаавик.— Мен Совет Армиясини кўзда туттагим йўқ эди. Биз ажойиб ишлар қилдик. Жанговар биродарликни, фронтдаги дўстликни ҳам кўзда тутмагандим. Мен фашистлар Германияси очган қирғинбарот урушни назарда туттандим.

— Жанговар биродарлик, фронтдаги дўстлик, қирғинбарот уруш. Сиз баландпарвоз гапларни яхши кўрасиз,— деди Пидрус.

— Гуноҳкорман, тан олдим,— деди Хаавик. Шунда навқирон чехраси табассумдан ёришиб, садафдек тишлари ялтираб кетди.— Биз тарқалиб кетамиз, дўстлигимиз эса қолади. Мен фақат пойттахтга кетаётган ўзимиз тўғримизда эмас, бутун батальонимиз тўғрисида гапиряпман. Бутун дивизиямиз ва бутун корпусимиз тўғрисида гапиряпман. Келажакда биз қаерга бормайлик, у ерда бизнинг дўстларимиз, яхши таниш-билишларимиз бўлади. Қачонларидир бир котелокдан шўрва ичган, нону ўқингни баҳам кўрган одамларинг ҳозир партия комитетларининг секретари, ижроия комитетларининг раислари, милиция бошлиқлари, фабрика директорлари, магазин мудирлари...

— Сен бизга роҳат-фароғат ваъда қиляпсан-ку,— деб Лапетеус унинг гапини бўлди.

Оскар Пидрус Хаавикка қизиқсиниб қараб турарди.

— Сиз қандай лавозимга интиляпсиз?

— Иш таилаб ўтирамайман, Совет ҳукуматига қарда керак бўлсам, ўша ерда ишлайвераман.

Лапетеус унга тегажаклик қилди:

— Совет ҳукуматига фақат бошлиқларигина керак эмас.

— Ахир мен сизларнинг орангизда энг кичкина бошлиқман-ку,— деди Хаавик ва тиржайиб яна бақувват тишлирини кўрсатди.

У бепарво гапирса ҳам, ҳақиқатда келажак уни ташвишга солар эди. Лейтенантнинг ҳозирги вақтда запасдаги лейтенант Хаавикнинг кўнглини иш топаманми, йўқми, деган фикр безовта қилаётгани йўқ эди. Иш ҳамма ерда топилади. Худди шу ишнинг кўплиги уни асабийлаштиради. Хаавик ўзининг қобилияти ва гайрати зўрлигини билар, қўлидан қандай ишлар келишини исботлаш иштиёқида ёнар эди. Шу билан бирга қандайдир хилватгоҳда кенг қулоч ёзомласлигини ҳам яхши биларди. У Пайдада туғилган эди, ҳаётининг охиригача бундай кичик шаҳарда ивирсиб юришини ўйлаганда эти жимирилаб кетарди. Хаавик Таллинга интиларди. Ишнинг қандайлиги унга аҳамиятсиз бир нарса, унинг учун ўз тақдирини боғлайдиган идора ёки корхонанинг қаердалиги муҳим. У армияда ҳар қандай топшириқни уddaлаб бажарганидек, дуч келган ишни уddaлай олишига ишонарди. Оддий аскардан батальон адъютанти даражасига кўтарилиди, агар уруш тугаб қолмаганди, у ҳозир Роогас сингари дивизия штабида хизмат қиласиди. У баъзи ерларга кириб ёғлироқ жойларни суриштириб кўрди, бироқ аксига олиб уни Вирага, Ракверага ёки Хаапсалага таклиф қилишарди. Агар шуни лозим кўрсалар, бу овлоқ жойларга ҳам бораверади, лекин нима учун хилватгоҳга фақат уни юборишади? Наҳотки шаҳарда серғайрат, уddабурон одамлар сероб бўлса? Хаавик ўзининг бахтсизлигини унвонининг пастлигига кўрарди. Негадир у лейтенантларни «изгитиб қўйишади», деб ўйларди. Бу ғалати таъбирнинг маъносидан унинг ўзи қўрқарди. Капитан ва майорларнинг йўриги бошқа. Таллин, нари борса Тарту. Полковникларни-ю, гапир масаям бўлади. Уларга ҳамма ерда эшик очиқ. Ҳатто ҳалқ комиссари курсисига ҳам ўтиришлари мумкин. Гарчи ҳалқ комиссари курсисига ўтирмаса-да, биронта катта корхона директорининг ёки марказий муассаса мудирининг дуб столини әгаллайди. Бундай лавозимда одам дарров ўзини кўрсата олади.

— Мен фабрикага қайтаман,— деди Хельви Каартна.— Балки энди котон машинасини оларман. Урушдан олдин беришмаганди. Бу сафар слмай қўймайман.

— Сиз ҳамширасиз-ку,— деб эслатиб ўтди майор Роогас.

— Уруш мени ҳамшира қилди. Тинчлик пайтида бундай нўноқ ҳамширалар керак эмас. Мен тўқимачилик ишига астойдил меҳр қўйганман.

— Сиз яхши ҳамширасиз, яхшигина врач бўлишингиз ҳам мумкин,— деди Оскар Пидрус.

Бу ганини Андрес Лапетеус ҳам айтиши мумкин эди. Буни Хельви худди ундан кутган эди. Унинг яхши ёки ёмон ҳамширалигини ўтирганлар ичиде Андрес билан Роогасдан бошқа ҳеч ким дурустроқ билмасди. Иккавининг жароҳатиши у боғлаган эди. Бу воқеа Великие Лукида Андреснинг взводи қуршовга тушиб қолганда рўй берган эди. Мина парчалари Андреснинг елкасини титиб юборган эди. Андрес урушнинг орқа томонига жўнашта розилик бермаганди. Лапетеус ўшанда ўзини қандай тутганини Хельви жуда яхши эсларди. «Суягим бутуним?» — деб суриштирган эди у. «Бутун», деб ишонтирганди уни Хельви. «Бундан чиқди, ногирон бўлиб қолмас эканман-да? — деб давом этганди Андрес.— Бир-икки литер қон кетгани билан ҳеч нарса қилмайди». «Ҳали узоқ умр кўрасиз», деб кулганди Хельви. Унинг назарида новча, кенг елкали бу офицер сал-пал юраксизлик қилаётгандай туюлган эди. Бироқ Андрес қўрқоқлик қилмаганди. Буни Хельви у санитар батальонидан ўз полкига қайтишга жазм қилганда дарҳол тушунганди. Уларнинг танишликлари шу вақтдан бошланганди. Лекин, мана, ҳозир Андрес гиқ этмади. Илгари эса врачликка ўқиш тўғрисида худди Пидрусдек гапиради.

Хаавик валдирарди:

— Мен сизни «Қизил Кильгас»¹нинг ёхуд «Пролетар пўлат ипи»²нинг директори лавозимида кўриб турибман. Мен сизни паноҳ тортиб бораман-да, чулки ундириб келаман.

У Хельвига қўй кўзларини мулојим сузиг қараб турарди. Хельви Каартна ҳузурида у тўлқинланиб кетарди. Мабодо Хельви билан Андреснинг ораси бузилиб кетса, Хельвини албатта қидириб топаман, деб ўйларди.

¹ Қильгас — буржуа ҳокимияти даврида тўқимачилик фабрикаси әгасининг фамилияси.

² «Пўлат ип» — ип ишлаб чиқарадиган фабрикасинг номи.

ларди. Ҳар қалай у пайтда Хельви шаштидан тушиб қолар.

— Сиз чулки киймасдингиз шекилли?.. — деб Роогас уни узиб олди.

2

Бу гапни жуда ачитиб айтди. Бунчалик ачитишни у хоҳламаган эди, боз устига, ҳозирги дилкашликка бундай аччиқ гап мос тушмасди.

Майор Роогас Таллинга таъби хира тортиб келмоқда эди. Бу ерда уни ҳеч ким кутмаслигини билганидан бошлаб шаҳарга келишга кўнглийўқ эди. У ҳатто хизмат юзасидан Таллинга бўладиган командировкаларга ҳам чап берарди. Бу сафар у ўрнига бошқа одамини жўнатишнинг иложини қиломади. У уйига қадам босмасликка жазм қилди. У ерда нима ҳам қилсин, жиҳозларини чанг босиб, ҳувиллаб ётиби. Корпус штабининг ошонасида овқатланади-ю, биринчи поезд билан жўнаб кетади. Йўқса, ҳаяллаб қолдими, бас, албатта Кундер кўчасига бориб қолади.

Майор Роогас тўғрисида, иродаси кучли, ўзини идора қила олади, дейишарди. Баширасига қараб бундай деб бўлмасди. Чехрасининг тарҳлари майнин, тиниқ кўзлари хаёлчан, қомати ҳам офицерга хос бўлмаган нозик эди. Эҳтимол иродаси кучли, ўзини идора қила олади, деган баҳо унчалик ҳақиқатга тўғри келмас... Лекин хизмат характеристикаларида у тўғрида шундай ёзилган эди. Унинг тўғрисида сирини бой бермайди, дейилса тўғрироқ бўларди. Гам-ғусса ва азоб-уқубатларини ичига ютиб, ҳеч кимга билдирилас, ҳақиқий, арзигулик қувончларини бошқалар билан камдан-кам баҳам кўрар эди. Шунга қарамай Роогас қандайдир одамови зоҳид эмасди. Одамлар ҳам ундан қочмасди. У ўзини эл қатори тутарди: кўнгилли суҳбатни қадрлар, улфатчиликда ичкиликдан бош тортмас, бажонидил ўйинга тушар, илтимос қилишса ашула ҳам айтиверар эди. Уни яхши ўртоқ ҳисоблашарди, аслида ҳам шундай эди. Майор Лаури Роогас риёкор ёки қаллоб одам эмасди, лекин кўнглидаги гапни сира ошкор этмасди. Урушдан бир ярим йил олдин уйланган хотини Швецияга қочиб кетганда ҳам у ҳеч кимга шикоят

қилмади. Унинг нима учун қочганига Роогас ҳеч тушунолмасди. Ахир Велли уни севарди-ку. Ҳар нима бўлса ҳам кутаман, деб онт ичган эди-ку. Лекин кутмади. Мағрур майор Роогас қариндош-уруглари ёки таниш-билишларидан, Велли ўзига биронтасини топиб олдими-йўқми, деб суриштирмади ҳам. Ҳатто хотинининг холасидан ҳам ҳеч нарса сўрамади. Ҳолбуки хотини шу холасидан сир бекитмас, ҳаттоқи ораларидан пайдо бўлган илк севгиларини ҳам унга ишониб айтган эди. У фақат кекса кампирнинг эзмалик қилиб, Велли сизнинг суратингизни каравоти тепасидаги столчага қўйиб қўярди, поймол бўлган баҳтига куйиб йиғлагани йиғлаган эди, деб айтган гапларига қулоқ солиб ўтириди-да, қисқагина: «Миннатдорман», деди. Роогаснинг ўзини тутиши кампирнинг эсхонасини ўйнатиб юборди, шу-шу ундан кўнглини узди. Роогас ўзига-ўзи, хуллас, Велли жўнашга қарор қилиб менинг ва ўз мамлакатининг баҳридан ўтган экан, демак, бирор сабаб бўлса керак, деди. Борди-ю, Веллида шундай сабаб бўлган бўлса, қораси ўчини!

Майор Роогас хотинини унутмоқчи, уни қалбидан юлиб ташламоқчи бўларди-ю, бироқ бунинг уддасидан чиқолмасди. Ҳисларини жиловлашга, улар устидан ҳокимлик қилишга уриниш, Таллинга қайтиб келганида учраган зарбасининг нақадар кучли бўлганини одамлардан яшириш унга арzon тушмади. У саботсиз бўлиб қолди, баъзан салга тутақиб кетарди. Ҳозир лейтенант Хаавикнинг бегараз валақлаши унга шу қадар қаттиқ ботдики, ўзининг хушфеъллигини унутиб қўйди.

Хельви Каартна Роогаста ҳанг-манг бўлиб қаради. У майорнинг хотини тўғрисида ҳеч нарса билмасди, лекин унинг мутлақо жиддий гапираётганини кўнгли сезиб, Хаавикка шундай деди:

— Овора бўлманг. Сизга чулки бермайман.

Андрес Лапетеус:

— Раззику станцияси,— деб қўйди.

— Фронтда топган дўстни унутиш — катта гуниҳ,— деди Виктор Хаавик хушчақчақлик билан, ҳамон Хельвига тикилиб турганча ўзини ҳимоя қилиб.— Билмадим, Данте бундай жиноятчиларни қаерга жойлаган бўларди,— улар тўғрисида у аниқ гапирмайди,— бироқ, менимча, улар оддий сотқинлар қатори

жазо олишлари, чунончи, дўзахнинг тўқизинчи қаватига ташланишлари даркор.

— Омадингиз бор экан, ўртоқ Каартна,— деди Пидрус.— Лейтенант сизни Люцифернинг комига рўпара қиласдими, деб қўрқиб турувдим.

— Социалистик мулкни талон-торож қилганларни нима кутади?— деб мурожаат қилди унга Хельви.

— Ленин уларни отиш керак, деган,— деди Пидрус.

— Ана кўрдингизми, ё Люцифернинг комига рўпара бўлишим, ёки отилишим керак экан.— Хельви Хаавикка ўтирилиб қаради:— Сиз бўлсангиз директорлик лавозимини таклиф қиляпсиз!

Кулишди.

Андрес Лапетеус мен Хельвининг кўнглини оғритмаслигим керак, деб ўлади. Йўқса, абллаҳлик қилган бўламан. Ораларидағи муносабатлари ё осонгина барҳам топади-ю, шу билан улар дўстона ажралишади, гина-кудуратга ўрин қолмайди, ёки бундан кейин ҳам давом этаверади. Башарти Хельви астойдил истак билдира, ҳаётини бошқача тасаввур қилолмаса, унга уйланади.

— Кечиринг мени, мен сизни Люцифернинг комига ҳам, дўзахнинг тўқизинчи қаватига ҳам жўнатмайман, чулкига ҳам бормайман,— Хаавик Хельвига мулоиймгина жилмайди.— Носки сўраб ҳам бормайман. Ахир энди карточка оламиз-ку, ҳамма ишларимиз қонуний бўлади. Лекин фронтда орттирган дўстларни яна дақки ейманми, деб баландпарвоз гапларни айтишга юрагим дов бермаяпти, фронтда орттирган дўстларни қаерда бўлмайлик, нима иш қилмайлик, унумаймиз. Сизни эса унтиш қўлимдан келмайди.

У Лапетеусга ўтирилди-да, яна сўради:

— Шундай қилиб, ҳеч нарса билмайсанми? Ҳатто Таллинда ўнашиб қолишингни, ёки ўзингни бепоён ўрмонга, ёхуд сокин далалар қўйнига уришингниям-а?

— Сен ҳақ гапни айтдинг,— деди Лапетеус.— Уруш вақтида дўстлашган одамлар бир умр дўст бўлиб қоладилар.— Andres Хельви билан кўз уриштириб олди-ю, унга жилмайиб қўйди. Хельви ҳам жилмайди.

Оскар Пидрус буни кўрди-да: «Лапетеус яхши хотинга уйланади», деб ўлади.

Роогас Кундер кўчасида уни қабристондек тинч, бефайз уйи кутаётганини ўйлаб турганини билиб қолди-ю, ўзини зўрлаб Хаавикка гап отди:

— Армияда қолишингиз ҳам мумкин эди.

— Мен сизга ўхшаб профессионал ҳарбий эмасман. Уруш пайтининг йўриги бошқа. У вақтда эркакларнинг жойи армия. Мен очигини айтсам, фронтга кўнгилли бўлиб келганман. Бир минг тўқиз юз қирқ биринчи иили... Эндиликда Германия билан Япония таслим бўлгач, Совет Армияси менга ўхшаган командирларга зор эмас. Тинчлик вақтида олти ойлик курслар етарли эмас. Ҳа, бу гап эриш туюлса ҳам, рост.

Роогас ўз хаёлларидан халос бўлиш учун тилга кирди:

— Сиз ҳали ёшсиз. Олдингизда ҳарбий мактабларнинг эшиги очиқ.

— Энди фурсат ўтди, ўртоқ майор. Бу тўғрида илгари ҳам мен билан суҳбатлашган эдилар. Армияда ҳарбий ишга жон-дилидан қизиқсанларгина қолгани маъқул. Сиз айтгандек, иштиёқи борлар. Тинчлик вақтида менда бундай иштиёқ йўқ.

— Сизда нимага иштиёқ бор ўзи?— деб гапга аралашди Пидрус.

Виктор Хаавик келажагини аниқ ўйламаган эди. Қачонлардир электротехникага қизиқарди, ҳатто политехниумга ҳам кирмоқчи бўлганди, бироқ отаси юристлик касбини шу қадар мақтаган эдики, у электромонтёрликка ўқишидан воз кечди. Адвокат судда, савдода, ҳар қандай корхоналарда, жамият ташкилотларида, ҳуллас, ҳамма ерда ишлаши мумкин. Адвокатлар шаҳар бошлиқлари, уезд оқсоқоллари, банк кенгашининг аъзолари, газета ноширлари, Давлат думаси аъзолари бўлишган. Адвокат ҳатто президентликка иштарилган. Унинг тегирмончи отаси, кичкинагина уй эгаси шундай дерди. У ёшлигига кўп нарсаларни орзу қилган эди. Қирқинчи ўйл Виктор Хаавикнинг қанотини қайириб қўйди. Бутун газеталарда сиёсатдан адвокатларни расвойи раддибало қилишди. Хаавик олдига янги мақсадларни қўймаса ҳоли хароб бўлишини тушунди. Унда боши гўрга киргунча кичкинагина шаҳарда гафлатда қолиб кетади, фақир-фуқаронинг бемаъни кирдиорлари билан шуғулланади. Унинг бирдан-бир кўнгил очиши шу бўлади. Гимна-

зияни тамомлаганидан кейин Виктор Ҳаавикни, унинг гапига қараганда, шаҳар ижроия комитетига масъульиятли ишга чақиришибди. Уруш уни узоқ жойларга олиб кетибди. Энди у Пайдада шаҳар бошлиги лавозимига ҳам сира рози бўлмаеди. Ҳаавикни ҳеч қандай касб астойдил қизиқтирмас эди, у шундай жойга интилардики, токи бу ерда кенг қулоч ота билсин, қўлини қаёққа узатса, етсин. Пидруслага у шундай жавоб берди:

— Мен нимага иштиёқим йўқлигини билмайман. Мен тенги ёроқ нимага ҳавасим зўрлигини билмайман. Мен тенги ёшлар бошига тушган фалокат шуки, айни касб тандайдиган вақтда жанг майдонида бўлганлар.

Ҳеч кутилмаганда майор Роогаснинг хаёлига, уйимни Каартна билан Лапетеусга таклиф қила қолай, деган фикр келди. Унинг ўзи майда-чўйда нарсаларгача Веллини эслатадиган уйда тура олмайди. Бошқа хотин билан ҳам туролмайди.

— Сенинг нимага ҳавас қўйганингни билмайман,— деди чўрт кесиб Лапетеус.— Сен кадр, яна раҳбар кадр бўлмоқчисан. Башарангни буриштирма, ҳаммамизни, сени, мени, Пидруслини ва Каартнани кадрлар деб ҳисоблашади.

Лапетеус калака қиляптими ёки жиддий гапиряптими, Ҳаавик дарров билолмади.

Лапетеус Хельвининг номини тилга олмаслиги Пидруслага ғалати туюлди.

— Ҳа, бизларни кадрлар деб ҳисоблашади. Бироқ аллақандай раҳбар кадрлар эмас, маълум ишни бажарадиган одамлар деб ҳисоблашади,— деди у Андрес билан Хельвига кўз югуртириб.

— Менинг касби корим йўқ,— деди Ҳаавик тезгина.— Бу ҳам мен тенгиларнинг кўргилиги. Албатта, курашдан четда қолмаганларнинг.

3

Поезд Таллин вокзалида тўхтаганда Андрес Лапетеус Хельвига:

— Чамадонингни менга бер,— деди.

Унинг фақат юк халтаси бўлиб, уни елкасига осиб олган эди.

— Раҳмат. Оғир эмас.

— Беравер. Сени кузатиб қўяман.

Хельви бошқа сўзларни кутарди. Бундай сўзни энтишидан умиди бўлмаса ҳам бари бир кутарди. Ҳеч нарсага қарамай кутган эди. Ҳатто ҳозир вагон коридорида, тиқилинчда ҳам.

— Чамадон деярли бўш. Мен кечанинг ўзидаёқ ҳамма нарсаларимни шаҳарга жўнатган эдим.

— Бундай чамадонни бўш бўлса ҳам кўтариш осон эмас. Елкангдаги тасма буралиб қолибди. Шошма, тўғрилаб қўяман.

— Раҳмат.

Хельви чамадонини ўзи кўтариб кетди.

— Ҳаво мунчаям яхши-я. Таллин гул-гул очилиб, бизни қулоқ очиб кутиб оляпти,— деди Андрес Лапетеус, ҳозир у қандай бўлмасин бир нима дейиши керак эди-да.

Хельви индамади. У Андреснинг елкасидан сал баланд эди.

Улар вокзал олдидағи майдонга чиқиши. Дараҳтлар узра томларнинг ва Вишгород минорасининг тепасидаги кунгуралар кўринарди.

— Хайрият, Вишгород зарар кўрмабди.

Бу гапни ҳам Лапетеус айтди. Кейин илова қилди:

— Жанглардан кейин Таллинга биринчи бор келганимда қаттиқ ҳаяжонга тушган эдим. Юз километр йўлни уч соатда босиб ўтгандик. Кўпrikлар бузиб ташланганди. Сувдан ўтаётганимизда машинамиз тиқилиб қолди. Анча вақт қолиб кетдик. Шуниси қизиқки, шаҳарга яқинлашганимиз сайин ҳаяжоним пасая борди. Кейин кўнглим жойига тушди-қўйди. Биз тўғри шаҳарнинг марказига ўтиб кетдик. Мен ратуша олдида машинадан тушганимда бу ерда уч йил бўлмаганим сира билинмади.

Минора майдонига етганларида Хельви тўхтади.

— Хайр,— деди у қўлини узатиб.

Андрес унинг қўлини маҳкам қисди.

Икковлари учун бу жуда оғир дам бўлди.

— Қаҷон кўришами?

— Қайдам. Ростдан ҳам билмайман.

— Беш-олти кундан кейин, ижозат этсанг, сени қидириб топаман. Ҳозир нима қилишимни билмай боним қотиб қолди. Мени қаерга ишга тайинлашади, иҳволим нима бўлади, бу мен учун қоронги.— У биз-

нинг ақволимиз нима бўлади, демади.— Қўлим төкани ҳамоно сени кўргани бораман. Ҳар қалай, чамадонингни берсанг бўларди.

— Ҳожати йўқ, Andres. Хўп, хайр. Мен шошиб турибман. Ойимга соат ўн бирда етиб бораман, деган эдим. Уни куттириб қўйишга кўнглим йўқ.

Хельви ўнгга бурилди-да, худди ёв қувандек жадал, майда қадам ташлаб жўнаб қолди.

Лапетеус унинг орқасидан узоқ вақт қараб турди-да, кейин нари кетди. Таъби тирриқ бўлди. Жуда расво иш бўлди-да ўзиям. У ўзини Хельвининг олдида гуноҳкор ҳис этар, ҳатто абллаҳ ҳисобларди.

У Хельви ҳамма нарсани ойдинлаштирадиган сўз кутганини англади. Бироқ бундай сўзни айтишга унинг журъати етмади. Ахир икки йилдан ортиқ бирга яшаб, унга дунёда сендан азиз одам йўқ менга, деб қайта-қайта гапирган одамига қай юз билан энди орамиз очиқ, деб айта олади?

Andres Lapeteus Хельвига севгисини баён қилганда алдамаган эди. У вақтда Хельвини севарди. Ҳали поездалигидаёқ шундай дамлар бўлдики, Andres Lapeteus ахир Хельвини севмайман, деб ўзимни ўзим алдаётibман-ку, деган ўйга бориб қолди. Энг тўғри иш унга уйланиши кераклигини у биларди. Бироқ кўпинча бунинг аксини ўйларди.

Бир йил муқаддам эртами-кечми уйланиши табиий ишдек кўринарди. Тўй тўгрисида Хельви иккови сира оғиз очмаган. Уларнинг севгилари қандайдир қишлоқ советида расмий қайд қилиндими-йўқми, бунинг Andresiga заррача аҳамияти йўқ эди. Хельвининг ўзи ҳам бу тўғрида сира оғиз очмасди, у Andresни севар, шунинг ўзи унга кифоя эди.

Бир йил муқаддам очиқ-ойдин бўлган нарса эндиликда ноаниқ бўлиб қолди. Хельвига уйланишим нотўғри бўлса-чи, деган шубҳа Andresning кўнглида Курляндиядаги жанглардан кейин пайдо бўлган эди. Уруп тугаб, улар гулларга кўмилиб, Рига ва Пирнудан ўтиб, Таллинга тантанавор саф тортиб кетишаётганда ундаги бу шубҳа кучайди. Аввалига Andres Lapeteus кўнглидан бу шубҳани қувди. Улар шарафига Пирнуда уюптирилган кечада у фақат Хельви билан танца тушди ва ўзини яқинда севиб қолган одамдек тутди. Хельви ҳатто ундан сенга бир нарса бўлдими,



деб сўради ҳам. «Уруш тугади,— Andres уни меҳр билан багрига босди.— Бизнинг севгимиз эса яшнаб турибди. Бизнинг муҳаббатимиз урушдан ҳам, фашизмдан ҳам кучли». Шундай деган эди у. Улар бирбирларига жилмайиб қарап, ниҳоятда баҳтиёр эдилар.

Бироқ бу хато, унга йўл қўймаслик керак, деган фикр зўр чиқди. Бу фикр тобора кўнглида кучайиб, уни вассасага соларди. Лекин Andres Lapeteus Хельвини ташлаб кетишм абллаҳлик бўлади, деб яна ўзини ишонтиради. Аксари одамлар армияда хизмат қилган аёлларга ёмон кўз билан қараса нима бўпти, Хельви энг оғир вақтларда унинг ёнида бўлди, меҳр-муҳаббати билан унинг жонига ора кирди, кўнглини кўтарди, унга дўст, ўртоқ, хотин сифатида хизмат қилди. Хельви уни ҳамон аввалгидек севар, ҳеч нарса тами қилмас эди, бундан Andres уялиб ерга кириб кетай дерди.

Хуллас, Lapeteus шубҳасига йўл очиб берди. У кучайиб, кўнглидаги эътиrozларига бўй бермайдиган бўлиб қолди. Офицерларни демобилизация қилиш бошлигач, Хельви билан узоқ муддатли учрашувлардан ўзини олиб қочиб юрди. Фронтдаги шарт-шароит уларнинг бирга туришларига монелик қилганидан Andres ҳозир хурсанд бўлди. Аэгвийдуда¹ турганларида бу ишни амалга ошиrsa бўларди-ю, бироқ улар қисқа муддатли учрашувларга кўникиб қолишган эди. Боз устига Хельвига уйланиш тўғрисидаги гумон Andresни қўйнар эди.

Баъзан Lapeteusning назарида Хельви унинг кўнглидаги ҳамма гапни очиқ-ойдин билиб тургандек туюларди. Бугун поездда ҳам худди шундай бўлди. Илгарилари уникига тез-тез меҳмонга келиб турарди, кейинги икки ой ичиди эса негадир қорасини кўрсатмади. Шу важдан Lapeteus ҳатто рашк қилди ҳам. Лекин рашки ноўрин, унга сира таъна қилолмасди. Бир сафар Lapeteus Хельви биронта билан бегараз бўлса-да, ошна тутинса соз бўларди, орамизни очди қилишга баҳона топиларди, деб ўйлаб қолди. Лекин шундай бемаъни ўйга борганидан ҳатто юраги орқа-

¹ Аэгвийдуд — Таллинга яқин жой, урушдан кейинги дастлибки кунларда бу ерда Эстония гвардия корпуси қисмлари турган эди.

сига тортиб кетди. Шундан кейин Хельвига хушмумо-
мала ва меҳрибонлик қиласидиган бўлиб қолди.

Хельвининг муҳаббати ўзиникига қараганда пок
ва кучли эканлигини тан олиш Andres Lapeteusga
оғир ботарди. Мабодо у хиралик қилгандга, таъна тош-
лари отганда бунчалик виждан азобига йўлиқмасди.
Бироқ Хельви унга бирор қарорга келишига гўё муҳ-
лат бергандек эди. Баъзан Lapeteus, ҳозироқ унинг
олдига бораман-да, кўнглимдаги ҳамма гапни унга
тўкиб соламан ва узр сўрайман, деб ўйлаб қоларди. У
ақлли, кўнгилчан аёл, унинг аҳволини тушунади,
кечиради, шундан кейин яхшиликча ажralиб кетиша-
ди. Бироқ Lapeteus Хельванини кўриши биланоқ бу ния-
тидан воз кечарди. У юзи шувут бўлганидан, Хельви-
нинг мовий кўзларига боқишига журъат қиломасди.

Andres ҳал қилувчи сұхбатни ҳадеб пайсалга се-
ларди. Умуман, бу тўғрида оғиз очолмаслигини у ҳозир
фаҳмлади. Ҳозир бундай қилишнинг ҳожати ҳам йўқ.
Хельви шундогам ҳамма гапга тушуниб олади.

Бундай хуносага келгани билан таъби равшан бўл-
мади...

Andres Lapeteus ўз фикрларига шунчалик берилиб
кетган эдики, ҳатто уни тўхтатмоқчи бўлган майор
Roogasni ҳам пайқамади.

— Кечирасиз,— деди Roogas,— сизда икки оғиз
галим бор эди.

— Бемалол,— деди Lapeteus у нима демоқчилиги-
ни топишга уриниб.

— Таллинда менинг уйим ҳувиллаб ётибди. Бор-
ди-ю, сизга кенг-мўл жой керак бўлса, бориб туришин-
гиз мумкин.

Бундай марҳаматни Andres Lapeteus ҳеч кимдан,
айниқса майор Roogasdan сира ҳам кутмаган эди. У
бўйни қизараётганини сезиб қолди.

— Раҳмат,— деди у.— Катта раҳмат. Лекин мен-
га турар жой керак эмас.

Lapeteusning галидан ҳайрон қолганини Roogas
билдирамади.

— Ундай бўлса, маъзур тутасиз. Соғ бўлинг.

— Яхши қолинг. Мени ўйлаганингиз учун раҳ-
мат.

Roogas кетмоқчи бўлиб турганида, бирдан тўхтади-
да, зарда билан:

— Мен фақат сизнингина ўйламаган эдим,— деди.
— Ундай бўлса... ўртоқ Каартна билан гаплашиб
куришт.

Иккови бир вақтда қўлини козирёгига теккизди ва
биравар қайилиб ўз йўлига кетди.

Andres Lapeteus хуноб бўлди. Roogasning сўнгги
сўзларини атайн ҳақорат қилинган деб ўйлади. Хель-
ви иккови орасидаги муносабат билан бошқаларнинг
нима иши бор-а? Ҳозиргина бўлиб ўтган можарони
қанча кўп ўйласа, ўзининг шунча кўп азият чекаётга-
нини ҳис қиласди.

Унинг фигони фалакка чиқиб бораради.

4

Эртаси куни эрталаб Lapeteus ғалати кайфиятда
ўрнидан турди. Аввало тонг унинг ҳафсаласини пир
қилди. Аниқроғи, кўзини очиб деразадан қўшни уй-
ларнинг томлари ва мўриларига кўз ташлаб чиқиб,
ахири шу кунга ҳам етдим, деб ўйлаганида кўнгли
совиди. Яна оддий фуқаро бўлди-қолди. Фуқаро —
қандай ёмон, ҳашаки сўз. Кайфияти ҳам ёмон. Армия-
дан бўшаганининг биринчи кунини кўз ўйигига келтир-
гандга, у кўп йилга чўзилган узоқ сафарини муваффа-
қиятли тугатган ва янги, янада олис сафарга отланган
одамдек хотиржам ва бардам бўлиб ўйқудан ўйгонар-
ман, деб хаёл қилган эди. Ҳаммаёқ ҷароғон, бепоён,
байрамдагидек кўркам. У эран-қаран кийинади, кофе
ичади ва ишни нимадан бошлишини бамайлихотир
мулоҳаза қиласди. Унда шубҳаю иккиланишлар йўқ,
ҳеч нарса уни қийнамайди, оромини бузмайди, кўнгли
нима исташини ўзи билади, ҳамма нарса ойнадек рав-
шан, у босиб ўтадиган йўл қизиқ ва нашъали. Бу те-
нилика чиқишдаги енгил, равон йўл эмас, балки кат-
та куч талаб қиласидиган сўқмоқ. Бу кунни у шундай
тасаввур қилган эди. Бироқ шу кун етиб келгач, La-
peteus ўзини бардам ҳам сезмади, руҳи ҳам кўтарил-
мади. Чакка томирлари бир маромда уриб турар, ҳам-
ма нарса ниҳоятда одми эди.

Lapeteusning кулгиси қистади, нима учун у қан-
дайдир кайфичноликни ҳис қиласин? Бугун-эрта демо-
билизация қилинишини ярим йил олдин билган эди-
ку. Ахир у севинчларини илгари баён этиб, эзгу

ниятларини батафсил ўйлаб, дабдабали режалар тузиб қўймабмиди?

Бу унга бир оз таскин берди, лекин кейин яна кўнгли ғаш бўлиб, юраги сиқила бошлиди.

Лапетеус кайфияти бузуқлигини ва хуноблигини ичкиликдан кўрди. Рост-да, кечак кечқурун армиядан қайтганларини яна ювишди. Роза ичишди-да ўзиям. Ҳаммадан кўп ўзи ичди. Шу важдан у ўзини-ӯзи койиди. Нима учун рюмка кетидан рюмка узмай кетмакет сипқорди? Пидруснинг гапини унтиш учун-да.

У жуда нозик жойига тегди. Аввал Ҳельви ҳаердагини сўради. Лапетеус елкасини қисди, Пидрус унга узоқ қараб турди-да, ниҳоят:

— Сен ё кўрсан, ёки қип-қизил ҳайвонсан,— деди.

Бу гапни шундай хотиржам айтдики, Лапетеус беихтиёр тошдек қотиб қолди. У Пидрусни дўст деб биларди, щунинг учун унинг гапи унга жуда ҳаттиқ ботди.

Андрес ароқни шимирап экан, ўзим пиширган ош, энди уни айланаб ҳам ичаман, ўргилиб ҳам, деб ўйлади. Яна бир неча рюмка ичди. Миясида фақат бир фикр: ҳеч ким Ҳельви икковимизнинг муносабатимизга тақилмасин, деган фикр айланарди. Ресторан ёпилиб, ўй-ўйларига тарқалишаётганда Andres ҳаяжонланиб Пидрусга юрагини ёрди:

— Ортиқ Ҳельвани севмайман.

Ҳозир эрталаб Andres Лапетеус ҳамма гапни эслади.

Майор Роогас билан бўлган машмашани ҳам хотирiga келтирди. Ҳойнахой Ҳельви у кўзини опқочаётганини, ҳал қилувчи суҳбатни яна галга солаётганини тушунди.

Лапетеус бу тонг ва бу кун унга хурсандлик келтирмаслигини тушунди. Бу аччиқ-тизиқ гаплар унтилгунча, юрак-бағрини эзив, ичини мушукдек таталайдиган азоб босилгунча ҳали бир неча кун ўтиши керак.

У район партия комитетига кетаётib йўлда ҳам шу тўғрида ўйлади. Қани энди одамларнинг бир-бирига муносабати очиқ ва ҳалол бўлса. Олижаноб ва ҳалол бўлиш учун куч керак.

У хаёлан: «Куч керак, куч керак, куч керак», деб такрорларди.

Лапетеус яна ўзидан кулди, у Викторга ўхшаб ба-ланциариоз гапларни ишлатяпти. Ҳаавик ўзини журналистикага уриши мумкин, у жанг тўғрисида бино-Иидеқ ёзарди, дивизия газетаси ва «Рахва Ҳяэль»¹ да ҳам қатнашиб турарди. Кейин хаёлига Ҳельвига ўйлисам, энг тўғри иш бўлмасмикан, деган фикр келди. Бу фикр гўё чиқишга қулагай фурсат кутиб миясининг аллақайси бир бурчагида яшириниб ётгандек эди.

— Йўқ, Ҳельви ўтган иш. Уруш ҳам худди шундай,—— Андрес Лапетеус ўзини-ӯзи шунга ишонтиарди.

Район партия комитетида уни кадрлар билан шугулланувчи секретарь Мадис Юрвен қабул қилди.

Лапетеус унинг фамилиясини эшитса ҳамки, уни танимасди. Бир қарашда Мадис Юрвен тўғрисида бирор нарса айтиш қийин эди. Баланд бўйли, қотма, қўй кўзлари ўткир, даҳани мулоҳимгина, тўмтоқ. Елкастор, қўллари тайрибий катта.

— Илгари сиз ўрмон саноатида ишлагансиз-а?

Секретарь унинг делоси билан танишиб чиқсан эди. Бу Лапетеусга хуш келди.

— Бир ярим йил Саареверда ўрмончилик хўжалигида ишлаганман. Сараловчи касал бўлиб қолган эди, сўнгги уч ой мобайнида унинг ўрнида ишладим.

— Партия сизни ўрмон саноати министрлигига юборишига қандайд қарайсиз?

Андрес Лапетеус уни ишга тайинлаш тўғрисида маслаҳатлашиб олишганини фаҳмлади. Бу ҳам унга манзур бўлди.

— Ўрмончилик ишига унча уқувим ўйқ. Дараҳт қулатишини биламан. Ўлчашдан ва кубометрдан бир оз хабарим бор. Лекин бу камлик қилади.

Мадис Юрвен бир оз ўйланиб ўтирида-да, сўради:

— Қайси ишни мукаммал биласиз?

Андрес Лапетеус ўрта мактабни тамомлагач, турли жойларда ёрдамчи ишчи бўлиб ишлаган ёки шогирдлик қилган эди. Бир йил банкада кичик амалдор ва дистёр ўртасидаги лавозимда ишлаганди. Бахтини ғиув машинкалари сотадиган магазинда агентлик ва вифасида ҳам синаб кўрган эди. Кейин ўрмонга ўтди. Совет ҳокимияти ўрнатилганлигининг биринчи йили Тонийўллар бошқармасида ҳисобчи — плановик бўлиб

¹ «Халқ овози», эстон республика газетаси.

ишлади. Унда ҳеч қандай ихтисос йўқ эди. Буни эътироф этар экан, Лапетеус Юрвен билан суҳбатлашни осон эмаслигини фаҳмлади. У дарров ишнинг моҳиятига тушуниб етадиган одамга духоб бўлган эди.

— Ўрмон саноатига ҳозир одамлар керак,— деб давом этди Юрвен.— У ерга сергайрат, одамларнинг ишончини қозона оладиган, ёғоч тайёрлаш планларини сўсиз бажаришини таъминлайдиган салоҳиятли одамлар керак. Ҳар вақтдагидек ишнинг муваффақиятини кадрлар ҳал қиласди. У ерда кадрлар масаласи чатоқ. Ўрмон саноатига ҳар хил қаланги-қасангилар йигилган. У ерда собиқ констебелларни, ҳатто полиция батальонларидаги каллакесарларни, хулласи қалом, хоҳлаган одамингизни учратишингиз мумкин. Шуни унутмаслик керакки, менга айтишларича, одатда маҳаллий кайтселийтнинг¹ бошлиқлари ўрмон хўжалигининг мудирлари бўлиб олганлар. Бундай кадрлардан яхши иш кутиш маҳол. Сизни осон ишга тавсия қилаётганимиз йўқ, ўртоқ Лапетеус.

Лапетеус Юрвеннинг таклифига эътиroz билдиrol-
маслигини сезди.

Улар узоқ суҳбатлашишиди.

Мадис Юрвен суҳбатни тугатаётиб шундай деди:

— Сиз ўртоқ Пидрус билан бирга хизмат қилганимисиз?

— Ўртоқ Пидрус бизнинг батальон командирининг сиёсий бўлим бўйича ўринбосари эди,— деди Лапетеус.

— Одамлар унга қандай муносабатда эдилар?

— Яхши. У дурустгина комиссар эди.

Юрвен алланарса тўғрисида ўйлаб олди-да, суҳбатта якун ясади:

— Бўпти, янги иш жойингизда муваффақият тилайман. Ишонамиздан, партия ишончини оқлайсиз.

Лапетеус ўрнидан турди-да, Юрвеннинг куракдек қўлини қаттиқ сиҳди.

У эшикка етиб қолай деганда Юрвен унга яна бир савол берди:

— Кечирасиз, Лапетеус, уйланганмисиз?

Лапетеус эран-қаран ўгирилди. Афтидан, савол шунчаки бегараз берилмаган эди.

¹ Кайтселийт — Мудофаа союзи, буржуа Эстониясида ҳарбийлашган фашистлар ташкилоти.

— Йўқ, ўртоқ Юрвен,— деди у бамайлихотир. Секретарининг ўткир кўзларида бир нарса чақнаб кетди. Қулгимиidi бу? Масҳарами?

— Хайр, ўртоқ Лапетеус.

— Яхши қолинг.

Андрес Лапетеус уйига кетаётиб йўлда Юрвен охирги саволни бекорга бергани йўқ, деб ўйлаб кетди. Ахир у унинг анкетасини ўқиган-ку. У ерда кўрга ҳасса қилиб «Бўйдоқ», деб ёзиб қўйилган. Нега Юрвен буни сўради?

Андрес Лапетеус район партия комитетига кетаётганда ҳам, у ердан қайтиб келаётганда ҳам эртагаёқ Ҳельвиини топиб, аллақачон айтиш лозим бўлган гапни айтишга ўзига-ўзи сўз берди.

Яна у, Ҳельвига уйланишим менга баҳт келтирмайди, деган гапни кўнглидан ўтказди.

УЧИНЧИ БОБ

1

Машина ҳалокати юз берган куни кечқурун Лапетеуснинг хотини Реэт ҳушига келди. Касалхонада эканлигини у дарҳол пайқади. Кўзини рўпарадаги оппоқ эшқинча тикканча, қимир этмай узоқ вақт ётди. Кейин бошини буриб бутун палатани кўздан кечирди.

Ёш, қотмагина, кўзойнак тақсан навбатчи врач кирди. У таскин бермоқчи бўлгандек жилмайиб, оҳисла тюриб келди.

— Аҳволлар қалай?

Реэт унга ялт этиб қаради-ю, жавоб бермади.

У беморниңг қўлини ушлаб, томир уришини санади. Тез урятти.

— Эрим... келдими?— деб шивирлади Реэт.

— Ҳозир олдингизга ҳеч кимни қўймаймиз. Бир неча кун сабр қиласиз.

Ен-веридаги каравотларда ётган беморлар гапга қулоқ солишиди.

— Барака топинг, эримга... директор Лапетеусга телефон қилинг, ёки битта-яримтага буюринг... Мен «Халқ маҳсулоти» комбинати директорининг хотиниман... Аҳволимдан уни хабардор қилинг... тузук, денг,

Реэт нафасини ростлаб олиб, давом этди:

— Телефон номери...

Врач тасалли бергандек яна жилмайди.

— Ўзингизни уринтиранг. Телефон номерингизни биламиш. Ҳаммаси ўтиб кетади. Лекин сиз касалхона-да икки ҳафта ётиш тўғрисидаги фикрга кўнишингиз керак.

У қаттиқ шикастланган бу аёлга меҳри товланаёт-ганини сезди. Реэт шивирлади:

— Миннатдорман сиздан.

Врач, стулни суриб, беморга яқин ўтирди. У bemор яна савол бериши мумкинлигини, уларга тасалли бе-рувчи жавоб қайтариши лозимлигини тушунди. Ҳозир унга бор ҳақиқатни ҳечам айтиб бўлмайди. Аввал у бир оз тузалсин, кучга кирсин, аҳволига кўниксин, ана ўшанда ётиғи билан эри ҳақида, ҳамроҳининг бо-шига тушган кулфат ҳақида галириши мумкин. Ҳам-ма гапдан хабардор бош ҳамшира, у ҳамроҳи эмас, ўйнаши, деди. Бироқ врач кўнглига бундай гапни кел-тиришини хоҳламади.

— Эртага сизни муфассал текширамиз,— деди у.— Очигини айтсам, бундан баттар бўлиши ҳам мумкин эди.

— Менга нима бўлган ўзи? Ҳеч қимиirlаёлмаяп-ман-ку.— Бирдан у безовталаниб, қўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Қаттиқ шикаст егансиз. Рентгенда текшириб кўрганимиздан кейин анигини айтамиз. Бошингиз билан қўлингизда кичикроқ жароҳатлар бор. Безовта бўлманг. Хавфли ёки ёмон аломат топганимиз йўқ.

Беморнинг бирмунча тинчиганини кўриб врач мам-нун бўлди.

Реэт дабдурустдан савол бериб қолди:

— Доктор! Айтинг-чи... ўртоқ Ҳаавикка нима бўл-ди? Мени олиб келаётган... Мухбир-чи?

— Уни бизнинг касалхонамизга олиб келишгани йўқ.

Реэт кўзини юмди. Ранги боши боғланган докадек оппоқ эди.

— Чанқагандирсиз балки?

Реэт бошини чайқаб, ташна эмаслигини билдири. Врач энди кетсам ҳам бўлар, деб ўрнидан турди. Энг мушкул саволларга жавоб берди. Ҳамшираларни яна

бир бор огоҳлантириб қўйиши даркор, токи тилларини тийиб юришсин. Бемаврид айтилган ноўрин сўз bemор-нинг аҳволини оғирлаштириши мумкин. Бўлим муди-ри аллақачон уларни огоҳлантирган, лекин яна ким силади дейсиз.

— Миннатдорман,— деб шивирлади яна Реэт.— Мабодо эрим келса, ёки телефон қиласа, аҳволи дуруст, деб қўйинг... Уни ёнимга киритинг, доктор. Мендан хавотир олманг. Мен уни кўришим керак. Дириектор Лапетеус ақлли одам, бир-биримиздан сир тутадиган нарсамиз йўқ. Эрим билан Ҳаавик... қалин дўст. Сиз эримнинг келишига руҳсат этасиз-а, доктор?.. Унга хабар қилгандирсизлар?.. Иш жойининг телефони...

— Ташвишланманг. Лозим топилган ишларнинг ҳаммаси бажо қилинган.

— У келдими?

Реэт врачнинг кўзидан эрининг келмаганини билди.

— Телефон қилинг унга... Хотинингиз илтимос қил-япти, денг... Ҳалиги мен...

Икки бетига маржон-маржон ёш тўкилди.

Врач довдираб қолди.

— Безовта бўлманг,— деди у,— зарар қиласди. Ҳамма иш тўғриланиб кетади.

Врач bemорнинг юпанишини кутиб турди-да, кейин чиқиб кетди ва ҳамширани юборди. Бироқ Реэт ҳамшира билан гаплашишни лозим кўрмади. Сув сўраб ичди. Унга укол қилишди, у пинагини ҳам бузмади. Кейин ярасини қайта боғлашди. Шундан сўнг кўзла-рини катта очиб қимиirlаётган.

Палата жимжит эди. Бошқа bemорлар пичирлашиб гаплашишарди. Кўп ўтмай улар Реэт Лапетеусга ва унинг ўқтин-ўқтин йиғлашига кўнишиб қолишди.

2

Касалхонадан майор Роогасга, гражданка Реэт Лапетеус ҳушига келди, бироқ у билан гаплашиш мумкин эмас, деб хабар қилишди. Роогас ҳозир бахтсиз ҳодиса тўғрисида анчагина нарсани билиб олган эди. Виктор Ҳаавик уларни алдамаган экан. У чиндан ҳам Ракверада бўлган ва бу ердан кечқурун соат тўқиз-ларда жўнаб кетган. Жасадини ёриб кўрганларида мааст эмаслиги аниқланган.

41

Ҳозир Роогас ҳалок бўлган ҳамполки тўғрисида унга ён бериброқ ўйлади. Лапетеуснинг хотини хусусида ҳам шундай қилди. Ахир Реэт Лапетеус ва Хаавик икковининг бирга юриши Andres билан Викторнинг машиналари тасодифан уришиб кетгани каби тасодифий бўлиши мумкин-ку.

Роогас Реэт Лапетеусни Вильянд ўрмон саноати хўжалигида ишлаб, иш юзасидан министрликка бориб ўрган вақтидан бери биларди. У вақтда Реэт Лапетеуснинг хасмига ўтмаган эди, уни ўртоқ Силларт дешишарди. Реэт Силларт ўрмон саноати министрлигининг таъминот бўлимида ишларди. У жуда ёш, ўзига бино қўйган, ишнинг кўзини биладиган қиз эди. Мишмишларга қараганда, унинг ёрдами билан баъзи ишларни тўғри йўл тутгандагидан кўра осонроқ тўғрилаш мумкин эди. Роогас Вильяндан Таллинга келиб, ишдан бўшाटганини Лапетеусга айтган куни Реэт Лапетеуснинг кабинетидан чиққанини эслади. Ушанда у бунга аҳамият бермаган эди. Очигини айтганда, ўша пайтда кўнглига қил сиғмасди. Ўзининг ташвиши ўзига етиб ортар, бошқалар билан иши йўқ эди. Роогас Andres билан хотинини ўйлаб туриб, ўзининг хотини Веллини хотирлади. Уни яхшигина эски танишдек эслади. Гарчи узоқлашиб кетган, ораларида ҳеч нарса қолмаган эса-да, уни ўйлаганда кўнгли бузилди.

1946 йилда у ҳавои эди. Айш-ишрат деса ўзини томдан ташларди, гоҳо биринчи учраган аёлгаёқ ёпишиб оларди. Баъзан зиёфатларда чиндан ҳам Веллини унутар, шўхлик қилас, асқия айтарди, бироқ кўпинча қовогидан қор ёғиб ўтирас, серзарда бўлиб кетар, ўзининг ҳам, ўртоқларининг ҳам кайфиятини бузар эди. Унинг таниш аёллари кўп эди, башарти биронтаси ўзини очиқ-ойдин бағишлиса, бўйин товламасди. Бир қунлик кайфу сафо уни қониқтирмасди. У ортиқ ҳеч кимни севмасди, унинг қалби сўнган, кайф-сафо жонига теккан эди.

Ўша вақтда қисмларда жиддий машгулотлар ўтказиб турилганда, иши тигиз бўлганда, балки бўш вақтларида миясини кемираидиган нохуш хира фикрлардан уни чалғитармиди. Бироқ дивизия демобилизация ва қайта шаклланишини бошидан кечираётган эди, штаб-

нинг оператив бўлимида кундалик икир-чикир ишлар билан ивирсиб ўтиришарди.

Курляндиядаги жангларда Велли тўғрисидаги хотиралар чиндан ҳам аллақаёққа йўқолди. Штабга кечасию кундузи бир зум тинчлик бермаган оғир жанглар бутун дикқат-эътиборни ўзига жалб қилган эди. Лҳён-аҳёнда, айниқса мушкул вақтларда хаёлига Велли келарди. Бироқ у парда ортида тургандек хира кўринар, бу Роогаснинг унча кўнглини бузмас эди. Роогас, ҳаммаси унут бўлиб кетади, деб ўйларди. Вақт жудолик азобини жуда тез унуттираётганига таажжуబланар, бунга қуонар эди. Лекин жанглардан кейин Эстонияга қайтиб келгач, дилсиёҳлиги яна янгидан бошланди.

Қирқ бешинчи йилнинг майида у уруш тугаганига худди боладек қувонган эди. Кейин бир неча бор қайтага уруш давом этгани тузук эди, деб ўйлаб турганини билиб қолди. Шунда ўзига-ўзи таъна қиласиди: «Сларяд ўйиб юборган бирон чуқурда қулоғинг тагингда қолса, кўнглинг жойига тушади шекилли? Хотинининг бевафолигини кўриб жонидан умидини узган эр бир шода гранатни ушлаб, ўзини танк остига ташлайди. Шундайми?»

Унинг калласида жудаям ғалати гумонлар ва хаёллар қуондек айланарди.

Бахтсизлигига балки унинг ўзи айблидир? Қирқ биринчи йили ўз қисмидан «қуён» бўлиб, ўрмонга қочса, дезертирилик қилиб Эстонияда қолса бирор қўлидан ушлармиди? Урушнинг дастлабки куни эрталабоқ озмунча офицер түёғини шиқиллатиб қолдими. Уларни астойдил қидиришгани ҳам йўқ. Ҳар ҳолда уларнинг қўлга тушганлиги тўғрисида ҳеч нарса эшишишмади. Майор Лаури шундай ўйга борганидан қўрқиб кетди.

Бундай фикр илгари сира ҳам унинг хаёлига келмаган эди. Немислар қуршовида қолган хароба уйнинг сртўласида ўпкасидан яраланиб ётганида ҳам қандай қилиб чанқогини босишини ва тириклай душман қўлига тушмаслини ўйлаган эди.

Лекин у тарихнинг мураккаб босқичларида ҳар доим ўз ўрнини аниқ ҳис қилган ва билган деб тасдиқлаш нотўри бўлур эди. 1939 ва 1940 йиллардан олдинроқ Лаури Роогаснинг кўнглига шубҳа ва иккиланиш-

лар тушиб қолган эди. У ҳеч күнглини бузмай буржуа қўшинлари офицери юлдузчасини Қизил Армиянинг командирлик кубикларига алмаштириди. У баъзилар каби кекирдагини чўзиб, бировлардек қаҳру газаб билан бўкирмади, лекин кўпгина ажид саволлар кўнглини безовта қиласади. Уруш бошланишигача бу саволларнинг кўпига у жавоб топди. Ҳарбий мактаб билан Тюменга эвакуация қилинди, Эстон дивизияси тузилганда аввал полк штабининг, кейин дивизия штабининг оператив бўлимида офицер бўлиб ишлади.

Гуноҳ қилган бўлса, унинг гуноҳи шундан иборат-
ки, урушнинг қай тахлитда боришини билмади ва
Веллини эвакуацияга кетишга кўндиrolмади. У бун-
дай хуносага ҳозир келди. Қирқ биринчи йили узоқ
йўлашга, ҳамма нарсани тарозига солиб кўришга фур-
сати бўлмаган эди. Кўчиш тўғрисидаги бўйруқ бехос-
дан келиб қолди. Шундан кейин улар бир нарсани:
Роогас мактаб кўчириладиган Сибирдаги шаҳарнинг
азмойишини олишини, уруш чўзилиб кетгудек бўлса,
мактабда қолиб, квартира топишини, шундан кейин
Велли етиб боришини келишиб олишди. Қизил Армия
Москва ва Ленинградгача чекинишини, уруш узоқ
чўзилиб Эстония ҳаётини афдар-тўнтар қилиб юбори-
шини у вактда ким билиди дейсиз.

Армияда хизмат қилишни майор Роогас өзгү ният деб биларди. Шундай деганда у маҳобат қилмасди, лекин ҳақига кўчилса ўрта мактабнинг охирги синфида офицер бўлишини ўйламаган ҳам эди. Аксари гимназия битирувчилари каби уни ҳам аспирантлар курсига юбордилар. Ҳарбий хизмат муддатини тамомлаган бошқа йигитларга липник¹ унвони бериб, ўйларига жўнатиб юборишиди. Агар Лаури Роогасни бошқа бирор мансаб кутганда унинг бу таклифга рози бўлиши амримаҳол эди. Бироқ тузукроқ мансаб йўқ эди. Қандайдир идорада шогирдлик қилиш ёки кондуктор бўлиб ишлашга унинг тоб-тоқати йўқ эди (собиқ аспирантларни баъзан темир йўлга ишга олишарди). Киройи форма кийганга яраша ҳарбий форма кийгани тузук эмасми. Музика сҳангини қулоғида олиб қола билар, овози ҳам ширали эди, бироқ ашулачи сифати-

да ном чиқаришига бары бир унинг истеъдоди етмасди. Ҳарбий хизматни у яхши кўрарди, бўлмаса қирқинчи йилдаёў истеъфога чиқиб кетарди. Бу жатоини амалга оширгани учун у худога шукур қиласарди.

Ха, майор Роогас уруш охирида ва яна бир неча йил Велли кутмай кетиб қолганидан қаттиқ азоб чекарди. У астойдил севган одамидан ажралишнинг нақадар оғир бўлишини бошидан ўтказди. Шунинг учун у Andres Lapeteyus ҳозир чекаётган жисмоний азобуқубатлар ҳали чекиши лозим бўлган ситамлар олдида урвоқ ҳам эмас, деб ўйлади. Башарти Реэт унинг олдига похол соглани тўғрисидаги шубҳа бартараф килинmas...

3

Қон қүйишлар, уколлар ва кислород билан Andres Lapateуснинг жонини сақлаб туришарди.

У түртінчи күні құзини очди, лекин қаердалигини, атрофіда нималар бўлайтганини билмади. Врачлар-нинг саволларига пойинтар-сойинтар жавоб берар ёки саволни пайқамас эди.

Олтинчи куни бирдан бурро қилиб:

— Мени қачон чиқариб юборишади? — деди.

Палатани йиғиштираётган санитарка унга тасалли берди:

— Аввал тузалиб олинг, кетиш бўлса қочмас

Лапетеуснинг бутун аъзойи баданига бинт ўраб ташланган эди. Башарасида кўзи-ю, оғзи кўриниб турарди.

Галати йилтиллаб турган күзи ўпирилган ўрадек ичига тушиб кетгэн эди.

— Мен кетишим керак,— унинг овози заиф, шикаста чикди.

— Келганингизга атиги бир неча кун бўлди. Ҳозирданоқ кетаманчи-кетаман, десангиз, бир ойдан кейин нима қиласиз. Соғлиқ биз ўйлаганимиздан анча кеч келади.

У санитаркани кузатарди.

— Суягим бутунми?

— Буни докторлардан сўранг, аниқ жавобини оласиз. Ташибиш тортманг, бу ерда суюкни бутлайдилар,

¹ Буржуа Эстонияси армиясида кичик офицерлик ўнвони.

этни ўстирадилар. Мұхими, сабр-тоқатли бўлинг, ортича асабийлашманг. Бирор нарса келтирайми? Балки шарбат хоҳларсиз?

— Майб бўлиб қолмайманми?

— Бу гапни кўнглингиздан чиқариб ташланг,— деди санитарка ва далда бермоқчи бўлгандай жилмайди.— Ҳамма дарровгина оёққа туриб кетишни хоҳмайди. Сабр қилинг. Ҳозир қўлларингиз жонсиз, шаллайди. Сабр қилинг. Ҳозир қўлларингиз гавдангизни кўтаролмайди, вираб ётибди, оёқларингиз гавдангизни кўтаролмайди, бир ойдан кейин кучга кирасиз. Ана унда тош кўтасиз, қўлларингизни ҳаракат қилдирасиз.

— Бир-икки литр қон кетса ҳеч бало қилмайди.

— Қон камайса, қуишиади. Бизда ҳар хил мўъжизалар қилишиади. Энди тинчгина ётинг. Гап чарчатади одамни. Шарбат бу, кўряпсизми? Клюкваники, ичинг!

У стакани Лапетеуснинг лабига тутди: у ичди-да, чуқур нафас олиб, гапга кирди:

— Қор ҳам чанқовни босади. Таъми ёмон... лекин...

— Дамингизни олинг, жим ётинг. Ҳали кўп гапирасиз. Мен қўнгироқни қўлингизга етадиган жойга қўяман. Бир нарса керак бўлса, тугмани босинг.

Лапетеуснинг кўзлари бежо чақнарди.

— Биз йигирма икки киши эдик, эртаси куни эрталабга келиб бешта қолдик. ӽашанда мен, мана, ўзингиз кўряпсиз... Роогас ҳам... Мен...

Унинг дармона қуриб, гапи чала қолди. Бутун кучини тўплаб минг машаққат билан гапини тутатди:

— У ерда Паювийдик билан Хаавик... Яна Пидрус.

Санитарка коридорда ҳамширага:

— Яна алаҳдаяпти. Аввалига маънили гапирди, нима бўлганини сўради. Суягим бутунми, майб бўлиб қолмайманми, деди. Кейин яна алжиб кетди. Мен унга шарбат бердим,— деб тушунтириди.

Ўнинчи куни Лапетеус нима бўлганини очиқ-оидин билди. Врачни чақириб, милиция ходимлари билан комбинатнинг раҳбарлик лавоазимида ишловчилардан ташқари ҳузуримга ҳеч кимни қўйманг, деб тайинлади. Ўзининг соглиғи тўғрисида ҳеч нарса сўрамади.

Қимир этмай ётар, ҳеч ким билан гаплашмасди. Даволаш хусусида сўрагудек бўлсалар, бир-икки оғиз гап билан жавоб қайтарарди холос. Бошқа вақтларда гап билан жавобсиз қолдиарди. Ёнидаги каравотда ёт-савонни жавобсиз қолдиарди.

ган, бир оғи кесиб ташланган бемор кўп ўтмай уни гангга солмай қўйди.

— Аламини ўзидан оляпти,— деди санитарка боғи ҳамширага.

— Директорлик ғурури уни тарк этяпти,— деб бош ҳамшира ўз фикрини билдириди.— Хотинига илашган анати журналистми ёки мухбирми, ўша унинг дўсти экан. Буни хотини ўз оғзи билан айтди.

Санитарканинг гапида жон бор эди. Andres Lapeteus унугуб юборган қўпгина нарсалар энди унинг хаёлига келаётган эди. Баъзан хотиралар шу қадар ёрқин эдик, назарида буларнинг ҳаммаси гўё ҳозир юз бераётгандек туюларди.

Баъзан пасаймай келаётган иссиғи айниқса қўтарилиб кетганда бугунги ишлар хаёлидан қўтарилиб, факат кечаги кун билан яшаётгандек бўлар эди...

ТУРТИНЧИ БОВ

1

Андрес Лапетеусга, сизни райкомга чақиришяпти, деб хабар қилишибди. У эндиғина командировкадан келиб турганди, таъби хира эди. Хабар қилган одамга миннадорчиллик билдириди-да, нега чақиришаётганини билишга уриниб кўрди.

Телефон жиринглади.

Метсакиула билан гаплашиб бўлган ҳам эдик, яна телефон қилишибди. Бу сафар бирлашган тахта тилиш заводидан телефон қилиб, янги бош инженер тайинлашни тезлатишини илтимос қилишибди.

«Балки сиёсий ўқиш хусусиадир ёинки бирор текшириш бригадасига қўшиб қўйишгандир?» Лапетеус райкомда унга нима дейишларини яна бир марта ўйлади.

Шу пайт аллаким эшикни қоқди. Ичкарига мишистринг секретари кириб, бурчагига йўгон қалам билан ўқловдек қилиб: «Ўрт. Лапетеус! Илтимос, текшириб кўринг», деган ёзув битилган аллақандай ариза берди.

У аризага кўз югуртириб чиқди-да, бир чеккага кўйди.

— Уртоқ министр тайинлади, кечқурун муфасал ҳисобот билан ҳузурига кирап экансиз.

Секретарь қиз шундай деди-ю, бир жилмайиб қўйиб чиқиб кетди.

Лапетеус ёрдамчисидан ҳисобот хусусида суринги тирмоқчи бўлган эди, телефон ишламади.

У стол устидаги блокнотлардан бирига «Муфассал ҳисобот» деб ёзib қўйди-да, бошқа телефон номерини терди. Бу гал у Темирйўл бошқармаси билан гаплашиб Тудага кўпроқ вагон юборишни талаб қилди.

Лапетеус телефонда бошланиб кетган қаттиқ баҳсу мунозаралар ва бир-бирларини айблашлардан кейин ўзининг ниҳоятда ҳориб-чарчаганини билди. Тўрт кундан бери тузукроқ ухламаган эди. Бирума уезди маҳсулот тайёрлашда оқсаётган эди, у ишни жўнаштириш учун ўша ерга борди. Мавсумнинг энг долзарб кунларида у бир командировкадан келибоқ бошқасига жўнаб кетарди. Ўрмон саноат ҳўжаликларига, ёғоч тайёрлайдиган пунктларга борар, ишни текширар, йўлга қўяр, ўюнтирас, одамларнинг кўнглини кўтарар, ишонтирас, жоиз бўлса, ҳеч уялмай болохонадор қилиб сўкар эди.

У бунчалик жон койитмай ҳам ўз вазифасини бажариши мумкин эди. Ундан олдинги бошлиқ кўп вақтини министрликда ўтказар, шундай бўлса ҳам ишни эплар эди. Бироқ Лапетеус ёғочни қаерга олиб кетишганини текшириш учун ўрмонга, магистралларга борарди. Шу важдан қишида айниқса ёғоч тайёрлаш кампанияси айни қизиган пайтда иши бошидан ошиб кетарди. Унинг ўрнида ишлаган одам ҳисобот тузишини ва ахборот йиғишини энг муҳим ҳисоблар эди, Лапетеус эса бу ишни ёрдамчисига топширас, ўзи эса дараҳт кесиш ва уни ташиб кетиш тўхтаб қолган жойларга шошилар эди.

Андрес Лапетеус шунча кўп ишлаб, сафарларда юрса ҳам, ўқишига вақт топганига одамлар ҳайрон қолишарди. У ўзини аямасди. Ротага командирлик қилганида эрталаб ҳаммадан олдин турар, кечқурун ҳаммадан кеч ётарди, тунлари машгулотларга тайёрланар, уставни ўрганарди. Ҳозир ҳам у шундай қилланар, конспектларни титкиларди. Конспект ва дафтарларни вагон купесида, юқ машинасининг кабинасида, меҳ-

монхона номерида ва ёғоч тайёрлаш пунктининг баракида унинг қўлида кўриш мумкин эди. Беш-олти соат ухласа кифоя қиласди. Калласи говлаб, миясида ҳисоботлар, маълумотлар, формулалару теоремалар гужгон ўйнаганида бир-икки кун кечқурунлари дам оларди, театрга бораиди ёки биронта таниши билан, кўпинча Виктор Хаавик билан қаттиқ ичарди. Виктор Хаавикнинг таъбирича, бундай «асабни бўшаштирганидан» кейин яна илгаригидек ҳаёт кечираверарди. Курс ишларини, семинар ва имтиҳонларни вақтида топширади. Мабодо командировкага кетиб Килинги-Нимма ёки Сонда ушланиб қолса, бир-икки ҳафтага муҳлат оларди.

— Сиз темир одамсиз, кечиринг мени — телбасиз,— дерди унга ҳазиллашиб Реэт Силларт, баланд бўйли, малла соч қиз.— Ўқиш керак, ҳозирги замонда ишсиз ва ўқишиз ҳаётни кўз олдимга келтиролмайман, бироқ,— дерди у жилмайиб,— одам дунёга бир марта келади.

Реэтнинг кулгиси замонида алланарса яширинганини Andres Lapeteus биларди. Унга: «Аъзолари бош қотирмайдиган жамият заволга учрайди», деб жавоб берар ва ёдлаб олган фикрини ифода этар эди: социализмни печь устида талтайиб ётиб қурмайдилар. У фақат «печь» сўзи ўрнига диван сўзини ишлатди.

Реэт Силларт яна жилмайди.

— Сизга тушунаман,— деди у кутилмаганда жиддий қилиб.— Сизга ўхшаган одамлар тогни урса толқон қилади. Бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

— Жонингда қасдинг борми дейман, капитан,— дерди Хаавик.— Ўзингга жабр қиляпсан-ку. Элбурутдан чиқитга чиқадиган одамлар жамиятга керак эмас. Жойларга ёрдамчингни юбор. Ўқишиям меъерида олиб бор. Дипломни бир йил олдин оласанми, бир йил кечми, бунинг фарқи йўқ.— Andresning бунчалик жон куйдиришига у тушунолмасди.

Лапетеус унга, гизиллаб кетаётган поезддан мени жарга итариб юборишларини истамайман, деди.

Виктор Хаавик дўстига мароқланиб қаради. У Лапетеуснинг пишиқ-пухта ва мудаббир одамларини ҳамма вақт юқори қўяр эди. Бироқ ҳозир ҳудди ҳўқиздек қайсарлик қилиб сургалиши уруш пайтидаги гайди.

рат-шижоатини бутунлай босиб кетган эди. Поезддан итариб юборишларидан хавотир олиш хусусига келсак, буни Хаавик яхши биларди. Унинг ўзи ҳам шитоб билан илгарилаб кетаётган вақтнинг орқасидан қандайдир қишлоқнинг овлоқ жойида ёки кичик бир шашарчада анқайиб қараб қолишни истамасди. Вақт ҳақиқатан ҳам журъат, тиришқоқлик, мулоҳаза ва уддабуронликни талаб қиласди. Бироқ ҳаёт билан унчалик жон койитмай қадам-бақадам бориш мумкинку. У Лапетеусга әлбурутдан чиқитга чиқиб қолиш хавфи тўғрисида шунинг учун гапирадики, бундан унинг ўзи қўрқарди. Хаавик яйраб яшашни хоҳлар ва шунга интиларди. У, ҳар кун янги ҳаяжонли кечинмалар ва таассуротларга бой бўлсин, дерди. Andresga ўхшаб ўлар-тириларига қарамай ишлаш одамни бевақт қаритади, тўпорилаштиради, абор қиласди. Ҳа, Лапетеуснинг ўзини тутиши баъзан унга бемаъни шошқалоқлик бўлиб кўринарди.

2

Гоҳо Виктор Хаавик Лапетеус ишда ва ўқиша да Хельвани деб шунчалик ўзини ўтга-чўққа уради, деб ўйларди. Хельви билан нега ораси бузилиб кетганини билиш учун Хаавик унинг қўйинига қўл солмас эди. Аслида одамлар ҳамма вақт ўлдим-куйдим, деб юриб, кейин совиб қолишади-ку. Лов этиб ёниб, пис этиб ўчишади. Севишади, кейин кўнгиллари қолади. Танишади, бирга туришади, сўнг ажралиб кетишади. Бир умрди қатпазликдан хит бўлиб яшагандан кўра қисқа муддатли виждон азобига бардош берган яхши әмасми?! Бир куни Andres кундалик ташвишлар жонига тегиб, кечқурун ҳордиқ чиқариш ниятида уни қидириб топганда Хаавик аллақаерга телефон қилди-да, уруш йилларида ортирган дўстини кафега олиб борди ва у ерда уни ҳамкасби ёшгина қувноқ аёл ва унинг яна ҳам ёш, яна ҳам хушчақчақ дугонаси билан таништириди. Кафедан ресторонга ўтишди. У ердан Хаавикнинг бир танишининг уйига боришди. Кадриорга кўчасидаги унинг уйи кенг ва шинамгина эди. Лапетеус танца тушди, вақтичоғлик қилди. Бироқ кейин маҳбубаси телефонда меҳмонга таклиф қилганда, у қатъян

бош тортиди. Хаавик бундан хабар топди. Шунда унинг Andres Хельвани деб шунчалик жонини жабборга бе-риб ишласа керак, деган фикри яна бир бор тасдиқлангандек бўлди.

Хаавик шаҳар газетаси редакциясида ишларди. Унинг пойтахтга ўрнашиб олиш тўғрисидаги эзгу орзуси ушалди. У туғилиб ўсган жойи Пайдега бажонидил бориб турар, лекин бу ерда бутунлай қолишни хаёлига ҳам келтирмас эди. Хаавикнинг отаси оккупация вақтида қазо қилган эди. Отасини уни деб полицияга сўроққа чақирганларини, камерага ташлаганларини, бироқ кейин бари бир қўйиб юборганларини Виктор билди.

Хаавик онасининг гапларини эшитиб бўлгач, бироз ўйлаб ўтириди-да:

— Отамни фашистлар ўлдирган,— деди.

— Йўқ, йўқ, Виктор. У икки кундан кейин қайтиб келди, соппа-соғ эди. Фақат очликдан шикоят қилди. Тўрт талинка ширхўрда ичди ва бир нечта бурда сепик¹ эди. Полицияда уларга ёвғон карам шўрва билан бир бурда ачиган нон беришибди. Бу унинг мижозига тўғри келармиди. Ахир у ачиган нонни еёлмасди, ўзинг биласан, нордон нарсадан дарров жигилдони қайнар эди. Uriшга урмаганлар. Юраги ёрилиб кетган, ҳеч зарар-захмат кўрмай келган эди.

— Агар уни ҳибсга олмаганларида у ўлмаган бўларди.

— Шўрликнинг қорнида катта шиш бор эди.

— Шиш билан узоқ яшаш ҳам мумкин,— деди ўғли бўш келмай.— Унга дўқ қилишган, қийноққа солишган, отамнинг асабини мана шу нарса бузган. Ҳамма нарса асабга боғлиқ.

— Бу гапинг рост, унга дўқ қилишган. Ҳақ гапни айтмасанг энсангдан отамиз, дейишган.

— Ана, кўрдингми. Ўзим билувдим. Отамга ачинаман.

Онаси уйни Виктор номига ўтказмоқчи бўлган эди, марҳум отасининг ҳам истаги шундай әкан. Лекин Виктор кўнмади.

— Отам икковингиз кечаю кундуз тиним билмай ишлаб, тийингача йигиб шу уйни қургансиз, бу уй

¹ Сепик — ноннинг тури.

сеники, ўзингта буюрсин. Мен Таллинда турсам, сен Пайдеда турасан, уйни менинг номимга ўтказишнинг нима ҳожати бор? Отам, ўғлим Пайдега қайтиб келади, деб ўйлаган. Бироқ менга ижозат этишмади, ижозат этишмайди ҳам. Агар отам гапларимизни эшигандана, хотин, Виктор ҳақ, деган бўларди.

Тўғри, Хаавик редакциядаги ишини бошқача хаёл қилган эди. Ҳозир эса ишчи муҳбирларнинг хабарларини қайтадан ёзади, корхоналару муассасаларга югуради, хабар келтиради — қиласидиган иши шу. Кичик бўлгандан кучук бўлган яхши эмасми! У яна ўқишини ният қилган эди, бу ҳамон ниятлигича қояпти. Бироқ у марказий газеталарни ва брошюраларни дикқат билан ўқиди, таклиф қилинган ёки билет топган тақдирда барча мажлису кенгашларда қатнашади. Ҳар доим сиёсий воқеалардан хабардор. У ҳозирги кундаги сиёсатнинг моҳиятини дарҳол илғаб олишга ўрганди. У бахт кулиб боқишини, ўшанда бош мақолалар ва дастур бўладиган мақолалар ёзадиган вақт келишини сабр-қаноат билан кутарди.

Хаавик на ишга, на ўқишига муқкасидан кетган эди. Лапетеусга ўхшаган тиришқоқлар учун бунга катта асос бор. Албатта, одамлар кўтарилиш учун ўлиб-тирилишади, Лапетеус ҳам албатта мартабага минишга ишқибоз, бироқ Хаавик дўстини яхши билганидан, унинг уринишлари фақат амал учунлигига шубҳаланиди.

Баъзан шундай вақтлар бўлганки, Лапетеус чиндан ҳам Хельвига эҳтиёж сезган. Бироқ у ўзини идора қила оларди. Ўшанда, бундан икки йил аввал сўзи-нинг устидан чиқиб, уни қидириб топди. Уларнинг учрашуви ҳар иккиси учун азоб бўлди. Лапетеус ҳар тўғрида гапирди, лекин энг муҳим нарса тўғрисида лом-мим демади, Хельвининг ғамгин нигоҳи унинг қалбини рўйирост кўриб турганини фахмлагани учун гап очишига журъат этолмади. Шундан кейин Andres Lapeteus ортиқ Хельвиникига қадам босмади. Энди ҳамма нарса тамом бўлди. У ўйлаган ва умид қилганидан расвороқ иш юз берди. Ҳа, расво бўлди, деб эътироф этди Лапетеус, бироқ ора очди бўлди-ку. Улар партия конференцияларида ёки активларда тасодифан учрашиб қолишар, майда-чўйда нарсалар тўғрисида гаплашишар эди. Хельви на сўз, на нигоҳи билан таъ-

на қилмаганини кўриб хурсанд бўлар эди. Орани очди қўилганларидан кейинги биринчи йили у Хельви билан учрашишни хоҳламаса ҳам баъзан, чор-ночор уни учратиб турди. Шунинг учун командировкаларга тез-тез жўнаб қоларди. Лапетеус секин-аста Хельви унга осил-маслигини, шарманда қилмаслигини тушунди.

Орадан анча вақт ўтса ҳамки, Andres ўзини Хельви олдида гуноҳкор деб билар, у билан учрашишдан қўрқар эди. Лекин шунинг билан бир вақтда юраги у томон талпинаяр, Хельви яқинида бўлганда, кўнгли айнар эди. Баъзида Хельви тўғрисидаги ўйлар ҳамма нарсани тўсиб қўяр эди. Бундай вақтларда иш ва ўқишининг тифизлигига чиндан ҳам жонига ора киради. Лапетеус гўё эс-ҳушшини таниб олгандай бўлди-ю, яхшиям Хельвига уйланмадим, йўқса, бу иш телбалик бўлар эди, деган қарорга келди.

3

Секретарь соат бешларда яна келиб «хўжайн» унинг муфассал ҳисобот олиб келишини кутаётганини хабар қилди.

Андрес Лапетеус семиришга мойил, ёши ўтган аёлга қаради-да, хотиржамлик билан:

— Ҳисобот йўқ. Министрга ўзим телефон қиламан,— деди.

Секретарь нима учундир «раҳмат», деб чиқиб кетди.

Лапетеус министр билан гаплашди, роса танбеҳ ёшиди ва охирида шундай деди:

— Таъналарингиз ўринли, модомики ҳисобот тузиш ва уни кўрсатиши бизнинг бўлимга юклатилган экан, бу ишни бажаришга мажбурмиз. Буни ҳисобга оламан. Бироқ, ўлашимчча, ишни яхшилашга ҳисобот унчалик ёрдам бермайди.

Министр унинг гапига қулоқ солиб турди-да, сўради:

— Ленин нима дегани сизга маълумми, яъни...

— ...социализм бу ҳисоб, ҳисоб ва яна ҳисоб деган,— деди Лапетеус унинг сўзини бўлиб.

Телефон бир оз жимиб қолди.

— Ҳисоб, ҳисоб ва яна ҳисоб эмас, балки... — Министр Лениннинг сўзларини келтирди-да, илова қил-

ди:— Классиклардан цитата келтирганда аниқ айтиш керак. Ҳисбот эртага роппа-роса тўққизда столимуста бўлиши керак.

Лапетеус ўз навбатида аламини ёрдамчисидан олди ва бугун кечқуреноқ ҳисботни тахт қилишни унга топшириди. Ярим кечада бўлса ҳам тамомлайсан, райкомга бораман, деди. Керакли ҳужжат тайёр бўлмагунча бўлимдан ҳеч ким кетмасин, деб тайинлади.

Эрувгарчилик бошланган эди. Лапетеус қўнжи узун этик кийганидан йўл танламай тиккасига кетаверди. Командировкага борганида доим шу этикни кийиб оларди. У яна чарчаганини сезди. Кўнгли оғриб, райкомда ҳам ҳамма ердаги каби топшириқни бажарадиган ишчан одамларни ишга кўмиб юборишади, ношудларнинг тинчини бузишмайди, деб ўйлади. Кейин хаёли Юрвенга кўчди. Бу чақирилишига сабабчи ҳам ўша бўлса керак. Афтидан, секретарь уни нимаси учундир қадрларди. Бу ҳол айниқса у охирги конференцияда сўзга чиқиб марказий ташкилотларни, шу жумладан, ўз министрлигини қоғозбозликда танқид қилгандан кейин айниқса очиқ кўринди. Юрвен якунловчи сўзида уни қувватлаб чиқди...

Лапетеус гандираклаб, оз бўлмаса йиқилиб кетадеди. Ўткинчи машина галифеси билан катта пальто-сига лой сачратиб кетди. Кўчани босган қор сувими ё бошқа нарсами, ишқилиб, унга Паювийдикни эслатди. Луга яқинида у шундай эрувгарчилик вақтида ўз взводининг ертёласи ўртасига чуқур қазиб қўйган, сув шу ерга оқиб тушар, пол эса қуруқ турар эди. Боща взводлар балчиқка ботиб юришарди. Кўчанинг ўртасидан ҳам чуқур ўйиш керак. Бари бир Паювийдик вайсақи...

Район партия комитети узоқ эмасди.

Уни чақириган ўн иккичи хонани Лапетеус ижинчи қаватдан, қингир-қийшиқ коридорнинг охиридан топди. У эшикни тақијлатди-да, жавоб кутиб ўтирамай ичкарига кирди.

Кабинетда рўпарама-рўпара қўйилган иккита стол бор эди. Биттаси бўш, иккинчисида Хельви Каартна ўтиради. У Лепетеусга жиiddий кўзларини қадаб тик қаради, Лапетеус бир дақиқа унинг кўзидан бошқа ҳеч нарсани кўрмади.

Лапетеус тахта бўлиб қолди. Хаёлида бирварака-йига бир неча фикр қуюндеқ айланди. Хельви бу ерда нима қилиб ўтирибди? Уни ким чақирирган? Хельвиникин ёки столи бўш одаммикин? Хельвининг нима иши бор унда?

...Хельви Каартна пропаганда бўлимида инструктор бўлиб ишлаётганига атиги икки ойдан ошган эди. Армиядан келганида у ҳақиқатан ҳам фабрикага борди. Дарвоҷе, котон машинасини унга бу сафар ҳам беришмади. Олардияму, лекин уни фабриканинг партия комитетига юборишиди. У партия иши алоҳида, улуғ иш деб ўтириз қиласа ҳамки, уни бир амаллаб қўндиришиди. Кейин Каартнанинг тажрибаси бор, у агитатор ва пропагандачи бўлиб ишлаган, сўнгги вақтда агитпунктга мудирлик қилган, ўртоқларининг ёрдами билан пропаганда бўлимидағи ишни ҳам эплаб кетади, деб қарор қилишиди. Хельви то шу пайтагча янги ишига қўниколмас эди. У хоҳ корхоналарда бўлсин, хоҳ муассасаларда бўлсин, ўзини уйидагидек сезиб, ҳар хил масалалар тўғрисида моҳирона фикр юритадиган тажрибали инструкторларга қойил қоларди. Хельви бегона ташкилотларнинг мажлисларида сўзга чиққудек бўлса қийналарди, шунинг учун кўнича индамай ўтиради. Назарида, бу корхонада ёки партия ташкилотида иш қай аҳволдалигини етарли даражада билмайдигандек туюларди. Айниқса, у справкалар ва қарор лойиҳаларини тузишда қаттиқ қийналарди. Булар қисқа ва ажабтовур бўларди. Мадис Юрвенинг айтишича, уларда партия ишига хос умумлаштирувчи хуносалар, партия ишининг специфик руҳи етишмасди.

...Хельви ўрнидан туриб, Лапетеуснинг истиқболига юрди-да, қўлини узатиб:

— Салом,— деди.

Лапетеус миясига қон урганини ҳис қилди. У довдирраб қолиб эшик олдида қаққайиб турганидан ўнгайтилди.

— Салом.

Хельвининг қўли совуқ эди. У ҳамиша оёқ-қўйлим сонготади, деб зорланарди. Бир вақтлар уларни у иситтириди. Булар бир зумда хаёлидан ўтди. Лапетеус бир кўнгли Хельвининг қўлини ушлаб, куҳлаб иситгиси қолди.

— Утири, — деди Хельви ва бурчакдаги креслони кўрсатди.

Лапетеус ўтири.

— Кўча иссиқ. Тез юриб келдим. Ҳар қалай партия буйругини бажариш керак-да, — деди у ҳазил қилишга уриниб. Кейин курткасининг тугмасини ечди-да, у ёғига нима қилишини билмай ўтираверди.

— Сени безовта қилиб, бу ерга келишингни илтимос қилганим учун кечир. Бироқ сендан бошқа ҳеч кимга мурожаат қиломасдим. Бу иш умумий танишшимиз ва сафдошимиз Роогасга тааллуқли. Унга иш керак.

Лапетеус Роогаснинг номини эшишиб ҳушёр торти.

— Роогас?

— Ҳа, майор Роогас. Штаб дивизиясидан. Сен уни танисанг керак. Икковингиз бир кунда яралангансиз. Вагонда бирга келган эдик.

У ўзини зўрлаб гапини тамомлади:

— ...Таллинга демобилизациядан кейин.

Андрес Лапетеус Роогаснинг фамилиясини унутиб қўйгани учун такрорлаган эмасди. Йўқ, у ҳаммасини: Таллинга бирга келганларини, Роогаснинг уруш тўғрисидаги гапларини, ўз уйини таклиф қилганини жуда яхши эсларди... Ушанда у қочириқ қилиб Роогасга, яхшиси сиз ўртоқ Каартнага мурожаат қилинг, деганди... Лапетеус яна бошқа бир нарсанни ҳам эслади. Бир куни майор Роогас Сирве ярим оролида унинг кузатув пунктига келган ва душман ўти остида судралишга мажбур қилган тор йўлни роса сўккан эди. Курляндияда улар уч киши — комбат, Роогас ва у немис мерганларининг ўқига дуч келиб қоронги тушишини пойлаб бир ярим соат балчиқда ётишган эди. Яна шуни ҳам эсладики, дивизия ташкил топаётганида, ўша вақтда капитан бўлган Роогас тактик машгулотларда уларнинг батальонини назорат қилиб турган. Унинг миясида демобилизацияга боғлиқ, аниқроғи, Таллинга биргаликда қайтганларига тааллуқли воқеалар худди чақмоқдек йилтираб кетарди. У буларни бирма-бир эслади-ю, шу заҳоти, нега энди Хельви Роогас учун иш қидириб қолди, деб ўйлади.

— Эсимда, эсимда. Ҳарбий ишдан бошқа у ҳеч балони билмайди, дерди ҳамма.

— Ҳайронман, нима учун уни армиядан бўшатишдийкин, яхши штаб офицери дейишарди-ку.

Хельвининг Роогасга ачинаётгани Лапетеусга алам қилди.

— Буржуя ҳарбий мактаби талабаси, — деди қуруққина қилиб.

— У сен билан ҳаробада бирга бўлган. Икковингизни санбатта бир чанада олиб келишган.

Лапетеус Роогасга бўлган нафратини босиб, шошапиша:

— Менга буни эслатишнинг ҳожати йўқ. Оз бўлмаса, немислар бизни тутиб кетишаёзганди, — деди.

— Шундай бўлдики, Роогас ҳозир ишсиз юрибди, — деб тушунтириди Хельви. Армиядан қайтиб келганидан кейин у Пидруснинг таклифи билан мактабда физкультурадан дарс бера бошлади. Кеча бу ишдан кетди. Менимча, ҳеч қандай сабабсиз. Тўғри, ўртоқ Юрвен қаттиқ туриб, Роогасни ишдан бўшатишни талаб қилган.

— Сен мен билан Юрвенинг топшириги бўйича гаплашыпсанми?

Хельви бир оз довдираб қолди.

— Йўқ, — деди у. — Юрвен Роогасни билмайди. Уни биз биламиз.

Юрвен анкетанинг тозалигига катта аҳамият беришини Лапетеус яхши биларди. Бироқ Роогас Совет Армияси сафида хизмат қилган-ку, шунинг ўзи кифоя эмасми?

— Юрвен нега Роогасни бўшатишни талаб қилди?

— Чамаси, англашилмовчиликдан. У ишлаган мактаб районда энг қолоқ ҳисобланади. Ўқувчиларнинг улгуришлари, хулқлари ёмон, мактабдаги тартиб аянчли аҳволда. Ўтган куни бизда, бирорда ўша мактаб директорининг тарбия ишларининг аҳволи тўғрисидаги ҳисоботини тингладик. Музокара кетаётган вақтда ўртоқ Юрвен Роогасни ишдан бўшатишни талаб қилди. Юрвен Роогасни мактабга ишга юборгани ва уни ҳимоя қилгани учун Пидрусга осилди. Пидруснинг жонбозлиги тўғайли Роогасни ишдан бўшатиш тўғрисидаги модда қарорга киритилмади. Бироқ Роогас директордан бирордаги гапларни эшишиб, ишдан бўшаш тўғрисида ўзи ариза берган.

Лапетеус диққат билан Хельвини кузатарди.

— Нима учун сен ўртоқ Юрвен энди менга осилишини истайсан? — деди Лапетеус ярим ҳазил, ярим чин қилиб.

— Роогас ҳалол одам. Унинг ҳеч қандай айби йўқ, у бор-йўги ўша мактабда бир ойдан кўпроқ ишлаган эди.

— Роогаснинг анкетасини ўқидингми?

— Ахир биз уни биламиз-ку.

Хельви баъзан ҳатто қайсар бўлиб кетарди.

— Танишлик ўз йўли билан, хизмат ўз йўли билан.

— Бўпти. Овора қилганим учун узр.

Хельви Лапетеусга қарамади. Andresни чақиртиришдан маъни чиқмаслигини кўнгли сезган эди.

— Ҳовлиқма, Роогасни ҳузуримга юбор. Ахир у бирор ерга жойлашиши керак-ку. Бизга Вильянд уездига одамлар керак. Ташкилий ишларга уқуви бор. Эсимда, у ҳаддан ташқари талабчан эди.

Энди Хельви Andres Лапетеусга ораларидан қил ўтмаган пайтдаги каби меҳр билан боқди. Бу ҳол бир он давом этса-да, Лапетеуснинг кўнгли жойига тушди. Министрликка қайтиб келаётганда ҳатто чарчоги ёзилгандек бўлди.

4

Лапетеус Роогасга ёрдам қилишга розилик берсада, гёё иш яхшиликча туғаётгандек туюлса-да, Andres чиқиб кетиши ҳамоно Хельви уни чақиртириб чакки қилганини сезиб қолди.

Бугун у кўрган Andres тамомила бошқа эди.

Шунинг учун Хельви бу одамни илгари танирмидим, йўқми, деб ўзига савол берди. Ҳозир бир-бирларини танимайдиган одамдек сұхбатлашишган бу одамни танийдими? Ахир бир вақтлар уни севган, худди эр-хотиндек туришган эди-ку. Хельви биринчи учрашганларидаёқ хатога йўл қўймаганиди? Ўшанда Хельви у яраланганидан қўрқиб кетди, деб ўйлаган эди, аслида эса унинг иродаси мустаҳкам экан. Кейинчалик Andres унга ниҳоятда ҳалол, оққўнгил одам кўринган эди, урушнинг охиригача уни шундай деб ўйлаб келган эди. Очифи, уни ҳозир ҳам шундай ҳисоблашни истарди,

58

Хельви энди Andres севганига ортиқ ишонмасди. Узи эса Andresни жон-дилидан севиб қолган, унга ҳеч иккиланмасдан табийи ва оддий суратда ўзини бахш этган эди, фақат юксак туйғуга эга одамларгина шундай қиласди. У бутун қалби билан, Andres мени севади, деб ўйларди. Бу унинг шодлигига шодлик қўшарди. Адашганими у? Andres кейинчалик ўзини илгаригидан бошқача тутганди. Хельвининг кўнглида шундай шубҳа туғилган эди.

Уруш бошланишидан сал олдинроқ Хельви йигирма бир ёшга тўлган эди. Бошланғич мактабда ўқиган вақтидаёқ шаҳар чеккасидаги болалар у тўғрида: «Кўзга яқин қиз», дейишарди. Унинг кўзлари чуқур ўрнашган, киприклари узун, оёқлари чиройли, ниҳоятда хипчабел эди. Ўтра мактабда танцадан кейин кузатиб қўйган болалар билан дарвоза солдида ўшишарди. У ҳақиқий севги саргузаштини биринчи марта урушдан олдинроқ бошидан кечирди. Армияда унинг бирмунча жазманлари бўлди. Уруш ва Таллиндан чекиниш уни саросимага солиб қўйди, у таянч, ҳомий ва ҳамдард одам қидирди. Хельви икки кишининг қўлига тушиб чиққанидан кейингина ҳушини бошига йигиб олди ва яқинлашмоқчи бўлган бошқа эркакларга бўй бермади. Andres Лапетеус учрагунга қадар шундай ўзини тутиб юрди. У билан учрашгач эса, уни умрида биринчи марта астойдил севиб қолди.

— Дунёда бунаقا ҳаловат ҳам борлигига ишонмасдим,— деб эътироф этди у сира уялмай.

Бироқ бугун Andresда кўрган хислат ўнга бегона эди. Башарти бошқа одамлар тўғрисида бошқаларнинг фикрини билишга ишиқибоз Madis Юрвен инструктор Каартнани ҳузурига чақиртириб, Лапетеусни таърифлаб беришни сўраса, Хельви унга қониқарли жавоб беролмаган бўларди. У ўртоқ Лапетеус масъулиятни сезадиган ходим, урушда тап тортмай жанг қилган дерди балки. Бор-йўқ айтадиган гали шу эди, холос. Хельви очифи бугун Andresнинг табиатида ўзи пайқаган ўзгариш нималигини аниқ айтиб беролмасди. Тўғрироғи, буни кўнгли сезди, мулоҳаза юритиб, бу фикрга келгани йўқ. Бир вақтлар ташвишларию шубҳаларини ҳеч яширмай тўкиб соладиган, юрагидаги бор гални рўйирост айтадиган илгариги. Andres энди йўқ эди.

59

Андресдаги бу янти хислатни кашф этган Хельви уни билмаганини, ҳеч қачон билмаганини тан олди. Бироқ кўнглида алланарса бунга қарши түғён уради. Ноаниқ шу нарса Роогасни ишга тавсия қилгани Анд-ресга қимматта тушмасмикин, деб унинг кўнглини безовта қиласди.

У умуман мен тўғри иш қилипманми, йўқми, деб шубҳаланиб қолди. Лапетеусни чақиритиб райкомнинг обрўсини суистеъмол қилмадимикин? Ахир у унинг ҳузурига бора олмасди-ку. Ахир у Роогасни қўллаб-қувватлашга уриниб партия йўлига зид иш қиласди йўқ-ку. Роогас ҳалол, яхши одам. Агар Юрвен у билан фронтда жанг қилганда уни ишдан бўшатишни талаб қилмаган бўлур эди. Совет ҳокимиятини ёқтиргмаган буржуа армиясининг офицерлари қирқ биринчи йили немисларга таслим бўлиб, асир тушиб кетишган. Роогас хиёнат йўлига кирмади, жони ширинлик қилмади, қийинчиликдан қўрқмади.

Хельви майор Роогас гражданча кийимда гариф кўринганини эслади. У қабулхонада девор тагида қисилиб-қимтиниб ўтирас, агар ўрнидан туриб сал эглиб салом бермаганда Хельви уни пайқамай ўтиб кетарди.

— Ие, бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?

— Директор, мен билан бирга боринг, деб илтимос қилди.

— Сиз офицерликдан тушсангиз ҳам ўз севимли касбингизга содиқсиз,— деди Хельви ҳазиллашиб.

— Худди шундок,— деди Роогас кулиб.

Унинг овозида афсус-надомат оҳанги сезилмади.

— Янги ишингизда муваффақият тилайман. Армия тўғрисида куйиб-пишманг. Бари бир ҳарбий ихтисос зартами, кечми йўқолиб кетади.

— Қуллуқ. Башоратингиз тасдиқланса, ўзимни баҳтиёр ҳисоблайман.

Лаури Роогас узоқ кутди, бироқ бюрога уни чақиришилди. Хельви ундан афв сўраб, хафа бўлмасликни илтимос қилди. Кейин бироқ мажлисида нима бўлганини эшитса, Роогас менинг тўғримда ва райком тўғрисида нима деб ўйлади, деган хаёлга бориб Хельвинг юраги фаш бўлди.

— Роогасга ўхшаган одамлар ўсиб келаётган авлодни тарбиялашига мен мутлақо қаршиман.

Мадис Юрвенниг бу гали Хельвини ҳайратга солди. Унинг нега бундай деяётганига тушунолмади.

Роогас урушда яраланган запасдаги офицер унинг педагоглик қобилияти бор, деб сўзга чиққан Пидруслар галиришга Юрвен имкон бермади.

— Роогас — буржуа армиясининг офицери. Хотини Швециядами, Канададами юрибди,— деди у.

— Уртоқ Роогас Қизил Армиянинг майори даражасига етди. У Совет ҳокимияти учун жанг қилди, Эстонияда яшайди.

Пидруслар галиришга Пидрусларнинг бу далиллари Мадис Юрвенга кор қилмади.

— Совет ёшларини номига ҳеч қандай доғ туширмаган пок одамлар тарбиялаши керак,— деди у.— Агар сизга маъқул бўлса, яра газак олиб кетмаслиги учун Роогасларга, яъни эски идеология билан сугорилган одамларга ўқув юртларининг эшигини ёпиб қўйисак. У бошқа ерда ишласин.

— Бироқ бъязи мулоҳазалар билан ҳалол одамга ишонмаслик қаердан чиқди?

Юрвен унинг сўзини бўлди:

— Партия бизга ҳеч вақт ҳушёрликни унумасликни ўргатади.

Пидруслар галиришга ўз сўзида қатъий туриши, бунинг устига бутун масъулиятни бўйнига олиши натижасида қарор лойиҳасида Роогасни ишдан бўшатиш кўзда тутилган модда олиб ташланди.

Бироқ мажлиси Хельвингин фикрини алағда қилиб қўйди. Бир томондан у зўр бериб ҳушёрликка чақириган, назарида тўғри йўлдан озган одамларни шафқатсиз танқид қилган Юрвенниг туттган йўлини тушунишга уриниб кўрди. Иккинчи томондан ҳамма нарса унга ноаниқ бўлиб кўринди. Лаури Роогас — ҳақиқатгўй одам, у қирқ биринчи йилдаёқ Совет ҳокимиятини танлаган. Ундан юз ўгириш фақат зарар келтиради...

Армиядан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ майор Роогас учун мутлақо кутилмаган иш бўлди.

У ўз фамилиясини запасга чиқарилган офицерларнинг фамилиялари орасида ўқиганда гарангисб қолди.

Кейин ўзини тутиб олди-ю, лекин бир неча кун муно-
фиқларча кун кечириб юрди. Худди ҳеч нарса бўлма-
гандай дўстлари билан сұхбатлашар, ҳазиллашар, бир
шиша, ярим шиша вино ичар эди. Шу билан бирга уни
шундай саволлар қўйнардики, бунга у жавоб топол-
масди.

Агар уни қирқ олтинчи йили бўшатишганда у ги-
ринг демасди. Бу вақтда ўнлаб дивизияларни, бутун
бошли қўшилмаларни тарқатиб юборишаётган эди.
Уруш вақтида ниҳоятда ўсиб кетган Совет Армияси
тинчлик даври шароитларига мос равища тузилиши-
ни ўзгартириб, қисқармоқда эди. Турган гапки, армия
ўз сафларида энг яхши офицерларни олиб қолишга
ҳаракат қилди, борди-ю, ўша вақтда у Ленинград
фронти қўмондонининг буйруғида ўз фамилиясини
кўрганида ҳамма нарсага тушунган бўлар эди. Албат-
та, ўшандаям у хурсанд бўлиб шапкасини осмонга
отмасди. Уттиз иккига кирсангу, ҳарбий ишдан бошқа
ҳеч балога уқувинг бўлмаса, ўзингни бошқа бирор хиз-
матда тасаввур қилишинг осон эмас. Агар сен армия-
ни севсанг ва ўзингнинг бирдан-бир ҳакиқий жойинг
Совет Армияси сафида деб билсанг, унда янада оғир
бўлди.

Ўз феълига содик бўлган майор Роогас масалани
аниқлаш учун штаб бошлиғи ҳузурига бормади. Қў-
мондонлик уни армиядан бўшатишга қарор қилган
экан, бирор сабаб бордир-да. «Саралашганда пучакка
чиқиб қолгандирсан-да, индамасдан шопи-шалопингни
ечгину, бирор жойга шогирдликка кир». Буни айтиш
осон бўлди-ю, лекин бошига тушган ишга кўниши
қийин бўлди.

Роогас Армиядан бўшатилишига энг асосий сабаб-
ни билишини кечириб юрди. Бирор сабаби билмади, бирор одам
эса келиб, унга ўзидан ўзи тушунтирумади. Ҳаммасига
хотинимнинг чет элга қочиб кетгани сабабчи, деб гу-
монсираса ҳамки, ўзини бўшатиладиганлар рўйхатига
тираб қўйган одам буни тасдиқламаслигини кўнгли-
дан ўтказди.

«Бироқ Веллининг нима даҳли бор?»— деб ўйлади
майор Роогас. Ахир ундан кечди-ку. Велли бир йўлни
танлади, у эса бошқасини. Наҳотки уни билишмаса? «Бўл-
Унинг қандай одамлиги урушда билинмадими? «Бўл-

маса нега кўкрагимга иккита орден тақиб қўйишиди.
Унда керак эдим, энди кераксиз бўлиб қолдимми?»

Бу сафар майор Роогас зарбани тезроқ унуди. Уни
безовта қилган саволлар кўп ўтмай аҳамиятини йўқот-
ди ва ниҳоят ҳаёлидан кўтарилиб кетди.

Хельви Каартна район қабулхонасида кўрган вақ-
тида у янги ишга бирмунча кўнишиб қолган эди. Уни
мундирда кўрган одамларга у гражданча кийимда
чиндан ҳам галати кўринарди. Қотма, ҳатто ориқ кў-
ринар, камтар ўқитувчи ёки кутубхоначига ўхшаб
кетар эди. Ҳозирги вақтда ўқитувчининг ўзгинаси эди
ҳам.

«Шундай экан-да,— деб кўнглидан ўтказди Роогас
партия комитетининг секретари Юрвен нима деганини
эштиби.— Саралашганда яна пучакка чиққансан.
Хўш, энди нима қиласан?»

Роогас бунчалик магнур бўлмаганда мактабда қо-
лиши мумкин эди. Буни директор ҳам таклиф қилди.
Ахир бююрода қарор қабул қилганлари йўқ-ку. Бунинг
устига уни ҳалқ маорифи бўлимининг мудири ёқлаб
чиқди. Ахир одамни билмай туриб унинг тўғрисида
бехуда гаплар айтилган ҳоллар кам бўлганими?!

— Бир-икки йил хотиржам ишланг,— деди дирек-
тор Роогасга.— Райкомдагилар сизнинг қандай одам-
лигингизни билишади, шу билан олам гулистон бўла-
ди-қўяди. Шундан кейин ўртоқ Юрвен ҳам сизнинг
қадрингизга етади.

— Йўқ,— деди Роогас.— Менга битта одам ишон-
маса ҳам ишломмайман.

Директор ичиди Юрвенни сўксса ҳам Роогасни
гапига кўндиrolмади. Пидруснинг чакки иш қил-
ма, ўйлаб кўр, деган маслаҳатини ҳам қулогига ол-
мади.

— Қуллуқ,— деди у Пидрусга.— Балки рости би-
лан мен тентаклик қилаётгандирман, лекин бундан
бошқача йўл тутолмайман.

Эртаси куни кечқурун уни Каартна қидириб кел-
ганида у жуда ҳайрон бўлди.

Хельви:

— Квартирангиз жуда яхши экан,— деди-ю, тили-
ни тишлаб қолди. У бундай демаслиги керак эди.

Роогас бир вақтлар бу хонани Хельви билан Лапе-
теусга бермоқчи бўлганини эслади. Бироқ лоп әтиб

кириб келган мәхмөнгө қаттық ботишидан қўрқиб, индамади.

— Пальтойингизни ечиб ўтиринг,— деди у жилмайиб.— Сизни кўрганимга хурсандман, лекин рости ни айтсан, мен учун бу кутилмаган иш бўлди. Кўнгилли иш,— деб илова қилди у шошиб-пишиб.

Роогас Хельвига пальтосини ечишига ёрдамлашди ва тирсаклари бутик, юмшоқ курсига ўтказди.

— Элбурутдан сизга муваффақият тилаганимдан юзим шувут,— деди Хельви даромад қилиб ўтирамай.— Нега сиз ўртоқ Пидрус билан директорнинг маслаҳатига кирмадингиз?

Роогас ўшилайиб:

— Келинг, бу тўғрида энди гаплашмаймиз,— деди. Хельви мулоим кулди-да:

— Кап-катта ўжар болага ўҳшаманг,— деб қўйди. Роогас гап мавзуини ўзгартиришга ҳаракат қилди:

— Кофе опкелайми сизга? Ўзимга қайнатган эдим...

Бирга кофе ичишиди.

— Мен ўртоқ Лапетеусни кўрдим,— деди Хельви.— У ҳозир ўрмон саноати министрлигига ишлайди. Уларга жудаим одам зарур экан. Унга сизни гапирдим. Агар сиз унинг таклифини қабул қилсангиз, у хурсанд бўларди.

Хельвининг гапларидан Роогаснинг кўнгли ҳар хил ҳиссиётларга тўлиб-тошди. Унинг ҳадеб бир гапни гапиравергани кўнглигига қаттиқ тегмади. Хельви гўё уни иситар, ҳузур бағишлар эди. Ҳали Лапетеус билан алоқаси узилиб кетмагани? Унинг хаёлидан яна, ҳақиқатан ҳам ўзимни аразлаган боладек тутяшман-ку, деган гап ўтди...

БЕШИНЧИ БОВ

1

Бахтсиз ҳодиса рўй берганининг ўн тўртинчи куне майор Роогастга Лапетеус билан суҳбатлашишга ижозат бердилар. Уни иккита каравот қўйилган палатага олиб кирдилар-да, ўнг томондагисини кўрсатдилар. Роогас ёлғиз ўзи кирса борми, Лапетеусни танимагаёт



бўларди. Башарасининг бинт - боғланмаган кафтдек жойи ўртаяшар одамниги эмас, кексаларниги ўхшарди. Манглай ва оғзининг бурчакларини ажин босган, териси кўкариб кетган. Кўзлари хира, киртадиб қолган, ора-сира галати йилтиллаб қўяди.

Роогас қўлини узатди:

— Салом!

У иложи борича дадил гапиришга ҳаракат қилди.

— Сиз... расмий шахс... сифатида келдингизми?

Лапетеуснинг заиф овози хириллаб чиқди. Қўлини эса бермади. Роогас, унинг қўли майиб бўлган бўлса керак, деб ўйлади.

— Эски... таниш ва расмий шахс сифатида.

У ёлғон гапириди. Лапетеусни сўроқ қилиш унинг хизмат вазифасига кирмасди. Роогас бу авария билан контрол тариқасида шугулланарди. Расмий протоколни авария бўйича навбатчи Филиппов тузади. Бироқ Роогас Лапетеуснинг кўнгли учун ёлғон гапиришни лозим топди.

Лапетеуснинг кулранг башараси жилмайишдан бужмайиб кетди.

— Мен... ёнимга... танишларни... дўстларни... ва қариндошларни... киритмасликларини... илтимос... килганиман.

У кучаниб гапириради.

Роогас ораларидаги сұхбат ўзи ўйлагандан оғирроқ бўлишларини фаҳмлади.

— Аҳволингиз сиз ўйлаганчалик оғир эмас.

Лапетеус индамади.

Роогас бемор нафас олганда кўкрагида алланарса нижирлаганини эшитди.

— Уртоқлар сизга салом деб юборишиди, тезроқ тузалиб кетишингизни исташади.

Лапетеус яна индамади.

— Урушда ўлим бир неча бор сизга ҳозиргидан яқинроқ турган эди. Жиллақурмаса қуршовга тушиб қолган хароба уйни эсланг. Очигини айтсам, мен ўшанда жонимдан умидимни узис қўйган эдим. Бўш келмасликка ҳаракат қиласардиму, лекин асирга тушиб қолиш хавфини ўйласам, ўзимни ўзим пешонамдан отгим келарди...

Лапетеус синовчан назар ташлаб Роогасни текширишоқда эди.

Бир оз сукунатдан кейин Роогас:

— Машиналар қандай уришиб кетганини әслайсизми? — деб сўради.

Лапетеус буни расмий сұхбатнинг бошланиши деб ўйладими ёки күнглига бошқа гап келдими, ишқилиб, бу сафар жавоб қилди:

— Фира-шира... әслайман. Қувиб ўтмоқчи бўлгандим... Рўпарамдан келаётган... машинани пайқамабман. Унга кўзим тушганда фурсат ўтган эди... Айб менда.

— Неча километр тезликда кетаётган әдингиз?

— Спидометрга қарамаган эдим.

— Олдинда кетаётган юк машинаси шоферининг ишонтиришича, саксон-тўқсон километр атрофида кетаётган экансиз.

— Эҳтимол.

— Рўпарадан келаётган машинани қачон кўриб қолдингиз?

— Юк машинасига... тенглашганимда.

— У машина узоқдамиди?

Лапетеус дарров жавоб бермади. Чамаси, ўйлаётган эди. Ниҳоят, тилга кирди:

— Ўн метр нарида... Балки... йигирма метрдир. Шундоққина... олдимдан... чиқиб... қолди.

— Сиз узоқни ёритадиган чироқни ёқканмидингиз?

— Назаримда, ҳа. Аниғи... эсимда йўқ... мен... сизнинг таъбиингиз билан айтганда... — У лабини буриб жилмайди, — қаттиқ маст ҳолда эдим.

Лапетеус ўйга толди.

— Рўпарадан келаётган шофер қандай чироқни ёқкан эди?

— Чамаси, яқинини ёритадиганини ёхуд фараларнинг тагидагиларни.

— Гараждан сиз қачон чиқиб кетгандингиз?

— Соатга... қараганим йўқ... Пидрус кетганидан кейин... бир соатлар чамаси ўтгач.

— Сиз Пирит томондан Таллинга йўл олгансиз, Қаердан келаётган әдингиз?

Лапетеус қизишиб:

— Бунинг... аҳамияти... борми? — деб сўради.

— Ҳа.

— Пиритдан.

Лапетеус қаёқса борганини ва нима мақсадда борганини айтмаслигини Роогас фаҳмлади. Айтгандек, буни ундан талаб қилишга унинг ҳақи ҳам йўқ.

— Қаршиングиздан келаётган машинанинг қандай марқада эканлигини ажратада олдингизми?

Лапетеус кўзларини юмид узоқ вақт ётди.

— «Москвич»... номери эса... Ҳамма иш... бир зумда бўлиб ўтди.

— Ранги эсингизда қолдими?

— Яшил... ва оқ.

— Машина ва унда келаётган одамларнинг нима бўлганидан хабарингиз борми?

Узоқ жимлиқдан кейин Лапетеус ташвишланиб сўради:

— Нима... бўлди уларга?

Эшикда ҳамшира кўринди ва келишилган яrim соат ўтди, деб огоҳлантириди. Врач беморни ортиқча толиқтиришга руҳсат этмасди.

Андрес Лапетеус бақириб юборди:

— Жавоб беринг!

— Биттаси майиб бўлди, бошқаси ўлди.

Гапга ҳамшира аралашибди.

— Ўртоқ майор, бугунча шу ҳам кифоя.

Роогас кўнглидаги гапни яшиrolмади.

— Шофер ҳалок бўлди.

Шу онда, Лапетеус кимни уриб юборганини билармикин, йўқмикин, деб ўйлаб қолди. «Москвич»нинг рангини аниқ айтди. Бироқ ранги икки хил — юқори томони яшил, паст томони оқ машиналар оз дейсизми?!

Майор Роогас эшикка етганида орқасига ўгирилиб қаради. Лапетеус бақрайиб қараб турарди. Унга раҳми келиб кетди. Үзини илгаригидан кўра кўпроқ гуноҳкор сезди.

Лапетеус нега у билан бундай муомала қилди? Таниши, фронтдаги дўсти сифатида сұхбатлашишни истамади. Бир вақтда Андрес уни ишга жойлаб қўйиган эди... Кечқурун улфатчилик қилишганда эса уни аллада азиз, тўрвада майиз қилмаса-да, унга дўстона муносабатда бўлган эди. Ҳар қалай хайрлашаётгандарнида улар бир-бирларини тушунганди кўнгилларида бор гапни рўйирост айтган эдилар, Лапетеус ўша куни унга «сенсираб» гапирганини Роогас ҳозир әслаб

қолди. Андреес у билан дўстлашишга ҳаракат қилган эди. У бўлса шошқалоқлик қилиб кетиб қолди.

Роогас ўзидан норози бўлди. Лапетеус билан худди бегона одамдек муомала қилди. У собиқ фронтчи дўстини сўроқ қилмоқчи эмасди, унинг аҳвлени билмоқчи эди. Унга далда бериб, кўнглини кўтармоқчи эди. Дўстлар сендан юз ўтиргани йўқ, демоқчи бўлганди. Лапетеус писмиқлик қилган бўлса нима қипти. Ахир у бахтсизлик ва унинг хунук оқибатидан ўзини ўйқотиб қўйган-ку...

Лапетеуснинг қариндошлари ва таниш-билишларидан ўзини олиб қочиши Роогасга ғалати туюлди. Еки у уларнинг тъянали нигоҳларига бардош беролмаслигидан қўрқармикин? Ахир унинг касрига Хаавик ўлди, хотини эса майиб бўлиб ётибди. Паювийдик нима деган эди? «Ҳаёт ўлгудек чигал нарса!»

Рост айтади у.

Лапетеусга кимни ўлдиргани ва кимни майиб қилганини айтмаганидан Роогас ташвиш тортди. Ахир буни унга эртами-индин бари бир айтишади-ку...

У Лапетеусни қанча кўп ўйласа, ҳар хил саволлар уни шунча кўп безовта қила бошлади.

Нима учун Лапетеус кимнинг машинасини уриб юборганига қизиқмади? Нега у фақат «Москвич»дагилар нима бўлди, деб сўради. Унда кимлар келаётганидан хабари бормиди? Хабардор бўлса, буни қачон билди? Ким унга айтди? Врачларми ёки ҳамшираларми? Ё бўлмаса уни кўргани қелгандарми?

Қаршисидаги машинани бирданига таниб қолдимикин? Машинада ким ўтирганини кўрдимикин ёки гумон қилдимикин? Ҳеч нарсага қарамай уриб кетавердимикин? Бу ҳолда Лапетеус фожианинг айбдоригина эмас, жиноятчи ҳамдир.

Роогас кўнглида бунга эътиroz билдири.

«Бордио Лапетеус, «Москвич»да кимлар келаётганини кўрди ҳам дейлик. Унда ҳалокатнинг олдини олиш учун қўлидан нима келарди? Ҳеч нарса. Ҳалокатнинг олдини олишининг иложи йўқ эди. Ҳамма иш бир зумда бўлиб ўтди. Энг уста шофёр ҳам ҳалокатга чап беролмасди. Машинани ўнгга олиш керак — аксари шофёrlар бундай ҳолларда беихтиёр шундай қилишади. Хаавик ҳам шу ишни қилди, чунки ўқдек учиб келаётган машинага урилгандан кўра ариққа тушиб

кетиш унчалик ҳавфли эмас. Бироқ ўнг томондан юк машинаси келаётган эди. Андрес ноилож аҳволда қолгани.

Гарчи майор Роогас Лапетеуснинг аҳволини тушунишинга, унинг қилмишини мантиқан асослашга уринса ҳам бари бир кўнглида яна шубҳалар пайдо бўлаверар эди. Машинани ўнг томонга буриб, юк машинасининг орқасига урилса асосан ўз ҳаётини ҳавфхатарга қўйган бўларди.

Роогас аварияга оид ҳамма варианtlарни таҳлил қилиб чиқди. Бироқ кейин ўзига-ўзи буларнинг ҳаммаси бефойда гаплар, деб қўйди. Лапетеус масти эди. Буни фалокат содир бўлмасдан бир неча соат илгари унинг ўзи ҳам кўрган эди. Паювийдик билан Пидрус ҳам шуни тасдиқлашди, врачлар ҳам текшириб шу холосага келишди. Масти одамнинг сезиши, мушоҳада қилиш қобилияти суст бўлади. Ҳалокат Лапетеус ҳамма нарсани тушуниб етмасдан, кўзи кўрган нарсаларга мияси жавоб бериб улгурмасдан рўй берган, гизиллаб келаётган машинада бирор одамни кўрган бўлиши даргўмон.

Нималарни кўрганини ва нима қилмоқчи бўлганини ёлғиз Лапетеусгина билади. Қонун содир бўлган воқеани қандай бўлса, худди шундай талқин қиласди. Лапетеус бир одамнинг ўлимиди, бошқасининг қаттиқ майиб бўлишида айбдор ва у белгиланган жазони олиши керак.

Роогас бирон-бир қатъий қарорга келгани йўқ. Унга Лапетеус сўнгти дақиқада нимани ўйлади, қандай ҳисларни туйди ва нима қилмоқчи бўлди, деган савол жуда муҳим кўринди. Балки Лапетеусни шаҳарга боришига мажбур қилган сабаб катта аҳамиятга эгадир? Уйдан чиқишга уни нима мажбур қилдийкин?

Роогас юз берган бахтсиз ҳодисада ўзининг ҳам айби борлиги тўғрисидаги туйғудан сира ҳалос бўлолмади...

2

Реэт Лапетеус эрини айбламаслигини Роогасга бир неча бор маълум қилди. Агар Хаавик тирик бўлиб, ўз фикрини айта олганда, у ҳам дўстини суд қилмасликларини сўраган бўларди. Викторнинг ўзи машина ҳай-

дарди ва машина бор ёрда хатар бўлишини жуда яхши биларди. У кўпинча шундай дерди. Охирги марта бу гапни бир йил бурун «Москвич» сотиб олганда айтган эди. Афуски, у Andresни ҳимоя қилолмайди. Бўлмаса жон деб шу ишни қиласарди, деб уни ишонтироқчи бўлди.

Реэт Виктор Хаавик билан тасодифан учрашиб қолганини ҳам гапирди.

— Мен синфдош дугонамнида меҳмонда эдим, кофе ичиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирик. Гап билан овора бўлиб, кеч бўлиб қолганини ҳам пайқамабман. Ётиб қол, деб мени қисташди, лекин уларнинг уйлари тор, шунинг учун бошқа дугонамга, сенинг уйинтга келиб ётаман, деб айтиб қўйган эдим. Дугонамнинг исми Эрна Тийвит, Пиритда кенг-мўл уйи бор. Энди такси тўхтайдиган жойга етиб келган эдим, ўртоқ Хаавикнинг машинаси ёнимга келиб тўхтади. Марказий майдонда, биласизми, илгари у ерда «Калев» командасининг футбол майдони бор эди. Сиз таллинликмисиз? Унда биласиз. Албатта, футбол майдони ичкарида, бу унинг олдидা. У мени кўриб қолди-ю, уйингизга олиб бориб қўяман, деб таклиф қилди. Ўртоқ Хаавик доимо илтифот кўрсатарди, мен сизга айтсан, у назокатли одам. Мен тамомила бошқа томонга — Пиритга кетаётганимни билиб у жуда ҳайрон бўлди. Бунга сиз ҳам ажабланяпсиз, буни жуда яхши тушунаман. Ростини айтсан, Andresга ўртоқларнинг ёлғон гапириб қўя қол, деган эдим. Сизга, ўртоқ Пидруслга ва бошқаларга бажонидил хизмат қилардим. Эрим сиз тўғрингизда қизиқ ва яхши гапларни жуда кўп гапиради, сизларнинг улфатчилигингида бўлолмаганимга жуда ачиндим. Менинг Каартна билан учрашгим келмади. Аҳволимга тушунинг, илтимос қиламан. У билан Andres ўртасида нима бўлганини биламан. Хотинлар ғалати бўлади, ўртоқ майор.

Реэтнинг кўзи жиққа ёшга тўлди.

— Кечиринг, ўртоқ Роогас, асабим жуда қақшаб қолди.

Роогас:

— Бемалол, bemalol! — деб ғўлдиради.

Реэт давом этди:

— Бир вақтлар Andres уни қаттиқ севган экан.

Баъсан менга... Э, худойим-э. Нега мен буни гапиряпман? Лекин гап очишга очдимми, энди ниҳоясига етказини керак. Хотин кишига буни эътироф этиш оғир, лекин кўнглимда Andres уни ҳали ҳам севади, деган шубҳа пайдо бўларди.

Аёл кишининг каравотда ўтириб олиб йиглашига юараб Roogasning юраги ачиса-да, уни қандай юпатишни билмасди.

— Менда ҳам айб бор,— деди у ниҳоят.— Бахтсиз ҳодиса рўй беришидан бир неча соат олдин бирга эдик. Ичишга ичдигу, аммо бир-биримизга тушунмадик.

— Кечиринг,— деди Реэт кўз ёшларини рўмолчаси билан артиб.— Кечиринг, мен юрак амрига зид боролмадим. У аёл билан учрашиб танишишим керакмиди? Йўқ, йўқ, йўқ! Бу даҳшатли хато бўлган бўлиши мумкин эди... Фожиавий хато, ўртоқ майор.

Лапетеуснинг хотини фожиавий хато деган сўз замирида нимани кўзда тутаётганини Roogas сўраб ўтирамади. У ўзини ўнглаб олишига имкон берди.

— Биз Andres билан келишиб қўйдик, у сизлардан узр сўрайдиган бўлди. Холасиникита кетди ёки бошқа бирор нарса дейиши керак эди. Холам чиндан ҳам касал. Мен уни тез-тез бориб кўриб тураман, лекин бу сафар бу бир баҳона эди холос. Сиздан ҳеч нарсани яшираётганим йўқ... Мен Пиритда дугонамнида тунаб қолишимни Andres биларди. Ўртоқ Хаавикка,— кўрдингизми, у тўғрида худди тирик одамдек гапиряпман,— бу гапларни айтмадим. Унга нима деганимни ўзим ҳам билмайман. Ҳозир миямда ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди... Мен Andres биламан, дўстларини кўришни истамаслигини тушунаман. Ҳозир унга жуда ҳам оғир. Эҳ, уйда қолсам нима қиласар экан-а!.. Лекин мен риёкорлик қилишни хоҳламадим. Йўқса, ҳаммангизнинг уруш йилларидағи умумий танишинигиз олдиди риёкорлик қилишим лозим эди. Эҳтимол, ўртоқ Каартна яхши хотиндир, ишончим комилки, у кўзга яқин, эҳтиросли аёл бўлса керак, бироқ мен эримни ўртада баҳам кўришни истамайман. Шунга қарамай, бари бир уйда қолмаганимга пушаймон қиламан... Нима учун ўзимизга кучимиз етмайди? Раъйимизни қайтаришга ожизмиз?

Реэт рўмолчасини гижимлаб ва уни ҳимариди Roogasга ёшдан ҳўл бўлган кўзларини тикиб турарди.

Роогас Реэт Лапетеус ўйлаганидан бошқачалигини, таъсирчан ва нозик эканлигини ўйлади. У бўлса уни ичидан пишган, мулоҳазали деб юрарди.

— Мен... Ўртоқ Хаавикка нимаям дедим. У гапимга ишондими, йўқми, билмайман. Буни энди ҳеч қачон билмайман. Виктор мени Пиритга олиб бориб қўйишга рози бўлди. Айтмоқчи, ўртоқ Хаавик ҳам Ниммада туради. Э, нега буни гапириб ўтирибман, бундан ўзингизнинг ҳам хабарингиз бор-ку. Шуни айтишим мумкини, у Ниммага кетаётиб мени йўл-йўлакай уйимга олиб бориб қўйиши мумкин эди. Лекин у Пиритга олиб бориб қўйишдан бош тортмади. Виктор,— биз уни ўзимизга яқин олиб Виктор дердик,— Andresni ҳақиқий дўст сифатида ҳурмат қиласарди, мени ҳам. Уни кўриб бошим осмонга етди, чунки такси йўқ эди, кечаси хотин кишининг ёлғиз туриши ноқулай. Мен жон деб машинага ўтирдим. Ўртоқ Хаавик сизнинг улфатчилигингизда қатнашолмаганини айтди. Сизни у Ракверадан табриклавди. Табриклавдими? Албатта-да, бундай ишларда жуда серҳафсала эди. Унинг энди... йўқлигини... эслаш ниҳоятда қайгули... Биз эндинигина Пирит йўлига бурилган эдик... Кечирасиз, бу ҳақда биз гаплашган эдик. Эсим жойида эмас. Ҳадеб бир гапни такрорлаб, сизнинг бекорга вақтингизни оляпман.

— Йўқ, сиз кўпгина нарсаларни дурустроқ билиб олишимга ёрдам бердингиз,— деди Роогас.— Сиз билан эрингизнинг бошига ёмон кунлар тушди. Тезроқ тузалинг, бу кўнгилсизликларни енгиш учун тезроқ куч-қувват йигинг.

Реэт савол бериб уни тўхтатди:

— Andresni... нима кутади?

Роогас тараддулланиб турганини кўриб шоша-пища илова қилди:

— Буни суриштирганим учун афв этинг. Ундан жуда хавотирдаман. Сиз ҳойнаҳой айттолмассиз? Кечиринг мени.

— Айттоламану, бироқ эплолмайман,— деди майор Роогас.— Хунук оқибатларга сабаб бўладиган йўл ҳаракати қоидасини бузганлар икки йилдан етти йилгacha озодликдан маҳрум қилинади. Бироқ буни биз эмас, суд ҳал қиласади.

— Мен эримни ҳеч нарсада айбламайман,— деб такрорлади Реэт.— Виктор ҳам айбламасди. Афсуски,

у Andresning аҳволини тушунолмайди, уни ҳимоя қилолмайди. Мен ёлғиз ўзимга таъна қиласаман. Нега бундай бўлди?

— Тинчланинг. Суд ҳаммасини ҳисобга олади. Реэт шивирлади:

— Раҳмат сизга, ўртоқ Роогас. Катта раҳмат.

3

Роогас эртаси куни жабрдийданинг олдига келганида Лапетеус гумонсираётганини ёки ҳамма нарсани билиб олганини, янги ҳеч нарса айтмаслигини дарҳол сезди. Шунда миясига лоп этиб кечаги: «Лапетеус «Москвич»да кимлар бўлганини биладими, йўқми?»— деган савол келди.

— Яна... келдингизми?

— Ҳали ҳамма нарса тўғрисида батафсил гаплашиб олганим йўқ.

— Мен ўз қилмишманинг оқибатларини... жуда яхши тушунаман.

— Кимнинг машинасини уриб юборганингизни ўзингиз биласизми?

Лапетеус бир оз сукут сақлагандан кейин:

— Ҳа,— деб жавоб берди.

— Буни қачон билдингиз?

Бемор индамади.

— Сиз қаршидан келаётган машинани танибмидингиз?

Майор Роогас диққат билан қулоқ солди. Лапетеус индамаган сари унинг ҳаяжони ортиб борди.

— Йўқ,— деди у ниҳоят.

Роогаснинг кўнгли жойига тушди. У уриб юборган машинада кимлар келаётганини қаердан билгани мутлақо аҳамиятсиз нарса. Энди Роогас Лапетеусга кўнгилчанлик билан қаради.

— Биз аниқладик. Хаавик Ракверада бўлибди, Таллинга кечаси келаётган экан,— Роогаснинг назарида Лапетеус буни билиши керак эди.— Хаавик шаҳарда тасодифан рафиқсангизни кўриб қолибди. Рафиқсангиз ундан Пиритта дугонасиникига олиб бориб қўйишни илтимос қилибди.

Лапетеус Роогаснинг гапларига индамай қулоқ солди. У баланд қўйилган ёстиқларга бошини қўйганча энгашиб ётар, ҳаллослаб, қисқа нафас олар эди.

Роогас Andresning ўпкаси қаттиқ шикаст еганини, у ҳаво етишмаслигидан қийналишини, Лапетеус тузалиб кетадими, йўқми, буни врачлар айттолмаслигини биларди. Роогас беморнинг шубҳали, нафратомуз нигоҳини пайқади.

— Сиз... имзо... чектириш учун... менга... акт... ёки... протоколни... қаҷон... келтирасиз?

Роогасга Лапетеус берган савол эмас, унинг бу саволни ҳозир бергани ғалати туюлди.

— Расмий ҳужжатларни лейтенант Филиппов расмийлаштиради, у әртага келади.

У яна шуларни қўшимча қилишни лозим кўрди:

— Биз яқин танишлармиз, баҳтсизлик юз беришидан бир неча соат олдин мен сизникида меҳмонда бўлганман. Шу важдан сизнинг ишингиз юзасидан тергов олиб борлмайман.

Бемор индамади, кейин бирдан сўраб қолди:

— Сиз дафи маросимида қатнашдингизми?

— Ҳа, мен, Каартна, Пидрус, Паювийдиклар қатнашдик. Улар сизга салом айтиб юборишиди.

Бир лаҳзага Лапетеуснинг чиройи очилди.

— Раҳмат.

Роогас ўрнидан турмоқчи бўлган эди, Лапетеус ундан:

— Хотинимнинг аҳволи қандай? — деб сўради.

— Тузук. Бир ҳафтадан кейин касалхонадан чиқади.

— Илгари Реэт Силлартни танирмидингиз?

— Юзаки танирдим.

Майор Роогас бошқа ҳеч нарса деёлмади...

ОЛТИНЧИ БОВ

1

Лапетеуснинг тавсияси билан Лаури Роогасни Вильянд ўрмон саноати хўжалигига ишга тайинлашиди. Лапетеус бу ишни бир ёқлиқ қилгач, ўзини жуда яхши ҳис қилди. Хийла тараффуддан кейин Хельвига телефон қилиб, ундан: «Сендан умидим катта», деган жавоб олди. Лапетеус бу билан Хельви каттагина маъно англатадиган бир нарса демоқчи, деб ўйлади. «Чамаси, у тақдирига тан берганга ўшайди,— деб

ўйлади Лапетеус.— Ахир биринчи бўлиб унинг кўнглини овлаган мён эмасман-ку». Расво фикр. Лапетеус буни ҳис қилди ва Хельви ажойиб аёл, энди у билан бемалол гаплашаверамиз, юрагимиз энди туз сепгандек ачишмайди», деб ўзини ишонтириди.

«У дарддан ҳалос бўлди».

Лапетеус шундай бўлишини истар, бунга ўзини ишонтироқчи бўлар эди.

У Пидрус билан Хаавикка телефон қилди, Паювийдикка хат юборди, унинг адресини аниқлашни кадрлар бўйича инспекторга топширди.

Лапетеус ўртоқларини олиб борган ресторан ини бузилган арилардек ғувилларди. Оркестр ҳадеб бир куйни чаларди. Чамаси, аллаким нул тўлаб шу куйни буюрган эди.

— Ўйимга таклиф қиласидиму, бироқ тор,— деди Лапетеус.— Бунинг устига пишириб-куйдирадиган хотиним ҳам йўқ, ойим касал.

— Мен Каартнага уйланарсан, деб ўйлаган эдим,— деди Паювийдик.

Лапетеус маъноли қилиб жилмайди.

— Биз Хельви билан бошқа нарсага келишдик. Тўй бўлмайди, лекин дўстлигимиз қолади. Баъзан шунача ҳам бўлади. Айтгандек, яқинда иккевимиз майор Роогасни ишга жойлаштиридик, осон бўлмади бу.

У Хаавик билан Паювийдикка Роогас ва унинг Вильяндда ишлаши тўғрисида батафсил галириб берди.

— Роогас ҳалол одам,— деди Пидрус.— Юрвенга ҳайронман.

Лапетеуснинг тобора кайфи чоғ бўлаверди, у энди менга ҳеч ким таъна қилмайди, деб ўйлади.

Паювийдик шундай деди:

— Роогас ўшандада: «Бирор ерда қолиб кетган автомат ёки милтиқ топилмайдими?» — деганда қойил қолдим-е! Бундай одамни кафтариб юриш керак! Ҳеч ақлим етмайди, ишга белгиланган ва тайинланган арбоблар одамларга қандай йўл билан баҳо ёрадилар. Сен, капитан, ҳақиқий гвардиячисан.

— Баҳо бериш ими ишониб топширилган одамлар билиб ўз ишларини қиладилар.— Хаавик маънодор қилиб бошқаларга қаради ва кўзини танца тушаётгандарга тикиди.

У зерикарди. Тўғри, ресторанга янги-янги одамлар келиб турар, лекин у кўнглига ёқадиган аёлни кўрмасди. Бу орада **Андрес Хельви** билан ҳали ҳам учрашиб турганмикин, деб ўйлади. Балки учрашиб туришар. Бироқ у бари бир Лапетеусга ишонмасди.

Паювийдик истеҳзо билан:

— Оббо масхарабоз-е, сен амал берган худо ақлни ҳам аямай бераверади, деб ўйлайсанми? — деди.

Хаавикнинг Паювийдикка тоқати йўқ эди, у борида бирмунча талмовсираб қоларди. У ўзини бу гапни эшитмаганга солди.

— Гапингни эшитган одамда шундай таассурот қоладики, гўё сен инсониятни икки туркумга, яъни бошлиқлару аҳмоқларга ва итоатгўйлару доноларга бўлмоқчидек бўласан,— деб жавоб берди унинг ўрнига Пидрус.

Хаавик хохолаб кулиб юборди. Паювийдик ҳам кулди.

— Жудаям бунчалик эмас. Ҳафтафаҳмлар бошлиқлар орасида ҳам, итоатчилар орасида ҳам бор. Калтабинларнинг нисбати у ерда ҳам, бу ерда ҳам тахминан бир хил. Бироқ буйруқ берадиганларнинг аҳмоқлиги буйруқни адo этадиганларнинг лақмалигидан яққолроқ кўринади. Гап шунда. Менинг истагим шуки, юқори мансабларда одамларга ақл ўргата оладиган одамларгина ишласин. Ўлган-тирилганига қарамай юқорига интиладиган баъзи одамлар кўтарилган сари ақли қисқалиги очиқроқ маълум бўлишини билишмайди. Нима, яна бемаъни гапларни гапирипманми, Виктор?

— О, Сулаймон, оғзингдан бениҳоя ҳикмат боли томади!

— Бизнинг соҳада Роогас узоққа боради,— деди Лапетеус.

— Баъзан бизда қилинаётган баъзи ишларни кўрсам, жиним отланиб кетади,— деди жиддий оҳангда Паювийдик.— Мисол учун қурилишни олайлик. Қурган биноларимиз уч пулга қиммат. Министр ўринбосарларидан бири узоқ ўйлаб ўтирумай мени капиталистларнинг тўтиқуши деб атади. Мен юрак ютиб, унинг башарасига, илгари яхшироқ қуришарди, деган эдим. Бунинг сабаби нима? Менинг каллам ишлайди, уйлар худди қўзиқориндек потирлаб пайдо бўляпти,

тажрибали ғиштиilar, дурадгорлар, бўёқчиilar ва водопроводчилар етишмайди. Ҳўш, нима қилиш керак? Яхши усталарни ўқитиб тайёрлаш даркор. Токи бешолти йилдан кейин уларга мұхтоj бўлмайлик, яна қўли гул одамларни қадрлаш, ҳақини тўла-тўқис тўлаш лозим. Уларга эътибор бериш, меҳрибонлик қилиш керак. Ахир сен газетада шундай деб ёзасан-ку, Виктор. Бошлиқлар ҳам шундай деб жар солишиади. Аслида эса ҳар қаёқдан келган бетайин қаланги-қасангилар билан планин бажаришнинг пайидан бўлишади. Одамнинг жони чиқади.

Лапетеус ён-верига аланглаб қараб, маслаҳат берди:

— Сал пастроқ туш, ошна.

Ароқни кам ичишди. Хаавик ора-сира танца тушиб турди. Ҳар тўғрида гаплашиб ўтиришди. Лапетеус ҳадеб уруш йилларини эсларди. Паювийдик эса зўр бериб ҳозирги кун тўғрисида гап очди.

— Биз ҳаддан ташқари кўп иш қилишимиз керак,— деди у қизишиб.— Ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш лозим. Таллинга бир назар ташланг! Қаёққа қараманг харобазор, ахлат. Нарва-чи, ўйласа одамнинг вахми келади. Тартуни эса эслатишнинг ҳам ҳожати йўқ. Ҳаммасини қайтадан қуриш лозим. Буни кимлар қилиши керак? Бизлар, гвардиячилар. Мен фақат қурувчиilar тўғрисида эмас, барчамиз ҳақимизда гапирилман. Харобаларни кўрсам юрак-бағрим эзилиб кетади, лекин биласизми, бир нарса қувонтиради. Яъни ишнинг кўплиги. Ҳамма ёқ тиклангандан кейин ҳам иш кўплигидан бошни қашишга қўл тегмайди. Буни хис қилиш ниҳоятда кўнгилли. Қирқинчи йилнинг ёзига довур қиласиган ишим — иш қидириш эди. Вояга етибманки, одам бахтини ишда топади, деб ўйлайман... Гарчи ҳозир иш сероб бўлса ҳам шундай деб ўйлайман. Бунга фақат ҳар хил олғирларгина бепарво қарайди. Ҳей, адъютант, нега ўқраясан? Қани, гапир, матбуот!

Пидрус унинг гапига қизиқиб қулоқ солди. Хаавик Лапетеусга қараб кўз қисиб қўйди.

— Капиталистик формацияда меҳнат сенга қандай бахт келтириди? — деди у баланддан келиб.— Эксплуатацияга асосланган жамиятда меҳнат ҳар доим қуллар меҳнати бўлади. Социализм қуриш даврида

албатта ҳамма иш тамомила бошқача бўлади. Ҳозир меҳнат орномус, қаҳрамонлик ва шараф-шон иши бўлиб қолди. Бу элементар ҳақиқатни қулогингга қўйиб ол.

Паювийдик хохолаб кулиб юборди.

— Қайси брошюранинг нечанчи бетидан ўқияпсан ёки ёзib олдингми буларни? Хўш, оммавий фикрларни яратувчи одам, умуман, сен меҳнат нималигини билсанми? Меҳнат моддий бойликларни яратувчи нарса. Кўрдингми, мен ҳам бальзи ибораларни биламан. Тавба, шуниси қизиқки, меҳнат тўғрисида, айниқса қўлини совуқ сувга урмаган одамлар ҳаммадан кўра дадилроқ гапиради.

Хаавик қулочини кериб қўйди. Унинг ўртоқларига тиккан нигоҳи, хўш, олтинчи синфи зўрга битирган ва уруш вақтида бир амаллаб сержант унвонига эришган бу сафсатобозга назарий ҳақиқатни қандай тушунириб бўлади, деяр эди.

— Қимматли ҳақиқатгўй,— деди Паювийдик ҳамон тинчимай,— ҳозир айтган гапларимни ўзингга олма, зоро, ақлли одамлар ўтирганлар тўғрисида гап очмайди. Сизга очиғини айтсан, гвардиячилар, меҳнат синфи жамиятда қуллар меҳнати, деган гапни алла-қаердан эшитиб олиб ҳадеб оғзаки ва ёзма равишда тақорролайверадиган арбобларга ҳеч тоқат қилолмайман. Бирор ердан улар меҳнат Совет мамлакатида орномус, қаҳрамонлик ва шон-шараф иши деган иборани ўқиб оладилар-да, гапиравериб, мияни қоқиб қўлга берадилар. Яна сенга ақл ўргатмоқчи ҳам бўладилар! Сенинг ғоявий-сиёсий онгинг савиясини кўтарадилар. Э, қуриб кет-е, нима, буни ўзим билмайманми? Мен бошқа нарсаниям биламан. Бутун дунёни меҳнат тебратиб турибди, агар одам одам бўлса яхши ишни ҳамиша қадрлайди, ундан қувонади. Шундай, дўстлар!

Хаавик танца тушгани кетди.

— Бизнинг авлод зиммасига улкан масалалар юкланган,— деб гап қистириди Пидрус.— Энг муҳими, биз ҳаётимиздан кўзлаган мақсадимизни тўғри тушундик.

— Менинг ҳаётимдан кўзлаган мақсадим...— Паювийдик ўйга чўмди.— Йўқ, мен буни ифода этолмайман,— деб у эътироф этди.— Фронтда мен жуда кўн нарсани: ёғлиқ карам шўрвани, дўндиқ жононни, у

билин тоза чойшабда ётишни, «давлат бошлиғи»¹га ўхаш яхши ичкиликни орзу қиласардим.

У хохолаб кулиб юборди-ю, гапини чала қолдирди.

Андрес Лапетеус ҳам ҳаётидан кўзлаган мақсади нималиги тўғрисида жавоб бериши лозим бўлса дөвдираб қолишини ҳис қилди.

— Мўътабар одамлар баён этган нарсаларни такрорлашни донолик деб ҳисобловчи баъзи одамлар... ўйлаб-нетиб ўтиргасдан дангалига, ҳаётимдан кўзлаган мақсадим — коммунизм, деб жавоб берган бўлур эди.

— Коммунизм мижозингга тўғри келмайди шекили сенинг?— деди Пидрус.

— Коммунизм мижозимга тўғри келмаганда урушнинг бошида түёғимни шиқиллатиб қолмасмидим? Ҳозир Стокгольмда ёки Торонтода кўча чангитиб юрадим. Коммунизм, бу, нима десам экан сенга, ҳамманинг асосий мақсади. Бизларнинг ҳаммамизни бирлаштирадиган нарса. Бироқ бунда ҳар кимнинг ўз шахсий ҳиссаси бўлиши керак. Ҳар бир одам шахсан ўзи қиладиган ишни билиши зарур. Бу ҳиссаларнинг ҳаммаси йиғилиб, яхлит бир нарсани ташкил этади. Коммунизм. Биз кўпинча оғиз кўпиртириб гап сотамизу, бироқ иш кам. Башарти иш қилинмаса, коммунизм — қуруқ сафсата.

Андрес Лапетеус яна, борди-ю, ундан нимага интиласан, ҳаётингнинг маъноси нима, деб суриштириб қолгудек бўлишса, дарҳақиқат, қийин аҳволга тушиб қолиши мумкинлигини ўйлади. Албатта, у социализм ва ҳалқ бахти тўғрисида мулоҳаза юрита оларди, лекин буни Совет тузумини маъқул кўрган ҳар бир одам айтиши мумкин. Паювийдикнинг ҳар кимнинг шахсий ҳиссаси тўғрисидаги сўзлари қуруқ сафсата эмасга ўхшайди.

«Ҳаётимдан кўзлаган мақсадим нима?»

Лапетеус ҳозир ресторонда стол ёнида ўтирганда бу нарса тўғрисида ҳеч қачон охиригача ўйламаганини билди. Мактабда ўқиб юрган вақтида ҳар хил касбларни орзу қиласарди. Ўзини врач, паровоз машинисти ва ниҳоят учувчи деб фараз қиласарди. Ўрта мактабни

¹ Буржуа даврида бир литрлик ароқ шишаини шундай деб аташарди.

битириши яқин қолган сари келажак тұғрисидаги ре-
жалари шунча күп бузила борди. У фақат ёлғыз бир
нарсаны — қатъий ойлик белгиланған ишни орзу қи-
либ қолди. Бундоқ қараганда жұнгина бир орзу, бироқ
бу орзунинг ушалиши ҳам осон бўлмади. Бир неча ой
эшикма-эшик юрганидан кейин банкадан иш топди.
Бироқ идорама-идора, магазинма-магазин чопиб юриб
югурдаклик қилиш унчалик кўнгилли иш эмасди.
Аммо столда ўтириб хатларни рўйхатга олиш кўнгил-
ли эди. У банка амалдори бўлишини истаса ҳам нияти-
га етолмади. Бир йилдан кейин одамларни қисқарти-
ришганда уни ишдан бўшатиши. Бунинг эвазига
унга, виждонли ва файратли йигит, деб икки энли хат
ёзиб беришди. Кейин у агентлик қилди, лекин бу иш
унга ёқмади. Ундан сотувчи ёки баққол чиқмасди —
бунга у бир неча ой ишлаб банкада оладиган пулининг
ярмисини ҳам ишлолмаганида ишонди. Канцелярия
машинкалари сотадиган магазиндан ўз ихтиёри билан
бўшаб кетди.

Дараҳт кесувчи бўлиб ишлашдан ҳазар қилмади.
Бақувват одам бўлганидан болта ва арра билан иш-
лашдан баъзан ҳузур қиласарди. Ўрмончилик идораси
айниқса унга ёқарди. Бироқ ҳозир Эстониянинг бутун
ўрмонлари унинг ихтиёрида бўлган бир вақтда ўзининг
ўрмон ишига, аниқроқ қилиб айтганда, ўрмон саноа-
тига ҳаваси борлигига тўла ишонмасди. Агар унга
бошқа соҳада худди шундай лавозимни таклиф этишса,
унчалик тихирлик қилмасди. Ойлиги катта бўлса дар-
ров рози бўларди.

Андрес Лапетеус яна бошқа нарсани ҳам тушуниб
қолди. У ўзини ўнглаб олиши керак. Бўлмаса ўрмон-
да изғиб, телефон жиринглатиб, директива юбориб,
ҳисобот сўраб юраверади-ю, фақат буйруқни бажара-
диган, нимани талаб қиласалар қулоқ қоқмай адo эта-
диган одамлигича қолаверади. Уни қадрлашлари,
буйруқларда номини тилга олишлари, мажлисларда
мақтاشлари мумкин, лекин бу ҳеч нарсани ўзгартир-
майди. У ҳаётда қатъий мақсади бўлмаган одамлиги-
ча қолаверади.

Бундай хулосадан Andres Lapeteus қўрқиб кетди.
У Паювийдикка қараб туриб, сobiқ рота сержантис-
нинг, ҳойнаҳой, қурувчилик қон-қонига сингиб кетган
бўлса керак, деб ўйлади. Биноларни ёмон қураётган-

ларидан унинг кўнгли безовта бўлаётган эди. У ҳуда-
бехудага сўкинмайди, биноларни анча яхши қуриш
мумкинлигини билганидан сўкинади. У мана шу нуқ-
сонларга панжа орасидан қарабётгандардан норози.
Лапетеус ўзининг ҳаётга муносабати Паювийдикники-
дан нима билан фарқ қилишини аниқроқ таърифлаб
беролмаса-да, буни кўнглида сезди. Бу унинг кўнглига
гулгула солиб қўйди-ю, у ҳаёлидан ташвишли фикр-
ларни қувди.

— Қани, кўтарайлик, дўстлар,— у рюмкасини кў-
тарди.

— Шошилма, капитан,— деди уни тўхтатиб Паю-
вийдик.

Кўнглида ногаҳон пайдо бўлган васваса Andres
Лапетеуснинг ичини шафқатсизлик билан тирнай бош-
лади. У ўқийман, диплом қўлимга теккунча нима қи-
лишимни узил-кесил ҳал қиласман, деб ўзига тасалли
берди. Агар зарурат туғилса яна ўқийверади. Токи
уни ҳеч ким ношуд демасин, баъзан унга ёрдамчиси
буни шама қилиб қўяди.

У тутақиб Паювийдикка:

— Сенинг ҳаётдан кўзлаган мақсадинг — қуриш,—
деди.

— Фолбин экансан,— деди Паювийдик истеҳзо қи-
либ.— Лекин мен сенинг мақсадинг нималигини би-
лишга охизман.

Лапетеус ҳамон илгаригидек зарда қилиб:

— Менинг касбим маъмуриятчилик,— деди.

— У нима ишлаб чиқаради?— деб сўради Паю-
вийдик мулоимингина.

— Акт ва фармойишлар,— деди кулиб Пидрус.

Лапетеус унга норози бўлиб қараб қўйди.

— Ўзинг ҳам худди шундай ҳисоботлар қули ва
фармойишлар тузувчисан-ку.

Пидрус яна ҳам хушчақчақ кулди.

— Қурилиш ишларини бошқарадиган қандайдир
марказ бўлиши керак,— деди Паювийдик.— Бироқ у
ерда амалдорлар эмас, қурувчилар раҳбарлик қилиши
даркор.

Лапетеус жиғибийрон бўлиб, бу қуруқ сўз деб ўй-
ларди. Энг муҳими, ишга тайинланган одам жонини
ҳам аямасдан астойдил ишлами, яна у хизмат вази-
фасида кўзда тутилган ҳамма ишни бажо келтириши

лозим. Унинг ихтисоси талабга жавоб берсин, ўзи ҳалол бўлсин.

— Мен амалдор бўлишдан ор қилмайман,— деди у қизишиб.— Социализмда ҳам яхши амалдорлар керак бўлади...

2

Ҳақ-ростини айтганда, қани, шахсий режалари нигни гапириб бер-чи, деб сўрашса, Пидрусларни ўзи ҳам қийин ахволга тушшиб қолар эди. Унинг касб-кори бор. Урушнинг сўнгги йили одамлар келажакда қиласидаган ишлари тўғрисида тез-тез ўйладиган бўлиб қолишганди, кадрларни тақсимловчи граjdан органлар армияда хизмат қилаётган мутахассисларни рўйхатга олганида, Пидрусларни мен математика муаллимиман, урушдан кейин мактабда ишлайман, деди. Бироқ шахсий режалар одамнинг мақсади, ҳаётининг маъноси бўлганидан мақбул касб танлаш билан чекланмайди. Бу масалан анча кенг ва чуқур.

Пидрусларни орасидаги танаффусларда кўпинч ўзини синфдаги доска олдида туриб ўқувчиларга алгебра ва геометрия сирларини тушунтираёттанини кўз олдига келтиради. У бир неча йил муқаддам хаёлида янги типдаги мактаб ташкил қилмоқчи бўлган эди. У хаёлидаги мактаб тўғрисида кўп ўйлашига қарамай, ҳали унинг пойдеворидан нарёқча ўтолмаган эди. Очиги, унинг лойиҳаси ҳам аниқ эмасди.

Пидрусларни орзу қилган мактаб у ўттиз тўқизинчи йилгача математикадан дарс берган гимназияга сира ҳам ўхшамасди. У ҳатто мактаб биносини ҳам бошқача тасаввур қиларди. Бу мактаб ёшлигига таҳсил олиб, кейинчалик ўзи дарс берган бефайз ғиштин казармадан тамомила бошқача бўлади. Ўттизинчи йилларнинг охирида аксарияти хусусий гимназиялар, лицейлар ва колледжлардан иборат яхши планлаштирилган бир нечта ҳашаматли ёрут мактаб бинолари қурилди. Пидрусларни биноларнинг ёнидан ўтганида уларга ҳасад билан боқарди, бироқ унинг хаёлидаги мактаб яна ҳам кенгроқ, ёргулоқ ва қулайроқ эди. Аммо энг катта тафовут бинога тааллуқли эмасди. Рост-да, ўн ёки юз йилдан бери дорилфунун хизматини ўтаб келаётган

эски, ҳамиша нимқоронги бинода ҳам янгича дарс бериш мумкин-ку.

Янгича дарс бериш, Пидрусларни сўзни аниқ ва равшан мазмун билан бойитишга оқиззлик қиласиди. Бироқ у бир нарсани яхши билардик, унинг мактабида тўтиқушдек ёдлаб олишга ва ўқувчиларни қуруқ расмийчиллик руҳида тарбиялашга ўрин бўлмайди. Дарс ҳар қандай эски усулларга кўр-кўронга эргашишдан, фанларни тушумай, юзаки ўтишдан ва палапартиш савол-жавоблардан холи бўлиши керак. Мактабининг мақсадини мустақил, ижодий тафаккурни ўстиришда кўйарди. Яна муҳимроғи шуки, унинг мактабида бирор синф манфаатини кўзлаб объектив ҳақиқатни бузишга йўл қўйилмайди. Пидрусларни фақат кенг кўламни қамраб олган революциянина бундай мактабни тузишга қодир эканлигини биларди. У шу процессда иштирок этишини орзу қиласиди. Оскар Пидрусларни ишчилар ҳаракати билан яқинлашишига эҳтимол шу нарса ҳам сабабчи бўлгандир.

Бироқ Совет ҳокимиятиниң дастлабки йили ҳалқ маорифи соҳасида эмас, милицияда ишлади. Хуллас, жуда қизиқ ишлар бўлди.

1939 йили баҳорда полиция Пидрусларни Таллиндан Вильяндига сургун қилди. Нега бундай жазо берганларига унинг ўзи ҳайрон бўлди, чунки у ўзини ҳеч қандай сўл арбоб деб ҳисобламасди. Сўроқларда уни большевик деб аташди, аммо Пидрусларни вақтда большевик эмасди. Лекин ҳақ-ростини айтганда, у марксистик асарларни ўқир, турмадан чиқсан баъзи революционерларни танир, Совет Иттилоғига ҳайриҳоҳлик билан қарар эди. Бироқ большевик номини олишта булар камлик қиласиди. Пидрусларни сўл маданий жамиятнинг легал ишида қатнашар, профсоюз мажлислиарида илмий масалалар юзасидан оммабоп докладлар қиласиди. Ҳар бир ишчилар мажлисида унинг гапларини сезгирлик билан тинглаган полициячилар мавзуидан четга чиқсанни, ҳукумат фаолиятини танқид қилгани ва коммунистик тарғибот юритгани учун унга икки марта танбех беришди. Пидрусларни эътироҳ билди, у мен чегарадан чиқсаним йўқ. Эстонияда маориф ишларининг аҳволи тўғрисида гапириб, Совет Иттилоғининг маданият соҳасидаги сиёсатини таърифлаб бердим, деди. Оскар Пидрусларни сургун тўғрисидаги суд ҳукмини

билгач, мендек одамларни ҳам таъқиб қилишларига қараганда Вишгороднинг¹ замини зил кетганга ўхшайди, деб ўйлади.

1940 йил йигирманчи июнда Пидрус тасодифан Таллинга келиб қолди. У полиция амалдорларининг рухсатисиз жўнаб кетди. Вильяндан рухсатисиз чиқиш қатъяни ман қилинган эди, бироқ у илгарилари ҳам бир неча бор чиқиб кетган, бу сафар эса кечқурун қайтиб келмоқчи бўлган эди. Бироқ ишлар бошқача бўлиб кетди. Кечқурун у ишчиларнинг спорт залида ҳалқ мажлисида иштирок этди, эртасига эрталаб эса Озодлик майдонида намойишга қатнашиди. Бир неча соатдан кейин эса Пидрус бошқа одамлар билан бир қаторда полиция участкасидан қурол йигиб, шаҳарда тартиб ўрнатди. Ўз-ўзидан у ҳалқ мудофаасининг ташкилотчиларидан бирига айланди, полиция ўрнига милиция тузилганда унинг сафида қолди. Қирқ биринчи йилнинг февралида уни Главиздатга ўтказиши, у мактабга ҳар қанча интилмасин, унга бошқа иш топшираверишиди. Йоннинг бошларида қирувчи батальонга кирди ва 1941 йилнинг октябридан 1942 йилнинг январигача — тўрт ой мобайнида эвакуация қилинган районларда юрганини ҳисобга олмаса, то демобилизация қилинганига қадар қўлидан милтиқни қўймади.

Демобилизация қилинаётганида Оскар Пидрус энди маориф соҳасида ишлайман, деб жуда хурсанд бўлди. Маориф майдони — бу эски ибора дабдабали эштирганидан у истеҳзоли жилмайди. Бироқ бу гапни Марказий Комитетдаги ўртоқ айтди ва очиқўнгиллик билан ҳатто хушчақчақ кулиб қўйди. Пидрус ҳалқ маорифи бўлимида ишласам ўзим орзу қилган мактаблар учун анча-мунча ишлар қилишим мумкин, деб ўзини ишонтиrsa ҳам, бари бир кўнглида бунга шубҳа қиласар, қайтага бирон-бир мактабга юборгандари яхши эди, деб ўйлар эди. У тажрибаси озлигидан ҳайиқар, маъмуриятчилик иши қўп вақтимни олади, ўқитиши ишларининг мазмунини тушунишга имкон бермайди, деб қўрқарди. Бу ҳолда хаёлидаги мактабни қандай қилиб тузади? Буни ҳазил тариқасида ўйласа ҳам ба-

ри бир у мактабларни ремонт қилиш, ҳисобот ва ўқитувчиларнинг анкеталарини йигини тўғрисида министридан келадиган директиваларни жўнатиш билантина чекланмайди.

Оскар Пидрус ҳалқ маорифида бўлим мудири бўлиб ишларди. Бу мансаб унга ёқмасди, деб айтиш нотўғри бўларди. Мутлақо ундаи эмас. Бироқ у кўпинча беихтиёр ҳамма ишни бошидан бошлаш керак эди, деб ўйлаб кетарди. Олдинга ўқитувчи, кейин директор, ундан кейин эса яна каттароқ мансаб. Мактабда математикадан дарс беравераман, деган талабига қулоқ солишмади. Ҳозир у ҳар доим педагоглик тажрибаси камлигини, мактаблар у ёқда турсин, ҳатто биргина мактабга раҳбарлик қилишнинг ўзи ҳам унга осон эмаслигини ўйлаб қоларди.

Оскар Пидрус икки йил ишлаганидан кейин унинг фаолияти уччалик самара бермаганини чор-ночор тан олди. У ўртамиёна маъмуриятчи эди. Уни роса танқид қилишар, таъна тоанбехлар кўпинча асосли бўларди. Пидрус кундалик ишларга шўнғиб кетиб, майда-чуйда нарсалар билан овора бўлиб, янги мактабни планли асосда қуришни унтиб қўяётганини сезарди. Унинг фикрлари партия комитетининг секретари Мадис Юрвен билан бир неча марта нари-бери борищларига сабаб бўлди. Кимdir унга, Пидрус, ўқув ишларида марксизм-ленинизм классикларининг асарларига таянилни нотўғри ҳисоблаяпти, деб чаққан, Пидрус сира ҳам бундай демаган эди, бироқ унинг Юрвенга айтган гаплариям уни хурсанд қилгани йўқ.

Ўқитувчilar конференцияларидан бирида Пидрус конституция муаллимларини улар ўқувчилардан цитаталарни ёд олишни талаб қилганлари учун танқид қилди: «Сизнинг вазифангиз ёшларни марксизмнинг асосий ҳақиқатларини тушунишга эриштиришдан иборатдир. Конституциянинг цитата ва параграфларини тушунмасдан ўзлаштириш ҳеч нарса бермайди, аксинча, бу усул давримизнинг буюк ҳақиқатларини ўзлаштиришга нафрат тугдирishi мумкин». Ўшанда у қуруқ цитатанинг ўзи далил эмас, совет демократиясининг моҳиятини ҳаётий материалларга асосланиб тушунарли ва қизиқарли қилиб очиб бериш ўрнига цитатабозлик қилувчilar буни эсда тутишлари керак, деган эди. Бу иборани Юрвен оппортунистик ибора деб атади.

¹ Буржуа ҳукуматининг резиденцияси.

— Сиз доҳийларимизнинг фикрларини далил эмас, деб ҳисоблайсизми? — деб сўради у ўдагайлаб.

Пидрус ўз сўзида қаттиқ турди.

— Марксизм-ленинизм классикларининг фикрларини мукаммал далиллар билан ўқувчиларга равшан ва яқин қилиш керак. Ёшларни мустақил ўйлашга ўргатиш керак.

Роогас хусусида улар яна қаттиқ тортишиб қолишиди. Шу вақтгача уларнинг тўқиғашувлари ҳар ҳолда одоб доирасида бўлса ҳамки, Юрвен унинг фаолиятини жуда синчиклаб кузатиб бориши очиқ-ойдин кўриниб турар эди. Пидрус бундан унчалик ташвишга тушмасди. Шу пайтгача мактаб ишлари маъносини муфассал англаб ололмагани учун у ўзини койирди. У мактаб деб атаган улкан бинога эсда қоладиган биронта гишт қўйгани йўқ. Буни эътироф этиш гоятда аламили эди. Шу важдан ҳам Оскар Пидрус ўзининг шахсий режалари тўғрисида бирор нарса деёлмасди. Тарози босадиган иш билан тасдиқланмайдиган тумтароқли гапларнинг қадри бўлармиди.

— Мен ҳам яхши амалдор бўлишдан ор қилмасдим,— деб тан олди Пидрус,— лекин, афсуски, шундай эмасман. Дарвоҷе, «яхши» ва «амалдор» деган сўзлар сизга бир-бирига мос эмасдек кўринмайдими? Яхши амалдор ёки тузукроқ айтганда, совет аппаратининг ходими кундалик масалаларни тиришиб ҳал қилиш билан чекланмайди. Унинг истиқболи аниқ, узоқни кўзлайди, шунга эришишни истайди ва шу мақсадда кўп ишларни қиласди. Мен эса куйиб-пишман, елиб-югураман, лекин шахсий режаларимни мудом унутаман.

3

Виктор Хаавик стол ёнига қайтиб келди.

— Бу ер бундай гапларни гапирадиган жой эмас,— деди у.

— Кечирасан, буюк давлат¹,— деди Паювийдик эътиroz билдириб.— Мен гапингга қўшилмайман.

¹ Матбуотни ҳазиллашиб буюк давлат дейишади.

Ахир сиёsat тўғрисида дўстлар билан стол устида ебичадиган нарсалар бўлган вақтда сухбатлашмай қажон сухбатлашилади? Жуда қизиқ-ку. Мажлисларда социализм ва коммунизм тўғрисида гапирамиз, қизил бурчак ёки агитпунктдан чиқишимиз билан эса бошقا гаплар, бошқа ташвишлар. Мабодо биз социализм тўғрисида фақат шиорлар тагида минбардан туриб гапирсагу, бошқа вақтда муллажиринг, ароқ, кўкракдор жононларни ўйласак, унда янги ҳаётни ҳеч қажон кўрмаймиз.

Пидрус қўйини Паювийдикнинг елкасига қўйди.

— Епирај, тилинг бунча бурро! Қани энди тарғиботчиларимиз ҳам шундай бийрон гапирса. Нега сен гапдонлигингни яшириб, тилингни қисиб юрасан?

«Паювийдикнинг валақлашидан Пидрус қандай маъно топдийкин?» — деб ўйлади Хаавик.

Лапетеус бармоқлари орасида рюмкани айлантириб ўтиради:

— Минбарга чиқсан лом-мим деёлмай қоламан,— деди Паювийдик.— Бир куни авраб мени гапиришиди, кейин қанча вақтгача одамларнинг юзига қарашга уялиб юрдим. Мажлисларда гапимни йўқотиб қўяман. Ичкилик устида, тушки танаффусда нон кавшаб ўтирганимда ёки кўчада, ҳаммомда ва ишда ошнам билан учрашиб қолганимда гапдоним очилиб кетади. Хаёлан Берлинда бўлган ҳақиқий гвардиячи ҳар доим социализм тўғрисида ўйлаши керак. Социализмни у фақат давлат байрамларида ёки бош мақола ёзганида эслаб қолмай, уни ҳар куни, ҳар соатда қалбida ҳис қилиши керак. Социализмни биз аёл ўз фарзандини юрагида олиб юрганидек қалбимизга жо қилишимиз, кун сайн унга кийим-бош тайёрлашимиз ва бошқа керакли ишларни бажо келтиришимиз лозим...

Паювийдик гапдан тўхтаб, Хаавикка ўгирилиб қаради-да:

— Ҳамма ҳаётдан кўзлаган мақсадини гапириб берди. Энди навбат сенга,— деди.

— Сизлар жуда катта мавзуда гаплашыпсизлар, ўйлашга рухсат этинг. Фикримни бир жойга тўплаб олай.

— Тўпла, ўзингни сафарбар қил, шайла,— деб Паювийдик далда берди.

— Ҳозир лўнда қилиб айтсам: яшашим ва фаолия-

тимнинг маъниси шундан иборатки, ота-боболарим ўтган мамлакатда коммунизмнинг галибона юришига бутун вужудим ва жон-дилим билан ёрдам беришдир.

«Роса опқочди-ку», деб ўйлади Пидрус.

— Мен пастроқ парвоз қилган эдим,— деди Паювийдик ва янги папироқ чекди.— Мен уч нарсани: катта ойлик тўлайдиган обрўли мансабни, уч-тўрт хонали кенгина квартира ёки алоҳида уйни, ҳар икки ё уч йилда олдингисидан ёшроқ ва чиройлироқ янги хотини орзу қилган эдим.

Паювийдик рост гапиряптими ёки тегишляптими, Хаавик дарров билолмади.

Пидрус ичаги узилгудек бўлиб кулди.

Паювийдикнинг катта ойлик тўланадиган мансаб, ёш ва чиройли хотин тўғрисидаги гапи ўзига ҳам тааллукли эканлигига қарамай, Лапетеус ҳам кулди.

Паювийдик ўзини мутлақо жиiddий тутиб рюмкаларни тўлдириди.

— Биласизми, ўртоқлар,— Хаавик шолғомдек қизарип кетди.— Олий ғоялар ҳақида алжимайдилар. Мен бу ишда сизларга щерик эмасман.

Пидрус уни юпата бошлади.

Лапетеус гапни ўтмишга бурмоқчи бўлди.

— Бир кун келиб ҳаммамиз бу ерда жамулжам бўлиб ўтиришимизни ким ўйлабди дейсиз.

— Бу ерда ҳамма бут эмас. Кўпгина асил йигитлар ҳалок бўлди,— деди Паювийдик.

— Хароба уйни сўнгги нафасгача фақат биз учовимиз ҳимоя қилганмиз,— деди Хаавик.— Чунки сен билан,— у Лапетеусга қаради,— Роогас яралангандингиз.

— Э, бундан хабаримиз бор,— деди Паювийдик қўй силтаб.— Буни сен батальон командирига айтгансан, яна ҳар йил газетада ёзасан...

Хаавик яна танца тушгани кетди.

Улар ресторон ёпилгунча ўтириши.

Лапетеус уйига кетаётib, йўлда, Роогас ишни эплаб кетса соз бўларди, деб ўйлади. Ахир ношуд, шубҳали одамни ишга тавсия қилибсан, деб унинг юзига солиш масин-да. Кейин Хельви билан оралари яхшиланганидан хурсанд бўлди, ҳойнаҳой энди буни бошқалар ҳам

пайқашади. Ортиқ унга таъна тошлари отишмайди. Фронтчи дўстларини йигиб ўтириш қилгани жуда ақлли иш бўлди...

ЕТТИНЧИ БОБ

1

Оскар Пидрус Андресни кўргани борган эди, уни беморнинг ёнига киргишмади. Ҳамшира унга, директор Лапетеуснинг ҳамон аҳволи оғир, деди. Врачлар унинг согайиб кетишига ҳали ҳам ишонмайдилар. Ҳамшира Пидруслага беморнинг ўзи ҳеч кимни кўришни истамаслигини айтмади. У фақат Андреснинг қаттиқ шикастланганини, толиқмаслиги кераклигини айтди холос. Ҳатто милиция ходимларига ҳам унинг ёнида бўлишга йигирма минутдан ортиқ вақт бермабдилар. Реэт директор Лапетеус одамларни қабул қилишини хоҳламаслигини сир тутинг, деб ҳамширага тайинламаса ҳам бўларди, бари бир у буни ҳеч кимга айтмасди. Унинг Лапетеуста юраги ачириди, у интизомли касал эди. У аччиқланмас, хархаша қилмас, ҳеч нарсадан зорланмас эди. Ваҳолонки, энг оддий даволашлар ҳам унга қаттиқ азоб берарди, у қаттиқ оғриқ азоби ва ҳаво етишмаслигидан қийналарди. Ҳеч шикоят қилмай, врачлар нимани лозим кўришса, шунга ўзини тутиб берар эди. Лапетеус нима сабабдан кўргани келганиларни қабул қилмаслигига ҳамширалар тушунишмасди. Одатда ора йўлда ётган беморлар яқин одамларини кўришни исташади. Лапетеус эса ҳатто хотинини ҳам қабул қилмайди. Реэт ҳамшираларга: «Фожиали бахтсиз ҳодиса директор Лапетеусни жуда қаттиқ таҳлика га солган. Ҳозир унинг кўнглига қил сиғмайди, қилмишидан пушаймон. Аслида у ҳамиша дўстларидан ёрдамини аямайдиган, ҳаммага яхшиликни раво кўрадиган, иродаси мустаҳкам, метин одам. Кўнгил жароҳатидан ҳалос бўлса, дўстларини унинг ўзи чақиртиради. Ўшанда у оғирлашиб қолган кезларидан уни бегона кўздан асраранларга миннатдорчилик билдиради», деб тушунтириди. Ҳамширалар тушунишиди. Улар кўзлари ёш ва ғам-андуҳга тўла Реэтга ачишишди.

— У чиндан ҳам мётин одам,— дейишиди ҳамширалар.— Биз унга озор берамиз, безовта қиласиз, ёнида ўралашиб юрамиз, у буларнинг ҳаммасига чурқ этмай чидайди. Директор Лапетеусдан яхшироқ беморни орзу қилиш гуноҳ.— Улар Реэтдан гула кўтариб Андрес Лапетеусни директор деб атай бошлишди.

— Қачон келай?— деб сўради Пидрус.

— Афсуски, аниқ бир нарса деёлмайман. Бир ҳафтадан кейин телефон қилинг. Ҳаммаси директор Лапетеуснинг соғлиғига боғлиқ.

Пидрус ўйга толди.

— Гулларни қабул қиласиз,— деди ҳамшира кулиб.

— Унга Оскар билан Хельви салом дейишиди, денг. Рухсат этсангиз, икки энлик хат ёзиб бераман.

— Бемалол.

Пидрус ён дафтарининг бир саҳифасига алланарса ёздида, хатни бинафшага қўшиб ҳамширага узатди.

Кечқурун Хельви иккови яна Лапетеус тўғрисида гапиришди.

— Унинг аҳволи ҳали ҳам оғир,— деди Пидрус.

— Организми жуда пишиқ,— деди Хельви.

— Бир нарса уни йўлдан чиқарган. Бўлмаса, кечаси шаҳарга машинада чиқмасди. У жуда вазмин одам.

— Мен Лапетеусни яхши биламан, деб ўйлардим, бироқ маълум бўлишича, уни тузукроқ билмас эканман.

— Бизларни нима учун уйига чақиридийкин?

— Нима кутади уни?

— Мен мабодо судъя бўлсам, жуда ноқулай аҳволя тушшиб қолардим. Ҳатто майор Роогас ҳам нима дейишини билмайди.

— Бир вақтлар уни жуда ҳурмат қилардим.

Пидрус индамади.

— Бундан ҳабаринг бор-ку.

Пидрус хаёлида: «Ҳалиям кўнгли Лапетеусдамикан?»— деб ўйлади. Унинг бошига тушган бахтсизлик қалбида сўнган ўтни аланга олдириб юбориши ҳам мумкин.

— Уни бориб кўрсанг бўларди,— деди у.

Унинг нега бундай деганини Хельви фаҳмлаб қолди.

— Ҳеч биримиз ўтган ишни қайтадан бошлай ол-

маймиз. Буни ҳозир ўзим ҳам истамайман. Бироқ унга юрагим ачийди.

— Ҳамшира бир ҳафтадан кейин телефон қилишини маслаҳат берди. Балки у вақтга келиб анча тувалиб қолар. У касалхонада яна бир неча ой ётади.

— Тузалди, дегунча қамоқقا олишади.

— Авария қилувчиларга қонун қаттиқ жазо беради. Устига-устак, у маст бўлган. Бироқ Лапетеуснинг ҳаёт ўйли ҳимоя қилади. Соғлиғи ҳам...

— Бир вақтлар уни амалпаст деб ўйлаган эдим.

— Амалпаст? Ким билсин. Балки у шунчаки...

Пидрус тутилиб қолди. Бирданига Лапетеусни жуда оз билишлигини сезиб қолди.

— Мен ҳам унга баҳо беролмайман,— деди Хельви.

— Биз бир-биримизни ўлгудай ёмон биламиз,— деди Пидрус хаёлга чўмиб.— Сенга ҳам шундай тувладими, биз одамларга ташки кўринишига қараб баҳо берадиган бўлиб қолдик. Мажлисларда томогини йиртиб галирадиганларни принципли одам дейишига одатландик. Лекин бу бақироқлар дам-бадам фикрларини ўзгартириб туришларини ҳеч ким сезмайди. Хизмат вазифасини дурустгина адо этаётганлар тўғрисида улар масъулият ва бурчларини қаттиқ ҳис қиладилар, деб ёзадилар. Мажлисларга канда қилмай кела-диганларни ижтимоий ҳаётда фаол қатнашадиган ўртоқ ҳисоблайдилар. Юқори орган вакилларининг гапларини такрорлайдиган, ҳеч кимга эътироҳ билдири-майдиган одамларга асосий йўлнинг содиқ ҳимоячиси деб ном берадилар. Бирор нарсага шубҳа билдири-ган киши эса, сиёсий жиҳатдан гўр ва ҳоказо, ва ҳоказолар. Чуқур ўрганишга ё вақтимиз йўқ, ё хоҳи-шимиз...

Хельви Пидрусга меҳр билан қараб қўйди.

— Нуқсонларни кўриш осон. Уларни бартараф қилиши маҳол.

Пидрус кулиб юборди.

— Мен маънавий қашшоқлиги ёки калтабинлиги орқасида одамларга «принципли», «бурчини сезувчи», «сиёсий пухта», «сиёсий гўр», «ревизионист», «догматик» каби соҳта ёрлиқлар ёпиширадиган одамларни кўргани кўзим, отгани ўқим йўқ. Бироқ менинг ўзим ҳам бу даррдан фориг бўлмаганман. Очигини айтсам, сен ҳозир ҳар қалай партия ходимлигига арзийсан.

— Бунга ишончим комил әмас. Партия ходими де-
ган ном жуда улуг гап. Баъзан улар орасида жўн, ичи
қалтироқ, усти ялтироқ, қуруқсавлат амалдорларни
ҳам кўриб қоламан. Йўқ, бундайларга ўхшагим йўқ.

Хийла вақт икковлари жим қолиши. Жимликни
Хельви бузди.

— Сен Андресни дўст ҳисоблармидинг?

— Хароба уйни мудофаа қилганимиздан кейин
дўстлашган эдик. Тинчлик даврида узоқлашиб кетдик.

— Мен уни севардим.

Пидрус яна, Лапетеус ҳали ҳам Хельви учун азиз,
деб ўйлади. Бу унга қаттиқ ботди.

— Мен унга: «Бардам бўл, Andres!» деб ёздим-да,
тагига: «Хельви билан Оскар», деб имзо чекдим.

— Сен унга биз тўғримида гапирдингми?

— Ҳа.

— Билгани яхши бўпти. Бориб кўраман уни.

Лапетеус Хельвига уйланганда кўп нарсалар бош-
қача бўлармиди, деб ўйлади Пидрус.

2

Андрес Лапетеус учун ҳар куни бирдай эди. У боши
баланд қўйилган ҳолда тўшакда деярли қимир этмай
ётарди. Ярасини боғлагани олиб бориб, келтириб қўй-
ганларида жуда чўкиб қоларди. Худди ақлдан озганга
ўхшар, ҳеч нимага парво қилмасди.

У ниҳоят секин соғая бошлади.

Ҳамшира ва санитарлар ўзаро Лапетеус соғайишни
истамайди, деб гаплашишарди. У рашик туфайли дўс-
тини ўлдирганмиш, хотинини майиб қилганмиш. Энди
виждан қийналётганмиш ва ўзини-ўзи ўлимга ҳукм
этганмиш.

Врачлар ҳам, беморнинг руҳий ҳолати унинг соға-
йишига монелик қиляпти, деб ўйлашарди.

У зўр бериб, олдимга ҳеч кимни қўйманг, деб талаб
қиларди. Шу важдан жамики танишларини касалхона-
дан қайтириб юборишарди.

Хатларни очмасдан тумбочканинг тортмасига солиб
қўйишларини буюради. Фақат Пидруснинг ҳатини
шамдек қўлларига ушлаб, ора-сира кўз олдига яқин
келтириб ўқиди, кейин яна қўлинин туширди. Бир оз-
дан сўнг қайта ўқиди... Яна бир марта...

Кечқурун у Пидруснинг ҳатини келтириб берган
ҳамширадан:

— Улар икки кишимиди? — деб сўради.

Ҳамшира дарров тушунолмади.

— Менга... буни... берганлар?

Лапетеус минг маşaққат билан қўлини қимир-
латди.

— Э, ҳатними? Ҳат билан бинафшаларни бир киши
бериб кетди. Урта бўйли, гўлабирдан келган. Сизнинг
тengқурингиз, лекин бўйи пастроқ, яхши кийинган.
Ҳозир расм бўлган калта пальто кийган. Сипо одам.
Елғиз эди. Сизга чин кўнгилдан ачинди. Нима, у ҳатга
имзо чекмабдими?

Лапетеус индамади.

Ҳамшира кутиб турди. Бироқ беморнинг яна одат-
дагича парвойи фалак бўлиб олганини кўргач, пала-
тадан чиқиб кетди.

Лапетеуснинг тасаввурида баланд кўтарилиган аёл
қишининг қўли намоён бўлди...

Чароғон, кенг зал. Зич ўтирган одамлар. Уларнинг
энсалари-ю, елкалари. Одамларнинг боши узра аёл-
нинг қўли. Оппоқ, семиз, тирсагигача очиқ.

Бу манзарани Лапетеус шу қадар аниқ қўрдики,
ўзини гўё ўша залда қўлини дадил кўтариб турган
аёлдан беш-олти қатор кейинда ўтиргандек ҳис қилди...

Унинг кўк адёл тагидаги қўллари қимирлади. У
қўли безовта қимирлаётганини сезди.

Лапетеуснинг нигоҳи ён дафтардан йиртилган са-
ҳифага тушди, шунда у, Пидрус илгари катта ён даф-
тар олиб юарди, деб ўйлади. Унинг кўз олдида ҳали-
ги қўл яна бир неча бор пайдо бўлди. Энсалар, елка-
лар, уларнинг устида яланғоч қўл, яна ўзини залда
ҳис қилди.

У бошқа нарса тўғрисида ўйлашга уринди. Балки
буйруқ имзолангандир. Бундан бир ҳафта олдин иш-
дан бўшатишларини сўраб совнархозга ариза берган
эди. Бармоқлари авторучка ушлашга яраган куниёқ
ариза ёзib юборган эди.

Кейин унинг хаёли Пидруслага кўчди.

Пидрус ёлғиз келиби...

Қўл... Энсалар, елкалар, баланд кўтарилиган қўл.
Ҳамма нарсани тўсиб қўйган қўл...

Ўз қўлинин ҳам кўрди, улар соғайиб кетган эмиш.

Лапетеус ўзини зўрлаб овқат еди. Қошиқ унга бир бўйлак қўргошиндек оғир туюлди. Бўтқа томогига тиқилиб қолди. Сут хомга ўхшади. Кўнгли айниди.

Нафас олиши оғирлашиб. Ҳаво етмасди.

Роогаснинг, ҳаммамиз дағи маросимига бордик, деган гапини эслади. Бироқ Ҳаавикнинг ўлганини эслаш Лапетеусга оғир бўлди. У ўзини қотил деб ҳисобларди.

Ҳамширани чақириб уйқу дори сўради.

Лекин бари бир ухлолмади.

Хаёли яна одамларга лиқ тўла залга қайтди. Ундан беш-олти қатор олдинда аёл кишининг қўли баланд кўтарилди...

Лапетеус ёнидаги каравотда ётган беморга ўгирилди. Уни бир неча кун олдин операция қилишган эди.

— Мен область ижроия комитети раисининг ўринbosари эдим.

Эрталаб янги келган бемор Лапетеусдан, сиз облисполкомда ишламаганмисиз, деб сўради.

— Сизни дарров танидим,— деди у завқ-шавққа тўлиб.— Мен у вақтда савдо соҳасида ишлардим. Ҳозир пенсиядаман. Давр сурса бўларди-ю, лекин ошқозон қийнайти, ярмисини кесиб олиб ташлашиб, рак йўқ, дейишди. Рак бўлса операция қилиб ўтиришмасди. Шундай эмасми? Бугун менга биринчи марта бир қошиқ маннай каша беришиб. Юрагим бақувват, заиф бўлса пичноқ кўтариб устимга келишмасди. Демак, янглишмабман. Сиз қаттиқўл ёдингиз. Биз раисдан қўрқанчалик қўрқар ёдик сиздан. Ҳозир нима қиласиз?

Лапетеус ортиқ унинг гапини эшитмади. Палатанинг ёп-ёрут деворида лишиллаб турган қўлни кўрмаслик учун кўзини юмди. Кўзини юмса-да, ўзини мажлисда ҳис қилар, бу туйғу тобора кучаяр эди...

САККИЗИНЧИ БОБ

1

Андрес Лапетеуснинг хаёлини олиб қочган мажлис шу тахлитда ўтган эди.

Президиум столида ўтирган Мадис Юрвен ўрнидан туриб:

— Ўртоқлар! Бизнинг мана шу активда ўтирган одамлар залда ўтирганлардан бирининг ҳадеб алланарсалар ёзаётгани биз президиумдагиларнинг диққатини жалб қилди. Гап ҳаммамизга маълум Пидрусларнида кетаётиди. Хўш, у нималарни ёзяпти? Президиум Пидрусларни ўхшаган одамларга нисбатан ҳушёр бўлишни лозим топади. Шундай таклиф бор: у ён дафтарины президиум столига олиб келсин. Бошқа таклифлар борми?

Залдан аллакимнинг тўлқинланган, баланд овози эшитилди:

— Тўғри!

Оскар Пидрусларни олдинига ҳеч нарсани тушунмади. У фамилиясини тилга олганларини эшитди, ён дафтарига қайд қилаётган нарсалар тўғрисида гапираётганларини тушунди, лекин бунга сира ақли бовар қилмади. Бу нимаси, нима деган гап, деб ўйлади у безовта бўлиб. Саҳнага қаради-ю, лекин ҳеч нарсани кўрмади. Президиумда ўтирганларнинг башаралари чайқалиб, хиралашиб қолди.

— Бошқа таклифлар йўқми?

Пидрусларни олдинига ҳамон тушунолмай турарди. Нима сабабдан унинг ён дафтарини сўраяптилар? У тамомила довдираб қолган эди. Нима бўлаётганини кўзи кўриб, қулоги эшитарди-ю, бироқ бунга фаҳми етмасди. Ҳамон эс-ҳушини бошига йигиб ололмасди.

— Пидрусларни келтиринг!

Оғир, бесўнақай нарса миясини эзиз юборгандай бўлди. Ён дафтари аллақаерга олиб боришга ундаётгани товуш унга узоқдан эшитилгандек бўлди... Ҳамон мияси ишламасди. Буларнинг ҳаммаси англашилмовчилик бўлиб туюларди.

— Пидрусларни фикрига қўшиласизми, таклифига итоат этасизми, йўқми?

Мадис Юрвеннинг сўзлари уни ҳушига келтирди. У ён дафтарини нима сабабдан президиумга олиб боришни тушуниб етмаса ҳамки, буни талаб қилаётганларини англади. Ўрнидан туриб йўлка томон юрди. Залдаги курсиларнинг ораси тор бўлганидан у ўтирганларнинг тиззалашибига урила-урила ўта бошлади. Курсилар қўйилган масофа унинг учун энг муҳим масаладек: «Курсилар жудаям яқин қўйилибди», деб ўйлади. Энг четдаги стулда ўтирган кекса бир одам-

нинг оёғини босиб олди-ю, тўлдираб: «Кечирасиз», деди. «Бемалол, bemalol», деди кекса одам унга ғудраниб.

Йўлка анчагина кенг эди. Бироқ у ҳам қўшимча стуллар қўйилганидан одатдагига қараганда торроқ эди. Шу пайт аллакимга урилиб кетди.

Оскар Пидрус залда ўтирганлар орқасидан қарабтурганларини сезди. Кўз олди хиралашаётганини билib, эсонаси ўйнаб кетди. «Ииқилмасам бўлгани», деб ўйларди у. Ўзини зўрлаб Юрвенга қаради, у тиккатурганча ёнида ўтирган одамга алланарса деб гапирмоқда эди. Мадис Юрвеннинг гавдаси, унинг тор елкаси, дўнг пешонаси, тўмтоқ даҳани тобора аниқроқ кўрина бошлади. Юрвен бошини буриб, унга тикандек нигоҳини қадади.

Пидрус саҳнага яқин келди. Ён дафтарини шу ердан узатиб юборса ҳам бўларди. Бироқ у ниманингdir овозига қулоқ солиб, саҳнага олиб чиқадиган зина турган чап томонга бурилди. У пиллапоялардан кўтарилиди-да, президиум ўтирган узун стол олдига бориб, ён дафтарини яшил мато устига қўйди. Пидрус стол олдида турган вактда президиум аъзоларининг юзига қаролмай хижолат бўлди. У биринчи бўлиб ён дафтирига йўғон бармоқларини чўзган Мадис Юрвенга ҳам тик қаролмади. Оскар Пидрус ўзини мисли йўқ даражада ҳақоратланган ҳис қилди.

Кейин у залга қайтди ва илгари ўтирган жойи — окирги қаторга қайтди. Йўлда яна кимнингdir оёғига қоқилиб кетди, «кечирасиз», деб ғудранди, «бемалол, bemalol», деган жавобни эшитди.

Аллакимга сўз беришиди. Пидрус ақлини бир жойга тўплаб, гапга қулоқ сололмади. Чап қўлини беихтиёр чўнтағига тиқиб, у ерда доимий ён дафтарини тополмаганидагина нима иш қилганини тушунди. Қулоги минбардан келаётган гапларни илиб олса ҳам бошида бошқа ўй, бошқа хаёл айланар эди. Охири унга нималар дейишаётгани, уни нима деб танқид қилишаётгани бари бир бўлиб қолди. Чунки бундан ортиқ унга ҳеч ким жабр қилолмайди.

Пидрус ён дафтири президиумда қўлдан-қўлга ўтганини кўрди. Томогига контокдек бир нарса тиқилди.

У ён дафтиридаги ёзувларни ўйламасди. У ерда ўзининг бошига етадиган бирор нарса бор-йўқлиги уни



ташвишга солмасди. Бекорга таҳқир қилганлари унинг ақлини шошириб қўйган эди.

Оскар Пидрус мажлисга фаолияти танқид қилинини бўйнига олиб келган эди. Бироқ у танқиддан қўрқмасди. Нафси замар, танқид қилганларида, у, турган гапки, хурсанд бўлмасди. Пидрус ҳар бир мажлисда: «Ўртоқлар, бизни тортиммасдан танқид қиласинглар, қаттиқроқ дўпносланглар», дейдиган одамларни айбини енгиллатишга уринувчи риёкор ёки муғамбир одамлар деб ҳисобларди. Пидрус ўз шаънига айтилган гапларга тижинмас, обрўсими сақлаб қолиши учун раҳбар ўртоқларнинг қабулхонасига бош уриб бормас эди. Ишидаги камчиликларни ўзи очиқ биларди. Қундалик ташвишлар уни кўпинча эсанкиратиб қўярди. Фақат вақт ўтиши билангина анча-мунчашларни дурустроқ бажариш мумкинлигини тушуниб қоларди. Бироқ бугунгидек ҳамлани у ҳечам кутмаган эди.

Оскар Пидрус ўзи маъқул кўрган нарсаларни ёзиб олишни одат қилган эди. Бу гал ҳам худди шу одатига амал қилаётган эди. Одатдагидек, бамаъни гаплар тагига қалин чизиқ тортар, бемаъни сўзлар қаршисига эса катта қилиб савол аломати қўяр эди. Борди-ю, кенгаш суст ўтса, ён дафтарининг саҳифаларига қингир-қийшиқ чизиқлар ва ёввойи ҳайвонларнинг, турли қиёфадаги калладарнинг суратини чизар эди. Бироқ бугун расм чизишига унинг қўли тегмаган эди. Пидрусга бир фикр қолган ҳамма фикрлардан муҳимроқ туюлган эди. Биргина сўзнинг у турли вариантларини қайд қилган эди. Директорларнинг кадрлари. Социал составни текшириш. Ёинки ўқитувчиларнинг сиёсий тушунчаси. Қавс ичida: ҳалоллик, муғамбирлик, эскиллик сарқитлари...

Бу ёзувлар учун у хавотир олмасди. Уни бошқа нарса қийнарди. Нега унга бундай муомала қилишди. Қайси айби учун уни бунчалик хўрлашди... Ортиқ мулоҳаза қилишга юраги бўлмади...

2

Танаффус эълон қилишди.

Оскар Пидрус вестибюлга йўл олди, бу ер конференция ва мажлислар ўтказилган вақтда чекиладиган

хона ҳисобланарди. У чўнтағидан бир пачка сигарета қиқариб, чекди.

Одамлар у ёқдан-бу ёққа юришар, у билан саломлашишар, унинг ўзи ҳам салом берар эди. У ҳамма нарса одатдагича ўша-ўша деб ўйлади.

Зинадан Andres Lapeteus тушиб келмоқда эди. Пидрус уни дарров кўрди. Кенг елкали, яғриндор Lapeteusни кўрмай илож йўқ эди. Lapeteus аён-ошкор аллакимни қидирап, ён-верига аланглаб қарап эди, у эркаклар хонасига кирди. У ердан чиққач, газета редактори билан гаплашди.

Кейин Пидруснинг олдига келиб, ундан:

- Хўжайнимни кўрдингми? — деб сўради.
- Йўқ. Ростини айтсан, уни тузукроқ танимайман.
- Сўзга чиқишга далиллар сўраган эди, қаёққадир ғойиб бўлди.
- Президиум хонасини қарабоқ-чи.
- Эсимга келмаганини қара-я! Раҳмат. Соат неча бўлди?
- Саккиз ярим.

Andres Lapeteus:

— Саккиз ярим,— деб тақрорлади-да, шошилганча зинадан чиқиб кетди. Lapeteus унда ноаниқ таассурот қолдирди. Бироқ Пидрус дўсти ўзини қандай тутгани тўғрисида ўйлаб ўтирганида. Очигини айтганда, у узоқлашиши биланоқ унугди. Яна ёлгиз ўзи қолди.

У чекиб турар, ёнидан тинмай одамлар ўтар эди. Пидрус баъзилар қизиқсаниб қараганини сезди. Ёнида тўрт-бешта одам гурунглашиб турарди. Улардан гоҳ бири, гоҳ бошқаси унга зимдан қараб қўярди.

Йўқ, ҳамма нарса одатдагича ўша-ўша эмасди. У ҳамма қизиқиб қарайтганини залда ўтиргандагига нисбатан ўтқирроқ ҳис қилди. Чўкаётган одам хасга ёпишгани каби у ҳам Andres Lapeteusнинг кенг елкасига қарайтганини сезиб қолди. Lapeteus ёнида тўхтаб, икки оғиз гап билан кўнглимни кўтаради, деб беихтиёр кутиб турди. Лекин Lapeteus ўз хўжайнини қидириб кетди.

Бироқ бари бир Оскар Пидрус танаффус тугагунча ёлғиз қолмади. Ҳеч нарса бўлмагандай унинг ёнига Хельви Каартна келди-да, гугурт сўради, Каартна ёнига келиб у билан чекканидан Пидруснинг бирмунча кўнгли жойига тушди.

Хельви гўё шундай бир нарса таратарди, бу Пидрусга далда берар, уни тинчлантирас эди. Хельвининг олдига у яйраб кетарди. Буни у айниқса ҳозир яхши ҳис қилди.

— Ҳеч нарсага тушунмаяпман,— деди Хельви.

— Мен ҳам,— деди Пидрус тан олиб.— Йўқ, кўпгина нарсаларга ақлим етапти. Синфий курашнинг ўтқирилашишига биз етарли баҳо бермаймиз. Буни очиқ-ойдин ҳаққоний айтилса яхшику-я. Лекин нима учун...

Пидрус муносаб сўз тополмади. Очиги, у ўзи тўғрисида гапиришни хоҳламади.

— Сизга шундай муносабатда бўлғанларидан номус қиламан. Буни мен президиумга фақат сизнинг ён дафтарингизни сўратиб олганлари учунгина айттаётганим йўқ. Башарти бошқа бирор одамнинг ён дафтарини сўратиб олганларида ҳам уятдан ерга кириб кетган бўлардим. Биз бир-биримизга бундай муносабатда бўлмаслигимиз керак. Чунки биз бир партиянинг аъзосимиз. Ўртоқлармиз, умум ишини қиляпмиз. Биз бир-биримизни шармисор қилмай, қўллаб-қувватлашимиз даркор.

Хельви Каартна ҳаяжонда эди, гапириб туриб яна ҳам тўлқинланиб кетди.

— Партиянинг кучи одамлар бир-бирини фақат мақтаб, силаб-сийлагандан эмас,— деди Пидрус оҳиста.

Хельви унинг кўзига рўйирост боқди.

— Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман. Сизга ҳам,— деди у.— Гўё ҳамма ёппасига ақлдан озгандай-а? Фақат, теп уни, теп уни, деган гапни эшитасан холос. Шундай дейишга қандай тилингиз борди? Сизни гўё душман санаб муомала қилсалару, сиз бўлсангиз уларнинг ишини маъқуллайсиз.

«Душман» сўзини эшитганида Пидруснинг авзойи ўзгарди. Хельви буни сезиб, илиқ гапирди:

— Кечиринг. Бундай демоқчи эмасдим. Ҳеч ким сизни бундай деб ўйламайди.

Пидрус жилмайишга ҳаракат қилди.

— Ҳар нарсани ўз номи билан аташ лозим.

Пидрус ярим соат олдин ўзи ҳам Хельви айтган гапни ўйлаганини гапирмади. Ўшанда у охиригача ўйлашига журъяят этмаган эди.

Қўнғироқ чалиниб, танаффус тугагандан дарак берди.

Улар залга бирга кириши, кейин ҳар қайсиси ўз жойига қараб кетди.

Яна Мадис Юрвен раислик қилмоқда эди. У иккала қўлини столга тираб, залдагиларнинг тинчишини кутди.

Мажлисни давом эттиришдан олдин, президиум Оскар Пидруснинг бу ерда бўлиш-бўлмаслиги масаласини ҳал қилишни ўртага ташлайди. Танаффус вақтида аксари ўртоқлар Пидрусга бизнинг активда жой йўқ, деган фикрни баён этдилар. Президиум бу фикрни қувватлайди.

Аллаким қарсак урди.

Юрвен катта қўлини кўтариб, зал тинчишини кутиб турди-да, давом этди:

— Бошқа фикрлар йўқми? Йўқ. Президиум таклифини овозга қўйман. Оскар Пидрус активда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилсин, деганлар қўл кўтарсан. Миннатдорман. Қарши? Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз... Ижозат этсангиз, санамай қўя қолай, президиум таклифи кўпчилик овоз билан қабул қилинди. Ҳеч кимда эътиroz йўқми? Йўқ? Демак, президиум таклифи, кўпчилик томонидан, деярли яқдиллик билан қабул қилинди. Пидрус,— уни ўртоқ дейишга тилим бормайди,— залдан чиқиб кетишингизни сўрайман!

Бу сафар Оскар Пидрус ўзини йўқотиб қўймади. Гарчи ёнида ва олдида одамлар унинг чиқиб кетишини талаб қилиб ёппасига қўл кўтариб турса ҳамки, у ўзини йўқотмади. Буларни аниқ кўрди. Ҳатто Юрвенга қараб қўйишга ҳам ботинди. Пидрус ҳеч кимнинг оёғига қоқилмай қатор охиригача борди. Зал шундай жим эдики, у қадам товушини бемалол эшигарди. Томогига яна алланарса тиқилди. Энди у саҳна олдиндан ўнг томонга бурилди. Икки тавақали баланд эшик хира йилтираб турарди. Миясига, орқа эшиқдан чиқиб кета қолсам бўларди, деган фикр келди. Бироқ шу заҳотиёқ бу иш ножӯялигини фаҳмлади.

Эшик ёнида кечикиб қолган, жойига ўтишга ултурмаган бир нечта одам турарди. Унга эшикни очиб беришиди.

Коридорга чиққани ҳамоно негадир бўшашиб кетди...

Андрес Лапетеус галати аҳволга тушиб қолган эди. У кўнгли алғов-далғов бўлиб, Оскар Пидрусни кузатиб турди. Оскар Пидруснинг ён дафтарини президиумга сўратиб олганлари унга ақлсизлик туюлди. Ахир мажлисларда ҳамма ҳам ёзиб ўтиради. Унинг ўзи ҳам бир неча саҳифани тўлатди. Коммунист нутқларнинг асосий маъносини қайд қилиши тўғри ишгина бўлиб қолмай, у бундай қилишга мажбурдир ҳам. Ахир у ҳамма яхши ва жўяли нарсаларни кўз тагига олиб қўйиши керак-да.

Албатта, бугун Пидрус қаттиқ пишак еди. Чамаси, мактабларда иш ҳақиқатан ҳам пачавага ўхшайди. Агарда айтилган гапларнинг тўртдан бири рост бўлгандаям Пидруснинг хато қилгани аниқ. Бироқ у душман элементларни онгли равишида ҳимоя қилган, ўқитиш ишларida марксизм-ленинизм асарларининг аҳамиятини қадрламаган, ҳатто уларни инкор этган, дейишганига Лапетеус ишонмади. Ахир у Пидрусни миридан сиригача билади-ку.

Оскар Пидрус қўнғир муқовали ён дафтарини жон аччигида чанглаб саҳнага яқинлашиб келаётганида Лапетеус негадир қуршовга тушиб қолганларини ва нима иш қилиш кераклигини муҳокама қилганларини эслади. У кечаси чекинишни энг тўғри йўл деб ҳисоблаган, Пидрус бунга қарши чиққан эди. Ўшанда у комиссар бўлгани учун сўзини ўтказган эди. Ўшандаги баҳс вақтида ҳам унинг ҳозиргидек ранги қум ўчиб кетган эди.

Андрес Лапетеус яна бошқа нарсани, Мадис Юрвеннинг саволини ҳам эслади:

— Нима учун Пидруснинг ота-онасини отишмади?

Бунга бир йил бўлди. Юрвеннинг саволи Лапетеустга жуда галати туюлган эди. У ҳатто қўрқиб кетган ҳам эди. Қандай қилиб бу хил саволни бериш мумкин?

— Менинг ота-онамни ҳам ўлдиришмаган,— деганиди Лапетеус.

Бунга Юрвен кулиб юборган ва сенинг ота-онанг билан Пидруснинг ота-онасига фашистларнинг муносабати орасида ер билан осмонча фарқ бор. Сен мингларча сафарбар қилингандарнинг бирисан. Эстониядан

кетаётганингда партия аъзоси эмасдинг. Жамоат танимасди сени, сен оддий бир активист әдинг холос. Оскар Пидруснинг йўриги бўлак. Уни ҳамма биларди. Партия аъзоси эди. Қирқинчи йилда ҳалқ ўзи ҳимоя қилиш ташкилотида, милицияда ва бошқа жойларда катта лавозимларда ишлаган. Бундай арбобларнинг ота-оналарини таъқиб қилишган, одатда ўлдиришган. Пидруснинг ота-онаси эса ўз мулкида бемалол яшаб тураверган. Фақат тинтуб билан чекланишган. Укасига ҳам тегишмаган, деб жавоб берган эди.

Лапетеус Пидрусни ҳимоя қилгандай, оккупантлар (шу ерда Юрвен, оккупантлар ва уларнинг малайлари деб унинг сўзини тузатди) ҳаммани қамоқقا олишга ва ўлдиришга улгурмаган. Баъзиларнинг тирик қолганига қувониш керак, деган эди. Бунга жавобан Мадис Юрвен: «Менинг гапимни нотўғри тушуманг, турган гапки, мен Пидруснинг ёки бошқа бирон одамнинг ота-онасига ўлим тилаётганим йўқ. Бироқ одамга баҳо бераётганда энг кичик далилни ҳам эътиборга олиш керак. Ҳолбуки ҳуашерлик ҳар бир ҳақиқий большевикнинг асл фазилати», деган эди.

Лапетеус унинг гапини тузатмади ва Пидруснинг ота-онасида мулк бўлмаган, ахир ярми ботқоқдан иборат озгина ерни мулк деб бўладими, деб эътиroz билдирамади. Пидруснинг онаси уруш вақтида ўлганини ҳам у айтмади.

Буларнинг ҳаммаси ҳозир Лапетеуснинг эсига тушкиди. Унинг назарида тик турганча Пидрус ён дафтарини келтиришни кутиб турган Мадис Юрвенга қадалди. Лапетеус Юрвеннинг ўткір кўзлари унинг ёш боланикидек даҳанига мос тушмаслигини пайқади. Шунда у олдинга туртиб чиққан тўрт бурчакли даҳан ирода мустаҳкамлигининг аломати, деган фикрнинг ҳамма вақт тўғри бўлавермаслигини ўйлади. Унинг назарида Мадис Юрвен ўлгудек қайсар, ушлаган жойидан кесадиган одам бўлиб кўринди. Юрвенга ўхшаганлар билан тўқнашган одамнинг шўри қурийди.

Андрес Лапетеус ҳаяжонини босиб, мажлисга кирди. Мажлис кетаётганда ҳаяжони босилмади, баттар кучайди. Рост, уларнинг министрлигини унчаем қаттиқ танқид қилишмади, бироқ шунга қарамай, у тинчланолмади. Башарти фаолиятлари учун у жавоб берадиган кадрларни ҳам Пидруснинг ўқитувчилариdek

юз чийриқдан ўтказсалар, иш расво бўлади. Йўқ, эргагаёқ одамларнинг шахсий делоларини яна бир марта текшириб чиқади. Роогасни ўйлади. У ишни дўндирияпти, унга ҳатто министрликнинг буйруги билан ташаккур ҳам эълон қилишди, лекин балки Роогас раҳбарлик ишларига ярамайдиган одамdir? Йўқ, Роогас учун унга ҳеч ким таъна қилолмайди, майор Роогас учун у жавоб бера олади. Лекин ҳозир Юрвен ўрнидан турса-да, қаранглар, ҳув ана, тўққизинч қаторда ўтмиши ниҳоятда шубҳали бир одамни масъулиятли ишга қўйган Лапетеус ўтириби, деса нима дейди?

Андрес Лапетеус Роогасни Вильяндга жўнатаётганида бир вақтлар гижиллашиб қолган одами устидан устун эканлигини ҳис қилди. Ўтган можаро тўғрисида ҳеч қайсиси чурқ этиб оғиз очмаса ҳамки, Лапетеусда шундай тасаввур пайдо бўлди, у Роогас буни унугани йўқ, мен ўзимни олиҳиммат қилиб кўрсатаётганини ҳам тушуниб туриби, деб ўйлади.

Танаффус вақтида Andres Lapeteus тўп-тўп бўлиб гаплашиб турган одамлар ёнидан ўтди-ю, лекин ҳеч кимнинг сұҳбатига аралашмади. Вестибюлда ёлғиз турган Пидрусга кўзи тушиши биланоқ министр талаб қилган далилларни эслаб қолди. Юқори қаватда Хельвини кўрди ва унга салгина бош иргатиб, шошилганча нари кетди. У министрни тополмади. Танаффусдан кейинги ҳодиса унга яна ҳам қаттиқ таъсир қилди.

Юрвен Пидрусни активда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этишини талаб қилганда Лапетеус нима қилишини билмай қолди. Оскар Пидрус — ундан олдин партияга кирган, ҳалол одам, фронтчи дўсти. Ён-веридагиларнинг ҳаммаси қўйл кўтарди. Ўзига ўхшаб қўлини тиззасига қўйиб ўтирган одамни Лапетеус кўрмади. Назарида овоз бериш жуда чўзилиб кетгандек бўлди. Мадис Юрвен эса, қасдан қилаётгандек қўйл туширишга ишора қилмасди.

— Миннатдорман. Қарши?..

Лапетеус яна қимир этмади. Биринчи қаторда аллаким қўйл кўтарди, кейин бараварига бир неча қўйл кўтарилди. Бу қўллардан бири аёл кишиники бўлиб, у Лапетеуснинг дикқатини ўзига тортди. Бу тирсагигача очиқ сутдек оқ қўйл Хельви Каартнанини эди. Бетарафлар борми, деб сўрашганда ҳам Лапетеус қўлини кўтармади.

У Пидруснинг айбини аниқ билмагунимча, бошқа йўл тутишга ҳаққим йўқ, деган қарорга келди. Олдина у ҳамон Хельвиининг кўтарилигани қўлини кўриб турар, бу унга худди таънадек таъсири қиласр эди...

Партияга киришига тавсия берганлардан бири Оскар Пидрус бўлганини у тўсатдан эслаб қолди. Йўқ, ҳозир қўққисдан эслагани нотўғри. Юрвен Пидруснинг ён дафтари тўғрисида гап очгандай бу фикр миясига лоп этиб келган, лекин уни хаёлидан қувган эди. Хуллас, у қалбини тирнаётган нарсалардан ўзини ҳимоя қилмоқчидай бўлган эди. Умуман, Лапетеус ўзини шундай тутишга одатланиб қолган эди.

4

— Уларни ичкарига кириб келишлари биланоқ кўрдим. Мени пайқашмади. Уларнинг кўзига ҳеч ким кўринмасди.

Хаавик шундай деб, Лапетеус нима деркин, деб унга разм солиб турди. Бироқ у чурқ этмай янги папирес тутатди.

— Одамларни орқасидан гийбат қилиш яхши эмас, албатта,— деб гапида давом этди Хаавик,— бироқ мен бозордаги манжалақиларга эмас, сенга айтяпман буни. Ишонаманки, сен бу тўғрида бутун дунёга жар солмайсан. Хельви билан Пидрус тўсиқнинг нарёғига, менинг ёнимга ўтиришди. Уларнинг ҳамма гапларини эшитдим. Бу ноқулай бўлса ҳам нима қилай, қулғимга пахта тиқиб олишим керакмиди. Очиги, гапларини бирор өнгитадими, йўқми, уларга бари бир эди.

Андрес бир кўнгли уларнинг нима қилгани, нималар тўғрисида гапиргандар мени қизиқтирумайди, деб айтмоқчи бўлди. Умуман, Виктор Хаавикнинг ўзини тутиши унинг ғашига тегмоқда эди. Бироқ у бари бир дўстининг оғзига урмади.

— Очигини айтсам, суҳбатларининг охири мени қизиқтириб қолди. Эътироф этиб айтаманки, уларнинг суҳбатига довур,— буни беихтиёр тингладим,— «син-фий ёт унсурлар ва уларнинг ҳомийлари» деган ибора менга мубҳам кўринарди. Энди менинг баъзи нарсаларга ақдим етадиган бўлиб қолди. Олдинига икки фронтчи ўртоқ кўча-кўйда учрашиб қолиб, бир чашка

қайноқ кофе устида гаплашиб ўтиргани бу ерга киришган, деб ўйлаган эдим. Кейин бу фикрдан қайтдим. Пидрус билан Хельви тасодифан учрашмаган.

Виктор нега буларни гапиряпти? Лапетеус дўстига қараб ҳайрон бўларди. У жўшиб кетган эди. Унинг ёш, лўппи, чўзинчоқ юзи одатдагидан кўпроқ қизарип кетган эди. У нуқул Лапетеуснинг кўзига тикилар, бундан Лапетеус ўнгайсизланар эди.

Виктор Хаавик кафега Хельви билан Пидрус кириб келишганда қандай хайлга борганини очиқ айтгани йўқ. Даставал у таажжубланди. Хаавик Хельви Каартнани кўрганида юраги орзиқар, унинг ёнидаги одамга ҳасади келар эди. Хельви унинг қалбида шундай туйғу уйготадиган ягона аёл эмасди. У Хаавик бир кеча бажонидил бирга ётиши хоҳлаган аёллардан бири эди, Виктор бир вақтлар Лапетеусга ўлгудек ҳасад қиласди. Ҳозир Хельви уни унчалик куйдирмаса ҳам, ҳар ҳолда, юрагини орзиқтириарди. «Оббо, сассиқ тaka-e», ўйлади у Пидрусга ҳанг-манг бўлиб қараб. Саломлашишга оғиз жуфтлаган эди, кўрмай ўтиб кетишганини кўриб, ҳафсаласи пир бўлди.

— Улар ўртоқ Юрвенини қаттиқ танқид қилишди. Ҳамма нарсага: яқиндаги активга, бюро мажлисига, партиянинг бутун сиёсатига норозилик билдиришди. Бир-бирларига далда беришди, бир-бирларини қайрашди. Уларнинг гапларига қулоқ солишга охири чидаб туролмадим. Пидрус ўзини партияга қарши қўйишини ҳечам кутмагандим. Хельвиини кўрганингда уни танимасдинг. Унга уйланмаганинг учун қувон.

Ниҳоят, Лапетеус тилга кирди.

— Ҳозир Пидруснинг бошига қора кунлар тушди.

— Менинч, Юрвен ҳақ: Пидрус «бебурд одамлар»дан бири. Бошқа ҳеч нарса демайман. У Каартнага ҳам ўз таъсирини ўтказяпти. Хельвига юрагим ачиди. У ажойиб қиз эди. Афтидан, сенинг ўрнингга Пидруси топганга ўхшайди.

Хаавикнинг сўнгги терс гапларидан Лапетеуснинг зардаси қайнади:

— Менинг олдимда... Хельви тўғрисида бундай дема,— деди у таъна билан. Лекин қаттиқроқ бирор нарса дейиш керак эди, деб ўйлади.

— Мени кечир, Andres. Сен ҳамиша назокатли одам эдинг. Улар тўғрисида ортиқ гапирмайман. Кўнг-

лингга оғир ботадиган гап айтган бўлсам, кечир, ошна. Бироқ уларнинг феъл-атворини кўриб, қоним қайнаб кетди. Агар синфий душман бошини кўтаришига йўл қўйиб берсақ, нима деган одам бўламиш?! Мен партияда йўқман, бироқ энди албатта партияга кираман. Менга тавсия берасанми? Мен шунинг учун ҳам сени қидириб топдим-да.

— Бераман, албатта.

— Раҳмат. Йўқ демаслигингни билардим. Бирга жанг қилганимиз. Ўй харобаларини ҳимоя қилганимиз эсингдами? Ушанда Қизил Юлдуз олган эдим. Э, сенга эслатмасам бўлади-ку. Биз доим яқин алоқадамиз. Ҳозиргача мен партияга киришга ўзимни ҳом деб ҳисоблаб юрардим. Энди кирмасам бўлмайди. Менинг ўрним, ҳсангчининг ва фашизм қурбонининг ўғлиниңг жойи томошабинлар орасида эмас. Рост, мен ҳеч вақт чеккада туриб томошабин бўлган эмасман. Совет ҳокимияти барпо қилинган дастлабки йиллардаёқ янги ҳаёт тузишда астойдил қатнашганман. Мақтанишни ёмон кўраман, лекин очигини айтсан, ўрта Эстонияда мени исчолком раисидан кўпроқ танишарди. Агар мен коммунизмни бўлажак жамият деб ҳисбламаганимда кўнгилли бўлиб фронтга кетармидим?! Буларни сенга гапириб ўтиришимнинг ҳожати йўқ, мени сен жуда яхши биласан.

Андрес Лапетеус Хаавикнинг гапларига қулоқ солмади. Ў Хельвининг кўтарилган қўли тўғрисида ўйларди. Хельви мисли йўқ даражада тўғри аёл, у ўзини ўтга-чўққа уришдан ҳам тап тортмайди. Агар Хельви мажлисда, ёнида ўтирганда, ораларидан ҳеч гап ўтмаганда у ҳам мулоҳаза қилиб ўтиrmай ўзини ўтга урган, Пидруслни ёқлаб овоз берган бўларди. Ушанда балки улар кафега уч киши боришарди. Йўқ, Викторнинг гапи тўғри: Хельвига уйланса хато қилган бўларди.

— Сени биламан, синфий душманларга қаҳру газабинг зўрлигини тушунаман,— деди у ўшша-пиша.— Мен Пидрусл билан Хельвини, айниқса, Хельвини улар қаторига қўшмайди. Хельви ажойиб қиз. Пидрусл эса бирорларни эмас, ўзини айбласин. Мажлисда ўзи эътироф этиб, кўр эканман, синфий ёт унсурлар мактабларда асосий ўринларни эгаллаб олишганини пайқамабман, деди-ку. Яна у ҳаётимизнинг ҳозирги босқичидаги

синфий курашнинг кескинлашиб кетганини ҳисобга олмаганимиш! Юрвен ҳақ, у, Пидруслга ўхшаган арбобларнинг энг катта хатоси шундаки, улар ҳалқдан ажралиб қолишган, ишларида Сталиннинг кўрсатмаларига таянишмайди, ҳатто унга етарли баҳо беришмайди, деб жуда тўғри айтди.

Лапетеуснинг кутилмаганда гапдонлик қилиши Хаавикка галати кўринди. Бунинг сабаби шуки, унга менинг гапларим таъсир қилди, бундан ташқари Хельвига ҳали ҳам кўнгли бор, деб ўйлади у.

5

Хаавик қулоқ солиб турганда Хельви билан Пидрусл шу гапларни гапиришган эди.

Пидрусл: Баъзан ўзимни оғзидан она сути кетмаган ношуд бола ҳис қиласман. Ҳамма ишни яхши қилмоқчи бўламану, лекин... Нима буюрамиз?

Хельви: Мен фақат кофе ичаман.

Пидрусл: Бу ернинг кофеси ёмон. Овқат ея қолайлик.

Хельви: Юрвенга тушунолмай қолдим.

Пидрусл: Яхиси, қуймоқ ола қолай. Сизгаем шунни таклиф қиласман. Озиб кетибсиз.

Хельви: Йўқ, фақат кофе ичаман. Агар жуда рамақижон кўринаётган бўлсам, пирожний ея қолай.

Пидрусл: Менимча, Юрвеннинг нияти холис. Бирор нарса ичамизми? Вино ичайликми?

Хельви: Йўқ, ичадиган бўлсам бугун то масти бўлгунча ичиш им керак. Ичингиз келаётган бўлса, ўзингизга буюраверинг.

Пидрусл: Уч юз грамм. Бу кўп эмас, ичкилик одамничиг дардини енгиллаштирумайди. Мен йирлоқи одамларни ёмон кўраман, вино одамни раҳмдил қилиб қўяди.

Хельви: Фабрика яхши эди. Жисмоний ишни кушиш кўраман. Ундаи ишнинг самарасини кўрасан, ушлаб боқишинг ҳам мумкин.

Пидрусл: Демак, келишдик-а: битта қуймоқ, бир жуфт пирожний, чунки сиз шундай ориқсизки, биттаси камлик қиласди: иккита кофе, уч юз грамм вино. Ичингиз келмаса, бир ўзим ичаман.

Хельви: Бари бир Юрвенга сира тушунолмаяп-

ман. Ҳар куни учрашиб турсам ҳам кўнглида нима борлигини билмайман. Менгаям қўймоқ чақиринг. Шарт шуки, пирожнийнинг биттасини сиз ейсиз.

Жим ўтиришиди.

Пидруш: Сиздан миннатдорман.

Хельви: Яна шу тўғрида гап очсангиз кетиб қоламан.

Пидруш: Узр, гапингиз тўғри.

Яна сукут қилишиди.

Пидруш: Биласизми, ҳозир мени ҳаммадан ҳам бир нарса ташвишга соляпти. Янги дўстлар топилиб қолди. Илгари менга тиш қайраб юрган одамлар эндиликда ҳамдардлик кўрсатишияпти. Наҳотки улар мени ўзларининг маслакдошлари деб билишса? Бу жуда даҳшат-ку.

Хельви: Улар сизни маслакдошимиз, деб ўйлашмайди. Уларнинг мақсади бошқа, у бизга маслакдош бўлармикан, деб ўйлашади.

Пидруш: Даҳшат-ку бу.

Хельви: Агар сиз уларнинг умидини пучга чиқармасангиз, иш расво бўлади.

Пидруш: Йўқ, мен ўз ишларим билан уларга қурол бердим. Мен одамларга ёлғиз шахс деб қарабман ва улар синфий манфаатларни кўзловчи одамлар эканлигини эътиборга олмабман. Кўр одам ботқоққа кириб қолади.

Хельви: Ишончим комил, сиз ботқоқдан олиб чиқадиган йўлни топасиз.

Пидруш: Баъзан жуда тошбагир бўлиб кетасиз. Сиз ботқоққа кириб қолганингиз йўқ, дермикинсиз деб ўйлагандим.

Хельви: Ҳазилни эсдан чиқармаганингиз учун курсандман.

Пидруш: Сизни кўрсам кўнглим яйрайди.

Хельви: Буни биринчи бўлиб сиз айтиётганингиз йўқ.

Пидруш: Кечирасиз.

Жимлик.

Пидруш: Қўймоқ мазали бўпти.

Хельви: Энди об-ҳаво тўғрисида гапиришингиз қолди.

Пидруш: Танқидга тан бераман. Рост, ҳозир қўймоқ тўғрисида гапирганим бемаъни бўлди.

Хельви: Биласизми ҳозир мен нимани ўйладим? Бўлиб ўтган ишлардан кейин сиз энди ҳеч кимга ишонмайсиз. Ҳатто ўзингизга ҳам. Сиз таҳқирлангансиз, руҳингиз тушган, саросимадасиз, лекин ўзингизни қандайдир сувюқмас қилиб кўрсатяпсиз.

Пидруш: Балки сиз ҳақдирисиз. Бироқ мен ўзимни сувюқмас қилиб кўрсатаётганим йўқ. Умидсизликка ҳам тушганим йўқ. Мен партиядаги одамларга ишонаман. Мадис Юрвенинг ўзи партия эмас.

Хельви: Сиз ҳаммасига бардош беришингиз керак.

Пидруш: Очиғини айтсам, мен ҳақиқатан ҳам саросимага тушиб қолганиман. Қилиш лозим бўлган нарсани бажариш қўлимдан келмаслигини биламан. Мен сиёсий жиҳатдан кўр эдим, одамларни рўйирост билмасдим. Бироқ... нима учун мени моховдек ҳайдаб чиқаришиди?

Хельви: Буни кўплар тушунмайди. Юрвенинг таклифига овоз берганлар орасида ҳам шундайлар бор.

Пидруш: Мен урушдан ёмонроқ нарса йўқ деб ўйлардим.

Хельви: Ҳақиқатан ҳам йўқ.

Пидруш: Сени хоин санаша, бу урушдан ёмон.

Хельви: Сизни ҳеч ким сотқин деб ҳисобламайди. Ҳатто Юрвен ҳам.

Пидруш: Мен билан бирга келганингиз яхши бўлди.

Хельви: Бирга келганимнинг аҳамияти йўқ. Бошимиизга иш тушганда ҳар доим ўртоқлардан биронтаси келади.

Пидруш: Ағсуски, социализм қуришнинг биринчи йилларидағи тажрибада «ёмон» олдим. Э, аттанди.

Хельви: Мен социализм тўғрисида гўё бир неча коммунистик жамият қуриб қўйган одамдек гапирадиганларни ёмон кўраман.

Пидруш: Овқат ва об-ҳаво тўғрисида гапиришга сиди ижозат этасизми?

Хельви: Менга вино қўйинг.

Пидруш: Яна қўймоқ чақирамизми?

Хельви: Йўқ, ортиқ ҳеч нарса чақирмаймиз. Кўнглингизга келган гапни қайтармай гапираверинг. Ҳамма нарсага рухсат этаман сизга...

ТҮҚИЗИНЧИ БОЗ

1

Реэт Лапетеус тез соғайди, врачлар унга касалхонадан чиқишига ижозат этишди.

Уйига кела солиб у ишга киришди. Бутун кеч давомида дўстлари ва танишларига телефон қилди. Эндель Мурук билан гаплашди.

Телефон трубкасида қалтираган, зардали овоз эшилди:

— Доцент Мурук эшитади.

— Мени танимаяпсанми? Ёки танигинг келмаяптими? Очигини айтавер.

Телефондаги овоз бошқача янгради:

— Реэт, сёмисан? Узр. Чин қалбимдан сенга ачинаман. Эртага эрталабоқ уйингга бораман. Лапетеуснинг ахволи қалай? Айтмоқчи... Andresnинг?

Реэт хўрсинди.

— Врачлар ҳеч нарса дейишмаяпти. Ҳалиги, қўрқиб турибман. Бошимдан нималарни кечирганимни сен тасаввур ҳам қилолмайсан. Эндель, сен қайси адвокатни маслаҳат қиласан?

— Дебинни. Пухта юрист. Уддабурон, ошна-огайнилари сероб. Мен судда ишлайдиган бир ошнам билан гаплашдим. У худди шу Дебинни олишни маслаҳат берди. Andresни энг хатарли нарсадан ҳам халос қилиш мумкин, деди.

Реэт яна хўрсинди.

— Касалхонадан турмага. Бунга чидолмайман.

Мурукнинг овози қатъий эшитилди, у далда берди:

— Турмага? Иўқ, Реэт. Дебин бунга йўл қўймайди. Дарвоқе, эрингнинг пок таржими ҳоли Дебинdek ҳимоячининг қўлида катта дастур. Икки марта яранган, иккита орден, тўртта медаль, икки марта Олий Советнинг ташаккурномасини олган. Партия аъзоси, яъни республика активига тегишли ва ҳоказолар. Биз Дебин билан бир оз маслаҳатлашдик, унинг ишончи катта. Тушунаман, ҳозир сенга жуда оғир, лекин энг ташвишли кунлар ўтиб кетди.

Реэт жонланаб:

— Мени қўллаб-қувватлашингни билардим,— деди оҳиста.— Раҳмат, Эндель. Лекин сен энг қўрқинчли

бир нарсани — менинг шаънимга айтилаётган таъналоматларни эътиборга олмаяпсан.

— Тупур гийбатчиларга. Кўпларнинг сенга шунчаки ҳасади келади.

Реэт хийла вақт жим турди. Кейин пичирлаб:

— Балки суд бўлмас... Andresни балки касалхонадан... қабристонга олиб кетишар,— деди ва пиқиллаб йиглади.

— Ўзингни бос. Нега бундай ёмон хаёлларга борасан? Мен врачлар билан гаплашдим. Ахволи жудаим ночор эмас. Ҳозир кўнглига қил ҳам сиғмаётгандир. Салдан кейин етиб бораман.

Реэт телефон трубкасини қулоғи ёнида ушлаб турдиган, Мурук эртага келса дуруст бўларди, деб ўйлади. Уйи саранжом эмас, ўзининг ҳам хунуги чиқиб ётибди. У ўзини жуда ҳорғин сезди.

— Раҳмат,— деди у оҳиста.— Сени эртага кутаман. Бугун гапириши менга малол келади. Ахволим ҳам яхши эмас. Врачлар уйга зўрға руҳсат беришди. Мен уларга сиз тайинлаган режимга амал қиласман, деб сўз бердим. Дебинни қачон кўришим мумкин?

— Хоҳласанг эртагаёт қўришинг мумкин.

— уни ўзинг билан бирга олиб келасанми?

— Олдин у билан гаплашишим керак.

— У жуда муносиб адвокат деб ўйлайсанми?

— Ишончим комил бунга. Дебин қонуннинг нозик томонларини илғаб олади ва судьяларга ўз таъсирини ўтказади. Боз устига унинг иш берадиган танишлари бор. Умуман, нажотсиз ишларни олмайди. Эртага соат ўн бирда уйингда бўламан. Дебин билан алоқа боғлолсам, уни олиб бораман. Дарвоқе, Дебин ишини қадрлашларига кўзи етса, йўқдан бор қиласади.

Реэт сұхбатдошини кўрмаса-да, жилмайди. Агар Мурук шу ерда бўлса, жилмайишга ботинолмасди.

— Зиқналик қилмайман. Буни унга шипшишиб қўй. Кутаман сизни. Хайр. Тун мен учун бутунлай азоб бўлади... Хайр.

— Ҳаммаси яхшилик билан тугайди. Омадингни берсинг. Соғ бўл.

Реэт Мурук билан сұхбатлашганидан кейин гаражга кирди. Амакиси пачоқланган «Волга»ни шу ерга олиб кириб қўйишини буюрган эди.

Машинанинг олд томони пачоқланиб кетган, чап эшиги илгакда лициллаб турар эди. Оддинги ўриндиқ-қа сурилиб келган моторнинг блоки қийшайиб, эгри-буғри руль штангасининг ёнида гаройиб ҳолда ётарди. Бужмайиб кетган радиатор билан ҳаво тозалагич орасида динамо кўзга ташланарди. Аккумуляторни аллаким гумдан қилган эди. Шамол кирадиган ойнадан арранинг ўтмас тишларини эслатувчи ингичка чизиқ қолган эди.

Оддинги чап гилдираги йўқ эди. Кейин Реэт уни девор тагида турганини кўрди. Қийшайиб кетган кузов шкворенга тақалиб қолган эди.

Кузов билан багажник пачоқ бўлганди. Кейинги гилдиракларидан бири гайритабии қийшайиб қолганди.

Машинанинг ичидан кўчган мотор билан руль штангаси орасида қора доғ кўринарди.

«Мой ёки қон,— деб ўйлади Реэт.— Қон бўлса кепрак».

Кейин у гиламдан хавотир олиб, атрофга аланглаб қаради.

Гилам йўқ эди.

Орқасида амакисининг овози эшитилди:

— Ўша куни эрталаб келиб қарасам, уйда чироқлар шамалоқдек ёниб турибди. Гаражнинг чироги ҳам ёниқ.

Реэт унга ўгирилиб қарамади.

— Рама букилиб кетган, орқа кўпrik дабдала бўлган,— деди амакиси.— Ремонтта янги машинанинг пули кетади.

— Гилам қани?— деб сўради Реэт орқасига қарамай.

— Ертўлада. Уни бир ўзим ювиб тозаладим. Бироқ бари бир катта доғ қолди унда. Қонни кетказиб бўлмайди. Ўзи тириладиганми?

Реэт елкасини қисди. Кейин:

— Ногирон бўлиб қолади,— деди.

Зингирча одам шап-шуп қилиб машинанинг атрофидан айланиб чиқди.

— Ким билсин, пенсияга чиқаришармикин? Қамашармикин? Агар жудаям майиб-мажруҳ бўлиб қолса, балки қамашмас.

Реэт чурқ этмади.

— Рона панд берди-ку сенга. Буни ундан кутиси мумкин эди. Ўшанда галимга кирмадинг.

Энди Реэт «Волга» ёнидан айланиб ўтди. Амакиси чийилдоқ, йиғлоқи овоз билан давом этди:

— Энди унга овқат егизишинг, парвариш қилишинг керак...

— Эрталаб Муруқ адвокат олиб келади,— деди Реэт ва гараждан чиқиб кетди.

Үраб қўйилган гилам ертўланинг бурчагида турарди.

«Бу ер зах эмас», деб ўйлади Реэт. У зўр бериб ўиласа-да, доғни кеткизадиган дорининг номини эслолмади.

Кечки овқат устида у амакисига:

— Энди яна юқорида ётаман,— деди.

— Ҳали ўн гулингдан бир гулинг очилмаган. Реэт ўкраб йиғлаб юборди.

2

Бир кун ўтказиб у касалхонага борди. Ҳамширани чақириб, унга кичкина пакет ва бир даста чиннигул берди.

— Марҳамат қилиб шуни директор Лапетеусга бериб қўйсангиз.

— Ўз қўлингиз билан топширсангиз ҳам бўлади.

Ҳамширанинг гапини эшитиб, Реэт ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Ростдан-а... олдига... кирса бўладими?

— Врачлар монелик қилишмайди. Ўзини босиб олди.

Палатага кираётганида Реэтнинг юраги пўкиллади. У ҳамон бинтга ўралганча чалқанча ётган Андреснинг тўшагига яқинлашди. Нима қилишини билмай, эрининг каравоти ёнида довдираб индамай туриб қолди. Андреснинг қараб турганини сезарди-ю, унинг кўзига қарашга ботинолмасди.

Иккови чурқ этмасди.

— Салом,— деди биринчи бўлиб Андрес.

— Андрес,— деди Реэт шивирлаб.

Гўё қандайдир бир қарорга келгандек бўлди-ю, беморнинг тўшаги четига ўтириди ва унга энгашди. Соч-

лари эрининг кўкрагида турган сап-сариқ қўлларига тегди.

— Andres,— деди у яна шивирлаб.

У эрининг қоқ суяқ қўлларини яққол кўрди. Унинг хириллаб, энтиқаётгандай нафас олишини эшитди. Каёлидан: «Ўлади, албатта, ўлади», деган фикр лип этиб ўтди.

— Нега келдинг?

Andres Лапетеуснинг овози хириллаб чиқди. Унинг гапи Реётнинг дилини оғритди. У ҳамон Andres-нинг шамдек қўлларига қараб турарди. Реёт бидирлаб:

— Ҳаммасига мен айборман. Уйда қолишим керак эди. Унда ҳеч нарса бўлмасди. Яна... ўртоқ Каартна мени еб қўймасди. Оҳ, қилмишимга пушаймонман, шундай пушаймонманки! Аҳмоқона тутдим ўзимни. Кечир мени, Andres. Aйнонинг уйдаётк кўнглим гаш бўлганди. Мехмонларни қандай кутиб олишингни ўйлаб ташвишланган эдим. Ўзимни росаям койидим,— деди ва эрининг кўзига тик боқди.

Andresнинг кўзлари ғалати йилтиарди. Унинг кичрайиб қолгандек ориқ юзлари ҳам қўллари сингари заҳил эди. Ёнок суяклари туртиб чиққанди. Даҳанинг тарҳлари ҳам аниқ билиниб қолганди. Бироқ ҳаммадан ҳам кўзлари ўзгариб кетган эди. Тўғрироғи, унга қадалиб турган нигоҳи бошқача бўлиб қолган эди. Реётнинг назарида унинг нигоҳида таъна бордек туюлди. У совуқ: рўйирост совуқ боқарди.

— Мен Ракверадан қайтиб келаётган Виктор билан тасодифан учрашиб қолганимда... Бундан сенинг ҳабаринг йўқ, ижозат эт, тушунтириб берай. Энг олдин Aйнонига меҳмонга бордим. Эртага сеникига ўн бирларда, театрдан қайтиб келганингда бораман, деб тайинлаб қўйдим. Aйнонида ётиб қололмасдим, уларнинг уйи тор. Бироқ биз Aйно билан гапга тушиб кетиб, соат бирдан ошиб кетганинг билмай қолибмиз. Кўча бўм-бўш, автобуслар тўхтаб қолган эди. Мен такси тўхтайдиган жойга бордим. Ёнимдан Виктор ўтиб қолди. Мени кўриб тўхтади. Ўнгайсизланиб, мени Пиритга олиб бориб қўй, дедим. Хайриятки, у нега Пиритга кетяпсан, деб сўрамади. Ярим йўлга борганимизда мотори ишламай қолди. Виктор зажиганиеми,

карбюраторми деди, аниги эсимда йўқ. У жуда қийин аҳволда қолди. Кейин бир таксичи моторни тузатиб берди... Негаям уйда қолмадим-а.

Andres нима деркин, деб Реёт жим бўлди. Бироқ у кўзини юмганича индамай ётаверди. Реёт, яна ҳамма айб менда, деди.

Шунда Andres Лапетеус тилга кириб:

— Биз ажралишимиз керак. Сен ҳақсан,— деди.

— Йўқ, энди сира ҳам ажралмаймиз,— деди Реёт шоша-пиша. Назарида эрининг лаби бурушгандек бўлди. «Мени кўргани кўзи йўқ», деб ўйлади.

— Ахир сенга яхши, агар...

— Йўқ, йўқ, йўқ!— деди у эрининг сўзини бўлиб.— Мен бунинг учун келганим йўқ. Унда дема. Кечир мени, Andres. Гуноҳларимдан ўт. Ҳозир жудаям аҳволинг оғир. Менга ҳам осон эмас. Сенга қараганда мен ҳечам жабр кўрганим йўқ. Мен аҳволимдан нолимайман. Менга қарагин, соппа-согман. Фақат сал-пал озғанман. Бари бир мени ваҳима босади. Сени деб, Andres. Менинг қасримга бўлган бу бахтсизлик юрагимни олиб қўйди.

Andres Лапетеус қўл ишораси билан унга бас қил, демоқчи бўлди. Реёт эрининг қўли беҳол титраётганини сезди.

— Ижозат бер, гапимни охирига етказай,— деди у ҳаяжонланиб.— Истагим шуки, сен менинг аҳволимни тушун. Шунда кўнглим таскин топади. Сенинг ҳам кўнглинг жойига тушади. Сени мен ҳечам айбламайман. Чунки ҳаммасига мен сабабчиман, бу мени жудаям қўйнаяпти. Виктор тирик бўлса, у ҳам сенга айб қўймасди. Балки сени ҳимоя қилиб чиқарди, афсуски, у йўқ. Ақлга сифмайдиган тасодиф. Aйнонида ҳаяллаб қолмасам... Виктор тасодифан Марказий майдон ёнидан ўтмаса... Мен уйдан чиқмасам... Бироқ мен уйдан чиқдим, Aйнонида гап сотиб ўтирдим, ниҳоят, Виктор ёнимдан ўтиб қолди-ю, шу билан... Сен кечиришинг керак. Чунки ҳамма нарса мендан бошланди. Сенинг анавинингга рашик қилишимидан... Ахир ўша Каартна сенинг биринчи хотининг эди-ку. У билан учрашгим йўқ эди. Сендан ҳеч нарсани яширмайман, Andres. Мен уни ҳамон севишингни илгари ҳам сезардим, ҳозир ҳам. Шунинг учун мен уйда қоломмасдим.

Сенинг олдингда гуноҳкорман. Агар мени кечирсанг, устимдан тог қулагандек ўзимни енгил ҳис қиласан.

Реэт нафасини ичига ютиб, эрим нима деркин, деб унинг башарасига қараб турди.

— Кечиришимнинг ҳожати йўқ... сени,— деди Андрес.

Реэт яна, у мени ёмон кўради, деб ўйлади. Кўзини ундан олиб, деразага қаради. Таъби ниҳоятда хира бўлди.

— Врачлар билан гаплашдим,— деди у зўрма-зўраки.— Ахволинг унча ёмон эмас. Бир-икки ойдан кейин етдек бўлиб кетасан. Улар шундай деб ишонтиришпти. Мен юристлар билан маслаҳатлашдим. Бу хусусда ҳам сени ҳеч қандай даҳшатли нарса кутаётгани йўқ. Биз келишиб қўйдик, сени адвокат Дебин ҳимоя қиласди. Партия раҳбарлари ҳам тушунишар.

— Ҳозир сен... бегаразсан,— деб луқма ташлади Лапетеус.

Реэт эри бу гапи билан нима демоқчи бўлганини тушунмади. Бироқ унинг нигоҳида очиқ-ойдин масхара ифодасини кўрди. Наҳотки Андрес уни юрагидан юлиб ташлаган бўлса?

— Ўз табиатимизни ўзгартиришимиз осон эмас,— деди у ўсмоқчилаб.

Лапетеуснинг билинار-билинмас важоҳати ўзгарди. «Ранги қандай заҳил-а», деб ўйлади Реэт. Кейин хаёлига: «У Викторни ҳалок қилди», деган гап келди.

— Мени ёлғиз қўй,— деди Лапетеус қатъий қилиб.— Гапларингни әшитишга... ортиқ тоқатим йўқ.

— Мени кечирасанми?

У юзини ўгириб, тескари ётиб олди.

Реэт ўрнидан қўзғалди.

— Эртага келаман.

— Келма.

— Рухсат эта қол,— деди у ялиниб.

— Сен келганингда... ахволим оғирлашади.

— Индинга келсам майлими? Бир ҳафтадан кейин-чи?

Лапетеус кўзини юмди.

Реэт касалхонадан чиқиб, совнархозга борди. Енгил саноат бошқармасида Андресга ҳозир муносабатлари қандайлигини билмоқчи эди.

Реэт кетганидан кейин Лапетеус ҳеч нарсани ўйламай, кўзини юмиб, узоқ вақт ётди. У жуда чарчади. Бармоқлари қўргошинидек оғир тортди.

Кейин зўр берib хаёлидан қувган хотиралар бирдан ёпирилиб кела бошлади.

УНИНЧИ БОБ

Лапетеус Силларт билан унинг таклифига кўра уйига меҳмонга борганидан кейин яқиндан танишиб олди. Реэт кабинет ўртасида туриб ўни ҳовли тўйига таклиф қилди. У баланд бўйли, малла қиз эди, қийшанглаб куларди.

Барваста, кенг яғринли, сипо Andres Lapeteus стол ортидан туриб, қоматини ростлади.

Қизнинг таклифи унинг учун кутилмаган иш бўлди. Силлартларнинг уй қураётгани уни таажжубга соларди. Аёл кишининг, бунинг устига ўйин-кулгини яхши кўрадиган ёш қизнинг ёлғиз ўзи бундай катта ишга бел боғлаганидан ҳайрон қоларди. У барча ҳамкаслари сингари Реэт Силлартни ҳам юзаки биларди. У министрликларида таъминот бўлимининг бухгалтери лавозимида ишларди. Танца деса ўзини томдан ташларди. Октябрь революциясининг йиллик байрамини нишонлашганда у Реэт билан бир неча бор вальсга танца тушди. Ўшанда Реэт унга, сиз билан ҳар куни кечқурун танца тушишга розиман, деган эди. Буни қарангки, уни темир одам деб ўйлармиш, Andres Lapeteus у тўғрида фақат шуни билади. Хизматдошларнинг шахсий ҳаёти билан қизиқишига унинг вақти ҳам, ҳоҳиши ҳам бўлмаган. Шу жумладан Реэт Силлартни ҳам тузук билмасди. Ҳамон иш тигиз, институтни эса тамомламаган эди. Хотинлар масаласида жуда эҳтиёткор бўлиб қолган эди. Қўлга тушиб қолишини истамасди. Тегиб олиш пайида юрганларни, ўйин-кулгини яхши кўрадиганлардан фарқ қилишни ўрганиб олган эди. Эрга тегишини мўлжаллаганлардан қочарди. Реэтни у ўйин-кулги шайдоси деб ўйларди.

Лапетеус унга диққат билан қаради. Шунда у биринчи марта Реэтнинг елкалари кенг, сонлари эркак-ларнидек ингичка эканлигини пайқади.

— Мен Вируга кетяпман,— деди у чүрт кесиб.

— Кетманг. Ёки бир кун кейин жўнанг. Сўзимни ерда қолдирманг.

Реэт стол олдига келди. Улар юзма-юз туришарди. Иккови новча, баъувват. Ўрталарида устида қоғоз ва папкалар уюлиб ётган стол турибди холос. «Кўзлари мушукнинг кўзидек яшил-сариқ». Бу кашфиётдан Лапетеус ичидагиноя билан, бемаъни гап, одамнинг кўзи яшил ёки сариқ бўлмайди, деб қўйди.

— Жуда ачинаман. Лекин иложим йўқ, бормасам бўлмайди.

— Ердамчингизни юбора қолинг. Бир ерда ўтираверганидан бечорани могор босиб қолди.

У муғамбirona жилмайди. Шунда ўткир, оппоқ тишлари кўриниб кетди. Лапетеус, бу қиз мени нима деб ўйлаётганиниң, деган хаёлга борди. Бироқ Реэтнинг маслаҳати унга маъқул бўлди.

Бирданига:

— Мен бу столни ёмон кўраман,— деган гап оғзидан чиқиб кетди.

Реэтнинг чеҳрасидан кулги йўқолди. У ҳамдардлик билан:

— Ахволингизга тушунаман,— деди оҳиста.

«У менинг пешонамдан келар экан», деб ўйлади Лапетеус.

— Тушунаман сизни,— деди Реэт Силларт.— Бу ердим.

Реэт кабинетининг кичкиналигига ишора қилаётганини Лапетеус фаҳмлади.

— Ўтиринг, марҳамат.

— Раҳмат. Вақtingизни олмай. Ахир ходимларимиз орасида энг ишчани ўзингиз-ку.— Бироқ у барис бир ўтирид.

Телефон жиринглаб қолди.

— Лапетеус эшитади... Мен сизнинг таклифингизга қўшилмайман... Масала чалакам-чатти ҳал қилинган... Ҳа, чалакам-чатти, тўғри эшитибсиз... Бу билан ҳеч нарса ўзгармайди... Министр рози?.. Ундан бўлса нима учун менга мурожаат қилияпсиз? Бекорга вақтни олмайлик... Такрор айтаманки: сиз таклиф қилган

масала чалакам-чатти ҳал қилинган... Йўқ, мен фикримни ўзгартирмайман. Ҳатто коллегияда ҳам шу фикримда қоламан... Марҳамат, марҳамат. Омон бўлинг.

Лапетеус телефонда гаплашаётганида аёлнинг тикилиб турганини сезди. Шу оҳангда гапирганидан ичидагурсанд бўлди, Реэт Силлартнинг уйига таклиф қилигани, уни энг ишчан ходим дегани, креслода ўтиргани унга мойдек ёқди.

— Кечирасиз, менинг ашаддий душманларим мана булас,— деб Лапетеус телефонларни кўрсатди.

— Ўзингизга энг ашаддий душман — ўзингиз.
Яна телефон жиринглади.

Лапетеус телефон трубкасини олмоқчи бўлган эди, Реэт ҳалақит берди, қўлининг устига ўзининг қўлини қўйди.

Реэтнинг узун, сезгир бармоқлари ҳарорат сочиб, аста титрар, Лапетеусни ҳаяжонга солар эди. Тирноқлари қизил, қўлининг териси ғоятда майнин...

— Бир душман маҳв этилди.

Телефон жирингламаса ҳамки, Реэт қўлини олмай турарди.

Лапетеуснинг Реэт Силлартни бағрига босгиси келди. «Қаршилик қиласмикин, қаршилик қилмаса керак», деб ўйлади.

Улар қўлларини телефон устига қўйганча, бир-биралига тикилиб туришарди.

Ниҳоят, Реэт ўрнидан турди. У сал-пал қизарип кетди.

— Бари бир сизни кутамиз. Амаким билан. У уйимиз қурилишида ишчи, ишбоши, инженер ва таъминотчи бўлиб ишлади.

— Мен ўзим хоҳласам-да, ҳозир сизга «хўп» деёлмайман. Олдиндан узр сўрайман. Лекин янги уй билан табриклагани бир кунмас-бир кун албатта кираман. Таклифингиз учун катта раҳмат, хафа бўлманг.

— Сизни кутамиз. Хайр.

Реэт шундай деди-ю, орқасига бурилиб чиқиб кетди. Лапетеус кабинетида у ёқ-бу ёққа бир неча қадам ташлаб, рост, худди каталакнинг ўзи, деб ўйлади. Истеъзоли жилмайди-да: «Ўзига бино қўйган қиз. Бидъатлардан холи, янги, эркин авлод», деб ўйлади.

Кейин у Реэт Силлартни янги авлодга қўшиш адолатдан бўлмаслигини ўйлаб қолди. Яна ёзув столига ўтири. Ҳақиқатан ҳам министрликдаги ходимлардан энг ишчани ўзи. Кабинети димлиги ҳам рост. Кети узилмайдиган сафарлар Лапетеуснинг жонига тега бошлиди. Ҳамма нарса йилдан-йилга такрорланаверади. Ёзда бир озгина дам олади, қишида эса ҳамиша чопчоп. Урмон кесиши планлари, ёғоч ташиш графиклари. Етарли одам бермагани учун райисполкомлар ва сельсоветлар билан доимий қирпичноқ бўлишлари. Мунтазам ишчилар тўғрисида ғамхўрлик. Аллақаерда маҳаллий кооператив ёғоч тайёрловчиларни нонсиз қолдиргану, таъна-маломат тоши унинг бошига ёғилади. Ишдан чиқсан машина ва тракторлар тўғрисида кечасию кундузи ўйлади. Ҳаммадан ҳам кадрлар масаласи чатоқ, чанглзорга ҳалол, вижданли одамни қаердан топиб келади?

Лапетеус бошқа ишга ўтиб кетишини тез-тез ўйладиган бўлиб қолди. У қўлидан келган ҳамма ишни қилди. Тайнинланган жойларига бориб, жонини жабборга бериб ишлади. Илгари унинг ҳоҳишига қулоқ солишмади, у ҳам партия юборган жойга кетаверди, сиди истакларини инобатга олишларини талаб қилишга ҳақи бор.

Лапетеус сабр-қаноатли одам эди. У институтни битирмай бирон ишга қўйл уришни ақлсизлик деб биларди. Айниқса одамлар безовта: тажанг, асабий бўлиб юрган ҳозирги пайтда бу иш тўғри келмайди... Одамлар бир-бирларидан олдинроқ кимнидир танқид қилишга ошиқшади, чунки ўзларини ҳам дўппослаб қолишларидан қўрқишиади.

Телефон жиринглаб, унинг хаёlinи бўлди. У қўлини чўзуб трубкани олмоқчи бўлди-ю, лекин бу фикридан қайтди. Қўлида Реэтнинг узун, нозик титроқ бармоқларини сезгандай бўлди. Ўзича жилмайиб қўйди. Телефон тинмай жиринглайверди.

Эшикни тақиљатишиди.

Ким бўлдийкин?.. Бегона одам бўлса керак. Ўз одамлари эшикни қоқмай кириб келаверишади.

— Киринг!

Эшик очилди.

Бўсағада Вильянд ўрмон саноати хўжалиги план бўлимининг мудири Лаури Роогас туарди.

Андрес Лапетеус Роогас қандай иш билан келди экан, деб ўйлаб туриб, дўстона таклиф қилди:

— Киринг, кираверинг. Ўтиринг. Кўринмай кетдингиз. Қандай янгиликлар бор?

Роогаснинг башарасидан бирор маънони уқиб бўлмасди.

— Раҳмат.

Афтидан, меҳмон гапни нимадан бошлашни билмай туарди.

Лапетеус унга папирос тутди. Роогаснинг бекорга келмаганини кўнгли сезди. Негадир: «Энди уни ҳимоя қилолмайман», деб ўйлади.

2

— Иш бизда озми-кўпми планли равишда кетяпти,— деди Роогас гап бошлаб.— Долзарб кунлар ўтиб кетди, иккинчи ойдирки, анча тинчиб қолдик.

Роогас бу ерга келишига сабаб бўлган нарсадан гап очмай даромад қилаётганини билиш қийин эмасди. У ҳамон керакли сўзларни қидиради. Ниҳоят, у юрагидаги дардини айтишга жазм қилди ва ўзини хотиржам тутиб гап бошлади:

— Мен ишдан кетаман.

Лапетеус ҳайрон бўлиб:

— Директор билан тижиллашиб қолдингизми?— деб сўради.

— Йўқ. Ишдан кетишимни директорга айтганим йўқ.

— Маҳаллий органлар билан чиқишолмадингизми?

— Вильяндда мени ҳали пайқаганларича йўқ.

Роогас «Вильянд» ва «ҳали» сўзларини чертиб гапирди. Лапетеус бунга эътибор бермади. Еки ҳақиқатан ҳам унинг зардасини сезмади.

— Дурустроқ жой топдингизми? Очигини айтсам, ўзимнинг ҳам баъзан бу иш жонимга тегиб кетади. Балки қариллик таъсир қиляптими.

— Янги жой топганим йўқ.

— Бўлмаса нега кетасиз? Эсингиздами, бир вақтлар ўзингиз, сув ичадиган қудуғингга элбурутдан түфлама, деган эдингиз.

Роогас ғалати жилмайди.

— Ҳайдаб юборишларига тоқатим йўқ. Яна менинг

касримга сизни ёмонотлиқ қилишларини истамайман. Вильяндга мени тавсия қилгансиз. Буни мен унутмайман. Сизга айтмоқчи бўлган гапларим шу.

Лапетеус нимадандир хавотир олган эди. Энди ундан ёрдам сўраб келмаганларини билгач, курсанд бўлди. У одамларнинг кайфиятини яхши билар эди. Роогас ҳозир ўзини босиб турган бўлса ҳам унинг кўнгли безовта эканлигини сезди.

— Батафсил ўйлаб кўрдингизми? — Лапетеус овози совуқ, сохта ва расмий чиққанини ҳис қилди.

— Ҳа, энг тўғри йўл шу.

— Замон, шубҳасиз... нозик. Ҳозир раҳбар кадрларга қандай муносабатда бўлаётганларини сизга тушунтиришнинг ҳожати йўқ. Чамаси, ҳаммасидан музассал хабарингиз борга ўҳшайди. Албатта, чин кўнгилдан эътироф этиш керак, кадрлар масаласида большевистик принциплардан қўпол суратда оғишлар бўлди. Бироқ... буларнинг сизга дахли йўқ.

— Менимча, дахли бор. Пойтахтда чиқадиган газета гўё ўртоқ Пидрус ҳимоясига олган шубҳали элементлар қаторида менинг номимни ҳам зикр этибди.

Лапетеус бундай мақолани ўқимаган эди. У ташвишга тушиб қолди, лекин буни сездирмади.

— Министрикда сизга ижобий баҳо беришяпти. Биз ҳеч қандай масалани кўтармадик, кўтармоқчи эмасмиз ҳам. Ҳар ҳолда менинг бўлимимнинг бундай нияти йўқ.

— Миннатдорман. Лекин бу мени қароримдан қайтаролмайди.

Роогас яширишга ҳар қанча уринмасин, овози, сўзлари, юз ифодаси, туриш-турмиши унинг ниҳоятда кайфияти бузуқлигидан далолат бериб турарди. Бу холосага келиб Лапетеус янглишмади. Роогас жон деб ўз ўрнида қолишга рози бўлажагини ҳам у тушунди. Вильянд ўрмон саноати хўжалиги унга ёқарди. План бўлимининг иши қисман штабни өслатарди. Ишчи кучлари билан машиналарнинг қудратини ҳисобга олишида, уларни тақсимлашда бўлинмаларнинг ўти очиш қудратини ҳисоблашга ва уларнинг жанговар вазифаларини аниқлашга ўхшаш алланарса бор эди. Ёғоч тайёрлаш графиклари кўпроқ полк ва дивизияларнинг штабларида тузиладиган графикларга ўхшарди. Роогас ўз вазифасини аниқ бажаар, ишни ўзлаштириб

олгандан кейин эса, директорга фойдали маслаҳатлар берса бошлаган эди. Директор кайфи чоғ вақтларда уни штабимнинг бошлиги деб атарди.

Шаҳар ҳам Роогаста манзур эди. Бу ерда бемалол яшаса бўларди. Таъби хира бўлса кўл ёки анҳор бўйларини кезарди ёки қайиқ оларди-да, эшкак эшиб ўзини роса ҳолдан тойдиради. Кўпинча кафега кириб, ёлғиз ўзи ўтиради. Бир чашка кофе ичгани, булочка егани ва янгилкларни ўртоқлашгани кирадиган врачлар, ўқитувчилар, артистлар ва бошқа одамлар билан у танишиб олди. У врач бир аёлни таниш орттиради. Гапсўзларга қарамай, аҳён-аҳёнда унинг уйига келарди. Роогас ёлғиз эди-да, Лапетеус буларни билмасди, лекин у Роогас ишига кўнишиб кетганини, Вильяндга келганидан курсанд эканлигини, ўрмончилик ва ўрмон саноати тўғрисидаги адабиётларга ёзилганини билган эди.

— Сизга ваъз-насиҳат қилмайман. Яна бир марта ўйлаб кўринг. Сизни қўллаб-қувватлашмни унутманг. Ахир анкетангизда нималар ёзилганига қарамай, фронтда бирга жанг қилганимиз-ку.

Роогас ўрнидан турди ва ҳақиқий ҳарбийлардек пошнасини пошнасига уриб, Лапетеусга қўл берди. Лапетеус ҳам ўрнидан турди ва Роогаснинг қўлини савимий қисди.

— Хайр.

— Бахт тилайман.

Лапетеус Роогасни кабинет эшигигача кузатиб қўйди. Кейин ёзув столи олдига қайтиб келиб, жойига ўтиради. Роогаста илиқроқ муомала қилиш керак эди, деб ўйлади. Сиёсат ва кадрлар масаласида гап очганда у ўз-ўзидан Юрвеннинг гапини такрорлади. Умуман, бу тўғрида гап очиш лозиммиди? Бироқ у, айтилган гап — отилган ўқ, пушаймондан фойда йўқ, деб ўйлади. Шунда Роогаснинг у ишлаётган соҳадан кетаётганига суюнди.

Андрес Лапетеуснинг Пирну тахта тилиш заводидан келган хатта кўзи тушди-ю, дарҳол соатига қарди. Соат учда Пирнуга телефон қилмоқчи эди-да.

У телефон трубкасини кўтаргандা яна бегона одамнинг қўлини ҳис этди. Роогаснинг қаттиқ қўлларини эмас, ўқ, Реэтнинг әркалатувчи мулойим бармоқларини сезди.

Лапетеус Вируга кетаётганига, Реэтникига боролмаганига ҳечам ачинмади. Бироқ у сўнгги дақиқада командировкани қолдириди.

Силлартларникида меҳмонлар оз эди. Бу ерда бир неча қизлар бўлиб, Реэт уларни дугоналарим, деб танишитирди. Аксарияти, Лапетеусдан кичик йигитлар, икки киши бундан мустасно эди. Эндель Мурук у билан тенгдош эди. Утирганида у ўрта бўйли одамдек туюлган эди, лекин ўрнидан турганда маълум бўлдики, Лапетеусдан новчароқ экан. Иккинчиси — семиришга мойил Рейнхольд Саммасельг тахминан қирқ беш ёшларга борган эди.

Биринчиси Лапетеусга ўзини:

— Доцент Мурук,— деб танишитирди.

Иккинчиси одатдаги танишгандаги муловазамат ва қўйл сиқишидан кейин:

— Мен сизнинг министрингизни танийман. Ишнинг қўзини биладиган одам. Бундоқ қараганда суст қўринади, аслида эса ўт, чақмоқ,— деди.

Меҳмонлар орасида ўзларининг министрликларидан ҳеч кимнинг йўқлигини кўриб Лапетеус хурсанд бўлди. Чунки бекорчи гап-сўзлар бўлмайди.

Реэт дастлаб уйини кўрсатди. Бошқа меҳмонлар бу ерга илгари ҳам келган бўлсалар керак, уйни ишловлси ҳонама-хона юриб кўришди.

— Келганингиз жуда яхши бўлди,— деди Реэт бидирлаб.— Жуда соз. Мен сизни кутдим, келмасангиз-а, деб хавотир олдим.

— Министр, сафарни кейинга қолдиринг, деб илтимос қилиб қолди,— у кутилмаганда бепарволик билан ёлғон гапириди.

— Мабодо сизни бошқа жойга кўчиришса, унинг ҳоли нима кечаркин? Рост, шундай бўлиши мумкин. Ахир сизни бир жойга боғлаб қўйишгани йўқ-ку. Унда у оёқ-қўлсиз қоларди.

— Муболага қилиб юбордингиз...— Лапетеус ҳамроҳига нима деб мурожаат қилишини билмай қолди.

— Мени Реэт деяверинг.

— Раҳмат.

— Қани, бу ёққа, ўнг томонга юринг. Сизга иккинчи қаватдаги хоналарни ҳам кўрсатаман.

Реэт ундан олдинда юқорига кўтарилиди. Лапетеуснинг кўзи олдида унинг кучли, силлиқ болдири липпли этарди. Юбкасининг этагидан ички қўйлаганинг тўри кўзга ташланарди. Зина уларни кенг-мўл бир жойга олиб чиқди. Лапетеус бу ерга монанд ном тополмади. Деворлардаги жавонларга китоблар қўйилган, жонанинг ўзида кресло, пастак столча ва торшер туради. Иккита эшиги ҳаворантга бўйлган эди. Бу ердаги ҳамма нарса бир-бирига уйғун, ўзига хос эди.

— Марҳамат, олдинга юринг.

У эшиклардан бирини очди, оддий қилиб:

— Мен шу ерда ётаман,— деди.

Кенг, пастгина күшетка. Энли пардоз столчаси. Қиммат фанерадан қилинган тўрт тавақали катта кийим-бош шкафи. Тумбочкалар. Асил фанера билан бежалган яна бир эшик. Күшетка устида, ойна ёнида деворда бинафшаранг абажурли чироқлар. Деворларда нозик рангли акварель бўёқ билан солинган иккита сурат. Боққа қараган ғоятда катта дераза.

— Сизнинг уйингиз одамда эскилик сарқитларига мойиллик уйғотади. Менда хусусий мулкчиликдан заррача ҳам нишона йўқ деб ўйлардим, бироқ бор экан, шундай уйим бўлса жон дердим.

— Революцион ҳушёрликни йўқотманг,— деди Реэт мулойимгина ва ноз-карашма қилиб қулди, шундай Лапетеус унинг кўзларида сарик нуқталарни кўрди.— Айтмоқчи, бу уйни қуришга биз мажбур бўлдик. Уруш вақтида уйимиз куйиб кул бўлди. Шу пайтгача қариндош-уругларимницида яшаб келдим. Прописдан ўтмадим. Уйлари шу қадар тор әдики, мени прописка қилдиришмади.

Реэт кўрсатган хоналарга қараб, Лапетеус бу уй аразонга тушмаганини фахмлади. Бу ердаги ҳамма нарса унга маъқул бўлди. Уйнинг силикат гиштдан қурилгани айниқса унга хуш келди. Силларт уларнинг министрликларида ишлаганиданми ёки бошқа бирор сабабларданми, Лапетеус унинг уйи ёғочдан қурилган бўлса керак, деб ўйлаганди. Лапетеус хоналарнинг жойлашиш тартибини, деворга ишланган шкафларнинг кўплигини, деворига кошин қопланган ошхонани, ярми полга ўтказилган ваннани, керамик гиштдан қилинган каминни, шумтолдан қилинган ички зина-

ни ва иккинчи қаватдаги ҳаворанг әшикларни мақтади.

— Биз бу уйни түрт йил құрдик,— деди Реэт.— Қирқ еттинчи йилда бошлаган әдик. Эрта баҳорда калужица гуллаган пайт әди. Фишт, цемент ва ёғоч топиш қийинди... Унда мен ўрмон саноати министрлигіда әмас, савдо соҳасида ишлардим. Ҳар бир әшик ҳалқаси, ҳар бир дераза лўқидони учун таъминот идораларининг магазинларига, омборларига ўн марталаб боришига тўғри келган. Электр симлари ва кечираисиз, унитазларни топиш ўлимдан қийин әди. Уй қуриш қанчалик оғирлигини сиз билмайсиз. Ҳозир қулоғимгача қарзга ботганман. Агар амаким ёрдам қилмаганды чаала қолдириб ташлаб кеттган бўлардим.

Унинг амакиси, қошлиари бароқ, қовоқлари қизил жиккак чол экан. Лапетеус уни олдинига пайқамаган әди.

— Давлат ҳам узоқ муддатли қарз ва материаллар билан ёрдам берди,— деди чол ва яна аллақаерга ғойиб бўлди.

— Айниқса қарз ва баъзи нарсалар жуда қўл келди,— деб Реэт амакисининг фикрини давом эттириди:— Керамика ғиши ва метлах плиткаларини отам урушдан олдин йигиб қўйган әди. Ота-онам уй қурмоқчи бўлганда уруш халақит бериб қолди.

Лапетеус Реэтнинг ёшини, ота-онаси нима бўлганини топишга уринди.

Найнов Мурук оҳиста товуш билан гапиради:

— Бизнинг Эстония одамининг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Эстониялик йўқдан бор қилади. Бир парча тахта ёки тунука ҳам иш беради. Агар унга халал беришмаса, у фақат қувонч бахш этиши учун сира тиниб-тинчимайди.

Лапетеус унинг гапига қулоқ солиб, бу доцентнинг оёқлари бунча узун, деб ўйлади.

— Совет ҳокимиятининг шарофати билан одамлар яна иш билан таъминланишиди,— деди Саммасельг.— Оккупация вақтида кўзимизни очиришмаганди.

Лапетеус полга маҳлиё бўлиб:

— Ажойиб паркет,— деб қўйди.

Аллақаердан яна пайдо бўлган чол изоҳ берди:

— Асил материал, эски замондан қолган. Ётқиза-

ётганда жаранглайди денг. Усталар ҳам Геродеснинг¹ қўли гул эски усталари әди.

Унинг овози дағал, ёқимсиз әди.

Реэт меҳмонларни столга таклиф қилди. У бека сифатида тўрга ўтириди. Лапетеусга ёнидан жой ажратди.

Кўп ўтмай улфатларнинг кайфияти кўтарилиди.

Агар ёнида Реэт бўлмаганда Лапетеус ўзини ёлғиз сезарди. Устига-устак, кўпчиликнинг сұхбатига қўшилиш унга қийин әди. Сұхбат унга нотаниш кишилар устида бораради. Уларнинг биронтаси тагдор гап айтса, бараварига «гур» этиб кулишар, у эса ҳайрон бўлиб ўтиради.

Бироқ Реэт кулар, ҳазиллашар, Лапетеусдан бўлак ҳаммани чандир, ҳар гал меҳмонларни ичишга ва та-мадди қилишга мажбур қиласар әди.

— Сиз армияда хизмат қилганимисиз?— деб сўради Саммасельг Лапетеусдан.

— Ҳа,— деди у қисқа қилиб.

Саммасельг тили қичиб ҳикоя қилишга тушди:

— Мен эстон корпусининг аскарлари билан Лиҳуладан бир неча километр берида учрашганман. Биз ўрмонда университет ашёларини яширганмиз. Немислар ўз юртига фанизмнинг асил дурдоналарини олиб кетмоқчи бўлишган әди. Очиқ қаршилик қилишнинг иложи бўлмаганидан биз қўлнимиздан келганча чап бериб, уларни чалғитдик. Аранг судралиб борарадик. Улар яқин жойда томоқларини йиртиб команда беришар, бақиришар, дўқ уришарди, ниҳоят, бир амаллаб қишлоқ йўлига чиқиб олдик. Қизил Армиянинг келишини ўрмонда кутдик.

Лапетеус, фанга оид қимматбаҳо нарсаларни Лиҳула яқинидаги бутазорда сақлаш маҳол эканини ўйласа-да, индамади.

— Менинг ҳарбий хизматга ярамаслигим тўғрисида қоғозим бор әди. Йўқса, қўлимгага милтиқ олган бўлардим,— деди Саммасельг гапида давом этиб.

— Қурол шахсни ҳалок қилади,— деб луқма ташлади жим ўтирган Мурук.

Лапетеус:

¹ Г е р о д е с — қуриш фирмаси.

— Сафарбарликка ёшингиз түгри келарди-ку. Биз тенгдош бўлсак керак,— деди.

— Мен жанубий Эстонияда отпускада эдим. У ерда сафарбарлик эълон қилингани йўқ,— деб изоҳ берди Мурук.

— Оккупация вақтида ўртоқ Мурук, турган гапки, немис армиясида хизмат қилишдан бош тортган,— деб қўшимча қилди Реэт.— Бундай жиддий масалалардан гап очишнинг нима кераги бор-а?

Шундай кейин гап мавзунин ўзgartириб, чақчақлашиб ўтиришди. Лапетеус жим ўтиради. У зерикиб қолди. Столнинг нариги томонидан ашула бошлиашди.

«Пиво пиширувчи» ашуласини хиргойи қилиб, Лапетеус бошқалар қатори стулга чиқди, стол тагига кирди. Башараси Реэтнинг чехрасига жуда яқин келиб қолди. Реэт чўққайиб ўтирад, семиз сони очилиб қолган эди. Столнинг нариги томонида санъат аҳлига ўхшаб узун соч қўйган бир йигитча кулгидан пишқираётган аёлни ўпарди.

Андрес стол тагидан чиқаётиб бу ерга келиб чакки иш қилганини ўлади.

Графинларни қайта-қайта ароқ билан винога тўлдиридилар.

— Ўйинга!— деб хитоб қилди Реэт.

Сочи сават йигит электрограммофонни қўйди.

Лапетеус Реэт билан айланар экан, ҳамроҳининг оёклари бақувватлгини, бадани тараанг эканлигини сезди.

У бошқа аёллар билан ҳам танца тушди, улар унга ёпишар, Андрес ҳам уларни тўшига тортар эди. Бироқ бу унинг вақтини чоғ қилмади.

Янги таом келтиришди. Тортларни кесишидди. Столда кофе ва ликёр шишелари пайдо бўлди.

Лапетеус кўп ичди. У ичкиликини жуда кўтарарди, буни билгани учун ҳеч тап тортмай ичаверди.

— Оқ тунукани топиб кўринг-чи, мен қойил қолай! Реэт исини билиб, топган.

Лапетеус бошини буриб Реэтнинг қовоқлари қизарип кетган амакисининг кўзларини кўрди.

Реэт сочи сават йигит билан танца тушарди. Йигитнинг қўли унинг елкасида кичкина, қонсиз кўринарди.

Бирдан Лапетеус бу кеча кўнглига урганини сезиб қолди.



Ёнида Саммасельг аллакимга гап маъқуллар эди:

— Мен на жигар, на қон, на ёғ ея оламан. Уларда холестерин бор, у қон томирларига ёпишиб қолади ва склерознинг ривожланишига сабабчи бўлади. Ичкиликини ҳам ичмаслигим керак эди-ю, бироқ одам умрининг қадри узоқ яшаш билан ўлчаммайди-ку.

Лапетеус ўрнидан турди ва соф ҳавода нафас олиш ниятида ҳовлига чиқмоқчи бўлди. Сал кўнгли айниди. Бари бир кайфи ошганини сезди.

Ҳовлига чиқаётib зина панжарасига суюнди. Ҳаворанг эшиклар эсига тушиб, пиллапояларга оёқ қўйди.

Нималигига ном топа олмаган хона олдига келганда орқасидан Реэт етиб келди.

— Қаерга кетяпсиз?

Лапетеуснинг кўзи олдида аёл кишининг думалоқ кўкраги дам кўтарилиб, дам тушарди. У ҳеч нарсани ўйламай Реэтнинг елкасидан ушлади-да, уни ўпмоқчи бўлди.

У Адрессни итариб юборди.

— Мен sizни бу мақсадда таклиф қилганим йўқ эди!

4

Лапетеус қоронғи зулмат қаърига кириб бораётган поезд орқасидан қараб турди-да, овозини чиқарип сўкинди.

Станция платформаси ҳувиллаб қолди. У нима қилишини билмасди. Навбатдаги электричка энди эрта билан келади. Темир йўлни ёқалаб ёки шпаллар устидан пиёда кетаверсамикин? Етти километр нима деган гап. Фронт йўлларида юзлаб километр йўл босардилар. Ҳар кечада йигирма, ўттиз беш километрдан юришарди. Қорни қор, бўронни бўрон, совуқни совуқ дейишмасди. Елкаларида тағин қурол ва амуниция... Рост, энг тўғри йўл — пайсалга солмай пиёда жўнаб қолиш эди. Темир йўлдан юрса ҳам ёки Озодлик хиёбонидан чиқиб олса ҳам бўларди. У ерда бемаҳал бўлишига қарамай такси учратиш ҳам мумкин эди.

Лапетеус скамейкага ўтириди-да, сигарета қидириб чўнтакларини ковлади. Сигарета йўқ эди. Яна овозини чиқарип сўкинди.

— Тўнка! — деб ғўлдиради у. — Метин одам! Ўзингнинг ашаддий душманинг ўзинг! Бу ерда сенга пишириб қўйганмиди?

Аллаким яқинлашиб келарди. Лапетеус бу ўткинчи одамга шубҳали назар ташлади. У унинг ёнига етганида тўхтаб, унга диққат билан тикилди. Кейин қаддини ростлади-да, қўлини чаккасига қўйди ва бурро қилиб:

— Ўртоқ капитан, рухсат беринг мурожаат қилишга! — деди.

Лапетеус рўпарасида турган, пальтосининг олди очилиб, шляпаси бошининг орқасига сурилиб кетган одамга узоқ тикилди.

— Рухсат этинг, ахборот берай! Старший сержант Паювийдик, бешинчи рота, биринчи взводдан. Шуҳрат ордени ва учта медаль кавалери. Касби гишт терувчи, сувоқчи, ҳозирги вақтда бўёқчи. Бир хотини билан ажрашган, уч боланинг отаси. Профсоюз аъзоси, овчи, газета ўқиб туради. «Вольно» вазиятига кўчишга ижозат этасизми, ўртоқ рота командири?

Андрес Лапетеус ўрнидан турди-да, «смирно» вазиятини олди.

— Вольно, ўртоқ сержант. Салом, гишт терувчи, сувоқчи, бўёқчи, газетхон ва ҳоказо, ва ҳоказолар.

Улар бир-бирларининг қўлларини сиқишиди, депси нишиди.

— Чекишидан борми?

— Йўғ-а.

— Менда бор. Ол.

Паювийдик чўнтағидан эзилиб, бир-бирига ёпишиб кетган бир пачка папирос чиқарди.

Чекишиди.

— Узоқдан танидим. Бу йигит бизнинг ротадан эканлигига аранг ишондим. Кечирасан, ҳозир мундиримиз йўқ, дориламон яшаб юрибмиз. Шу боисдан конституция берган сўз эркинлигидан фойдаланиб сени йигит дейишим мумкин. Бунинг маъносини чақадиган бўлсак, бу ўз одамимиз, жангчи, ҳақиқий инсон, ошна ва улфат дегани бўлади. Сени кўриб кўнглим яйраб кетди. Чунки бугун бир дардисар билан ичдим, у шундай таъбимни тирриқ қилдики, асти қўясан! Бироқ қараб кўзларимга ишонмадим. Ахир сен министрнинг ўнг қўлисан, тагингда машина. Шундай улуғсифат

одам ҳар хил қаланғи-қасангилар ивиришиб юрадиган перронда нима қилиб турибди, деб ўйладим. Ёки та-гингга сув кетдими, ҳозир ҳаммаёқ алгов-далгов-ку?

— Кечикиб ғолдим. Ярим минут. Ҳозир нима қилишни ўйлаб турибман. Ўзимни ўзим койиляпман.

— Мен ҳам графикдан қолиб кетдим. Лекин мен ўзимни койимайман. Бошқалар айюҳанос солаверсин, ўзини-ўзи койииверсин. Ахир ўзимни-ўзим ҳурмат қилмасам, ўзимга-ўзим ширин муомала қилмасам, ким қилади? Ҳеч кимдан умид қилма? Буни тушун-маслигинг кулгили.

— Хўп, Паювийдик. Сен илгариям гапга тўн кийгизардинг, ҳозир ҳам шундайсан. Очигини айтсам, сен жуда айёр эдинг. Доим мени лақиллатиб кетардинг. Бироқ бутун ротада сендан ўтадиган солдат йўқ эди менда. Мунча ичмасанг?

— Менми?.. Мен илгор совет кишисиман, танқид ва ўз-ўзини танқид катта кучга эга эканлигини биламан. Шунинг учун менинг нуқсонларимни кўрсатганиларида хафа бўлмайман. Ҳаммасини бўйнимга оламан. Чунки иқрор бўлсанг олам гулистон. Қурилиш министри ҳам айбини бўйнига олади-ю, ўз билганини қиласверади. Қайфим ошгани қайгули ва кўнгилсиз ҳақиқат... Одамлар уч сабабдан ичишади. Бирорлар аламидан, бошқалар хурсандликдан, баъзилар ишқи-бозливидан ичади. Мен учинчи гуруҳга кираман. Баъзиларнинг ичиши мумкин, баъзи бирорларга мумкин эмас. Хўш, сен нима учун оёқда зўрга турибсан? Мартабанг баланд, министрнинг ўнг қўлисан. Қоқилдингми, яна оёқса турishга ҳаракат қил. Йўқ, сен осонликча жон бермайсан.

— Соат неча бўлди?

— Менга бир тушунтириб бер, — деди Паювийдик унинг саволига парво қилмай.— Мен кўпдан бери бирор ақллироқ одамдан сўраб билиб олмоқчи бўлиб юардим: сизлар нима учун бир-бирларингизни дўп-послайсиз? Мушт жонивор худди дўлдек ёғилади-я. Қаёққа қарама, ишдан четлатилди... сафидан ҳайдалди, деган гапни эшитасан... Мендек оддий газетхоннинг калта ақли ҳеч балога етмаялти.

— Ҳозир синий ёт унсурлар ва уларнинг калта-фаҳм ҳомийларининг илдизига болта уриляпти. Бор гап шу.

— Худди газетадан ўқигандек бўлдим. Одамга ўшаб тушунтиранг-чи.

— Маастсан. Ҳушёрлигингда бир гаплашамиз.

— Солдатни ранжитма. Мен худди сендеқ икки марта яраланганиман. Ўз оғамдан сўрагандек сўрайман. Бадҳоҳлик билан: қўявер, бирининг гўштини бири есин, деганларини эшитсам, жоним ҳиқилдогимга келади. Сен-чи... Гапиргинг келмаса, гапирмай қўяқол. Тўғри, мастман, лекин оёқда туролмаган вақтимда ҳам каллам ишлайверади. Э, ер ютсин ҳаммасини! Кел, яхшиси, ашула айтамиз... йўқ, тўғри келмайди. Ахир сен Andres Лапетеус истеъфодаги капитан, министрнинг ўнг қўли, маълум ва машҳур одамсан. Ашула айтиш обрўйингга путур етказиши мумкин. Бунинг устига овозингнинг ҳам мазаси йўқ. Менинг кекирдагим ҳам анча занглаб қолди, лекин бир амаллаб оҳанганини эплай оламан.

— Юр, пиёда жўнаймиз! Уруш вақтида юзлаб километр масофани кўрдим демасдик. Совуқ забтига оляпти.

— Менинг елкамда қўл пулемёти, сенда «ТТ» бўларди.

— Фронтда сен буни юзимга солмасдинг.

— Биласанми, капитан, бир одам оғзига келганни қайтармай гапирса-ю, бошқаси чурқ этмай турса, биттаси томогини йиртгудек бўлиб бақирса-ю, бошқаси оғзини ҳам очмаса, бу ҳол одамларни бузади. Мен баъзан бу ҳол барҳам топса, дунё ё худди яхши оиласдаги каби ҳамма бир-бирига тап тортмай акиллайдиган бақироқлар хонадонига, ёхуд ювощ қўйлар ўтлаб юрадиган, уларнинг аянчли ва ёқимли маъраши эши-тиладиган ўтлоққа айланарди, деб ўйлаб қоламан. Бу юксак орзу эмас. Унда жуда бўлмаса тенг ҳуқуқлик ҳукмрон бўларди. Ҳозир-чи, ўнбоши менга акиллайди, прораб ўнбошига дўқ уради, директор прорабга бақиради, комитет бошлиғи директорга ўшқиради, министр эса бош комитет бошлигининг ёғини олади, шу тахлит давом этаверади. Хўш, борди-ю, мен министрнинг танобини тортиб қўймоқчи бўлсам-чи? Қўлимдан келмайди! Хўш, нима учун менда бунга имконият йўқ?

— Бор, танобини тортавер. Қўлингдан тутмайман. Гап орамизда қолсину, бизнинг министр ҳам фирт ах-моқ.

Лапетеус ҳузур қилиб кулди.

— О-ҳо, капитан! Мен — хашаки бир одамни кечир, ҳалигидақ... Башарангдан унчалик билинмайди-ку, лекин дурустгина тортган кўринасан. Чунки улуг мартабали сендеқ арабб газета тилини унубиб, мендек одам билан гаплашиш учун қаттиқ отган бўлиши керак. Огоҳлантириб қўяй сени — меъёрида ич! Шонли ротамизни иснодга қўйма. Кўпгина асил йигитлар ўлиб кетди. Уларга одамнинг юраги ачиди. Ичишга ҳеч нарсанг борми? Йўқми? Менда ѡспилади. Великие Люки остонасидан, Сирве бурунидан ва Курляндиядан қайтиб келмаганларнинг хотираси учун бир қултумдан ичамиз.

Лапетеус Паювийдикнинг қўлидан шишани истамайгина олди-да, ўзини зўрлаб жиндек ичди. Хаёлидан эса, дарҳол жўнаб қоламан. Паювийдик бирга кетса кетсин. Тили қурсин уни. Қолса, ихтиёр ўзида, деган гапни ўтказди.

— Мен энди... Орқага қайтаман.

Бу фикр унда олдинги икки сўз оғзидан чиққанда хаёлига келди...

— Сен билан юракдан чиқариб бир отамлашсам, деган эдим, бўлмади. Лекин бари бир сендан бир нарсани сўрайман. Комиссаримизни ҳимоя қилиб бирор нарса дедингми? Пидрус-чи, наҳотки уни билмасак? Харобадан туёғимизни шиқиллатишга ўйл қўймаган одамни ҳозир қандайдир газета халқ душманига чиқариб ўтиrsa-я. Балки сен мум тишлаб ўтиргандирсан? Мен партияга хат ёзиб юбордим. Мени аллақандай секретарнинг, Юрвенми, Ярванми, билмадим, ўшанинг ҳузурига чақиришди, у билан роса қийпичоқ бўлдик. Э, падарига... Ҳечқиси йўқ, бундай одамлар қулоқ бошида турмаслигини партия эртами-кечми тушунади.

— Секинроқ, ошна, секинроқ,— деб Лапетеус унга тасалли берди.

— Йўқ, бақириш керак, капитан, бақириш!— деди Паювийдик қизишиб.— Сен эса, миқ этмайсан... Эҳ, гвардиячи, гвардиячи! Еки сен Пидрусга чиндан ҳам халқ душмани деган ёрлиқ ёпишириш керак, деб ўйлайсанми? Мен биламан, дунёда бироннинг пайини қирқадиган ғаламислар ҳам анчагина кўп, ундан но-бакорларнинг қўлини кесиб ташлаш керак. Шойи қўл-

қоپ кийиб янги ҳаёт қуриб бўлмайди. Пидруслек одамни дунёни қидириб топиб бўлмайди!

Лапетеус елкасини қисди.

— Хўп, ошна, хўп. Шуни лозим тоансанг, майли, индама. Нега сен, ҳозир соатни сўрамай қолдинг. Ахир сен, доим гап айланиб кетса, уни дарорв бошқа ёққа буришни яхши кўрасан-ку. Дарвоқе, министринг ўнг қўли, сен ўзингни ўзинг тушунасанми? Юрагингни, ўпкангни, жигарингни ва қолганларини биласанми? Ҳамма вақт тўғри деб билган ишингни қиласанми? Кўнглинг нимани хоҳлашини биласанми? Истамасанг, майли, жавоб берма. Мен, назаримда, алжиётганга ўхшайман... Борадиган жойингда қизлар борми? А? Кўрқма, ҳамроҳ бўлмайдан. Бу фронтдаги ҳужум эмас, у ерда сержантнинг қадри бор эди. Хайр, калитан. Сўлга бурил!

Лапетеус шоша-пиша жўнаб қолди.

У Ниммени беш қўлдек билар, Озодлик хиёбонига олиб борадиган йўлни тополмаслик даражасида масти эмас эди. У ердан такси топилади.

Паювийдикдан қутулганига хурсанд бўлди.

«Балки мум тишлаб ўтиргандирсан?»

Лапетеус ён-верига аланглаб қаради, ҳеч ким йўқ. Мум тишлаб ўтиргандирсан, деб ким айтди?

Шу заҳоти овозини чиқариб гўлдиради.

— Соат неча бўлди?

УН БИРИНЧИ БОБ

1

Реэт Совиархозга боришга борди-ю, лекин муддаосига эришолмади. Бошқарма бошлиғи йўқ эди. Уни бошлиқнинг ёрдамчиси, нигоҳи тикандек қадалувчи бир одам қабул қилди. У биринчи қарашдаёқ Реэтга ёқмади.

Ёрдамчи билан гаплашганидан ҳафсаласи пир бўлиб:

— Менинг исми шарифим Реэт Лапетеус. Директор Лапетеуснинг хотиниман,— деди.

Бошлиқ ёрдамчиси илиқроқ боқиб:

— Ўртоқ Лапетеуснинг рафиқасимисиз? Жуда соз. Аҳволи қалай?— деб сўради.

— Ёмон, жуда ёмон,— деб жавоб берди Реэт гапрадиган гапини ўйлаб.— Сизнинг қимматли вақтингизни олаётганим учун олдиндан кечирим сўрайман. Боншимга тушган мусибат сизнинг ҳузурингизга келишими га мажбур қилди. Эримнинг аҳволи жуда ҳам оғир. Врачлар мендан ҳақиқатни яширишади. Баъзан согайиб кетишига кўзим етмайди. Лапетеуснинг фожиасидан хабарингиз бордир?

У бошини иргади.

— Бизга хабар қилишибди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа. Лапетеус уриб юборган машинада, янглишмасам, сиз бўлгансиз-а? Ўртоқ Хаавик билан бирга? Шундоқ. Эсимда. Ўртоқ Хаавик ўта принципиал, бош йўлнинг жонкуяр ҳимоячиси эди. Эрингиз ҳам принципиал ходим. Шу вақтгача у фақат ижобий томондан ўзини кўрсатиб келди. Нима дедингиз, у, ҳалиги, ўлим тўшагидами?

Реэт бошини кўтарди ва бошқарма бошлигининг ўринбосарига маъюс қаради.

— Ҳақ гапни айтдингиз. Жуда гаройиб воқеа бу. Мен дугонамниги кетаётган эдим. Пиритга. Биз синфдошмиз, уникига тез-тез бориб тураман. Бу сафар ҳам дугонам мени кутаётган эди. Қоронги бўлиб қолса ҳамки... Йўғ-э, нима деяпман асти ўзим, вақт аллама-ҳал бўлиб қолган эди, шунга қарамай мен сўзимнинг устидан чиқиши учун уникига боришга жазм қилдим. Такси тўхтайдиган жойга шошиб кетаётсам, ёнимдан ўртоқ Хаавик ўтиб қолди. У Ракверадан, командировқадан келаётган экан. Мени кўриб тўхтади. Эрим билан Хаавик фронтчи дўстлар, Хаавик бизниги ботбот келиб туради. Менинг такси кутаётганимни эшишиб, менга бажонидил ёрдам қилмоқчи бўлди. Мен унинг машинасига ўтиридиму жўнаб кетдик. Пирит йўлида шу фосжия содир бўлди... Виктор... Виктор Хаавик ҳалок бўлди, мен ўзим ўтган куни касалхонадан чиқдим. Andres бир неча ой врачларнинг назорати остида ётса керак. Тузалиб кетиши даргумон. Ҳоли танг.

— Шошманг-чи,— деди бошқарма бошлигининг ўринбосари.— Қайси касалхонада у? Бош врач билан гаплашиб қўйяй.

У трубкани олиб касалхона телефонининг номери-

ни тера бошлади. Реэт дастрўмоли билан кўзининг чечини артди.

— Алло! Совнархоздан гапирияпмиз. Менга бош врачни тўгриланг... Кутуб тураман.— Реэтга:— Чин кўнглимдан ачинаман сизга.— Трубкага:— Салом, Юрвен... Ҳа, ҳа, худди ўша Юрвен. Ўртоқ Лапетеуснинг аҳволи қалай?.. Хўш, хўш... Нима дедингиз?.. Тушунаман, ҳа, албатта тушунаман... Ўз номимдан ва раис номидан барча имкониятларни ишга солишинизни илтимос қиласман. Гап шундай... Ўртоқ Лапетеусдан шахсан ўзингиз кўз-қулоқ бўлиб туринг. Ҳалқ Ҳўжалиги Кенгаши сиз уни тез орада даволашингизга умид билдиради... Соғ бўлинг.

Бу гап-сўзларга дикқат билан қулоқ солиб турган Реэт:

— Бир умр сиздан миннатдорман. Эрим номингизни ҳурмат билан тилга оларди,— деди.

Юрвен куракдек қўлларини ишқалади.

— Аҳволи оғир, лекин бенажот эмас.

— Яна сизга миннатдорлигимни билдираман. Ҳамаси яхшилик билан тугашига энди ўзимам ишондим.

— Уни тузатишади.

Реэт дастрўмолини ҳимариб ва гижимлаб туриб ганини давом эттириди:

— Ўртоқ Юрвен, Лапетеусга муносабатингизни билib, эримнинг миясини қуртдек кемираётган нарсалар тўгрисида ҳам гапиришга журъат этаман. Сизнинг ҳузурингизга келганимни эрим билмайди, билса сира ҳам бунга рухсат этмасди. Бироқ менинг аҳволимни тушунинг. Унинг азоб чекишига тоқат қилолмайман. У ҳақиқий коммунист. Мен партияда йўқман, лекин мен кўпдан бери коммунистнинг хотиниман, унинг одатини биламан. Унинг учун дунёда энг муҳим нарса иш эканлигини аллақачон фаҳмлаганман. Иш ва партия. Ҳозир унга қандай мунисабатда бўлишларини ўйлаб у қайғуряпти. Буни ўзи айтмайди, лекин буни кўзларидан биламан. Ҳозирги вақтда у масъулиятли ходим ва коммунист сифатида ўзига қаттиқ айблар қўйяпти. Чунки баҳтсиз ҳодисанинг айбори у.

Реэт жим бўлди ва бошқарма бошлигининг ўринбосари нима деркин, деб кутуб турди.

Юрвен унга ўқрайиб қаради.

— Ҳар бир одам, айниқса, коммунист ўз қилмишига албатта жавоб беради. Лапетеус ҳам бундан мустасно эмас.

— Уни нима кутади? Бундан одамнинг хабари бўлса, чидаш ҳам осон бўлади.

Реэтнинг кўзи яна жиққа ёшга тўлди.

— Эрингизнинг масаласини ҳал қилиш фақат бизга боғлиқ эмас,— деди Юрвен.— Уни уч йўл билан — хизмат, партия, прокуратура ва суд йўли билан ҳал қиладилар. Бир одамнинг фикри бу ерда иш бермайди. Совет қонунчилиги ва Ленин нормалари бузилган вақтлар ўтиб кетди. Ҳозир ҳар бир ишни кўпчилик ҳал қиласди. Шахсан ўзимни олсак, мен Лапетеус ишига ниҳоятда принципиаллик билан ёндашиб керак, деб ҳисоблайман. Ишонаманки, унинг илгариги ишларини эътиборга олишади. У ҳамиша партия йўлини маҳкам тутарди. Ишониб топширилган топшириқларни масъулият ҳис-туйғулари билан бажараради. Иккинчи томондан у бир одамни босиб ўлдирди. У масъул ходим, қобилиятли журналист эди. Бу ҳол ишни оғирлаштиради. Кўпгина нарсалар суднинг қандай қарорга келганига боғлиқ, сизни бир нарсага ишонтириб айтаманки, шошқалоқлик билан ҳеч қандай иш қилинмайди. Биз унга ижобий характеристика берамиз. Мени бир нарса: эрингизнинг мастилиги ҳайратга соляпти. У ҳар куни ичармиди?

— Унинг масти бўлганини сира кўрган эмасман. Бу сафар унинг фронтчи ўртоқлари меҳмон бўлиб келишган эди. Менсиз уларга яхши бўлар, деб ўйлаган эдим. Йўқса, мен дугонамнигига бормаган бўлардим. Биз ҳаммасини Андрес билан келишиб олган эдик. Ким билади. Балки эски хотираларга берилиб кетиб, кўпичиб қўйгандир.

— Унинг фронтчи дўстлари кимлар?— деб сўради Юрвен.

— Ҳаммасини танимайман. Бироқ иккитасини — ўртоқ Пидрус билан майор Роогасни илгари ҳам кўрганман.

Юрвен чўрт кесиб:

— Мен бу ишда Пидрус билан Роогасни ҳам айбдор ҳисоблайман,— деди.

— Буни мен ўйламаган эдим,— деди Реэт. У Юрвеннинг мақсадини тушунмади.

— Бутун бу ҳодисалар синчиклаб текшириши та-
қозо қиласди.

— Эрим машинада ёлгиз чиққан. У вақтда унинг
мехмонлари кетиб қолишган.

— Бу ишни бир оз юмшатади. Лекин маънавий
масъулият барি бир Пидрус билан Роогаснинг зимма-
сига тушади.

— Лапетеусни тушунганингиздан хурсандман.

— Лапетеуснинг шундай иш қилишига одамнинг
ишонгиси келмайди. Ўзининг кимлигини, бундай
ишга қўл урмаслиги кераклигини унуганини қа-
ранг-а.

— Бунинг учун у қаттиқ изтироб чекмоқда.

Юрвен жим бўлди.

Реэт ўрнидан турар экан, бармоқлари қизларни-
дек нозик қўлини унга узатди-да:

— Сизни шунча безовта қилганим ҳам етар. Ижо-
затнинг билан сизга яна бир бор миннатдорлигимни
изҳор этаман,— деди.

— Марҳамат, марҳамат. Ишингиз ўнгидан келсин,
ўртоқ Лапетеус. Муваффақият тилайман.

Реэт ёшли кўзлари билан табассум қилди ва орқа-
сига ўғирилди-да, бедана юриш қилиб эшик томон йўл
олди.

Юрвен уни тўхтатди:

— Бирпас сабр қилинг. Сал бўлмаса эсимдан чиқай
дебди. Эрингизга айтинг, унинг ишдан бўшашиб тўғри-
сида берган аризасини ҳозирча кўрмай турамиз. Ҳозир
комбинатни бош инженер бошқаряпти, у вақтинча
директорлик вазифасини бажаряпти.

Бу сўзлар Реэтга қаттиқ таъсир қилди. У базур:

— Хўп, айтаман,— деб гудранди.

Үйига у таъби хира бўлиб қайтди. Соннада ари-
за юборгани тўғрисида Andresnинг индамагани унинг
кўнглига қаттиқ тегди. У бундай бемаъни иш қилмас-
лиги керак. Қараганг-а, унга маслаҳат солмабди, чурқ
этиб оғиз ҳам очмабди-я.

«Andres энди мени хотин ўрнида кўрмаяпти,— деб
ўйлади Реэт.— Ажраламан ундан». Бироқ бу фикри
шу заҳоти унга шошқалоқлик бўлиб кўринди. Ҳозир
ажралишса одамлар улар ҳақида нима дейди. Ҳамма
унга ола қарайди. Ахир ҳаммасига ёлгиз Andres айб-
дор-ку. У ўз мулоҳазаларига ўзи ҳам ишонмай, шу

хаёлларга борди. Ҳамма нарса унга маъносиз кўри-
нарди.

Бирдан унинг Виктор Хаавикка юраги туздек ачиши-
ди. Ҳаёти поймол этилганини сезди.

2

Мурук:— Сенга қойилман.

Реэт:— Хўш, нима қиласай бўлмаса? Йиглайми?
Нима, ийғласам яхши бўлармиди?

Мурук:— Сен ноёб одамсан. Кўхна эстониялик
қиз. Сени ҳар қанча букмасинлар, барি бир қаддингни
мағрур тиклайверасан.

Реэт:— Ё раббим, бу дабдабали гапларнинг нима
кераги бор-а? Мен ҳаётни севаман, мана шунинг учун
яшаб юрибман. Ноёб одам, кўхна эстониялик қиз ва
шу тахлит бошқа гапларнинг ҳаммаси бемаънилик.

Мурук:— Сен уни севасанми?

Реэт:— У менинг эрим.

Мурук:— Ахволи нечук?

Реэт:— Ёмон. Жуда ёмон. Мен бош врач ва хи-
рург билан гаплашдим. Ленинграддан консультант ча-
қиришларини илтимос қилдим. Ваъда беришди. Ме-
нинг бекорчиликка ҳушим йўқ. Лекин ҳозир мажбур-
ман. Эртага район партия комитетига бораман. Сов-
нархозда Andresга муносабатлари яхши. Ҳатто уни
ишдан бўшатишмабди ҳам. Andres, ишдан бўшатинг-
лар, деб ариза юборибди, бироқ бошқарма бошлиғи-
нинг ўринбосари бу ишни бафуржга ҳал қиласиз, ўртоқ
Лапетеус жиноятичи эмас, бемаъни, баҳтсиз ҳодиса
қурбони, деди. Худди шундай деб айтди.

Мурук:— Улар ўз одамларини аяшади.

Реэт:— Andres шунга арзиди. Ниҳоятда ишчан
одам.

Мурук:— Andresни мен ҳам ҳурмат қиласиз.

Реэт:— Суд бўлмас балки.

Мурук:— Руҳингни туширма.

Реэт:— Башарасию қўллари худди мурданикига
ўхшайди.

Мурук:— Узоқ вақт ҳарорат тушмаслигидан ва
тўшакда ётишдан тери ҳамма вақт сарғаяди. Бу нарса
үтиб кетади.

Реэт:— Andres ўлса, қайтага ўзига яхши бўларди.

Мурук ҳангманг бўлиб қолди.

Реэт:— Бундай дейиш яхшимаслигини биламан. Лекин бутун бошли бир йил ўлим чангалида қийналиб ётган яхшими ёки дарров ўлганми?

Мурек:— Тушунаман сени. Тинчлан. Сен унга яхшиликни раво кўряпсан.

Реэт:— Кўрдингми, йиғлаляпман. Ҳадемай сенинг ҳам мендан ҳафсаланг шир бўлади. Қойил қолмай қўясан. Ҳозир ўзимни-ўзим кўргани кўзим йўқ. Эртага район партия комитетига бораман. Сен нима деб ўйлайсан, уни партиядан ҳайдашадими, йўқми?

Мурек:— Ахир мен сенга, улар ўз одамларини яшади, дедим-ку.

Реэт:— Жуда соз бўларди-я.

Мурек:— Andres осон қутулади.

Реэт:— Энг ёмони шуки, осон қутулишни унинг ўзи истамайди. Andres судда ўз ҳимоясига бир оғиз ҳам сўз айтмаслигини сезиб турибман. Бахтизлик унга жуда ғалати таъсир қилибди. У менга ажраламиз, деди.

Мурек:— Ажраламиз, деди? Нега?

Реэт:— Судда у нима дейди?

Мурек:— Назаримда, сен алланарсадан қўрқяпсан. Мендан яширма. Ахир ҳамма вақт жонингга ора киришга тайёрлигимни биласан-ку.

Реэт:— Йўқ, йўқ. Қўрқадиган ерим йўқ. Шунчаки судда у ўзини қандай тутишини ўйлаляпман. Ўзини айласа керак.

Мурек:— У ҳар қалай одам ўлдирди-ку.

Реэт:— Мен Викторнинг ўлими тўғрисида ўйлашибни истамайман.

Мурек:— Сиз икковингиз жуда бир-бирингизга муносиб эдингиз. Менда ҳам Хаавик тўғрисида жуда яхши хотиралар қолди.

Реэт:— Ҳа. Мен Тийветларникига бормоқчи эдим. Марказий майдонда мени Виктор кўриб қолди. «Калев»нинг футбол майдони жойлашган ерда. Тахминан ўша ерда. У Ракверадан келаётган экан. Одамлар нима деса деяверсин.

Мурек:— Мен сенга, гийбатларга тупур, дедим-ку.

Реэт:— Ростингни айт, сен қандай гапларни эшитдинг?

Мурек:— Нимани эшитардим, оддий гийбатларни-да. Ахир бу ҳодисанинг ўзиёқ мишишларга сабабчи бўлади-ку. Гаройиб воқеа.

Реэт:— Район комитетига албатта бораман. Сен у ерда ҳеч кимни танимайсанми?

Мурек:— Институтимизнинг профессорларидан бири райком аъзоси. Бироқ унинг обруси йўқроқ. Аппарат ходимларидан ҳеч қайсисини танимайман. Секретарлар билан гаплаш. Сенга маслаҳатим шу.

Реэт:— Ҳаммаси жуда чўзилиб кетди: Andres ҳали-бери тузаладиган эмас. Қора курсига ўтиришга ҳоли келмагунча уни суд қилишмайди. Сен нима дейсан, прокурор билан гаплашиб кўрсаммикин?

Мурек:— Олдин Дебин билан маслаҳатлаш. Отиқча сўз зарар қилиши мумкин.

Реэт:— Тўғри айтасан. Биласанми, амаким ажрал, деб маслаҳат беряпти.

Мурек:— Бу гапни у сен касалхонада ётганингда айтган эди.

Реэт:— Ажралиш ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Ҳаётимда бошимга қора кунлар тушадиган кўринади, мени ортиқ ҳеч нарса қизиқтирмайди. Абжафи чиққан «Волга»га яп-янги машинанинг пулини бермоқчи бўлишиди, автомобилнинг ёлғиз номерига минг сўм беришади, лекин мен кўнмадим. Буни амаким билса-я!

Мурек:— Сот.

Реэт:— Ҳамма нарса то... разшан бўлмагунча ҳеч нарсага қўл урмайман. Менинг худди астар-аврамни ағдариб ташлаганга ўхшайдилар.

Мурек:— Ўтиб кетади. Дўистларинг қўллаб-қувватлайди. Мен ҳам ўшаларнинг бириман. Ҳамма иш чаппасига кетганда ҳам аҳвол жудаям нажотсиз бўлмас, сен нима дейсан? Ҳаммасига ёлғиз Andres айбдор. Маст ҳолда шаҳарга чиққан! Автоинспекция терговчисига Пиритда бўлганини айтган. Бироқ қаерга борганини аниқ айтмаган.

Реэт:— У Тийветларникига борган.

Мурек:— Сени қидирибми?

Реэт:— Шундай бўлса керак.

Мурек:— Межмонга келганлардан биронтаси билан гаплашиб кўр. Менимча, бу жуда муҳим...

Р е э т: — Тоқатим битди! Тезроқ тамом бўла қолсайди бу ишлар! Мен ўзимни эҳтиёт қилишим керак. Ишга бориш учун қандай қилиб дармонга киришга ҳайронман.

М у р у к: — Агар бүллетенъ муддатини суришнинг иложини қилолмасанг, менга телефон қил. Тўғрилаймиз. Умуман, бир нарсага эҳтиёж сезсанг... Менинг ёрдамимга кўз тутавер.

Р е э т: — Сен яхшисан. Раҳмат. Менга ёрдам билан далда сен ўйлагандан кўра ортиқроқ керак. Мен ўзимни кўнглим ҳоҳлагандек тутишга ожизман. Илгарила-ри мен лозим бўлганда кулардим, жўяли деб ҳисобла-ганимда йиғлардим. Энди кулги кўнглимга сифмайди, кўзларимдан ёш аrimайди.

М у р у к: — Ҳали куладиган қунлар келади.

Р е э т: — Энди ҳеч кимга ишонмайман. Қандайдир ожиз бўлиб қолдим... Ҳозир Andres ўзини жуда гала-ти тутяпти.

М у р у к: — Дебин ҳимоя қилишга розими?

Р е э т: — Гапимиз чала қолди. У чарчаган. Бугун бўлмаса, эртага қазо қилиши мумкин.

М у р у к: — Бекорга хавотир оляпсан. Унинг орга-низми ниҳоятда пишиқ. Соғлиги бундайроқ одам алла-қачон жойирастонига жўнаган бўларди.

Р е э т: — У рози бўлмаса-чи?

М у р у к: — У доим сенинг маслаҳатинг билан иш қиласди-ку.

Р е э т: — Ҳозир Andresни муросага келтириш қи-йин. У умуман қайсар одам. Кейинги вақтда жуда ҳад-дидан ошиб кетди. Ҳозир эса... Сен уни билмайсан. Мен ҳеч кимга ҳасрат қўлганимасман, у билан туриш қийин. Ўз феъли ҳуйи билан у ўртоқларини ҳам без-дирди. Хаавик, у борди-келди қуладиган камгина одамлардан бири эди. Яна нималар бўлишига ақлим бовар қилмайди.

М у р у к: — Ҳозир унинг ҳаёти қил устида турибди. Шундан ўтиб олса, Andres яна илгаригидақа бў-либ кетади. Умуман, уларнинг ҳаммаси бир гўр. Одам-нинг қадрини билишмайди.

Р е э т: — Кечакечқурун агар ажralишамиз, деб қаттиқ туриб олса, у билан ажralаман, деган қарорга келдим. Балки бу ишим унинг соғайишига яхши таъ-

сири қиласар. У нима истаса, шунга тайёрман, ишқилиб унга нафи тегса бўлгани.

М у р у к: — Ҳаёти қил устида турган одам ё ҳам-ма нарсани чалкаштириб юборади, ёки ҳамма нарса-ни гоятда очиқ-ойдин тушунади.

Р е э т: — Мен уни ҳимоя қилишим керак.

М у р у к: — Олиҳимматсан. Ҳозиргиларнинг таъби-рича, асил инсонсан. У сени оз бўлмаса гўрга тиқай деди, сен бўлсанг...

Р е э т: — Нима учун бундай дейсан? Нима учун бундай дейсан?

3

А м а к и: — У билан ажralишганинг маъқул.

Р е э т: — Сен уни ёқтиримайсан.

А м а к и: — Сиз ит-мушук бўлиб яшардингиз.

Р е э т: — Мендан нима истайсан?

А м а к и: — У ажralамиз, деб тургандан кейин, ро-зи бўлавер-да. Майиб одамни боқищдан маъни борми? Уни кийинтир, ошини едирив қўй. Эр наҳотки шунинг учун керак бўлса?

Р е э т: — Мен уни парвариш қилмоқчи ва овқатини едирив қўймоқчи эмасман.

А м а к и: — Ундей бўлса ажраш. Сен ҳамма ишни босди-босди қилмоқчи бўлиб бошингни баттар галвага қўясан.

Р е э т: — Агар ҳозир ажraшсам, ҳамма мени ай-дер ҳисоблайди.

А м а к и: — Ҳозирам айбор ҳисоблашти-ку.

Р е э т: — Ишда менга ола қарашади.

А м а к и: — Кўп ўтмай унтишиади. Кейинги ҳаёт-ларингда энди бари бир ҳаловат бўлмайди.

Р е э т: — Аврама.

А м а к и: — Ундей одамни уйимда кўргани кўзим йўқ.

Р е э т: — Уй менинг номимда.

А м а к и: — Ҳўш, у кимнинг пулига қурилди?

Р е э т: — Менинг номимга ҳатланган. Йигирма яшарлик вақтим ўтиб кетди. Мени қўрқитолмайсан.

А м а к и: — Мени хонавайрон қилмоқчимисан?

Р е э т: — Мени тинч қўй.

А м а к и:— Уй меники! Мулкимнинг пулига қурилган.

Р е э т:— Уни ўзинг билан гўрга опкетмоқчимисан?

А м а к и:— Ўлимимни истаб қолдингми?

Р е э т:— Уйни яшикка солиб Канадага юбориб бўлмайди.

А м а к и:— Уй меники! Меники! Үқдингми?

Р е э т:— Қонун бўйича меники.

А м а к и:— Ноинсоф одам экансан!

Р е э т:— Жаҳлимни чиқарма.

Хийла вақт жим қолишиди.

А м а к и:— Сенинг ғамингни ейман.

Р е э т:— Бас қил, жонга тегди!

А м а к и:— Мурук ҳам, энг тўғри йўл ажрашиш, деяпти.

Р е э т:— Маслаҳатлашиб ҳам олдингизми? Қўшмачилик муборак, мени Мурукка рўпара қилмоқчимишсан?

А м а к и:— Андрес бутун ҳаётингни заҳарлади. Ундан нима бахт топдинг? Мавқе, амал, имтиёзлар... Ҳар кварталда юз сўм мукофотми? Сенинг мавқеинг, амалинг, имтиёзларинг...

Р е э т:— Ўчир!

А м а к и:— У министр бўлмади.

Р е э т:— Овозингни ўчир, деяпман сенга!

А м а к и:— Мурук ундан кўп маош олади.

Р е э т:— Мурукка мен эмас, уй керак.

А м а к и:— Андрес нимани тами қилган эди?

Р е э т:— Бўхтон бу!

А м а к и:— Ҳаммаям бойликни ўйлайди.

Р е э т:— Сен мени жинни қиласан.

А м а к и:— У ёқда ундай дейдилару, лекин ўзлари ўйлар, машиналар орттирадилар.

Р е э т:— Жўна. Ўз хонангта чиқиб кет!

А м а к и:— Менга қуллуқ қилишинг керак.

Р е э т:— Нима учун?

А м а к и:— Уй учун. Ҳамма яхшиликларим учун. Сени одам қилдим. Қандай яшашни ўргатдим.

Р е э т:— Мақсадинг нима?

А м а к и:— Ажраш у билан.

Р е э т:— Машина унинг номида. Шу туришида ҳам унга янги машинанинг пулини бермоқчи бўлишиди.

Амакиси унга шубҳа билан қаради.

Р е э т:— Пулни исроф қилиш ярамайди.

А м а к и:— Ажрашдан олдин уни ўз номингга ўтказишини талаб қил. Машинани ремонт қилдириш керак, шундай қилганимиз маъқул, дегин. Бирор важкорсон кўрсат. Андресни авра. Уни йўлингга юргиза оласан. Ҳар вақтдагидек йигла ёки хушомад қил.

Р е э т:— Жуда жирканч одамсан.

А м а к и:— Анави Хаавик билан дон олишганингни Андрес билган. Бўлмаса у...

Р е э т:— Ганинг жонимга тегди! Ёлғон! Ёлғон бу! Сен одам эмас... Йўқол! Қорантни ўчир! Үқдингми? Жўна!

ЎН ИККИНЧИ БОВ

1

Андрес Лапетеус хира ёритилган кўчалардан шаҳарга келаётib бутун йўл бўйи ўзини койиди. Ёш болага ўшшаб Силлартларникига лакиллаб борганини қаранг-а! Тагин бинафша, торт ва бир шиша ликёр кўтариб олганини айтмайсизми?! Командировкани кейинга суриб бебурдлик қилди. Энди Реэт уни йўлданурдим, деб керилади. Бироқ у билан уч пуллик иши йўқ. Ҳаворанг эшикли уйлардан унга деса ўнгасини қурмайдими! Лапетеус ўзини ҳар қанча койимасин, барни бир бир нарсадан хурсанд эди. У ўзини майна қилишларига йўл қўймай, жўғаб кетди. Иккинчи у ерга қадам босмайди.

Кейинги кунларда ҳам Лапетеус шуларни ўйлади. Ухлаб ҳушёр тортгач, у албатта қилмишидан ўнгайсизланди. Реэтни қучоқлаб, кейин аразлаб кетиб қолишининг нима кераги бор эди?! У билан алоқани узиш унга энг маъқул иш кўринди. Лапетеус дарҳол Вируга жўнаб кетди. Қайтиб келганидан кейин Реэт Силларт билан бўлган машмаша унга чиндан ҳам ўтган иш бўлиб кўринди.

Лекин бир куни ишда узоқ ушланиб қолди, бутун министрликда мендан ва наебатчидан бошқа ҳеч ким йўқ, деб ўйлаб турган эди, бирдан эшик тақиллади ю, бўсағада Реэт Силларт пайдо бўлди.

Лапетеус ҳайрон бўлди. Бироқ шу заҳоти унинг келганига хурсанд бўлди.

— Мен ўзимга кофе қайнатган эдим. Ичасизми? Шу ерга келтириб бераман. Биз доим навбатчилик қилганимизда кофе қайнатиб ичамиз.

— Бугун навбатчи сизми?

— Ҳа. Ўртоқ Синикис ўрнимга туринг, деб илтимос қилди.

Реэт ўзини гўё ораларида ҳеч нарса бўлмагандек тутарди.

Улар кофени Лапетеуснинг кабинетида эмас, министрнинг қабулхонасида ичишди. Кофейник ҳам, стаканлар ҳам шу ерда эди.

— Бизда кўрпа-ёстиқ бор, мен тунги кўйлагимни ҳам олиб келганман,— деди Реэт Силларт.

Улар диванга ўтиридилар. Бу диванда одамлар министр қабулига киришни кутиб ўтиришади.

«Нима учун бу гапни айтяпти?»— деб ўйлади Лапетеус. У вужудини тобора кучли ларзага solaётган ҳаяжонни зўр-базўр босиб турарди. Лапетеус гарчи Реэтнинг хумор кўзларида қора нуқта кўрса ҳам, унинг семиз сони сонига тегиб турса ҳам, Реэт ўқитин-ўқитин қўлларини энсасида чалмаштирганча кулиб, ўзини диванга ташласа ҳам, пинагини бузмади.

Шу куни улар алламаҳалгача гаплашиб ўтиришди. Лапетеус ҳозир уни қучоқлаб, бағримга боссам, мени четлатмайди, деб ўйлади. Боз устига назарида у худди шуни кутаётгандек бўлди.

Шу-шу улар тез-тез учрашадиган бўлиб қолишиди. Ташаббус доим Реэтдан чиқарди. Andres уни бир неча бор ўпди, лекин иш ўпиши қучоқлашишдан нарига ўтмади. Лапетеус Реэт ўйнатаётганини билар ва у билан алоқани узмоқчи бўлар эди. Бироқ Реэт келардиди, уни бир ёққа таклиф қиласди, шунда у қулоқ қоқмай хўп деб рози бўлаверарди.

Лапетеус Реэт Силлартнинг ёши йигирма олтидагигини, ота-наси, унинг айтишича, уруш вақтида ўз ажали билан ўлганини биларди. Реэт амакиси тўғрисида гапиришни ёқтирмасди. Реэтнинг гапига қараганди, Мурук амакисининг қайниси экан. Саммасельг ҳам унга қариндош, яъни катта холасининг ўғли, холавачча бўлар экан. Бора-бора Лапетеус Реэтнинг

уруг-аймоқларига, дугоналарига ва таниш-билишларига кўнишиб қолди, лекин биронтаси унга маъқул бўлмади. Ҳаммаси худбин одамлар бўлиб туюлар, буни у Реэтдан яширмае эди. Реэт кулиб, ҳаммаям сенга ўхшаган метин одам бўлавермайди-да, деб жавоб қайтарарди. Лениннинг сўзини мисол келтириб: «Социализмни оддий одамлар билан қуришга тўғри келади. Уни аллақандай фаришталар эмас, шунчаки одамзод қуради, деган эди», дерди.

Реэт Силларт жуда ишнинг кўзини биладиган аёл эди. Ёш бўлишига қарамай, уддабурон, тиришқоқ эди. Ўйламасдан ҳеч бир ишга қўл урмасди. Бирор нарсани кўнгли истаса, қуляй фурсат келишини кутиб ўтиримасдан дарҳол ишга киришарди. Хоҳ кийим-бош, хоҳ жижоз, хоҳ ҳар хил зеб-зийнатлар бўлсин, дарров топарди. У танишлар орттирас, ёрдам кўрсатар, баъзи одамларни рўкач қиласди. Унинг қурилишида асосий ролни амакиси эмас, Реэтнинг ўзи ўйнаганига энди Лапетеус очиқ-ойдин ишонди. Оқ тунукани ҳам, паркетни ҳам, кошинни ҳам у топган. Баъзан Лапетеус зарурат бўлса Реэт иффатини ҳам қурбон қиласди, деб ўйлаб қоларди.

Реэт ҳис-туйғуларининг жиловини усталик билан қўйла тута оларди. Лапетеус уни ўйлдан уриш мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қиласди. Ўзи эса тобора кўпроқ унинг таъсирига берилар, унга парвона бўлар эди. Бир куни у Реэтнинг уйида стол тагида ҳамсоясини бемалол ўниб ўтирган анави сочи сават йигитни учратиб қолди. Реэт уйда ёлғиз эди, сочи сават йигит талтайиб зинадан тушиб келарди. Шу-шу Лапетеус унинг жазмани ёлғиз мен эмасга ўхшайман, деган шубҳага тушиб қолди. Бундан чиқди, Реэтнинг дон олишадиган бошқа одамлари ҳам бор экан-да, ундан у ҳеч нарсанини аямаса керак.

Реэт унинг кўп вақтини оларди. У командировкаларга бормай қўйди. Реэт бу ишини маъқуллади.

— Ҳамма ишни ёлғиз ўзингиз қилаверасизми? Сизнинг ғайрат-шижоатингиз каттароқ ишга арзиди. Бу ерда қадрингизга етишмайди.

Лапетеус Реэт уни бошқа лавозимда қуришни хоҷлаётганини фаҳмлади. Бу борада уларнинг орзулари бир чиқди. Ҳозирги мансаби унинг ўзини ҳам қаноатлантиримай қўйган эди.

Хельви Каартна касрига Лапетеус бир неча минут кўнгилсиз, ташвиши ишларни бошидан кечирди. Йўқ, Хельви у билан яқинлашишга ҳаракат қилмади. У Лапетеусни бошقا томондан ташвишга солиб қўйди. Уни Мадис Юрвен қисти-бастига олди.

— Сиз ўртоқ Каартна билан бир дивизияда хизмат қилганмисиз?

Лапетеус чор-ночор:

— Ҳа,— деб эътироф этди.

Юрвеннинг дабдурустдан берган саволи уни довдиди қўйди. Лоп этиб унинг хаёлига, биринчи учрашганларида Юрвен уйланганмисиз, бўйдоқмисиз, деб суриштиргани тушди. Ўшанда нимадан ҳадиксираганини ҳам Лапетеус эслади. Нима учун Юрвен қўйқисдан унинг ўтмиши билан қизиқиб қолди? Лапетеус ўзига тасалли берди. Ахир ўшандан бери орадан озмунча вақт ўтдими. Унинг фосиқлиги тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Ҳатто бу тўғрида ўйлашнинг ўзи ҳам унга бемаъни бўлиб туюлди. Боз устига Юрвеннинг унга муносабати яхши. Лапетеус ҳар қалай ҳамма гапни очиқ гапиришга аҳд қилди.

— Ҳа,— деди у такрорлаб.— Биз у вақтда яхши дўст эдик.

— Унда янаям яхши. Сиз уни ҳар томондан тавсифлаб бера оласиз.

— Бу ишни мен... қилсан қалай бўларкин? Ахир биз, такрор айтаманки, у билан яхши дўст эдик. Орамиздан қил ўтмасди.

Юрвеннинг шубҳа ва қаҳр билан боқиб турган нигоҳи бир оз мулоиймлашди.

— Ўртоқ Лапетеус, принципиал масалаларда шахсий сабабларни доимо бир чеккага қўйиб туриш даркор. Сиз даставвал коммунистсиз, ундан кейин эса.., аллакимнинг яхши дўстисиз.

Лапетеус шаша-пиша:

— Урушдан кейинги йилларда биз камдан-кам тасодифан учрашиб турдик,— деди.

— Баъзи сабабларга кўра бизни ўртоқ Каартнанинг уруш вақтидаги юриш-туриши қизиқтиради, яъни масалан, унинг ўша вақтдаги сиёсий қиёфаси.

— Агар гап шундай бўлса, мен уни фақат ижобий

томондан тавсифлашим мумкин. У фашистларни ёмон кўярди, ҳарбий ҳамшира вазифасини жуда яхши баъзарди. Унинг ҳозирги фаолияти тўғрисида ҳеч нарса деёлмайман.

— У, яъни, сиз айтгандек, сизга ўзини жуда яқин тутармиди?

— Ҳа.

— Ҳўш, айтинг-чи, ўртоқ Каартнанинг Пидрусга муносабати қандай эди?

— Улар шунчаки таниш эди.

— Пидрус Каартнани партияга тавсия қилганлардан бири эканлиги сизга маълумми? Кандидатликка уни урущдан оддин қабул қилишган, ҳақиқий аъзоликка эса, у бир минг тўққиз юз қирқ иккинчи йилда қабул қилинган, айтмоқчи, тавсиялардан бирини Оскар Пидрус берган. Дарвоҷе, эсингиздами, ана ўша ашаддий ҳалиқ душманига ҳам ижобий баҳо берган эдингиз?

Лапетеус қаттиқ ўйга толди. Юрвеннинг нимага шама қилаётганини билиш мушкул эди. Унинг сўнгги сўзларида дўқ бор эди шекилли. Бироқ унинг бошини қотирадиган ўю гумонларни охири Пидрус менга ҳам тавсия берганини Юрвен билармикан, билмасмикан, деган фикр босиб кетди.

— Унда кўпгина нарсалардан бехабар эканман. Пидрус уруш вақтида батальон комиссари, яъни таъбир жоиз бўлса, бизнинг сиёсий ва партиявий мураббийимиз эди. Мен учун унинг айтгани айтган, дегани деган эди.

Лапетеус беихтиёр Пидрусни «ўртоқ» дейишдан возкечди.

— Биз ҳар қандай одамга, унинг ким бўлишидан қатъий назар, танқид юзасидан қарашимиз керак. Партиянинг кучи шундаки, у ҳеч кимнинг хизмати ва лавозимини юз-хотир қилимасдан, принципиал равишда танқид ва ўз-ўзини танқид қилишдан иборатдир. Сизга дашном беролмайман. Чунки сиз унда ёш коммунист эдингиз. Ҳозирги вақтда сиздан илтимосим шуки, энди сиз оқ-корани таниб олинг. Бамайлихотир ўйлаб кўринг-да, ўтган ишларни бир эсга олинг.

Юрвен телефон трубкасини олиб аллақаёқча телефон қилди. У қандайдир тарғибот намуналари ва илфорларнинг тажриба алмашишлари тўғрисида галир-

Майор Роогас министрликдан дили ғаш бўлиб қайтиди. У ерга кетаётиб, Милиция бошқармаси бошлиги нима сабабдан чақиртирганини ўйлаб топмоқчи бўлди. Лапетеус иши юзасидан чақиртираётганмикин-а, деб ўйлади-ю, лекин бу фикри хаёлидан қувуди. Кейин, қандайдир хизмат юзасидан чақиртираётгандир-да, асабийлашишга ўрин йўқ, деб ўйлади. У бутунлай бошқа нарсаларни: ҳавонинг соф эмаслитини, тутун ва автомобилларнинг қурумидан заҳарланганини, ҳавони тозалашни энг асосий масала қилиб қўйиши лозимлигини ўйлади. Майдон ёнида қурилаётган бино яна бир қаватга юксалганини пайқади. Отпускані қачон олишини мурлоҳаза қилди...

Лекин, бари бир бу сафар у Милиция бошқармаси бошлигининг чақириши бежиз бўлмаса керак, деб юраги пўйкиллай бошлади.

Биринчи саволнинг ўзиёқ унинг бекорга хавотир олмаганини тасдиқлади. Роогас беихтиёр ҳушёр тортди. Кейин ташвишланишга ўрин йўқ, деб ўзига-ўзи тасалли берди. Бироқ бошлиқ зарда билан, расмий рашида, сиз Andres Лапетеусни шахсан танийсизми, деб сўрагач, Роогаснинг миясига бир йўла ҳар хил фикрлар келди. уни бирор нарсада айблаяптиларми? Нима учун бошлиқнинг ўзи суриштирияпти? Наҳотки ҳаммаси яна қайтадан бошланса?

— Ҳа,— деди қисқа қилиб.

Иккичи саволни у атайн зарда билан берди.

— Ҳалокат содир бўлган куни кечаси сиз Лапетеуснида бўлганмидингиз?

Майор Роогас бу сафар ҳам қисқа қилиб:

— Ҳа,— деди.

— Нималар бўлди у ерда?

Роогас Лапетеус ўйига бир неча фронтчи дўстларини таклиф этганини, улар орасида у ҳам бўлганини, сұхбатлашиб ўтириб икки соатлардан кейин тарқаб кетишганини қисқача сўзлаб берди.

— Неча киши эдингиз?

— Мезбон билан тўрт киши эдик.

ди. Лапетеус стол устида Юрвеннинг пресс-папъєни лиқиллатишига қараб ўтири. Жуда қийин аҳволда қолди-ку. Пидрус билан Хельванинг муносабати тўғрисида нима деса экан-а? Хельви Пидруслинг ҳурмат қиласади. Бу ҳақ гап. Унинг ўзи ҳам Хельванинг ҳурмат қиласади. Лапетеус Пидруслинг: «Сен ё кўрсан, ё гирт ҳайвонсан», деган сўзларини эслади. Бу сўзлар ҳозир ҳам унга айилдек ботди. Бироқ ҳозир бу гапларнинг аҳамияти йўқ. Пидрус билан Хельви ўртасида ҳеч қандай борди-келди йўқ. Шундаймикин-а? Ҳаавик нима девди-я? Юрвен Хельвидан ниманидир гумонсираётганини Лапетеус сезди-ю, лекин бунинг аниқ сабабини билолмади.

Юрвен гапини тугатди, кейин Лапетеус:

— Пидрус партияга киришимга менга ҳам тавсия берган,— деб илова қилди.

Юрвен ҳамон пресс-папъєни лиқиллатиб ўтиради.

— Сизнинг ростгўйлигингиз менга ёқади. Пидрус ўнларча одамга тавсия берган. У тавсия берган одамлар ичидаги соф виждонли, принципиал ўртоқлар бор, улар партия аъзосидек улуғ номга лойиқ эканликларини ўз ишлари билан тасдиқладилар. Бироқ, афсуски, бошқача одамлар ҳам бор.

Лапетеус ғиқ этмади.

— Ҳўп, ўртоқ Лапетеус. Бу гап орамизда қолсин. Айтмоқчи, сиз ишингиздан мамнунмисиз?

— Очигини айтсам, унчалик эмас. Дастробки йилларда жуда ҳам берилиб ишладим. Энди шу фикрга бориб қолдимки, яна бир оз ишласам, ҳафтафаҳм бир одамга айланиб қоламан.

— Чиндан ҳам сиз кўнглингиздаги ҳамма гапни очиқ айтсанисиз. Сиз бу йил политехника институтини битиравасиз шекилли-а? Яхши, ўшанда ҳузуримга киринг. Бирор иложини топармиз. Мен ўз хатоимни тўғрилашим керак. Ахир сизни ўрмон саноати министрилигига ўзим юборганман-ку.

Юрвен илжайиб уни эшик олдигача узатиб қўйди.

Лапетеус узоқ вақтгача Юрвен қандай сирни билиб олмоқчи бўлганини тушунолмади. Лекин у билан сұхбатини эслаб, Хельвидан алоқасини узганига суюнди.

Дипломни қўлга олса, албатта, Юрвеннинг олдига боради.

— Бу ўтиришни ким уюштириди?

Бу савол Роогасга айниқса ғалати туюлди. Мендан шикоят қилишган, деган шубҳаси янада ортди.

— Ўртоқ Лапетеус бизни меҳмонга айтди, дедим-ку.

— Нега?

— Буни ҳозиргача ўзимам билмайман.

Бошлиқ бир оз ўйга толди-да, сўроқни давом эттириди. Бу ҳақиқатан ҳам сўроқ эди. Роогас буни бошқача атайд олмасди.

— Кўп ичдингизми?

Роогаснинг кўнгли ранжиса ҳамки, ўзини босди ва Лапетеуснидаги ҳеч қандай маастбозлик бўлганий йўқ, стол устида бир шиша ароқ билан конъяк бор эди, чала қолиб кетди, деб жавоб берди.

— Соат нечада чиқиб кетдингиз у ердан?

— Ўн, ўн бирлар орасида.

— Авария эрталаб соат тўртда содир бўлганми?

— Ҳа, тўртдан сал ўтганда.

— Терговни ким олиб боряпти?

— Таллин шаҳар автоинспекцияси авария навбатчиси старший лейтенант Филиппов. Республика автоинспекциясидан назорат тартибида старший давлат инспектори майор Соокаск.

— Терговни ўзингиз олиб бормоқчи бўлганингиз ростми? Агар рост бўлса, қандай мулоҳазага асосланаб бу ишни зиммангизга олмоқчи бўлдингиз?

— Бўлмаган гап бу. Бу ишни менга назорат тартибига кўра тоғиширишди. Даиллар билан танишиб чиққач, бу ишдан мени озод этишларини илтимос қилдим. Мен Лапетеуснинг айбига кўра содир бўлган бахтсиз ҳодиса билан шугулланишни нотўғри деб билдим. Биринчидан, биз танишмиз. Иккинчидан, бу ҳодисада ўзимни ҳам билвосита айбдор деб биламан.

— Нима учун сиз ўзингизни билвосита айбдор деб биласиз?

Роогас батафсил изоҳ берди:

— Кейинчалик, назаримда, Лапетеус ўша куни ўзини ғалати тутгандек бўлди. Бизларни меҳмонга чақирганининг ўзиёқ ҳайратангиз бир воқеа эди. Мен уни бир неча йилдан бери кўрмасдим. У меҳмонга чақирган бошқа одамлар билан ҳам алоқани узиз юборган эди. Биз унга нима учун керак бўлиб қолга-

нимизни ҳозир ҳам тушуниш маҳол. (Шу пайт Роогас Лапетеуснинг Паювийдикнинг бу тўғридаги саволига жавоб бермаганини эслади.) Кейин мен Лапетеус уйига кичик, лекин машақатли бир мудофаа операциясида ўзи билан бирга қатнашган одамларни таклиф этганини билдим. Ўша куни кечқурун унинг кўнглидагини билмаганим учун ўзимни билвосита айбдор деб ҳисоблайман. Бошқалар қаторида уникига борганим ва тўрт-беш рюмка ароқ ичганимдан пушаймон эмасман.

Бошлиқ бир оз ўйга чўмиб ўтириди-да, кейин Роогасдан ўртоқ Лапетеус ва авария тўғрисида ўзи муҳим деб билган ҳамма нарсани гапириб беришни илтимос қилди. Энди у зарда билан таънаомуз гапирмади.

Майор Роогас хароба мудофаасини, уруш вақтида улар бир-бирларини яхши тушунгандарини, урушдан кейинги дастлабки вақтларда ҳам дуруст алоқалари бўлганини гапириб берди. Бироқ кейин Лапетеус фронтчи дўстларидан алоқани узибди. Фақат Виктор Хаавиккина урушдан кейин ҳам Лапетеуснинг дўсти бўлиб қолибди. Роогас ўзини қийнаётган нарсани ҳам яширмади: ўша куни Лапетеуснинг авзойи бузуқ эди. Бўлмаса ҳеч вақт рулга ўтирган бўларди. Бироқ на Роогас ва на бошқалар унинг аҳволига тушунолган эди. Роогас фақат хотини билан Хаавиккинг йўқлиги Лапетеусга ҳамма нарсадан кўпроқ таъсир қилганини айтмади. Ахир у хотинини қидириб кетгани ойнадек равшан-ку. Бу шубҳани ўртага ташланни Роогас ноижўя иш деб билди. Ҳақорат бўлиб тушадиган тахминлар ҳам бор-да, ахир.

Бошлиқ унинг гапини диққат билан тинглаб ўтириди-да:

— Ўртоқ Лапетеуснинг оиласи ишлари жойидами? — деб сўради.

— Бундан ҳеч хабарим йўқ.

— Сиз нима деб ўйлайсиз: шахсий ҳаётидаги мажаролар туфайли унинг ҳаловати бузилганми ёки бошқа бирор сабаб борми?

Роогас яна, билмайман, деб жавоб берди.

— Сизнинг изоҳларингиз мени бутунлай қаноатлантиради, — деди бошлиқ. — Сизда ҳеч қандай гуноҳ йўқ.

— Наҳотки мени бирор нарсада айблашди?

Бошлиқ зўрма-зўраки жилмайди.

— Биз ҳар бир хабарни текшириб кўришимиз керак.

— Уша хабаркаш собиқ хотиним чет элдалигини ҳам шипшиб қўйгандир, дейман.

Майор Роогас бу сўзни айтишга айтди-ю, лекин ўзи пушмаймон бўлди. У кўнглини гаш қилиб келган изтиробларни писанд қилмасликка уринса-да, бари бир баъзи вақтларда бунинг уддасидан чиқолмасди, масалан, бугун худди шундай бўлди.

— Агар сизни хафа қилган бўлсан, узр,— деди бошлиқ гапини тутагатиб.— Бугунги сухбатимиздан кўнглингизни бузманг. Бу иш энди бир ёқлик бўлди. Ўзингизни бекордан-бекорга айблайверманг. Сизда айбийук.

Шунга қарамай майор Лаури Роогас министрликдан ташвишга тушиб қайтди. Милиция бошқармаси бошлиғи унинг изоҳига астойдил қаноатланганига, иш шу билан тугаганига у сира шубҳа қилмасди. Лекин шундай бўлса ҳам Роогаснинг кўнгли безовта эди.

Ким гап ташидийкин? Унинг кўзда тутган мақсади нима экан? Роогас, энг тўғри йўл — шиква-шикоятларга парво қилмаслик керак, деб ўзини-ўзи ишонтира-са ҳамки, бари бир янгидан-янги саволлар уни безовта қиласаверди. Шу дам хаёлидан инспекциядан кетсаммикин-а, деган гап ўтди. Қоғоз-қалам олиб ҳозироқ ариза ёзсанмикан-а?

У ўзидан кулиб, ўзини тегманозик, жizzаки одам деб атади-ю, кўнгли жойига тушди. Бироқ кечқурун яна кўнглига чироқ ёқса ёrimай қолди.

Бундай кайфиятни у бундан ўн йил олдин Вильяндан кетмоқчи бўлганда бошидан кечирган эди. Ўрмон саноати хўжалигидан бўшаганда ўзини қўйгани жой тополмаганди. Бекорчиликда кун кечирар, бутун ҳаётни изидан чиққандек, зое ўтаётгандек туюлган эди. Шундай сиқилиб юрган вақтида, бир куни Оскар Пидрусларни учратиб қолди.

2

Улар кўчада тасодифан учрашиб қолишиди. Нима иш қиляпсан, деб униси ҳам сўрамади, буниси ҳам. Иккovi ўзи тўғрисида чурқ этмади.

Бундан бир неча кун илгари Роогас газетадан син-

фий ёт унсурларга ҳомийлик қилгани учун Пидрусларни олинди, деган хабарни ўқиб қолди... Ҳозир уйдан, нима иш қиляпсан, деб сўраш уни масхара қилишдек бир гап эди.

Пидрусларни олинди, яна Таллинда, қайдайдир смонат кассада ишлаётганини эшитган эди. Вильяндан нима сабабдан кетганини Роогас айтмади, ахир у бекордан-бекорга иш жойини алмаштиармиди? Устига-устак, маоши ҳам икки ҳисса камайиб кетди. Ундан кўп бўлса борки, оз эмас.

Пидрусларни олинди, қарид қолганини пайқади. Бироқ ҳамон ҳарбий одатича, ўзини саришта тутар, у ёки ёғига қараб юради.

— Бирор жойга кириб ўтирмаймизми?— деб сўради Роогас.

— Мен жон деб сайд қилардим,— деди Пидрусларни.— Студла ўтираверса одам буқчайиб қолади. Тўрт девор ичидан чиққанингдан кейин ҳам бундай бамайлихотир айланиб юрмайсан, кўчада елиб-югурасан.

Роогас шаҳар четидаги бирор кафега кириб ўтириши жон-дилидан истаса ҳамки, чор-ночор Пидрусларни тақлифига кўнди.

— Великие Луки олдидаги юришлар кўпгина одамларнинг жонига теккан эди,— деб гап бошлади Пидрусларни.— Жумладан, ўзимам безор бўлган эдим. Бўлмаса солдатларга қараганда менга осон эди, менинг сафар халтам хўжалик взводининг чанасида, алоқачи ундан кўз-қулоқ бўлиб турарди, оддий аскарлар билан сержантларнинг елкасида эса бир пудлаб юк бор эди. Бироқ бир йўналишдан иккинчи йўналишга ўтавериш менинг ҳам жонимга тегиб кетган эди. Туни билан тепа ошиб, эрталабга келиб бурнингдан тортса йиқиладиган бўлиб қолардинг. Энди уша маршлар шундай нашибали кўриниадики, асти қўясан. Қани энди ҳозир ҳамма нарсани бўйнингдан соқит қилсангу, юзлаб километр йўл боссанг...

Роогаснинг назаридаги Пидрусларни майда-чуйда нарсалар тўғрисида гапираётгандек туюлди. Негадир бу унинг зардасини қайнатди.

— Мақсадсиз дайдиб юришни ёмон кўраман,— деди у шарттакилик билан.

— Сиз гоҳо ўзингизда организмингизга дам беришга эҳтиёж сезмайсизми?— деб сўради Пидрусларни.

— Башарти бир кечада ёки бутун кун бўйи тарарабедод қилиб юрангу, сўнг сени ўн кун муттасил бурнингдан ерга ишқаб ишлатишса, ундан нима фойда?!

Роогас қизишиб кетганини сезди. Унинг дардини пинҳон сақлаган парда йиртилди-ю, бутун дард-алами юзага чиқди-қўйди. Кейинги кунларда бу ҳол тез-тез такрорланадиган бўлиб қолди. Ҳар сафар бирорларнинг олдида дардини ошкор қилиб қўйганида доим мулзам бўларди. Лекин айтилган сўз — отилган ўқ, пушаймоннинг ҳожати йўқ.

— Сиз, ҳамма нарса меҳнатсиз ўз-ўзидан муҳайё бўлаверади, бахт осмондан тушади, урушдан кейин ҳеч қандай қийинчилик қолмайди, текис йўлдан кетиверади, одам қоқиладиган дўнг бўлмайди, деб ўйлабмидингиз? — деди Пидрус.

Роогаснинг фифони фалакка чиқди.

— Уруш вақтида ҳамма нарса равшан эди. Икки юз ёки уч юз метр наридаги душман устига ҳамла қилиш, уни қувиши, ер билан яксон қилиш керак эди. Фашизм менинг душманим эди, худога шукурки, алғов-далғов йилларда бошқа томонга ўтиб кетмадим. Енимдаги ўртоқларим ҳам мен қилган ишни қилишарди. Ҳозир эса, дўстинг ким, душманинг ким, деб сўрасанг жавоб беролмайман.

Пидрус нима дейишини билмай ҳайрон бўлиб қолди. Улар кўчадан ўтмоқчи бўлишганда, ўнг томондан иккита машина ғизиллаганча келиб қолди. Улар машинани ўтказиб юбориб, нари кетишиди.

— Лагерлар ҳам худди илгаригида: бир томони социализм, иккичи томони капитализм.

Пидрус шундай дейишига деди-ю, лекин гапнинг асл моҳиятини четлаб ўтганини тушунди. У қалтис сухбатдан қочиш учун гапни бошқа томонга бурмоқчи, бор гаплар билан чекланмоқчи бўлди. Ахир ўзининг ҳам оғзини пойладиганлар бор-ку!

Роогас тўхтади.

— Биз бирга жанг қилдик. Ҳозир сизга ҳам, менга ҳам ола қарашади. Ола қараш ҳам гапми! Бизларга очиқдан-очиқ душман деб қарашмаса ҳам, ҳар ҳолда, шубҳали одамлар деб қарашади. Бироқ мен сизнинг дабдурустдан буржуазиянинг малайи бўлиб қолганингизга ишонмайман. Очиги, мен ўзим пуч ҳаёлларни кўнглимдан чиқариб ташлаганимча йўқ, баъзан миям-

га шундай фикрлар келадики, агар буни билсангиз мендан юз ўгириб кетасиз.

Пидрус Роогас боши берк кўчага кириб қолганини сезди. Жавоб топиб бўлмайдиган саволлар одамни қанчалик қийинашини у жуда яхши биларди. Ўртоқлари юз ўгириб кетган, энг муҳим деб ҳисоблаган ишига ҳаётини бағишлишига имкон топмаган одамнинг қандай аҳволга тушиши унга маълум эди. Бундай мотамсаро кунларда гўё дунёда ҳақиқат йўқдай туюлади, ёруг жаҳон зим-зиё жаҳаннамга ўхшаб кўринади, рўшиноликка чиқишига одамда умид қолмайди. Бироқ ҳақиқат бор, у эгилади-ю, синмайди, унга ишончни йўқотиш керак эмас.

Пидрус шундай деди:

— Одам ҳаётга шахсий қобигига ўралган ҳолда қарамаслиги лозим. Кескинлашаётган синфий курашда одам ҳушёр, баъзан бераҳм бўлиши керак! Илгор одамларни яширинча ўлдиришларга партия бефарқ қарамади. Немис фашистлари билан бирга қўлига қурол олиб бизга қарши жанг қилганларнинг ҳаммаси тўсатдан қўй оғзидан чўп олмаган ювощ одамларга айланиб қолганига, албатта, ишонмасангиз керак.

— Буни ўзим ҳам тушунаман. Бундан икки йил олдин Соосиллада галла тайёрлаш бўйича вакил бўлиб ишлаганимда менга ҳам ўрмонда ўқ узишган. Бироқ нима учун менга ишонмасликларига ҳеч тушунолмайман. Хотиним чет элда, ўзим Лайдонер билан Реэкинг¹ ҳарбий мактабида таҳсил олганман. Жангда ўқ ким садоқатли, ким садоқатсиз, ажратиб ўтирамайди, лекин нима учун сизга осилишади?

Роогас ҳеч ким билан бу таҳлит гапланимаган эди. У бундай фикрларини қалбида сақлаб келарди. Бёгона одамлар ўтасида ўзини ерга уриб гапирганида ҳам, бирор нарсадан жаҳли чиқиб ундан норози бўлиб сўкинганда ҳам буни ошкор қилмасди. Бироқ ҳозир у юрагида йигилиб қолган ҳамма дарду ҳасратини тўкиб солди.

Роогаснинг саволларига жавоб бериш Пидрус учун жуда мушкул иш эди. Унинг ўзи ҳам кўп нарсаларни тушунмасди.

¹ Лайдонер, Ревк,—эстон буржуа армиясининг генераллари, реакцион сиёсат арбоблари.

— Мен бошқачароқ ўйлайман,— деди хаёлчанлик билан.— Ҳалиги мени... қоралаётганларга сира ажабланмайман. Чунки улар талаб қилған ишни бажармаганман. Яхши ният билан қилингандык иш баъзан нотўғри чиқади. Бунинг учун балки менинг қобилиятим етарли даражада бўлмаган ёки баъзи жиҳатдан менда принципиаллик етишмаган. Ким билади дейсиз... Ҳолбуки сиз ўз вазифангизни ҳамиша ўринли адо этгансиз.

Роогас меҳри товланиб унга термилди:

- Гапларингиз чинми?
- Чин.
- Хотиним чет элга қочиб кетганини биласизми?
- Буни сиз менга қирқ еттинчи йилда айтгансиз.
- Шуларнинг ҳаммасига қарамай, сиз шу гапларни айтипсизми?
- Бўлмасам-чи.
- Нима, ҳамма коммунистларнинг фикри бир хил эмасми?
- Вильяндда сизни ишдан бўшатдиларми?
- Мен ўртоқ Лапетеуснинг бошига бало орттиришни истамадим. Мени ишга у тавсия этган. Ўрмон саноати хўжалигидан мен ўз хоҳишм билан кетдим. Ҳолим нима кечишини билдим-да. Бу сафар ақлли иш қўймокчи бўлдим.
- Ишдан ўз хоҳишингиз билан кетмоқчи бўлганингизни Лапетеус билармиди?
- Буни унга айтганман. У менга ўйлаб кўришни маслаҳат берди.

Пидрус оз бўлмаса тутақиб, агар мен Лапетеуснинг ўрнида бўлганимда ваҳима қилганингиз учун сизни сўкардиму, аризангизни оқибатсиз қолдирадим, деб юборай деди. Бироқ оғзидан бу гапни чиқармади.

Аммо Лапетеуснинг ўрнида бўлганда, ким билади, у нима қиласди? Балки у ҳам қувонармиди? Эҳтимол, Роогас тўғри иш қилгандир? Пидрус бунинг фарқига боролмади.

Умуман, у таги зил кетганини сезди.

— Сиз... бекорга шошқалоқлик қилибсиз.

Ярим-ёрти, жўн гап бу. Буни унинг ўзи ҳам фаҳмлади.

— Қирқ еттинчи йилда мен армияда ҳам, мактабда ҳам иш беролмасдим.

— Сиз армияни ҳам, мактабни ҳам эплаб кетардигиз,— деди Пидрус ва Юрвен ҳамда унга ўхшаганларнинг одамлардан шубҳаланишга, уларни суріб қўйишга ҳақи йўқлигини ўйлади. Ҳозир иккovi ўз ўйи билан банд эди.

— Ҳар қалай, бирор жойга кириб ўтирамаймизми?
Бу сафар Пидрус кўнди.

Пиво билан карам шўрава ҳиди келиб турган чоққина, ифлос буфетда Роогас дабдурустдан сўраб қолди:

— Партияга кириш учун менга тавсиянома берармидингиз?

Пидрус ҳадеганда жавоб беравермагач, Роогас шундай деди:

— Ҳазиллашдим. Йўқни йўндириб бўлмаслигига ақлим етади.

Роогас қирқ еттинчи йили демобилизациядан бир неча кун олдин ариза ёзганини ва Пидрудсан тавсиянома беришни сўрамоқчи бўлганини у на Пидрудса ва на бошқа бирор одамга айтган эди. Бироқ демобилизациядан кейин аризаси оқибатсиз қолишини билиб, бу ниятини ичига ютган эди. Ҳозир у, турган гапки, партияга киришни хаёлига ҳам келтирмасди.

— Берардим,— деди Пидрус зўр-базўр эшитиладиган қилиб.— Бироқ ҳозир менинг тавсиям ўтмайди. Утган куни бошлангич ташкилот мени партиядан ўчирди.

— Кечирасиз,— деди Роогас гўлдираб.

«Нима учун Роогас кечирим сўраяпти?»— деб ўйлади Пидрус. Айни вақтда партиядан ҳайдалганини Роогасга айтганидан пушаймон қилди. Энди уни Роогас нотўғри тушунади. Пидрус тўлқинланиб:

— Энг муҳими шуки, биз ўзимизни коммунист деб ҳисоблашимиз керак. Ҳар қандай вазиятда коммунистлигимизча қолайлик,— деди.

3

Майор Роогас бўлиб ўтган ишлар уни ниҳоятда жиззаки қилиб қўйганини тушунди. Кўпгина нарсалар ўзгариб кетди, энди унинг милициядан ўз ихтиёри билан бўшаб кетиши унинг калтабинлигини ҳамда васаслигини тасдиқлаган бўлар эди. Бундан тўрт йил

олдин, автоинспекцияга ўтиб ишланг, дейишларининг ўзиёқ унга ишонмаганларини кўрсатмайди. Агар у ёш бўлганда яна ҳарбий бўлиб кетарди.

Унинг ҳамма нарсага ақли етарди. Бироқ алланарпсадан ҳадиксиради. Бу унинг оёқ-қўлини боғлаб қўйган эди. Шу нарса бугун унга партияга киришга халал берар, баъзан дамингни чиқарма, ҳушёр бўл, бор-йўғи бир майорсан, милиция майорисан, деб қулогига шипшириди.

Булар жудаим расво фикрлар эди. Роогас кўнглида ногаҳон пайдо бўладиган умидсизлик туйгуларини ёмон кўрарди-ю, лекин шу пайтгача улардан халос бўлломасди. Бундан қачон халос бўлишини билмасди. Лекин бу туйғудан халос бўлишини истарди.

УИ ТЎРТИНЧИ БОБ

1

Реэт ҳали шу пайтгача уни бундай ўпмаган эди.

Лапетеус бинафшаранг диванда ҳар хил рангдаги катта-кичик ёстиқларга суюниб ёнбошлиб ётарди.

Реэт болалар сингари лабини чўччайтириб:

— Энди сен облисполкомда бизнинг министрликда қилган хатоларингни қилма,— деб шивирлади.

Лапетеус унинг хипча белидан қучди.

— Хато қилмайдиган одам борми,— деди у ва Реэт шу топда одатдагидан бошқача, ҳароратли, табиий, хушфеъл эканини ҳис қилди.

Реэт шивирлашини қўймай:

— Ҳамма ишни ўзинг қилаверма, қўйл остингдаги одамларга юкла,— деди.

Лапетеус жилмайди.

— Сен ажойибсан!

Реэт яна уни ўпди. Andres уни маҳкам бағрига босди.

— Сен жуда... қизиққонсан,— деди Реэт ва қучоғидан сирғалиб чиқиб, ён томондаги хонага кириб кетди.

Лапетеус, бугун ҳам ҳамма иш илгаригидек тугайди, деб ўйлади. Шу аснода Реэтга нафрати қўзиди. Унинг сохта ўшишлари, ўзини қаттиқ тутиши, маккорлиги Andresning жонига тегди.



Реэт тонгти халат кийиб чиқди.

Лапетеус уни қучоқлади.

Муродлари ҳосил бўлгач, Реэт:

— Мен ҳам буни ҳудди сен каби кутиб юрган әдим. Сени биринчи бор кўрганимдаёқ кўнглимга тулгула тушиб қолган әди,— деб тан олди.— Бироқ мен сенинг ўйнашинг бўлишини истамасдим. Сени бутунлай эгаллаб олмоқчи әдим. Ёки мени ортиқ ёқтиришмайсанми?

— Менга янада кўпроқ ёқяпсан.

Лапетеус шу кеча бинафшаранг диванда ётди.

Лапетеуснинг әркалашларидан толикән Реэт эрталаб:

— Қизиқ, орзуларимиз сира ушалмайди,— деди.— Афсуски, партия аъзоларининг черковга бориши мумкин әмас. Биз жуда бир-биримизга муносибмиз. Баланд бўйли қадди расо йигит билан қиз доим жуда бир-бираiga мос тушади. Сен фракдасан, мен этаги ерга тегадиган қордек оппоқ кўйлакдаман. Черков нурағишон. Пастор сипо ва улутвор. Орган янграйди. Орқамизда янгалар ва куёвжўралар туради. Ўн икки жуфт. Нимагадир мен уларнинг ўн иккита бўлишини истардим. Мен ҳаммасини, органи, пасторни, фрак кийган куёвжўраларни, оқ шоҳи кўйлакли янгаларни ўзим топардим. Бироқ сен партия аъзосисан, черковга қадам босмайсан. Айниқса, ҳозир сен кўтарилигган вақтингда бу мумкин әмас. Бироқ мен тўй бўлишини хоҳлайман. Ажойиб тўй қиласиз. Сен фрак кийиб оласан, хўпми, Andres?

Лапетеус, чиндан ҳам биз жуда ажойиб жуфт бўлардик-да, деб ўйлади. Яхшиямки Реэт черковга боришини талаб қилмаяпти. У шароитга хўпам мослашади-да.

— Фрак дедингми? Фрак киймайман.

— Нима, фрак кийиш мумкин әмасми сизга?

Реэтнинг соддалиги Лапетеуснинг кулгисини қисратди.

— Мумкин әмас. Смокинг кийиб юришимиз ҳам тўғри келмайди. Қора костюмнинг йўриғи бошқа. Бироқ уни ҳам фақат байрамларда кийиш мумкин.

— Кулма, азизим. Ахир бу даҳшат-ку. Аёл киши хаётининг энг гўзал, қувноқ дамини нашъасиз қилиш яхшиими?! Нима учун коммунистлар гўзаллликни, хушчақчақликни, ҳашамни ёқтиришмайди? Мен боль-

шевизм авомнинг бир бўлаги, айрим шахс ўз хусусияти, қувончлари, ташвишу изтироблари билан омма орасида йўқолиб кетади, деб нафратомуз гапирадиганларнинг ҳамиша оғзига уриб келганман. Мана энди сен оладиган шахсий маошнинг ўзиёқ Совет ҳокимияти барчани баравар кўрмаслигини исботлаб турибди. Лекин бари бир сиз одми одамлигингизча қоласиз. Хотинларга ҳашам керак, нега буни тушунмайсиз?

Лапетеус Реэтнинг кўкракларига қараб турарди. У янглишмабди, Реэтнинг кўкраклари чиндан ҳам қизларнидек диркиллаган, олмадек думалоқ экан.

— Сен раисни тўйга таклиф қил. Қўрқма, мен шундай қиламанки, уялиб қолмайсан. Стол тузашимдан ҳам, меҳмонлардан ҳам кўнглинг тўлади. Менинг танишларим қаерда нима қилишини, нималар тўғрисида гапиришини билишади. Улар бутуналай совет кишилари. Тўйни шу ерда, бизникида ўтказамиз. Ойнаванд эшикларни сурса, иккита хонадан кенг-мўл зал пайдо бўлади. Стол атрофида бемалол эллик киши ўтиrsa бўлади. Бурчакдаги уйда танца тушамиз. Биз буларнинг ҳаммасини архитектор билан пухта ўйлаганмиз. Мени бағрингга қаттиқ бос. Билагида кучи йўқ эркакларга тоб-тоқатим йўқ. Шундай қучоқлагинки, нафасим чиқмай қолсин, яна қаттиқроқ! Сен мени зўрлаб ҳам қўлга олишинг мумкин эди. Нега бундай қилмадинг?.. Эсингдан чиқмасин, мен ишга боришим керак. Ўзимиз машина олганимиздан кейин бемалол ётаверамиз.

Электричка вагони одамга лиқ тўла, тиқилинч эди. Лапетеус, Ниммега ишга ўтганимдан кейин, эрталаб машина олиб кетадиган қиламан, деб ўйлади. Хусусий машина бўлгани қайтага яхши эди. Реэт ажойиб аёл, у ҳамма нарсани муҳайё қиласи.

Тўсатдан Хельви эсига тушди. Бу шундай кутилмаган ҳол бўлди, у Реэтнинг олдида сира ҳам Хельвиини ўйламасди. Реэт унинг бутун ақлу ҳушини олиб қўярди. У Хельвининг ўзини әмас, баланд кўтарилиган қўлини эслади. У Хельвининг қўлини ўқтин-ўқтин кўз олдида кўтар, бундан ҳамиша дили оғрир эди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Реэт паст овозда бидирлаб гап бошлиди:

— Менимча, тўй тараддуудига бир ой вақтим кетади. Бу қулогингда бўлсин. Ахир тўй куни командиров-

кага жўнаб қолишинг ҳам мумкин-да. Сени ёнимдан бир қарич ҳам жилдирмайман. Бугунги кечадан кейин сени фақат иш юзасидан кетма-кет командировкага юборишларига ишонмайман. Ҳозир тагингда машина бор, облостъ ҳам унча катта әмас, кечқурун қайтиб келсанг бўлади. Бир ой ичида ҳамма нарсани тахт қиласман. Кўк костюминг бўлса ҳамки, янгисини тикириш лозим. Мен яхши қора материал топаман. Инглиз молини топиб берадиган бир одам бор. Машиначи танишм ҳам бор.

Лапетеус унинг гапига қулоқ солиб турганида, Хельвининг қўёли кўз олдидан йўқолди-ю, у яна ўзини шод-хуррам сезди.

Лапетеус ёш болалардек тилини яссилаб:

— Сен мендек эрдан ёлчимайсан,— деди.— Мен ёмон эрман, ярим кечагача кабинетда ўтираман ёки доим сафарда бўламан. Вақт ғаниматда яхшилаб яна ўйлаб кўр.

Ҳозир Реэт унинг ҳар қандай истагига монелик билдирмай қўйган эди, у яна ўзини тутиб олди. Дастрлаб учрашган вақтларидаги каби ҳатто ундан ўзини баланд ҳам олди.

— Сен ҳам мендек хотиндан барака топмайсан,— деди Реэт.— У сени ишу командировкалар билан ўраглишиб қолишингга йўл қўймайди. Жуда бўлмаса, катта темир бола унинг кўнглига ургунга қадар шундай қиласи.

Сўнгги сўзлар Лапетеуснинг дилини сиёҳ қилди. Унинг иззат-нафсига қаттиқ тегди. Яна уни, қалби совуқ хотин, деб ўйлади. Одатда Лапетеус Реэтнидек қайтиб келаётганда кўпинча шу ўйга борарди. Реэт таъсирчан, эҳтиросли, эркалашларга ўч бўлса ҳамки, совуқ эди. «Мени севармикин ўзи?»— деган гапни кўнглидан ўтказди-да, унинг кўзига диқват билан тикилди.

— Бундай қарама менга. Биз ўринда ётганимиз йўқ, поездда кетялмиз.

— Сен дарров тўйдан гапирасан-а, Реэт. Ахир мен сенга муҳаббат изҳор қилганим йўқ-ку.

Реэтнинг кўзларида алланарса йилтиллаб кетди.

— Бизга қарашяпти, Andres. Кечқурун мени кутиб ол. Бирга тиқувчиникига борамиз.

Лапетеуснинг яна қулфи дили очилиб кетди.

— Соат нечада бўшайсан?

— Бугун сени уйимга таклиф қилмайман. Ишим кўп. Бир ойда тўй тараддудини кўриш ҳазил эмас. Тўйга раис келадими? Дурустроқ танишмисиз? Мабодо ҳозир унчалик яхши таниш бўлмасанг, сен билан апоқчапоқ бўлиб кетишига икки ҳафта кифоя. Сен у билан министримизга қиласидан муромаладан бошқача муомала қилишинг керак. Бизнинг министр латта одам эди, бу эса, айтишларига қараганда, ҳурматини ўнига қўядиган одамларни ёқтиармиш.

Унинг гаплари Лапетеусга ёқмади.

Реэт унинг авзойи бузилганини кўриб:

— Биламан, сен мағурсан,— деди.— Кечир мени, жуда бахтиман. Агар истасанг, тўй қилмай қўя қоламиз. ЗАГСдан ўтамизу, бир шиша вино олиб ичамиз ва ётоқча йўл оламиз.— Реэтнинг киприкларида ёш кўринди.

— Сен бебаҳосан,— деди Лапетеус шивирлаб.

Реэт ажralишаётганларида Лапетеусга яна, мени кут, деб эслатиб қўйди. У тикувчи билан телефонда гаплашиб қўяр эмиш.

2

Область ижроия комитетида Лапетеус вақтини ҳам, гайратини ҳам аямасдан ишларди. Кечқурунлари ишдан ҳаммадан кеч кетар, эрталаблари сира кечикмасдан келар эди. Иш бошланмасдан роппа-роса йигирма беш минут олдин уни машина кутиб туарди, шаҳарга ўн минутда етиб келишар эди. У кун тартибига қаттиқ риоя қиласиди. У ҳал қилиши лозим бўлган барча масалаларни сира эринмасдан муфассал ёзib қўяр, шунга қараб иш кўтар эди. У ҳеч нарсани унумтас, ҳеч нарсани назаридан четда қолдирмас эди. У ижроком ҳарорларини ва ўзининг топшириқларини рўйхатга олиб борар, уларнинг бажарилишини мудом текшириб туар эди. Энди у доклад ва ҳисоботлар билангина кифояланиб қолмас, тез-тез районларга чиқиб кетар эди. Одатда у ўз ишидан мамнун ҳолда, вақти чоғ бўлиб кечқурун қайтиб келарди. Реэт уни кутарди, ўзи бека ва ёрдамчим деб атайдиган уй хизматчисини кеткиз-

май туарди. Апил-тапил стол тузашар, кейин Andres иккovi юқорига чиқиб кетишарди.

Лапетеус итоатидаги одамларга илгаригидан қаттиқроқ муомала қила бошлади. У бошқарадиган бўлимдагилар кўп ўтмай умумий гаплар уни қаноатлантириласлигини тушуниб қолдилар. Ҳар қайси бўлимдан у муайян, аниқ далилларни, вазиятни билишликни талаб қиласиди. Итоатидаги одамларни кўнгилчанлик билан обрў орттиришга уринмасликлари тўғрисида бир неча бор огоҳлантиридӣ. Йида ошна-огайнигарчилик ва шакаргуфторликни ёқтиармасди. Министрликда эканидаёқ ишда одамлар билан эл бўлмасди, ҳозир у одамлардан яна ҳам узоқлашиб кетди.

Тўй кўнгилдагидек ўтди. Очиги, Лапетеус хавотир олган эди. Чунки Реэтнинг танишларини яхши билмас, нима бўлишидан бехабар эди. Бирор нарса тўғрисида чақимчилик қиласалар,— бундайларнинг ҳозир сонсаноги йўқ,— борми, унда мен ундаи одамларни танимайман, деб исботлашинг осон бўлмайди. Тўйга ҳарбий дўйстларидан фақат Виктор Хаавикни таклиф қилди. Пидрус билан Роогасни ҳам ўйлади-ю, лекин кўнгилчанлик фақат кўнгилсизлик келтиради, деб ўйлаб қолди. Паювийдикни эсига ҳам олмади. Лапетеусни айниқса Реэтнинг назокати қойил қолдирди. У никоҳ узуги тақиши тўғрисидаги орзусидан қайтмаса ҳамки, бироқ узугини меҳмонлар кетганидан кейин тақди. Реэт узукни фақат уйда ва яқин ўртоқлари орасида тақар эди. Лапетеус ҳам кечқурунлари узук тақиб юришга одатланиб қолди. Ботинкасини ечиб, шиппак кияётганида бир йўла ингичка олтин узукни ҳам тақиб оларди.

Реэт Andresни ҳамон метин одам деб атарди.

— Кўнглингни билган эдим,— дерди у тез-тез.— Бизнинг министрликда сен сиқилиб қолган эдинг. Мен ишонаман, қатъий ишонаманки, мартабанг бундан ҳам баланд бўлади.

Бундай вақтларда Лапетеус мийиги остида кулиб қўярди. Эркалатишлар орасида Реэтнинг чугурлаши унга мойдек ёқарди. Областни ижрокомнинг ҳозирги раисидан яхшироқ бошқаришига кўзи етса ҳамки, бу тўғрида Реэтга лом-мим демасди.

— Сен юқори жамиятдагилар билан қаттиқ алоқа боғлашинг керак,— деб у тиқилинч қиласиди.— Уларни

ўйга мөхмөнга чақир. Сенинг мавқеинг бор, йўқ дейишмас балки. Уйимиз шинам, уяладиган жойимиз йўқ. Яқин кунларда менга Сталиннинг ноёб портретини келтириб беришади, у жиҳоз ва гулҳоғозларга жуда мос тушади. Бошлиқлар келган куни амаким даф бўлиши мумкин. Буни тўшунади, у сен ўйлаганчалик бефаросат эмас.

— Амакинг илгари нима иш қиласди?

Лапетеус кўпдан бери шу саволни бермоқчи бўлиб юрар эди. Буни у тўйдан олдиноқ аниқламоқчи бўлган эди-ю, бироқ ҳар хил ишлар чоннинг ижтимоий келиб чиқиши тўғрисидаги масалани ойдинлаштиришга имкон бермаган эди. Нафси замр, Реэтнинг олтмиш саккиз ёшлик пенсионер амакиси унга қариндош эмас. Бироқ шундай бўлса ҳам ҳамма нарсадан хабардор бўлиши керак.

— Тегирмони бор эди.

Лапетеуснинг назаридан уни алдагандек бўлишди. У зардаси қайнаб пўнгиллади.

— Тегирмони билан етмиш гектар мулки бор эди, шундайми?

Реэт ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Буни қаердан биласан?

— Шаҳарга қачон кўчиб келган?

— Қирқ олтинчи иили.

— Ўрмонни кесиб, молларни пуллаб, дон-дунни Ленинградга олиб бориб бозорда сотган-да, колхозлардан шаҳарга келиб яширган. Ниммеда уй қуриб, эҳтиёт чораси қўллаб, уни сенинг номинингга ўтказиб қўйган.

Реэтнинг дами ичига тушиб кетди. Умрида биринчи марта эрига нима дейишини билмай қолди.

— Нимага асосланиб пенсия олади?

Энди Реэт тутақиб кетди.

— Менинг анкетам тоза — амаким бегона одам, ҳисобга кирмайди. Сенинг анкетангга дод туширмайман. Лекин сенинг урушдаги хотининг эса халқ душманларининг думи.

Лапетеус тили калимага келмай тахта бўлиб қолди.

— Мен ҳаммасини биламан,— деди Реэт пиқиллаб ийғлаб.— Сиз уч йил бирга тургансиз, ҳамма сизларни турмуш қуради, деб ўйлаган. Сен менга бу тўғрида

чурқ этиб оғиз очганинг йўқ. Мунофиқ! Энди мен сенга ёмон бўлдимми? Амалпараст!

Эрталабгача ярашиб қолсалар ҳамки, Лапетеус турмушлари у умид қилгандек бўлмаслигини фаҳмлади. Уйланишга шошилмадими экан? Йўқ, Реэт ақлли хотин, ўзини қаерда қандай тутишни билади, деб Лапетеус ўзига тасалли бермоқчи бўлди. Бироқ ўтган ишларни унга ким айтдийкин? Викторми? Йўғ-э. Бордию Викторни оғзидан гуллашга у мажбур қилган бўлсанчи? Реэт ўзини соддаликка солиб гап ўғирлашга уста, кейин икир-чикирларни тўплаб бутун бошли бир воқеани билиб олади. Қачон улгурдийкин бунга? Лапетеус Хельви билан Пидруснинг кафедаги сухбатини Хаавик гапириб берганини эслади-ю, шубҳаси ўринлидай туюлди. Ҳай, майли, деди у мулоҳаза қилиб, Виктор мен тўғримда оғзига сиққанча гапириши мумкин. Бироқ Реэт амалингга путур етишини ўйлаб Хельвига уйланмагансан, деган гапни қаердан олди? Агар буни Хаавик шипшитган бўлса, у абллаҳ одам экан. Борди-ю, мен тўғримда Реэтнинг ўзи шундай деб ўйласа-чи?

Лапетеус мен Хельвини сира ҳам ташлаб кетганим йўқ, деб ўзини-ўзи ишонтироқчи бўлди. Улар яхшиликча алоқани уздилар, бу ҳол табиий ва бундай ишлар ҳаётда кўпинча учраб туради. Бироқ шу заҳотиёқ бунинг нотўғрилигини ҳис қилди. «Нега... Хельвидан узоқлашдим?» Миясига ногаҳон келган бу саволдан Лапетеуснинг дили сиёҳ бўлди. У бошқа нарсалар тўғрисида ўйлашга ўзини мажбур қилди.

Амалпараст!

Наҳотки амалпараст кечасию кундузи баравар меҳнат қилади? Наҳот амалпараст учун энг муҳими иш бўлса?

Амалпараст деб Хаавикни айтади. Шароитдан фойдаланиб қолишига уста. Фийбат ва тумтароқли гапларни ишга солиб редакторлик ўрнини эгалламоқчи.

Лапетеус эртаси куни кечқурун никоҳ узугини тақмади. Реэтнинг амакиси билан ҳам алоқани узишига қарор қилди. Ошхона ёнидаги каталакда ивирсиб юраверсин, бу муртад қулоқни у оила аъзоси ҳисобламайди. Ҳар нима бўлганда ҳам у масъул ходим, башарти принципиалликни амалпараст деб аташса, майли...

Лапетеус бир куни изжроком коридорида Оскар Пидрусни қўриб қолди. Дастребки дақиқада кўнглига, менинг қабулимга келган бўлса-я, деган шубҳа келди. Пидрус билан совуқина саломлашаркан: «Унга ёрдам қилиш қўлимдан келмайди», деб ўйлади. Бироқ маълум бўлишича, Пидрус халқ маорифи бўлими мудирини кутиб турган экан. Лапетеуснинг елкасидан тог қулагандек бўлди. Одоб юзасидан у билан алланарса тўғрисида гаплашди ва шоша-пиша жўнаб кетаётib, вақтингиз билан хоҳишингиз бўлса, қачон бўлмасин бир киринг, деб мулоzамат қилди.

— Менинг хонам юқори қаватда,— деди у.— Хайр. Мен ҳозир жўнаб кетяпман.

Бир неча кундан кейин Лапетеуснинг ҳузурига чиндан ҳам унинг ҳарбий дўстларидан бири Антс Паювийдик келди. У бўсағада тўхтаб:

— Киришга ижозат этасизми?— деб сўради.

Лапетеус қарор лойиҳасини қўриб, столга ёзилган қоғозлар устига мук тушиб ўтиарди. Бегона овозни эшитган заҳоти хуноб бўлиб, секретарь қаерда ўзи, бирор келганидан хабардор қилмайдими, деб ўйлади.

Кейин бошини кўтариб Паювийдикни кўрди.

— Киринг, кираверинг,— деди у расмий оҳангда. Лекин шу пайт улар илгари сенсирашиб гапиришганини эслаб қолди ва шоша-пиша:— Нега бошни қотирансан, дадил киравер,— деди.

Паювийдик довдираб қолгандек кўринарди.

Шунданми ёки бошқа нарсаданми, кўнгли кўтарилиди. У баҳайбат стол орқасидан чиқди-да, Паювийдикнинг қўлини маҳкам қисиб, уни ёзув столи ёнида бир-бирига қараб турган иккита чарм креслонинг бирига ўтказди. Шу аснода янги жиҳозланган кабинетининг кенглигидан, Паювийдикнинг довдираб қолганидан мамнун бўлди.

— Мана буни команда пункти деса арзиди!— деди Паювийдик у ёқ-бу ёқа кўз ташлаб.

Лапетеус бир пачка «Казбек»ни очди-да, унга тутди.

Паювийдик бошини сарак-сарак қилди-да:

— Бундай кабинет учун курашса арзиди,— деди.

Лапетеус ўзини бу пичингни пайқамаганга солди. У суюнчиғига сайқал берилган кенг стулга чўкаётib:

— Ўз ротамдаги одамни кўрганимдан хурсандман,— деди.

— Тепада қандиллар, пастда гиламлар, олдинда футбол майдонидек стол, орқада ойнаванд шкаф,— деди Паювийдик.— Бундай кабинетда фармонбардорлик қиласиган одамнинг қўлида ҳукмронлик ва куч бўлиши даркор.

— Сен бу ерга хушомадгўйлик қилгани келмаган бўлсанг керак,— деди Лапетеус энсаси қотиб.— Қандай юмуш билан келдинг?

Паювийдик унга синчилаб разм солди-да, ўз навбатида ундан сўради:

— Қурилиш ишлари сенга қарайдими?

Лапетеуснинг кўнглида, тагига сув кетганмикни,— бир вақт Паювийдик шу сўзни айтган эди,— энди бошига мусибат тушганда мендан кўмак ва ҳимоя сўраб келдимикни, деган шубҳа пайдо бўлди. Дастреб Роогас, кейин Пидрус, энди бу, ахир у уларнинг ҳаммасини қандай ҳимоя қиласи, уларга қандай ёрдам беради? Унинг ўзини ким ҳимоясига олади? Уддабурон одам нима қилишини ўзи билади, бошига ёқсан қорни ўзи курайди. Шуларни кўнглидан ўтказиб, расмий оҳангда:

— Мен, дарҳақиқат, қурилиш масалалари билан шугулланаман,— деди.

— Бизнинг қурилишга бир борсанг.

— Нима бўлди у ерда? Қийин-қистовга олишдими? Паювийдик яна Лапетеусга диққат билан тикилди. Гўё у Лапетеусни ўрганар, унга баҳо бериб, мулоҳаза юритар эди.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ,— деди у ниҳоят бамайлихотир.— Бу ерга мен ўз манфаатимни кўзлаб келганим йўқ. Агар сен қурилиш ишлари билан шугуллансанг, қурилишдаги тартибсизликларни пайқаган бўлар эдинг. Мана шу нарса одамни қонига ташна қиласи. Биринчидан, биз планни бажармаймиз. Ҳамма бунга кўнишиб қолган, қани айт-чи, бундай аҳволга чидаб бўладими?

Паювийдикнинг гапини эшитгач, Лапетеуснинг кўнгли жойига тушди. Қачондир Паювийдик худди шундай деганини гира-шира эслади. Ресторандами-еъ, қаердаям эди. Лапетеус соат тўртда раис мажлис ўтиказиши кераклигини ўйлади. Саноат бўлими муфассал

жисобот бериши керак, у бўлса ҳали уни кўриб чиққани ҳам йўқ.

— Шундай дегин,— деб луқма ташлади Лапетеус.

Паювийдик сўзида давом этди:

— Агар ишни бизнинг қурилишдагидек ташкил ҳилса, ҳар қандай корхона эгаси синган бўларди. Ло-йиҳалар ўн марталаб қайта тузилади. Ғишт терувчи-лар девор уради, сувоқчилар сувайди, бўёқчилар бўйяди, кейин бошқа одамлар келади-да, деворлардан эшик учун жой очади, уйни илма-тешик қилиб юборади. Яна ҳамма иш бошидан бошланади. Материал нобуд бўлади. Бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ, ҳеч ким жавоб ҳам бермайди. Қонимга ташна бўлиб кетаман. Прораб билан, инженерлар билан суҳбатлашасан, мажлисларда гапирасан, бари бир фойдаси бўлмайди. Улар чигал гаплар билан оғзингга урадилар, кўрсаткичлар, нормалар, ошириб бажарилган ва бажарилмаган планларни, ихтинослаштириш ва мослашни рўячка қиласади. Тартиб деган нарсани эса, кундуз куни чироқ ёқиб топиб бўлмайди.

— Ҳозир,— деб Лапетеус унинг сўзини бўлди.— Мен саноат бўлимiga телефон қиласай.

Паювийдик индамади.

Лапетеус стол четининг тагига ўрнатилган тугмани босди.

— Гапиравер,— деди у Паювийдикка.— Қулогим сенда. Гапим қулоғингга кирмайди, деб қўрқма.

— Тартибсизлик, нарсаларнинг қаровсизлиги, ўз ҳолига ташлаб қўйилгани олғир ва юлгичларга жуда қўл келяпти. Ўғирлик жуда авжига чиқиб кетди. Бир машина ғишт ёки цементни қурилишга олиб келсалар, бошқасини шаҳар четига чиқиб хусусий уй қураётганларга пуллайдилар. Қўлларига нимаики илинса, рух қувурми, электр симларими, бўёқми, унитазми, ойнами, ғиштми, цементми, оҳакми, пуллашади. Наҳотки биз ҳар хил учарлар ва олибсотарлар ўзларига сарой қуришлари учун жанг қилган бўлсак?!

Эшикда упа-элик қўйган малла қиз кўринди.

— Мени Коорик билан уланг,— деди Лапетеус унга. Паювийдик уларга қараб турди.

— Хусусий уйлар қуришга давлат ёрдамлашади,— деди Лапетеус Паювийдикка.

— Мен зарурат юзасидан уй қураётган ҳалол одам-

ларни эмас, ўғриларни гапиряпман,— деб эътиroz билдириди Паювийдик.

Телефон жиринглаб қолди. Лапетеус шартта телефон трубкасини олди.

— Коорикми? Мен столим устида сводкаларни кўрмадим-ку... Дарҳол юборинг... Ишонаманки, бундан кейин бу тўғрида яна эслатишга ҳожат қолмайди.

Паювийдикнинг ҳафсаласи пир бўлди, гапиргиси келмай қолди.

— Сен энг жиддий нарсалар тўғрисида гапиряпсан,— деди Лапетеус.— Далилларинг борми?

— Қандай далил?

— Давлат мулкини ўғирлаётганлар тўғрисида.

— Одамларингни юбор қурилишга, ўзинг ҳам бор. Аҳволни ўрганишсан. Ишчилар билан суҳбатлашинг. Келадиган одамлар бир неча дақиқа қурилиш ҳавозаларида югуриб юришади-да, соатлаб идорада ўтиришади. Идорада қинғир ишларни ҳам тўғри қилиб кўрсашибади.

Лапетеус соатига қаради.

— Вақтинг зиқми?— деб сўради Паювийдик.

— Ўн беш минут вақтим бор. Кўнглингта олма, мажлису кенгашларнинг кети узилмайди.

— Тушунаман. Агар мажлис раҳбарликнинг асосий воситаси бўлса, унга пухта тайёрланиш керак,— деди истеҳзо билан Паювийдик тарвузи қўлтиғидан тушиб.— Қўшимча қиласадиган гапим йўқ. Қурилиш майдонларида ҳеч қандай тартиб йўқ. Материалларга ҳеч ким жавобгар эмас. Ҳар хил инженерлар, техниклар, планловчи ва нормаловчиларнинг сон-саноги йўқ, лекин иш ётиб қолган.

Лапетеус тутақиб кетди:

— Гапларинг худди...

— Синфий душманнинг гапларига ўхшайди,— деб унинг оғзидан илиб кетди Паювийдик.— Сен ҳам бизнинг бошлиқга ўхшайсан. Унга бирор нарса десанг, худди граммафондек варанглаб кетади: синфий душман, эски тузумни қўмсаяпсан-а, қолоқ одам ва ҳоказолар. Бироқ виждони пок ишчи тартибсизликни, бошбошдоқликни, бепарвоникни, ўғирликни ва ишудликни кўриб юраги эзилса ҳам, ичига ютиб, ялло қилиб юраверадими?!

— Ҳамма нарсанинг истиқболини кўриш керак,—

деди Лапетеус ҳорғин овоз билан.— Албатта, гапингда жон бор. Афтидан, қурилиш масалаларини чуқуроқ ўрганиш керак. Ўрганиб, текшириб чиқамиз ва керак бўлса масалани ижроком мажлисига ёки обком бюросига қўямиз.

— «Чуқур ўрганамиз», «жиддий тушунамиз», «бюрога қўямиз», деган гапларга менинг унчалик тишм ўтмайди. Борди-ю, бу гапларда маъни бўлса, ана, ўрган, шугуллан. Лекин аввал қурилишга кел. У ёқ-бу ёқни кўр. Амалинг бор, ким билсин, бирор иш қўлингдан келиб қолар балки. Хўп, хайр.

Лапетеус стол орқасидан чиқди.

— Сен яккаш амал тўғрисида гапирасан. Амалим бўлгани билан қўлим ҳамма ёққа етмайди.

У Паювийдикни эшиккача кузатиб қўйди-да, яна қўлини маҳкам сиқди.

— Хайр. Бориб қурилишингизни кўраман. Бундан қанча фойда чиқиши-чиқмаслиги бошқа гап. Бироқ бирор тадбир қўллаймиз... Омон бўл, камтарин газетхон.

Паювийдик орқасидан эшик ёпилгач, Лапетеус аста кулиб қўйди. Сўнгги гаплари кўнглида жуда ўринли ҳазилдек кўринди.

Мажлисга у пухта тайёргарлик кўриб борди.

ЎН БЕШИНЧИ БОЕ

1

Реэт Лапетеус кўнглига туғиб қўйган ишни қилди. Бироқ иши ўнгидан келмади, район партия комитетида биринчи секретарь йўқ эди.

Нима қилсин? Кутиб турсинми? Бошқа куни келгани дурустмikan-а? Ёки иккинчи секретарь билан гаплаша қолсинми? Унинг на кетгиси, на иккинчи секретарь билан гаплашгиси келар эди. У вазифаларининг номи ҳар қанча дабдабали бўлмасин, турли-туман ёрдамчи-ю ўринбосарлар ва иккинчи ёки учинчи секретарлардан фойда йўқ, деб ишонарди. Министр ёки мудир, директор ё биринчи секретарнинг айтгани айтган, дегани деган. Катта хўжайнин атрофида ўралашиб юрадиганлар ҳеч нарсани ўзларича мустақил ҳал қилолмайдилар, майда-чуйда нарсалар тўғрисидагина

фармойиш бера оладилар. Жиндеқ муҳим масала чиққудек бўлса, бошлиқлари билан маслаҳатлашмай бирор тадбир кўролмайдилар. Хўжалик корхоналарида, масалан, базалар ва таъминот идораларида аҳвол бошқача, у ерларда қайтага иккинчи даражали одамлар билан алоқа қилган яхши, улар ҳамма нарсадан хабардор, тан тортмай ҳар нарсани эплашади. Қани энди ҳам бошлиқлар, ҳам итоатдагилар билан алоқа боғланса, у ҳолда ҳар нарсадан хабардор қилиб туришади. Ишни тўғрилашади, катта хўжайинлар эса резолюцияга «розиман», «берилсин», деб имзо чекишиади.

Реэт ҳар қалай иккинчи секретарь билан гаплашмокчи бўлди. Бироқ хийла вақт кутишга тўғри келди.

У ўғон болишлари бўлган пружинали кўхна диванга ўтириди. Идоранинг ўзига хос ҳавосидан нафас олди. Бу ердаги шкафларда ва столларнинг тортмаларида қофозлар уюлиб ётади, дам ўтмай одамлар келиб туради, чекишиади, полнинг бўёғини сийқалашади. У ўнгиган қофозларга, шифт тагидаги тўлқинсимон карнизга, баланд оқ эшикларга кўз югуртириди.

Назаридан бутун оворагарчиликлари беҳуда бўлиб кўринди. Андреснинг соғайиб кетиши даргумон. Соғайиб кетганда ҳам энди бари бир у бурунги ишида ишлай олмайди. Уни директорлик вазифасида қолдиришмайди. Нафси замон, энди комбинатни бошқариш унинг қўлидан келмайди. Борди-ю, суд Андреснинг хизматларини ва соғлигини эътиборга олган тақдирда ҳам бари бир у бирон жойга бош сукаб киролмайди. Ахир ногирон одам нимагаям умид боғлаши мумкин? Бир он у Андреснинг қилтанглаб юқоридаги хонадан пастга тушиб келаётганини кўз олдига келтирди. Кўз олдида букчайган, соч-соқоли ўсган одам намоён бўлди. Унинг устида яғири чиққан халат, икки қадам босиб тўхтайди-да, йўталади ва қон туфлайди. Бу кимсанинг нигоҳи ҳаммага қаҳр ва шубҳа билан боқади, у ҳаммадан до-монгир, аламзада, тили аччиқ.

«Йўқ, йўқ, йўқ!»

Кўз олдида намоён бўлган манзара унга шу қадар қабиҳ ва жирканч кўринидики, оз бўлмаса у қичқириб юбораёзди.

Вақт ниҳоятда имиллаб ўтарди.

Турмадан қутулиб қолиши гумон. Авария қилган одамларга қонун раҳм-шафқат қилмайди. Андрес ҳам

бундан мустасно әмас, унга атаб қонун ва янги модда ўйлаб чиқармайдилар. Бас, шундай экан, ҳамманинг эшигини пойлаб, қабулхоналарда мудраб ўтиришнинг, асабийлашишнинг нима ҳожати бор? Кошки шунча жон койиттанига яраша бирор ишнинг уддасидан чиқа олса? «Умуман, уддасидан чиқа олармикин? Унинг обрўсини сақлаб қолиш қўлидан келармикин? Ўзининг обрўйини-чи?» Реэт Мурук билан суҳбатлашганда ҳаётининг энг гуллаган пайти орқада қолганини сезган эди, ҳозир ҳам шуни сезди. Энди ҳаёт унга яна нималарни инъом этиши мумкин? Андресга турмага овқат ташиш ёки уни парвариш қилишдан худо асрасин.

Э, бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар, Андрес ўзини ҳам, уни ҳам роса шармандаи шармисор қилди. Уларнинг иши чаппасидан кетди, энди бунинг сира олдини олиб бўлмайди. Ҳамманинг кўзи олдида бадном бўлди, шаънига дод тушди. Ҳозир у Андресни қутқариш учун ҳар қанча жон куйдирмасин, бари бир бундан фойда йўқ.

Бели зирқираб кетди.

Реэт, «бориб ётишим керак», деган гапни кўнглидан ўтказди. Кейин дабдурустдан: «Одамлар нима деса деяверсин, Викторнинг мозорига гул олиб бораман», деб ўйлади.

Унинг Викторга баттар юраги ачиdi.

Эри олдида ўзини гуноҳкор ҳис қилди. Бутун умри зое кетгандай бўлди. «Андрес сезганмикин?— деб ўзига-ўзи савол берди Реэт.— Албатта сезган. Бўлмаса Пиритда унга пишириб қўйибдими?»

Бели янада қаттиқроқ зирқираб оғриди.

У соатига қаради. Орадан йигирма минут ўтибди. Ешгина секретарь қиз уни кузатиб турган экан шекили, далда берди:

— Ўртоқ Каартнанинг олдида мебель фабрикасидан келган одамлар бор. Ҳадемай улар чиқиб кетишади.

Реэт бу гапни эшитди-ю, довдираб қолди.

— Ўртоқ Каартна, дейсизми?

— Ҳа, ўртоқ Каартна яна бизда ишлайпти,— деб бажонудил тушунтирди секретарь қиз эзмалик қилиб.— У бу ерда илгари ҳам урушдан кейин ҳам ишлаган эди. Ўша вақтда инструктор эди. У ҳадемай бўшайди.

Реэт иложи борича мулойимроқ табассум қилиб:

— У киши эркакми ё хотинми?¹— деб сўради.

— Аёл. Бироқ парторгларнинг гапига қараганда, эркаклардек битта гапирав эмиш.

Секретарь машинкасини чиқиллата бошлади.

Гап Хельви Каартна тўғрисида кетаётганига Реэт ортиқ шубҳа қилмади. Бир кўнгли ўрнидан турга жўнаб қолмоқчи бўлди. Лекин ўйлаб туриб, қайтага бу яхши-ку, деган қарорга келди. Андрес билан Каартна ўртасидаги ишлар уруш вақтида бўлиб ўтган. У Каартна олдида ўзини ҳеч нима билмаган қилиб кўрсатиши мумкин. Йўқ, яхшиси, жўнаб қолгани тузук. Ишим зарур, шошилиб турибман, деб важ-корсон кўрсатиши мумкин. Реэт бирор қарорга келганча бўлмай, секретарь кабинетидан учта эркак чиқди-да, унга:

— Марҳамат, кираверинг,— деди.

Реэт апил-тапил сумкаласини очди-да, кўзгуга қаради. Сочини тузатди, тили билан лабини ялади. У одати бўйича бу ишларни қилиб бўлгач, эшикни очдида, кабинетга кирди.

Йўқ, у янгишмаган эди.

Стол ёнида Хельви Каартна турарди. Уни Реэт бир куни кафеда кўрган эди. Ўшанда Хаавик улардан иккича столча нарида ўтирган аёлни имлаб кўрсатиб:

— Анави жонимни яхшилаб кўриб олинг. Бир вақтлар у Андресга жонидан ҳам азиз эди...— деган эди.

Реэтнинг хаёлидан: «Ҳалиям нозандек», деган фикр ўтди.

Шу пайт қулогига:

— Марҳамат, ўтиринг,— деган гап кирди.

Реэт ўтириди. У:

— Мен Реэт Лапетеусман,— деди-ю, ҳамма гапни олдиндан ўйлаб қўйганига қарамай тили калимага келмай қолди. У секретарга ўзини танитгач, бошига тушган оғир мусибат уни бу ерга келишга мажбур қилганини айтмоқчи эди. У Совнархоз бошқармаси бошлигининг ёрдамчисига илгари шундай гапларни бир марта айтган эди. Кейин гапи қандай таъсир қилганига қараб иш кўрмоқчи эди. Бироқ ҳозир нафаси бўғилди. Тилига калтак келди-ю, бошини қуий солиб ҳўнграб юборди.

¹ Эстоналарда эркаклар билан хотинлар фамилияси орасида фарқ йўқ.

Ёнига Каартна келганиниям сезмади. Фақат у тинчланинг, ўзингизни қўлга олинг, деганини эшитибгина Каартна ёнида турганини билди.

— Эрим... Эрим... — У яна ортиқ ҳеч нарса деёлмади.

Хельви Каартна ҳамон унинг ёнида чурқ этмай турарди.

— Ҳозир... эрингизнинг аҳволи қалай?

Гарчи Реэт беҳуд бўлса ҳамки, секретарнинг овозида ташвиш оҳанги борлигини пайқади.

— Унинг... куни битган.

Бу гапга жавобан Хельви шошилиб:

— Йўқ, йўқ! Брачлар согайиб кетади, дейишяпти,— деди. Реэт бошини кўтарди.

— Кечиринг,— деди у пичирлаб,— кечиринг.

Рўмолчасини олиб кўзини артди. Яна ёнида турган Каартнага разм солди, унинг ранги учиб кетган, безовталаниб қолган эди.

Реэтнинг кетгиси келди, ўрнидан турди, учинчи марта:

— Кечиринг,— деди-да, на Каартнанинг ва на секретарнинг, сабр қилинг, ўзингизни босинг, дейишига қулоқ солмай, илдам юриб чиқиб кетди.

У кўчага чиққандагина ўзига келди.

Омонат кассанинг коридорида ола-була бўлиб қолган башарасига упа чаплар экан, у ўзининг нақадар паст тушганини ўйлади. Виктории ўлдирган, унинг ўзини эса оз бўлмаса у дунёга жўнатай деган Андресдан жаҳли чиқиб кетди. Ҳозирги аҳволига лаънатлар ўқиди. Хельви Каартнага нафрати қўзиди, чунки у унинг олдида латталик қилди, ўзини кўнгилдагидек тутолмади.

Реэт район комитети секретарининг олдидан чиққач, адвокат билан маслаҳатлашмоқчи бўлган эди, бирор ҳозир бу аҳдидан қайтди.

Ниммега борадиган автобусга ўтирас экан, ўз ҳолига жуда ачинди.

2

Реэт Лапетеуснинг орқасидан зинага югуриб чиққан секретарь қайтиб келиб Хельви Каартнага:

— Ерда ҳам йўқ, кўкда ҳам,— деди.



— Унинг авзойи бузуқ эди, Лапетеуснинг уй адресини билинг. Телефон дафтарида йўқ экан.

— Ҳозир у жудаям ташвишли эди. Гапларимга қулоқ ҳам солмади,— деди сергап қиз.

— Уларнинг бошига оғир мусибат тушган. Бу унга қаттиқ таъсир қилган. Эрининг аҳволи ҳали ҳам ёмон,— деб Хельви Каартна унга тушунтириди.— Соат ўн бир яримда академиядан келишади. Дарҳол менга хабар қилинг.

Қиз бўсағада тўхтаб:

— У кўз ёши тўкиб кабинетингиздан отилиб чиққанини кўриб юрагим ёрилай деди. Телефон номерини кўз очиб юмгунча топаман,— деди.

Бўлиб ўтган ишларни ўйлашга Хельви Каартнанинг вақти йўқ эди. Олдига тинмай одам келиб турарди. Бироқ Лапетеуснинг хотини қолдирган ғалати таассурот сира хаёлидан кетмасди. Нега у қочиб кетди? Миссида хира пашшадек айланган бу саволга у кечқурун уйида ҳам жавоб тополмади. Лапетеуснинг хотини билан телефонда гаплашганидан кейин ҳам бу савол жумбоқлигича қолди.

Бу сафар Реэт ўзини жуда эркин тутди.

— Ўртоқ Реэт Лапетеусми?

— Қулогим сизда.

— Райкомдан, Каартна гапиряпти.

— Кечингиз хайрли бўлсин, ўртоқ секретарь.

— Қундузи гапимиз чала қолувди. Сиз жуда безовта эдингиз. Қандай иш юзасидан келиб эдингиз?

— Яна бир бор кечирим сўрайман. Менинг чиндан ҳам эсим жойида эмас. Телефон қилганингиз учун гоятда миннатдорман. Ҳузурингизга нима сабабдан борганимни ўзим ҳам билмайман. Шунчаки асабим бувилган.

— Аҳволингизга тушунаман. Ҳозир сизга жуда қийин. Бироқ, ишонинг, эрингизнинг аҳволи најотсиз эмас. Мен касалхона мудири билан яна гаплашдим. У ҳамма иш жойида бўлиши мумкин, деяпти.

— Гапларингиз менга умид бағишлайди. Қуллуқ.

— Бирор зарурат чиқиб қолса, маслаҳатга муҳтож бўлсангиз, бемалол райкомга келинг.

— Миннатдорман сиздан.

— Яхши қолинг.

— Саломат бўлинг.

Телефонда гаплашиб бўлганидан кейин Хельви Реэт Лапетеус райкомга иккинчи қадам босмаслигига ишонди. Унинг овози совуқ, зўрма-зўраки эди.

Нима учун у эрталаб келган эди?

Адресс юборганимикин-а уни?

Хельви бунга ишонмади. Гарчи у Andresни ҳеч қа-
чон узил-кесил тушунолмаган бўлса ҳам, унинг феъли-
ни сал-пал билиб олган эди.

Кейинги йилларда унга бегона одам сифатида қа-
рарди. Гёё ораларида ҳеч қандай яқинлик бўлмаган-
дек эди. У Andresни аҳён-аҳёнда бир ўйлаб қоларди.
Одатда Армияда уруш вақтида бирга хизмат қилган
одамлар бир-бирлари тўғрисида шундай ўйлашади.
Кўнглига бошқа ҳеч нарса келмасди, деса бўлади.
Рост-да, армиядан қайтганлари ҳамоно ҳамма нарсани
унутган бундай одамни хотирасида сақлаб юриб нима
қиласди?

Бироқ Лапетеуснинг бошига кулфат тушгач, уни
бот-бот ўйлайдиган бўлиб қолган эди. Йўқ, бу ҳол
унинг сўнгги ҳис-туйғуларини аланголатгани йўқ.
Унинг кўнглидаги ишқ ўтини Andresning ўзи сўнди-
ди. Бироқ Хельви уни кўнглидан бутунлай чиқариб
юборолмаслигини фаҳмлади. Уни унтишга, у ҳақда
ўйламасликка ҳаракат қиласди-ю, лекин буни эплол-
масди.

Лапетеусга Хельви ачинарди. Andresни нима кути-
шини у яхши биларди. Унинг соғлиги касалхонадан
чиққанидан кейин ҳам ниҳоятда ёмон бўлиб, у бир
умрга ўрнидан туролмай ётиб қолгандагина қамоқдан
қутулиб қолиши мумкин. Бундан бошқа иложи йўқ.
Бироқ бирорларнинг оғирини енгил қилолмай, кунинг
фақат дори ичишу даволаниш, азобу изтироб билан
ўтса, ҳаётингдан нима фойда?

Биринчи секретарь, Лапетеусдек одамларни суддан
олдиноқ партиядан ўчириш керак, деди. Бу гап Хель-
вининг жон-жонидан ўтиб кетди.

— Ўртоқ Лапетеус икки марта яраланган,— деди
у,— бундан ташқари, яхши, ҳатто намунали ишлар-
ди,— деб қўшимча қилди.

Гарчи Хельви бир вақтлар уни яна тўқимачилик
фабрикасига қайтаришганда, бу ерда Andresни учра-
тиб, у билан сухбатлашгач, ундан тамомила ихлоси
қайтган бўлса ҳам, шундай деб Лапетеуснинг ёници
олди.

Хельви район партия комитетидан Юрвен билан
тўқнашиб қолгандан кейин кетган эди. Бир куни рай-
ком ходимларини тўсатдан мажлисга чақириб қолиши-
ди. Хельви жиндек кечикиб келди. Одатда ходимлар-
нинг мажлиси ўтадиган биринчи секретарнинг
кабинетига кирганда ҳамма йигилиб бўлган эди.

— Энди бошласак бўлар,— деди Юрвен биринчи
секретарга.

Бу гап Хельвига ғалати туюлди. Наҳотки мажлис
чиндан ҳам унинг айби билан бошланмаган бўлса?
Нима гап ўзи?

— Марҳамат,— деди биринчи секретарь розилик
бериб, кейин овозини баландлатди-да, расмий оҳанг-
да: — Ўртоқлар, биз сизларни ошғич суратда йиғишга
қарор қиласди. Сабабини ҳозир биласиз. Сўз ўртоқ Юр-
венга,— деб қўшимча қилди.

Юрвен ўрнидан туриб тикандек ўткир ва синчков
нигоҳи билан ўтирганларни бир қур кўздан кечириб
чиқди. Кейин салмоқланни билади.

— Партия йўлини ҳамма билиши ва тушуниши
даркор эди. Даркор эди, дейишимнинг боиси шуки, да-
лилларга қараганда, бизнинг орамизда бу қоидани
назар-писанд қилмайдиган баъзи кимсалар бор. Бироқ
ҳозирча буни аниқроқ таъриф ва тавсиф этишдан ўзим-
ни тутиб тураман.

Юрвен сукутга чўмди.

У ўзи севган ҳолатда: тугилган катта муштларини
столга тираб, олдинга ўзини ташлаганча япасқи даҳа-
нини юқори кўтариб турарди.

Юрвенинг нутқ сўзлаш тарзи, унинг минбарда тур-
ганида ёки ёзув столидаги чайқалиши, маъ-
ноли қилиб сукут сақлаши, луқма ташлаши ва дўй-
пўписа қилиши Хельвининг гашини келтиради... Бу
сафар Хельви унга душманлик назари билан қараб,
ҳақиқатга кўчилса, бу одам партия ходимлигига яра-
майди, деб ўйлади. У ё бераҳм одам ёки ўлгудай ҳаф-
тафаҳам, пайтавақулогу, лекин қандай бўлмасин ўзини
доно ва иродали қилиб кўрсатишга тиришади.

Юрвен гапини давом эттириди:

— Пидрусларнинг кимлигини ҳаммангиз биласиз. У
халқ маорифи соҳасида нозик жойга кириб олган ман-

сабпараст. У интелигенциямизнинг гоявий ва назарий томондан кам чиниқан ёш вакилларининг субутсизлик ва гоясизлик ботқогига ботишига бефарқ, менинг назаримда ичидан суюниб қараб турган. Ўқитувчиларни марксизм-ленинизм таълимотини назар-писанд қиласликка очиқ-оидин ундалган, халқини ашаддий душмани Пидруснинг партияга ҳеч қандай алоқаси йўқ, шу вождан ҳам у партия сафидан ўчирилди. Ҳозирги вақтда, Пидруснинг майда буржуазия маддоҳи ва манфур миллатчилиги фош қилингач, ҳар қандай кўр ҳам гап тўғридан-тўғри идеология душмани тўғрисида кетаётганини тушуниши керак.

У яна сукут сақлаб, атрофига маъноли боқди.

Юрвен ҳозир ўзи тўғрисида галиришини Хельви билди.

— Ҳа, партия бизни Пидрус синфий душманнинг малайи эканини кўришга ўргатган. Ҳўш, бизнинг инструкторларимиздан бири ўзини қандай тутяпти? У халқ душмани билан алоқани узмаяпти. У билан учрашишини уюштиряпти! Бу ишлар қандай мақсадда қилингапти? Бахтимизга партиянинг минглаб дўстлари бор. Содик, принципиал ва ҳушёр бу ўртоқлар хабар бериб туришади. Партияга қаратилган душманлик ҳаракатлари бари бир ошкор бўлишини ҳеч ким унутмасин. Ҳамма қулогига яхшилаб қўйиб олсинки, партия ва Совет тузумига қарши унсурларга, уларнинг таъсирiga берилган, уларга хайриҳоҳ бўлган кимсаларга партия, совет, хўжалик ҳамда маданият органларида ўрин йўқ.

Гап ўзи устида кетаётганига энди Хельви ортиқ шубҳа қилмади. У, гапни айлантирманг, дўқ урманг, деб Юрвенга қичқирмоқчи бўлди-ю, лекин ўзини босди. Йўқ, йўқ, йўқ, у оғир бўлиши керак. Бу нарса ҳозир унга энг муҳим бўлиб кўринди.

Ҳозирга довур гапни тобига келтираётган Юрвен энди лўнда қилиб:

— Мен ўртоқ Каартна тўғрисида галирятман,— деди. Ҳона сув қўйгандек жимжит бўлиб қолди.

Хельви ўзини тутди. Ҳаяжони қайтага камайган-дек туюлди. Назарида, биринчи секретарь далда бериб нигоҳ ташлагандек бўлди.

Мадис Юрвен Хельвига тикилиб:

— Айтадиган гапингиз борми?— деб талаб қилди.

Хельви ўрнида турди. Лаблари сал-пал пирпиради. — Бор, Нега менга дўқ урасиз? Сиз доим пўписа қиласиз. Нега сиз одамларни қўрқитасиз?

Хельви ўзини оқлаш учун бундан бошқа ҳеч нарса дейёлмаслигини сезди.

Бир дақиқа Юрвен иттифоқо гарангсираб қолди. Кейин ўзини тутуб олди-ю, ўшқирди:

— Сиз Пидрус билан учрашганингиз ростми? Ҳалиги синфий душман, душман малайи-чи?

Хельви шикаста овоз билан:

— Ўртоқ Пидруснинг синфий душман малайи эмаслигини мен бююда айтганман,— деди.

Ҳамма диққат билан унга разм солиб турди. Биринчи секретарнинг нигоҳи ҳали ҳам хайриҳоҳлик билан боқарди.

Юрвен бўғрициб кетди.

— Бюро бунга бошқача қаради,— деди у қарийб қичқириб.— Жавоб беринг, Пидрус билан учрашдингизми, йўқми? Бу гап ростми, ёғонми, лўнда жавоб беринг.

— Рост, учрашдим.

— Қандай мақсадда?

Бу саволга Хельви жавоб бермади. Унинг Юрвенга қаҳру ғазаби қўзиб кетди. Унинг жавоби Юрвеннинг янада қонини қайнатишини, у бундан жунукроқ савол беришини очиқ-оидин тушунди.

Юрвен гапида давом этди:

— Бу гапларни мен секретарь сифатида сиздан сўрайпман. Партия манфаатини кўзлаган ҳолда сиз билан гаплашяпман. Райком ишига жавобгар бўлганимиз важидан биз райкомимизнинг инструктори партия олдида ишончини йўқотган шубҳали шахс билан нима мақсадда алоқани узмаганини билишимиз керак.

Бу сафар ҳам Хельви индамади. У Юрвеннинг на унга, на бошқа бирор одамга бундай қўрс муомала қилишга ҳаққи йўқлигини ўйлади. Бироқ у индамасагина енгиши мумкин эди.

— Сиз партия интизомини тан оласизми?— деб Юрвен ўжарлик билан тиқилинч қилди.— Демократик централизмни эътироф этасизми?

— Жавоб беринг,— деди биринчи секретарь маслаҳат бериб.

Юрвен масхараомуз гап ташлади:

— Бизни сизнинг шахсий сирларингиз қизиктири-майди, бизни партия аппарати ходими сифатиди сизнинг сиёсий мафкурангиз қизиктиради.

Бу гапларни эшидти-ю, Хельвининг қалбидаги зланаарса узилиб кетгандек бўлди. Шу пайтгача у партия секретарларига ҳурмат-эҳтиром билан қаарарди, уларга жуда қойил қоларди. Секретарь унинг кўзи олдида қалби пок, ҳақгўй ва ҳалол одам бўлиб кўринарди. Бир вақтлар у шундай секретарларни учратган, уларни ҳамиша шундай кўришни орзу қиласарди. Буржуа тузумининг охирги босқичида ва Совет ҳокимияти барнио этилганининг дастлабки йилларида коммунистлар чиндан ҳам ана шундай улуғ ва ақлли одамлар бўлтган эди. Балки уларда ҳам нуқсон бўлгандир, бироқ буни у сезмаган ёки коммунистларнинг ўз ҳалқига ишончиши, уларнинг жонбозлиги, поклиги ва одамга ишончи ҳамма нарсани унинг кўзидан яширган. Хельви уруши вақтида ҳам сиёсий ходимларга меҳр билан қаарар эди. Гарчи у уларнинг нуқсонини кўрса ҳамки, сиёсий бўлим бошлиғи ўзига ўйнаш топиб олган эди, бундай иллатларни у урушнинг касофати деб биларди. Баъзда у Мадис Юрвеннга ҳам шундай ихлоҳ қўйгам эди. У тўғрида узил-кесил бирор хулосага келишга кўнгтили бўлмаган, Юрвеннинг қилиқларини оқлашга ҳаракат қўлган эди. Бироқ Юрвеннинг тазикини билан Пидрус ҳайдалган актив мажлисидан кейин Юрвендан унинг бутунлай кўнгли қолди. Одамларни, яна жанговар ўртоқларни бундай хўрлаш керак эмас. Бироқ Хельви ўшанда ҳам Юрвеннинг ҳақиқатда кимлигини батамом билмаган эди. Мана ҳосир ўнинг ўзини тупроқҳа қориштироқчи бўлиб турган бир пайтда Юрвеннинг ҳеч кимга, ҳатто ўзига ҳам ишонмайдиган калтабин ва кекчи одам эканлигини билиб қолди. Партия аъзоси бундай бўлмаслиги керак. Бўлмаслиги керак, бўлмаслиги керак!

Ошгич чақирилган бу мажлиса Хельви буни айниқса очиқ-оидин ҳис қилди. Юрвеннинг у ҳар доим, ҳар қандай вазиятда энг доно кишилар қаторида кўриниб, истаган улуғ одамларга болаларча ишончини барбод этгани Хельвига жуда алам қилди.

У яна бирпас индамай турди. Кейин:

— Мен бу ерда ўтирган ҳар бир одамнинг саволига

жавоб бераману, лекин сизнинг биронта саволингизга жавоб бермайман,— деди.

Шуниси қизиқки, Юрвен уни ишдан бўшатинларини талаб қилмади. «Ҳайдалсин», «бўшатилсан», «четлатилсан», деган сўзларни Юрвен тан олмасди. Бундан кейин ҳам у Хельвининг пайига тушмади. Ҳар ҳолда, Хельвига шундай туюлди ва у амалидан фойдаланиб ўчини олмагани учун Юрвэнга нисбатан кўнглида ҳурматга ўхшаш бир нарса уйгонди. Мажлиса у узоқ гапирса-да, Хельвии, иродаси бўш, кўнгилчан, пролетариатнинг революцион курашининг моҳиятини тушунмайдиган содда аёл, дейиш билан чекланиб қўя қолди. Унинг бу қилиги Хельвии таажжубга солди: баъзан у Юрвен тўғрисидаги фикрининг тўғрилигига шубҳаланиб қоларди. Бироқ шунга қарамай энди Хельви у билан бирга ишләймас эди. Хельви кўнглидаги бу гапларини уни тушунадиган ва ҳатто ҳимоя қилган биринчи секретарга очиқ айтди. Биринчи секретарь унга партия мактабига кириб ўқиши маслаҳат берди. Хельви узоқ ўйлаб ўтирамай бунга рози бўлди.

Юрвен ўйлланмага имзо чекаётиси (биринчи секретарь касал бўлиб қолган эди) Хельвига:

— Ҳар бир коммунистга назария сув билан ҳаводек зарур. Марксизм-ленинизм таълимотини чуқур ўрганишингиз сизга партиянинг бош йўли моҳиятини яхшироқ тушунишингизга ёрдам беради,— деди.— Одам шахсий феъл-атворини партиянинг бош йўли билан узвий bogлаши керак, бу ҳар бир коммунистнинг барқарор фазилати бўлмоғи даркор. Баъзан бунга эришиш қийин, лекин биз партияга ўзимизга ишонгандан кўра кўпроқ ишонишмиз лозим. Одамларни кўнглига ёқсан-ёқмаганига қараб эмас, унинг ишига қараб қадрлаш зарур. Принципиаллик, принципиаллик ва яна принципиаллик керак.

Хельви Юрвеннинг гапини эшитиб бўлгач, орқасига ўғирилди-да, эшик томон юрди. У эшикка етай дегандада Юрвен:

— Ҳа, одоб масаласида ҳам принципиаллик керак,— деб илова қилди.

Хельви ёзув стёли ёнига қайтиб келди.

Юрвен унга ҳадиксираб қаради.

— Нега бундай деяпесиз?— деб сўради Хельви.

Юрвен ўрнидан турди-да, муштини столга тираб,

гавдасини олдинга ташлади. Кейин қўлини столдан олиб, даҳанини паст туширди-да, аста, ҳатто меҳр билан:

— Бу менинг бурчим,— деди.

Хельви тилининг учида турган сўзни айтишдан ўзини зўр-базўр тийди.

— Йўқ, ўртоқ Юрвен! Бекорларни айтибсиз! Партия одамларни ҳақорат қилишга изн бергани йўқ сизга.

Хельвининг айтган гапи шу бўлди. Юрвен чурқ этмади.

4

Хельви кенгайтирилаётган катта тўқимачилик корхона ишчиларининг мажлисида доклад қилган Лапетеус билан учрашгач, дили сиёҳ бўлди. Партия мактабини тамомлаганидан кейин бу ерга парторг бўлиб келган Хельви Andresni мажлис бошланишидан сал олдин кўрди. Касаба комитети қизил бурчакда мажлис ўтказётган эди. Хельви ҳам шу ерда эди, бир вақт эшик тўсатдан очилди-ю, бўсағада директор билан баланд бўйли, башанг кийинган одам пайдо бўлди. Хельви Andresni бир қараашдаёқ таниди.

— Бир минутга, ўртоқлар. Сизларга халал бермаймиз. Бу ер бизнинг қизил бурчагимиз. Балки бошқа жойларни ҳам кўрармиз. Ўртоқ раис ўринбосари?

Директор уларни безовта қилгиси келмаганини Хельви тушунди. У ишнинг кўзини биладиган, корхона ишини яхши йўлга қўйган, ажойиб мутахассис ва назокатли одам эди. Камтаргина директор ёнида Лапетеуснинг гўдайиши жуда эриш кўринарди. Andres ўзини шундай тутардики, одатда ҳурмат қилишларига, ҳамма нарсани кўрсатишларига одатланиб қолган одамлар ўзларини шундай тутишади, мурувват юзасидан бошларини қимирлатиб қўйишини, тил учида ишнинг қандай силжиётганини суриштиришни ўз вазифалари деб билишади.

Andres Хельвини кўрмади. Стол атрофида улар ўнтача эдилар, Andres эса бўсағада бор-йўғи бир дақиқача турди-да, жўнаб қолди.

Директор билан Лапетеус кетишгач, ҳамма қатори

Хельви ҳам уларни унутди. Улар шошилишарди. Хадемай мажлис бошланади. Ўтган кварталдаги социалистик мусобақанинг натижалари ҳали кўриб чиқилмаган.

Умумий мажлисида Хельви яна Andresni кўрди. У минбарга кўтарилиб докладини бошлади. Andres нима деяёттанига аввал Хельви қулоғ солмади, бироқ кўп ўтмай у ўқиб бераётган текст унга таниш кўринди — бу текстларни докладчиларга пропаганда бўлимлари тайёрлаб беришарди. Лекторлар ва ҳар хил вакиллар има учундир тезислар деб ном олган бу текстлардан турлича фойдаланишади: баъзилар ундан ёрдамчи материал сифатида фойдаланса, бошқалар худди тўтиқушдек уни бошдан-оёқ сўзма-сўз такрорлаб чиқади. Andres иккинчи тоифа одамларга мансублигини кўриб, Хельви изза бўлди. Уни яна бир нарса ташвишга солди. Andres кеккаяр, ўзини мағрур тутарди, бундай ҳолатни Хельви марказдаги идораларда ишлайдиган одамларда кўрган эди. Бундай арбоблар итоатларидаги муассасаларнинг ходимлари билаъ уларни ўзларига тенг билиб гаплашмайдилар, бошқача мумомала қирадилар. Улар ҳатто гапираётган нарсалари тўғрисида ҳеч балони билмасаларда, ақл ўргатишини ҳам қарз, ҳам фарз деб биладилар. Одамлар ҳар доим обрўли кишиларга ҳурмат билан қараб келганини тушуниб, иззат қилишларини кутиб тутишади, гап қайтаргандарни ёмон кўришади. Жузъий масалаларни четлаб ўтишади, умумий мулоҳазалар билан чекланишади. Уларнинг хато қилмаслигини тан олмаган одамларга умумий гаплар билан зарба беришади. Бутун туриштурмушларидан: «Мен юқори органинг вакилиман, шунинг учун мен ҳақман», деган нарса яқъол кўриниб турди.

Лапетеус баланд бўйли, минбар эса паст эди. У бирор фикрни таъкидлар экан, олдинга энгашар, қўлини минбарга тиради ва энгагини юқори кўтарар эди. Бундай вақтда у Юрвенга ўҳшаб кетарди.

Хельви ундан кўзини олди. Andresни бу вазиятда кўриб, таъби хира бўлди. Минбар олдида кеккайиб турганча, бирорлар ёзиб берган қоғозлардаги сўзларни гоҳ бақириб, гоҳ овозини пасайтириб такрорлаётган одам унга бегона эди.

Етти ёт бегона эди.

Буни ҳис қилиш унга жуда оғир эди.

Хельвининг орқасида хотинлар, бозорда олибсо-тарлар сут ва ёғ сотиб одамларни шилишади, деб пи-чирилашар, ҳар маошда яримтага пул ундирадиган мас-терни қарғашарди.

Хельви кўнглидан, Лапетеус энди тамомласа ҳам бўларди, деган гапни ўтказди.

Шу пайт, одамларни тез орада сира ҳам тушунол-масам керак, деб ўйлади. Даастлаб Andresни қўрқоқ ва манфаатпараст, деб ўйлади, кейин эса у мард, ҳар қалай тўғри сўз одам, деган холосага келди, энди билса, у тамомила бошқача одам экан.

Хельви ҳамон шукуҳ-салобат билан гапдонлик қи-лаётган нотиққа қаради. Назарида Andres уни кўргандек бўлди. Хельви бунга парво қилмади. Жуда қисиқ-а, одамлар бир-бирлари билан топишишади — кейин ана ажralиб кетишади. Ахир у Andresни севарди-ку. Унииг қалбida меҳр уйғонди. Ҳозир борса-да, Andresга, раҳ-бар арбобга ўхшаб кеккайма, жиллақурмаса, бировлар ёзиб берган сўзларни ўзингники қилиб кўрсатма, деса. Йўқ, Хельви Andresning олдига бормаслигини, у билан гаплашмаслигини биларди. Чунки унииг гапларига Andres зор эмас. Очигини айтганда, бунга ҳеч қачон эҳтиёж сезганмас.

Чорак соатдан кейин Andres сўзини тутатди.

Орқада ўтирган хотинлар ҳамон пи chir-pi chir қилишарди. Энди улар одамларнинг қишлоқдан шаҳарга кетиб қолаётгани, квартира йўқлиги, бу масала доим бошга бало бўлиб келаётгани тўғрисида ганиришарди.

Танаффус эълон қилишибди. Танаффусдан кейин фи-лармония артистлари концерт беради, дейишиди.

Коридорга тор эшикдан чиқиларди. Коридорнинг ўзи ҳам кенг эмасди. Шу важдан залдаги одамлар имиллаб чиқишарди. Хельви концерт берилмаса ҳам бўларди, бари бир одамларнинг ярмиси кетиб қолади, деб ўйлади.

Аллаким уни чақирди.

Хельви директорнинг овозини таниди.

— Сизни ўртоқ Лапетеус йўқлаяпти.

Директорнинг ҳайратга тушгани очиқ кўриниб турса-да, баодоб одам бўлганидан ҳеч нарса сўрамади. Хельви: «Мабодо мен унга бир вақтлар Лапетеуснинг

уйнаши бўлганман, десам, у нима деркин?» — деб ўйлади. Шу тонда ўзидан жирканди.

Лапетеус президиум столи олдида оёгини кериб турар ва ўз сўзларининг ўринлилигига ишонган одам сингари баланд овоз билан, квартал охиридаги шошқа-лоқлик корхонада ишни ташкил қилишдаги жиддий камчиликларни кўрсатади, цехлару корхонанинг қатъий график бўйича бир маромда ишлашини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриш керак, деб вазъхонлик қилар эди.

— Салом,— деди у Хельвига ва бақувват қўлини узатди.

— Салом.

Лапетеус уни одамлардан четроққа олиб борди-да, гап бошлади.

— Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди. Вақт елдек учади. Фабрикангиз яхши. Планни бажариш бўйича областдаги энг илғор фабрикаларнинг бири. Ҳали ҳам штурмовшина бор, бироқ... Сени бу ерда ишлаётганингни билардим.

— Фабрикамиз яхши.

— Мен баъзан ишлаб чиқаришда бевосита қатнашадиган, ўз қўли билан бирор нарса ясайдиган одамларга ҳасад қиласман. Чунончи, станокда ишловчи эр-рак ва аёлларга. Улар меҳнатлари самараасини аниқ кўриб, уни ушлаб боқишилари ҳам мумкин. Ўрмонда аппа кўтариб юрганимда ўзимни ниҳоятда эркин ҳис қиласдим.

Andres батамом ўзгариб кетганини Хельви у доклад қилаётган вақтидагига қараганда ортиқроқ сезди. Илгари у бундай такаббур ва сергап эмасди. Нега у бундай деяпти? Узини яқин тутиб айтятпимикин ёки мугамбирлик қиляптимикин?

Улар майда-чўйда нарсалар тўғрисида гаплашдилар. Чамаси, бир-бирларига айтадиган гаплари йўқлигини Лапетеус ҳам тушунди шекилли, гапни умумий танишлари устига бурди.

— Майор Roogas Вильяндан кетиб қолди. Нега кетганига сира ақлим бовар қилмайди. У менинг ёрдамишга кўз тутса бўларди. Яқинда ижрокомга, ҳузуригина Паювийдик келди. Шикоят қиласди. Яқин кунлар ичига бориб қандай машмаша юз берганини билиб келаман. Хаавик кўтарилиб кетди — уни марказий

орган редакциясига ўтказиши. Қаламиям ўткирда ўзи. Қийин бўлгандан Пидруслар қийин бўлди.

— Пидруслар ёрдамга муҳтож,— деди Хельви.
— Ўзига-ўзи қилди,— деди Лапетеус.

— Унга ўқитувчилик қилишга ҳам рухсат бермаяптилар. Энди нима қиласи у? Ҳузурингга чақириб гаплаш у билан. Балки ёрдам қилиш қўлингдан келар?

— Мактабдан бари бир кетиши керак,— деди Лапетеус.

— У ўқитувчи. Математика ўқитувчиси.
— Бундай одамга мактабни боғлаб бергани йўқ,
бошиқ жойдан ҳам иш топса бўлади.
— Албатта... арра ушлани эплайди. Бироқ бизда педагоглар жудаем сероб эмас-ку.

— Пидруслар партиядан ҳайдашган,— деди Лапетеус совуққина қилиб.— Уни ҳимоя қилиш ошна-оғайнинчилик демакдир. Бундай қилинса гап тегиб қолиши мумкин.

Хельви бош чайқади.

— Пидруслар коммунист эди, коммунист бўлиб қолади.

— Бунга ишончим комил эмас.
— Бу гапни жиддий айтапсанми?— Хельви унга қўрқа-писа қаради.

— Ҳа,— деди у бамайлихотир.

Хельви ноилож жим қолди.

Лапетеус атрофга аланглаб қаради.

— Фабрикангизга янги ишлаб чиқариш корпуси керак.

Хельви гап мавзуини ўзгартирмай:

— Бундай хаёлга боришинг мумкин эмас!— деди ҳаяжонланиб,— мумкин эмас! Гапларингга ишонмайман.

— Илгари у тўғрида ҳамма нарсани билмасдим,— деди Лапетеус норози оҳангда.— У ҳар хил буржуа арбобларига хайриҳолик билдирган. Пятс¹ замонаси-нинг вакиллари мактабларга ўрнашиб олаётганига панжа орасидан қараган. Марксизм-ленинизм асаларини назар-писанд қилмаган. Пионер ва комсомол ишлари уни қизиқтирган. Ниҳоят, нима учун фашистлар унинг отасини отиб ташламаган?

¹ Пятс — буржуа Эстониясининг сўнгги президенти.

Танаффус тугади.

Местком раиси эшик олдида туриб ҳаммани концертга таклиф қилмоқда эди.

Хельви билан Лапетеус ёнига директор ва касаба комитетининг раиси келди.

УН ОЛТИНЧИ ВОЙ

1

Кунлардан бир кун хирург палатага кирганда Лапетеус ундан ҳоли нима кечишини сўради. Хирург унинг саволидан таажжубланди. Шу пайтгача у соғлиғи тўғрисида на хирурглардан, на терапевтлардан суриштирган эди. Башарти ундан гап сўрашса бир-икки оғиз сўз билан чекланарди. Лапетеуснинг қайсарлик қилиб чурқ этмай ётиши врачларнинг чаккасига теккан эди. Улар уни гапга солишга, соғлиғига қизиқиш уйготишга ҳар қанча уринмаснлар, фойдаси бўлмаган эди. Шунинг учун врач ҳозир жуда ҳайрон бўлди-ю, бироқ буни билдирамди. У иложи борича ишончлироқ қилиб:

— Уч-тўрт ҳафтадан кейин уйингизга кетасиз,— деди. Лапетеус унга диққат билан тикилди.

Докторнинг назаридаги бемор яна аввалги аҳволига қайтиб индамас бўлиб қоладигандек туюлди-ю, у:

— Аҳволингиз жуда оғир эди,— деб гап бошлади.— Нимжонроқ одам бўлгандага тоб бермасди. Организмингиз жуда пишиқ экан. Юрагингиз эса ниҳоятда бақувват. Шу юрагингиз сизни омон сақлаб қолди. Таҳликали кунлар орқада қолиб кетди. Энди соғлиғингиз тобора тезроқ яхшиланаверади.

Лапетеус қаттиқ қийналиб йўталди. Қон миясига уриб, бўғилиб қолди. Нафасини ростлагач эса:

— Ростини айтинг,— деб талаб қилди.

Врач хотиржамлик билан:

— Ҳеч қандай хавф йўқ. Албатта, бутунлай соғайиб кетишингиз учун вақт керак, тузалиб кетишингизга эса заррача ҳам шубҳа йўқ,— деди.

— Үпкамга нима қилган?— Лапетеуснинг овозида сезилар-сезилмас ташвиш бор эди.

У ҳамон қийналиб нафас олар, кунига бир неча соат кислород ютарди.

— Кўкрагингиз эзилган. Синган қовурғаларингиз ўпкангиз ва ўпка пардасига заарар етказган. Натижада, өмпиәма, пневмоторакс ва гемоторакс пайдо бўлган. Ёинки оддий тил билан айтганда, қон қуишини натижасида ичингизда йиринг йигилиб, ўпка пардаси бўшлиқларида ҳаво тўпланиб қолган. Ўпкангиз ҳозир ҳам унчалик тоза эмас. Қон олиш ёки операция қилиш лозим бўлар, бироқ булар оддий усул. Балки касалхонадан чиққанингиздан кейин бирор ерда махсус санаторийда узоқ вақт даволанаарсиз.

Лапетеус истеҳзо билан жилмайди.

— Узоқ вақт махсус санаторийда даволаниш...— деб киноя билан такрорлади.— Мен ёш бола эмасман.

Хирург хотиржам жилмайишга ўзини мажбур қилиди.

— Ҳар қалай, даволаш режимини аниқлашни биз врачларга ҳавола қилганингиз тузук.

Лапетеус тўлқинланиб кетди:

— Мен одам ўлдирдим! Ахир сиз... буни биласизми?

У гапим қандай таъсир қиласкин, деб врачни синовчан, айни вақтда айбситувчи назар билан кузатиб турди.

Врачга жабрланувчининг мияси жойида эмасдек туюлди.

— Сиз ҳеч кимни ўлдирганингиз йўқ,— деди тараддулланиб.— Бахтсиз ҳодиса — қотиллик эмас.

Лапетеус әнтикиб нафас оларди.

— Қонун олдида... мен... бир одамнинг... ўлимига... айборман,— деди у сўзларини аранг талаффуз этиб. Энди у врачга жафокаш, бахтсиз бир бемор кўринди.

— Қонун қаседдан қилинган қотиллик билан авариянинг фарқига боради,— деди врач оҳиста ётироz билдириб.— Сизга жиноятчи деб эмас, авария гуноҳкори деб қарайди.

Лапетеуснинг кўзи жавдиради. У хириллаб ҳаяжон билан:

— Мен... қотил... эмасман,— деди паст овозда.— Мен... маст эдим. Ҳеч нарсани... билмайман... Нима учун... Машинани олиб... чиқиб кетганимниям. Мен уйимга... Меҳмонга... уруш вақтида ортирган... дўст-

ларимни... чақирган эдим... Ҳалок бўлган... Виктор Хаавик... дўстим эди... Хотиним ҳам... оз бўлмаса ҳалок бўлай... деган... Бу ишлар... қандай содир... бўлдийкин? Бундай бўлишини... хоҳламаган эдим... Мен... ҳеч кимни... ўлдирганим йўқ... Сиз ҳақсиз, бу бахтсиз ҳодиса... Қонун бунинг фарқига... боради... Бориши керак.

У жимиб қолди. Кўзлари сўнгандек бўлди. У тезтез, қисқа-қисқа нафас оларди.

Бир вақт яна жоиланиб, врач томон талпинди.

— Мен... ўлмайманми?

— Ўлмайсиз. Анча йил яшайсиз,— деди хирург ишонтириб.

Лапетеус кўзини юмди. Шу аснода у мурдага ўхшаб кетди. У узоқ вақт шу алфозда ётарди. Фақат хириллаб, вишиллаб, зўриқиб ўқтин-ўқтин нафас олишигина унинг жони борлигидан далолат берарди.

— Ўртоқ доктор... Мен... жиноятчи эмасман,— деб у яна ҳаяжон билан гап бошлади.— Бу иш... қандай юз берганини... билмайман. Бахтсиз ҳодиса... мудҳиш бахтсиз ҳодиса... Мен энди ёш боламасман... Илгари мен... Кайфим борида... сира ҳам... рулга ўтирамасдим... Бу ишга... мени... нима мажбур қилганини... сира эслолмайман... Мен... масъулияти лавозимларда... ишлаб келганиман... Нима қилиш мумкину... нима қилиш... мумкин эмаслитини... яхши биламан... Мен қотил... эмасман... Йўқ, ўртоқ доктор! Мен... жаззамни едим... Шафқатсиз жазоландим...

Бир оз нафасини ростлаб олди-да, давом этди:

— Бутун ҳаётим... иш билан... ўтди. Урушда икки марта яраландим... Менга... осон бўлмаган... Ҳамиша... жон куйдириб... ишлаганман... Мана энди... аҳволимни қаранг... Илгари... қилган ишларим... ҳисобга кирмайди... Ҳаётим зое кетди... Ўртоқ доктор... Виктор... дўстим эди... Мен... қотил... эмасман... Ҳеч ким... юзимга сололмайди... Мен ҳеч кимни... сотганим йўқ... Мен фақат.... ўзимни... ўйлаганим йўқ... Мен тўғри деб топилган... талаб қилинган... ишларни... бажардим... Энди... мен... ҳеч кимга керак эмасман.

У, мен қотил эмасман, бахтсиз ҳодиса қандай содир бўлганини билмайман, маст эдим, қаттиқ жазомни тортдим, деб узоқ гапирди.

Ниҳоят, уни тинчтишига муваффақ бўлиниди.

Орадан икки кун ўтгач, ҳамшира кириб, Сонархоздан бир одам келиб албатта киришим керак, деб тиқи-линч қиляпти, деб Лапетеусга хабар қилди. Яқиндаги на Лапетеус ёнимга расмий одамлардан бошқа ҳеч кимни киритманг, деб яна шарт қўйган эди. У хирург олдида юрагида тўпланиб қолган бутун дарди ҳасратини тўкиб согландан кейин тагин одамови бўлиб қолган эди. Лапетеус яна чурқ этмай ётар, бирор нарса сўрашса иложи борича қисқа жавоб қиласр эди. Бундай бўлишига иссиги кўтарилиши сабабмиди, нафаси қисилишими ёки бошқа бирор нарсами, буни ҳеч ким билмасди. Бугун беморнинг аҳволи бирмунча яхшилиги, иситмаси сал-пал тушгани учун врачлар унинг ёнига Сонархознинг вакилини қўйишга қарор қилишди. Гарчи врачлар Сонархоз вакилининг Лапетеус билан сұхбатлашмоқчи бўлганини маъқул топиб, йўқлаб келган одамнинг расмий иш юзасидан келганини тан олишса ҳамки, бари бир ҳамшира вакилга коридорда кутиб туришни илтимос қилиб, замин ҳозирлагани палатага кириб кетди. Йўқса, Лапетеус қовун тушириб касалхона номига дод тушириши мумкин. Ахир у олихиммат, меҳрибон хотинидан ҳам бутун бир соат ичиде икки оғиз сўзини аяди-ку. Қилган иши афтини бужмайтириб, инграш бўлди. Унинг ёнида ётган беморнинг гапига қараганда, хотини йиглабди, ялиниб-ёлворибди, бироқ директор Лапетеус эса кўзини юмганча қимир этмай ётаверибди. Кейин бош врачга, оёқ-қўлимни узатиб, тинчгина ўлишга ҳам қўймайдилар, деб шикоят қилибди.

— Кўргани келган бир одамни киритсан майлими? — деб сўради ҳамшира.

— Ким экан у?

— Сонархоздан, зарур гапи бор эмиш.

— Кира қолсин.

Термометр ҳарорати пасаяётганидан далолат берса ҳамки, Лапетеус ўзини ёмон ҳис қиласр, нафаси бўғилишидан қўрқиб ҳадеб кислород сўрар эди. Айниқса кечалари власвасага тушиб, деярли соат сайин навбатчи врачни йўқлатарди. Кундуз кунлари у мудраб ётар, ҳаловатини бузгудек бўлишса, тутақиб кетар эди. Ҳозир ҳам унинг овозида зарда бор эди.

Ҳамшира чиқиб кетди. Хийла вақт ўтгач, пала-та эшиги очилди-ю, ичкарига оқ ҳалат кийган одам кирди.

У Антс Паювийдик эди.

Лапетеус унга ҳасад билан, маъюс қаради. Паювийдик қаҷондан бери Сонархозда ишлайдиган бўлиб қолди? Қандай лавозимда? Қурилиш бошқармасида ишлаётганимкин? Бўлиши мумкин эмас. Паювийдик оддий ишчи, ғишт терувчи, бошқармада инженерлар, техниклар, экономист ва шунга ўхшаш одамлар ишлади. Нима деган гап бу ўзи?

Паювийдик унинг тўшаги ёнига келди-да, каравот оёғида турган стулни яқин суриб, ўтирида Лапетеусга қўлини узатди. Лапетеус узатилган қўлни ушлади-ю, келган одамнинг қўли дағал ва қадоқ эканлигини билди.

— Салом, капитан! Дириекторлик инжиқлиги қонқонингга шунчалик сингиб кетибдик, касалхонадаим даставвал ахборот беришларини талаб қиласан. Гапнинг пўскалласини айтсан, аҳволинг жуда иочор бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Ҳа, сен бақувват одамсан, ростим.

Паювийдик ҳазил-ҳузул гаплар билан Лапетеус қолдирган кўнгилсиз таассуротни хаспўшламоқчи бўлди. Лунжи ич-ичига ботиб, ёноқлари иргиб чиқкан сриқ башарадан унга шубҳа билан боқувчи қўзлар қараб турарди. Паювийдик собиқ рота командиримнинг эти бориб устихонига ёпишиб қолгандир, ахир у озмунча қон йўқотдими, уколлару дори-дармон билан жон сақлаб тургандир-да, деб ўйлаган эди. Ҳозир у Лапетеуснинг сарғайиб кетганини ва ёстиқ устида ҳолсизланниб ётганини кўриб ажабланмади. Чунки у кўчма лазаретларда одамларнинг бир неча соат ичиде мурдага ўхшаб қолишини билар эди. Ҳафталаб ўлим билан ҳаёт орасида нари бориб-бери келишининг нималигини у бошидан кечирган эди. Паювийдикка таъсир қилган нарса Лапетеуснинг кўриниши эмасди. уни собиқ командирининг феъл-хўйи лол қолдирган эди. Нима учун у одамлардан қочади? Нега у ҳозир унга ўқрайиб қараётти? Ҳа, шундай, Паювийдикни Лапетеуснинг феъли, унинг нигохи ҳаммадан кўп ээди. Паювийдик Лапетеуснинг нигоҳида шубҳа, даттават, қайсарлик ва одамнинг газабу нафратини қўзграйдиган алланарсани кўр-

ди. Лапетеус Паювийдикнинг башарасидан кўзини узмай, унга тикилиб турди.

— Сен... нимага келдинг? — Лапетеус унга ҳамон ёв назари билан қараб турарди.

Паювийдик чор-ночор жилмайди.

— Ростини айтсам, ҳозирги пайтда сенинг ёнингга киртандан кўра, немисларнинг мудофаа чизигини ёриб ўтиш осон эди. Ҳар қадамда кўндаланг бўладиган тўсиқлардан ўтиш учун гвардиягча уддабуроиликни ишга солишга тўғри келди. Кўкрагини қалқон қилиб, йўлимни тўғсан ҳамширани инсофга келтириш учун қанчадан-қанча важ-корсон кўрсатишга тўғри келди. Шуниси қизиқки, обрўлироқ бирор идорадан эканингни рўкач қилсанг, баъзи ойимчалар ипакдек эшилишади. Совнархоз деган сўзни эшитиб унинг капалаги учиб кетди. Нафси замон, жудаям оширворганим йўқ, ахир Совнархоз соҳасида ишлайман-ку.

Лапетеус Паювийдикка ярим ёпиқ қовоқлари тагидан диққат билан тикилиб, ҳар бир сўзи орасида узоқ сукут сақлаб:

— Бу... ерга... нима... учун... келдинг?... — деди.

Паювийдик жиддий тус олиб таъна қилди:

— Борди-ю, сенинг ўрнингда мен ётганимда мени келиб кўрмасмидинг?

Лапетеус қовоғини осилтириди. Фронтчи дўстининг кўзига қарашга уялди, чунки Паювийдик касал бўлиб қолса, у кўргани келмасди. Шунда у одамлар ундан эмас, ўзи улардан тонганини тушунди. Бироқ Лапетеус буни тан олмади. Бундай холосага қарши бутун вужуди түғён урди. У ўзини жафокаш, жабрдийда сифатида тасаввур қилас, бу фикрга ўзини ишонтирап эди. У кунни тунга улаб минг машаққат билан барпо этган ишонч қалъасини барбод қилишга Паювийдикнинг нима ҳаққи бор? Агар у ўзини жабрдийда қилиб кўрсатмаса аброр бўлишини кўнгли сезарди. У шароитга мослашиб майда қўнгиз каби беҳуда кун кечирганини, ҳаётида бирон марта эзгу ният ёки хайрли иш қилмаганини, доим ўз манфаатини кўзлаб, оромини бузадиган ҳар қандай ташвишлардан ўзини четга олганини эътироф этишга юраги бетламасди. Ахир бундай ҳаёт кечиришнинг оқибати аброрлик-ку. Йўқ, йўқ, йўқ! У ҳамма вақт дўстларига ёрдам берив келди, ҳеч қачон ўз манфаатини кўзлагани йўқ. Ҳеч ким, ҳатто Паю-

вийдик ҳам унга бирор нарсада таъна қиломайди. Лапетеус хаёлида хира пашшадек айланган фикрлардан ўтакаси ёрилаёзди: борди-ю, бу нохут фикрларни калласидан қуволмаса ҳоли ҳароб бўлишини сезди.

У жон ҳолатда тимирскилаб ёстиги ёнидаги қўнгироқ тумасини қидирди.

Қўнгироқ товушини эшитиб бўсағада ҳамшира пайдо бўлди.

— Кислород! — деб талаб қилди Лапетеус хириллаб. Ҳамшира унинг бурнига имигичка найчани тиқдида, Паювийдикка кетинг, деб ишора қилди.

Паювийдик ҳамширанинг гапига парво қилмади.

— Беморни толиқтирмаслик керак, — деди ҳамшира.

Гарчи Лапетеус ҳамширани чақириб Паювийдикдан халос бўлишни ўйласа ҳамки, қўли билан у қолсин, дегандек ишора қилди.

Хийла вақтдан кейин:

— Тузукман, — деб шивирлади.

Ҳамшира чиқиб кетди.

Паювийдик ҳамма нарсага тушуниб тургандек беморга хотиржам бокарди.

Тўсатдан Лапетеус ўтироқчи бўлиб қолди. У Паювийдикка кўзини лўқ қилиб:

— Мен Хаавикни ўлдирдим, — деди.

У бош чайқади.

— Бахтсиз ҳодиса бу.

Лапетеус гўё Паювийдикдан худди шу сўзларни эшитишини олдиндан билгандек шоша-пиша:

— Ҳа, бахтсиз ҳодиса, — деди. — Мен... итдек... маст... эдим... Сен кетгач... Пидрус билан яна ичдик... У кетганидан кейин ҳам ёлғиз ўзим ичавердим... Минг лаънат... нега ичдим-а... машинада елдек учишга... мени... нима мажбур... қилдийкин... Бахтсизлик, ҳа, бахтсизлик.

У жимиб, Паювийдикка ҳадиксираб қаради.

— Борди-ю, одамнинг сендеқ абжаги чиқиб ётса, унинг бошида ҳар хил гаройиб фикрлар айлантиб юради, — деди Паювийдик. — Буни бир ўзим бешимдан кечирганиман. Мен сендан беш-олтита кўйлакни ортиқ ииртганман, ҳар турли одамларни учратганман, шу важдан мен сенга айтсам, рулга ўтиришингга фақат ичкилик сабаб бўлган эмас. Сени нимадир жонингдан

тўйдирган. Гапларимга яхшилаб қулоқ сол. Жин урсин, қўлларимни ёнимда тутганча, олдингда хода ютгандек озмунча қақчайиб турганманми?! Нима жонингдан ўтганини ҳаммадан кўра ўзинг яхши биласан.

Лапетеус жилмайишга ҳаракат қилди.

— Сен... ҳеч қачон... одоб сақлашни... билмагансан...

— Сен ҳали отдек бўлиб кетасан, капитан. Нега келдинг, деб сўраяпсанми? Шу гапларни айтгани келдим. Яна бошқа гапим ҳам бор: биз сен тўгрингда ўзинг ўйлаганчалик ёмон фикрда эмасмиз.

Лапетеус ҳамон Паювийдикка тикилиб туарди.

— Ушанда... Олдиларингга... боролмадим,— деди.— Областни тугатишиди.

— Ўтган ишга салавот. Қўлингдан нима ҳам келарди! Эндиликда анча дуруст қуряпмиз, бироқ бари бир одамнинг кўнгли тўлмайди. Ҳар бир одам моддий жиҳатдан жавобгар бўлмагунча иш юришиб кетмайди. Фишт терувчидан министргача, министрдан фишт терувчигача жавобгар бўлиши керак. Ҳўп, бу тўғрида бас қилсак ҳам бўлар. Агар қўйидан бўладиган танқидни, обрўйимни ва совет тузумини барбод қилиш, деб ҳисобламасанг, сенга бир гап айтаман. Соқчиларни йўқот! Нима учун ўртоқлардан қочасан? Ишон менга, ўзингга яхши бўлади. Мен Пидруси кўрдим. Ёнингга қўйишмабди.

Лапетеус Паювийдикнинг сўзини бўлди:

— Сизларни... йигғанимда... ҳаммангиз... тезроқ кетишининг... пайдидан бўлдингиз...

— Бир-биримиздан узоқлашиб кетгандик, капитан.

— Ҳеч биригиз... бажонудил... келганингиз йўқ,— Лапетеус йўталиб олди-да, давом этди:— Сен ҳам... Роогас ҳам... Пидрус ҳам... Бунинг... сабабини биламан... Балки... мен... сизларнинг... олдингизда... айбдордирман... Хельвининг олдида... гуноҳкорман, бу тўғри... Бошқалар олдида гуноҳим йўқ... Йўқ... Йўқ! Мен... ҳеч кимни... сотганим йўқ... Нима учун.... менга худди... моковга қарагандек... қарайсизлар?

— Сен ўзингни қўлга олишинг керак,— деди у.

— Мен мансабпаст эмасман.

— Директорлик лавозимидан мен ҳам бош тортман бўлур эдим,— деди Паювийдик жиддий оҳангда.

Палатага врач кириб, Паювийдикка беморни ортиқ

уринтирманг, деди. Лапетеус Паювийдикнинг қўлини сиқиб:

— Келганинг учун раҳмат. Элбурутдан... мени... ёмонотлиққа чиқарманглар... жонимдан эса... мени бошқалар тўйдирди,— деди.

УН ЕТТИНЧИ ВОЗ

1

Паювийдикка, областлар тугатилгани вожидаи қурилиш масалаларини чуқурроқ ўрганолмадим, деганда Лапетеус ёлғон сўзламаган эди. Паювийдик фишт терувчиларга бригадир бўлиб ишлаётган ерга у чиндан ҳам бормоқчи эди. Ҳатто Паювийдикни суриштириб, унинг разряди, ойлиги, обрўси қанақалиги билан танишиб чиққан эди... Ҳужжатлар орасида муҳр ва имзо билан тасдиқланган характеристика ҳам бор эди. Бунда Антс Паювийдик 1910 йилда туғилган, маълумоти ибтидоий, ижтимоий чиқиши ишчи, партияда йўқ, моҳир фишт терувчи ва сувоқчи, бир неча марта мукофотланган, дейилган эди. Инструктор, қурилиш бошқармасининг бошлиги ва парторг Паювийдикни одамининг мансабиу мавқеига қарамай танқид қиласеврадиган энг фаол ва талабчан одам сифатида қадрлашди, деб оғзаки равишида изоҳ берди. Лапетеус ҳеч нарсани унутмаслик учун Паювийдикнинг характеристикасига қалам билан, баъзан жуда ҳаддидан ошиб кетади, лекин кимда нуқсон йўқ, деб ёзиб қўйди. Бироқ бу далиллар унга иш бермади. Кундалик иш билан ўралашиб қолди, ниҳоят, қўли бўшаб, ниятини амалга ошироқчи бўлганида областларни тугатиб юборишиди.

Областларнинг тугатилиши Лапетеусга жуда оғир ботди. Гарчи бундан хавфисраса ҳамки,— Сталиннинг ўлимидан кейин давлат аппарати анчагина қайта тузилган эди,— ҳамма нарса илгаригисича қолишини умид қилган эди. Туманли ва рутубатли апрель кунларидан бирида раис эрта билан областларнинг тугатилиши тўғрисидаги қарор Москвада тасдиқланганини хабар қилганда Лапетеус қаттиқ хафа бўлди. Аллаким қасдан унга жабр қилгандек туюлди. Ичида: «Бўлмаган гап», деб ўйласа ҳам овозини чиқариб:

— Жуда тўғри қилишибди,— деб маъқуллади.

Раис унга ўқрайиб қаради-ю, индамади.

Лапетеус сўзида давом этди:

— Ростимни айтсам, Эстонияда областлар ташкил этишгани менга бултурроқ ғалати кўринган эди. Ахир бизнинг республикамиз кичик-ку. Россия Федерацияси областларининг аксарияти аҳолиси ва територияси жиҳатидан Эстониядан катта. Бироқ бизда областлар ижобий роль ўйнаганидан кўз юмолмайман.

Тили шундай деса ҳам ичини ит тирнарди.

Лапетеус раиснинг кабинетидан ҳаяжонланиб чиқди.

Эрталаб идорага келганда қўли ишга бормади. Бўлим мудири вазифасини бажариб турган ҳодим кечқурун соат саккиз яримда, раис Лапетеусдан Локсаск райони бўйича маълумот сўраган вақтдан ўн минут олдин кетиб қолгани учун уни хўш койиди. Маълумот эса мудирнинг столи устида тайёр турган ёкан. Сўнг Лапетеус пешиндан кейин раиснинг олдида муҳожама қилинishi лозим бўлган қарор лойиҳасини кўздан кеира бошлади.

Лапетеус область саноат ривожланишининг истиқболлари тўғрисида Хаавик билан биргаликда мақола ёзмоқчи эди. У фактларни берар, Хаавик эса буларга жон киритиб қоғозга туширасди. Мақола Лапетеуснинг фамилияси билан чиқар, гонорарни эса ўртада «арра» қилишар эди. Хаавик мақолани ҳаш-шаш дегунча ёзib ташлар, тўғридаи-тўғри машинкада босаверар эди. У танқид қилишни биларди, лозим бўлса ўзиниям аяб ўтирмаи танқид қиласверарди. Хаавик деярли ўйламасди, жумлалар ўз-ўзидан қўйилиб келаверарди, унинг мақолалари равон ўқиларди. Мақолани Хаавик ёзарди-ю, мақтовини Лапетеус эштирарди. У ҳатто мақолалар тўпламини чиқаришни ҳам ўйлаб қўйган эди. Қалин муқовали бўлмаса ҳам, ҳар қалай, брошюра қилиб чиқарса бўлар.

Эрталаб ҳамма нарса одатдагича эди.

Кабинет яхши шамоллатилган, озода эди. Лапетеус ҳар вақтдагидек қаламларнинг учи очилган-очилмаганини, календарь вараги йирилган-йирилмаганини текшириарди. Ҳамма иши ўзи талаб қилгандек бажо келтирилган эди.

Шу субҳидамда унинг келажак тўғрисидаги режа-

лари ҳам аниқ ва равшташ эди. Лапетеус, бир-икки йил ичida областда итилаб тураману, кейин йўлимни топиб кетаман, деган фикрга кўнишиб қолган эди... Бироқ, очгини айтганда, кейин нима бўлишини аниқ кўз сўдига келтиролмасди. Аммо унда ўзига ишонч шайдо бўлган эди. Ўрмон хўжалиги министрлигига, область ижроия комитетида ишни дурустгина эплади. Шунга қиёс қилганда каттароқ вазифаларни адо этиши ҳам унинг қўлидан келади. Эртами-кеч бундай имконият туғилишига ишонарди. Уни юқори доираларда ҳам ташиб қолишади ҳали. Мансабпастлар сабр-тоқат деган нарсани билишмайди, улар тирсакларини ишга солиб, олдинга интилишади, лаганбардорлик қилишади, гап пойлашади, қўлларидан келган хизматни аятшмайди, товоң ялаб, мунофиқларча яшашади, ишчан одам эса ҳамма нарсага ўз меҳнати билан эришади.

Лапетеус ўзини ишчан одам деб ҳисобларди. У саранжом-саришта, кун тартибига қаттиқ риоя қиладиган одам эди, ён дафтарининг шарофати билан камдан-кам нарсани эсидан чиқарарди. У узоқ чўзиладиган мажлисларда чидам билан ўтирас, уларда тобора чечанроқ нутқ сўзлар эди. Ишга кўпчиликдан олдин келар, кечқурун эса ҳаммадан кейин кетар эди. Итоатидаги бошқарма ва бўлимларнинг ходимлари унинг талабчанлитигидан додга келган эди, бироқ Лапетеус буни билса ҳамки, иш услубини ўзгартирмасди.

Ҳақиқий совет маъмурий ходими әканлигига энди Лапетеус заррача шубҳа қилмай қўйган эди. Ҳақиқий маъмурий ходим кент маълумотли, энг муҳим нарсаларни тез илраб оладиган, ҳозирги кунги сиёсатнинг моҳиятини тушунадиган салоҳиятли одам бўлиши кепрак. Лапетеус ўзида шу фазилатларнинг ҳаммаси музжассам деб биларди. Ўтган ишларни эслаганда баъзан Паювийдик ва Пидрус билан тортишиб қолганда уларни мот қилганини ўйлаб ўзига-ўзи қойил қоларди. Область ижроия комитети унинг назаридага гўё истебоди ва қобилиятини ҳар томонлама ўстириш мумкин бўлган жой туюларди.

Бироқ энди ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетди.

Андрес Лапетеус энди нима бўлишини ўйлаб столи ёнида қоғоз титиб ўтиради. Бу қоғозларни унинг фикрини билиш, келишиб олиш ёки ахборот учун унга

келтириб беришган эди. Областнинг раҳбар кадрлари, жумладан, унинг ўзи энди нима қиласди?

Таъби хира бўлди.

Редакцияга телефон қилиб, Хаавикка мақола ёзишдан айнаганини айтмоқчи бўлди, бироқ ўзини ким деб атасини билмай тараддуға тушиб қолди. У телефонда: «Лапетеус гапирияти, область ижроия комитетидан», деб сўзлашга ўрганиб қолган эди. Бироқ бу сафар бундай дейишга тили бормади. У жўнгина қилиб Хаавикки телефонга чақирди-да, гапни чўзиб ўтирумай, областлар тугатилиши муносабати билан мақола ёзмаслигини айтди.

Ўйга келиб, Реэт ҳамма нарсадан хабардор эканлигини билди.

— Юрвенинг олдига бор,— деди у маслаҳат бериб.

— Нима қиласман унинг олдиди?

— Ундан обрўлироқ бошқа танишинг йўқ-ку,— деди Реэт кесатиб.— Гапимга кирмадинг. Шундай уйимиздан ошна-оғайнин ортириш учун фойдаланимдинг.

У ҳақ эди. Лапетеуснинг ошна-оғайнин ортиришга, таниш одамларнинг илтифотидан фойдаланишга уқуви йўқ эди. У одамлар билан эл бўлиб кетолмас, дўстлашмоқчи бўлгандардан ҳадиксирар, гўё атрофини девор билан ўраб олган эди. Бироқ Реэт фақат шунигина кўзда тутмаган эди. Лапетеус у дастлабки жанжалларини унумтаганини фаҳмлади. Ўша жанжални уни ўзи ҳам эслар, Реэт алдагани важидан буни сира унотолмас эди. Шу-шу Лапетеус хотинидан даргазаб эди. Хуллас; уларнинг тез орада бир-бирларидан кўнгиллари қолган эди. Арзимаган нарсагаям уришиб қолишарди. Ҳозир ҳам улар бир-бирларига таъна тошлири отдилар.

Реэт ўринда яна гап очди, бироқ бу сафар анча илиқ, меҳр билан гапирди.

— Энди нима қиласмишсан?

Лапетеус дилидагини очиқ айтмади. Мужмал қилиб, ишсиз қўйишмас, деб гудранди.

— Сенинг қўлингдан катта ишлар келади,— деди Реэт уни ишонтириб.— Сен зўрсан. Биздан кетганингга садамлар хафа. Сен майда иш билан кифояланниб қолмаслигинг керак. Ишончим комил, сени Марказий Комитетда ёки бирон-бир бошқа ерда эслашади. Бироқ бошқаларга умид боғлаш керакмас.

Тумбочка устида будильник чиқилларди, Реэтдан ландиши совунининг ҳиди анқирди. Ҳовлида бўрибосар юз эринчоқлик билан вовулларди. Лапетеус хотинининг сўзини бўлмади.

— Мен биламан, сиз партиялиларни зўрлаб бирор ишга қўймайдилар. Сен баъзан ҳаддан ташқари... интизомли бўлиб кетасан. Албатта, сизга ўхшаш одамлар Биринчи ўринга партия ва давлат манфаатини қўйишиди, бироқ одам ўз майли билан қобилиятини ҳам ўзтиборга олиши лозим. Сенга ҳар томонлама мустақил иш бўлса дуруст бўларди. Бизда сен қанчадан-қанчача одамларни ишга солиб, министрликни тебратиб турдинг, бироқ орденни министр олди. Имоним комил, ҳозирги бошлигинг ҳам сенинг хизматларингни ўзиники қилиб олади.

Реэт бу гапларни мулојимгина, кўнглидан чиқариб гапирди.

Лапетеуснинг хаёлига ҳар хил фикрлар келди. Областни жуда эрта тугатишиди. Ҳа, ниҳоятда эрта тугатиб юборишиди. Министрнинг кўкрагига Меҳнат Қизил Байроқ ордени осиб қўйишиди, унга эса фахрий ёрлиқ тутқазишиди... Баъзан Реэт хўпам ёқимтой бўлиб кетади-да... Албатта, одам ўз обрўсини сақлаши керак. Агар раис эртага областнинг раҳбар кадрларидан қандай ишларда фойдаланиш тўғрисида гап очмаса, Марказий Комитетга боради, Юрвен билан гаплашса ҳам бўлади... Реэт ишнинг кўзини билади... Ўзининг хоҳишига қарши бирор ерга ишга тайинлашларига йўл қўймаслик керак. Демобилизация вақтида аҳвол бошқача эди. У пайтда унинг иш соҳаси аниқ эмасди... Мустақил иш бўлмайди...

Реэт шивирлади:

— Менинг метин эрим.

— Менинчча областларнинг тугатилиши бежиз эмас,— деди Лапетеус.— Бутун ҳокимиятни сиёсий бюронинг чиниқсан кекса аъзолари қўлига топширишмоқчи. Марказлаштириш яна кучайса керак. Чамаси, шу важдан областларни тугатишаётган. Ҳозир бутун ҳокимият ягона қўлга ўтиши керак.

Реэт эрига маҳлиё бўлиб қаради ва:

— Менинг метиндек мустаҳкам эрим,— деб такорлади.

Лапетеус хотинининг елкасини силаб, ярим ҳазил-ярим чин қилиб:

- Мени ким бўлишимни хоҳлайсан? — деб сўради.
- Катта, катта, катта одам бўлишингни.

Реэт ҳам ярим ҳазил қилиб жавоб берди. Лапетеус хотини уни ҳозиргидан бутунлай бошқача бўлишини орзу қилаётганини билди.

Эртасига Лапетеус Юрвеннинг ҳузурига борди, инднинг Марказий Комитетда бўлди.

- Уни промкомбинат директори қилиб тайинлашди.
- Лапетеус, менга ноинсофлик қилишди, деб ўйлади.

2

Лапетеус директорлик лавозимида ишлар экан, мақолалар ҳам чиқариб турди. У илгаригидек фактга асосланган материалларни топиб берар, Хаавик эса ёзар эди. Ҳамон мақола Лапетеуснинг номи билан чиқар, гонорарни эса «арра» қилишар эди. Бироқ мақолани унга тобора камроқ буюрадиган бўлиши. Газета ҳадеб бир комбинатнинг иши тўғрисида ёзвермаслигини тушуниб, иқтисодий мавзуда умумлаштирувчи мақолалар уюштира бошлади. Бироқ Хаавик бундай мақолани илгаригидек осонгина, равон қилиб ёзолмагани учун бу ишдан бўйин товларди. У ўзини оқлаб: «Мен публицистман, экономист эмасман», дерди. Лапетеус ёзишга ўзи уриниб кўрди-ю, бироқ энолмади. Мақолалини хом, дағал чиқар, уни ёзишга эса жуда кўп вақти кетар эди. Охири у тақдирга тан бериб, бу ишни йигиштириб қўйди.

Шаҳар совети депутатлигига сайлангач, Лапетеуснинг анча кўнгли кўтарилди. Илгор корхона раҳбари бўлгани учун кўпинча ҳар хил активлар ва конференцияларда президиумда ўтиради, бу унга айниқса хуш ёқарди.

Лапетеус активда бор эди. Бироқ қалбини алланарса тирнарди. Бундан ортиқ парвоз қилолмаслигига йилдан-йилга тобора кўпроқ ишонарди. «Парвоз» деган сўз Виктордан чиққан эди, бироқ уни Реэтдан эшитганда Лапетеус жуда ажабланди. Навбатдаги тижилашлардан бирида у:

- Сен министрликка ярамасдинг ҳам, — деб таъна қилди.— Сенинг парвозинг паст.— Бу гапдан Лапетеус

ҳанг-манг бўлиб, лом-мим деёлмай қолди, шу билан хотини устун келди.

У директорлик лавозимига аста-секин кўниди. Комбинат планини бажаарди. Лапетеус мажлисларда фабрикаси ва цехларининг янги техникини ўзлаштириш тажрибаси ҳақида, илгорлар тажрибасини ёйиш ва таннархни пасайтириш тўғрисида гапиради. У кабинетда ўтириб раҳбарлик қиласидан бошлиқларга ўхшамас, цех ва бўлимларга тез-тез бориб турар, илгаригидек талабчан эди. Борди-ю, кун тартибида бирор янги масала, хозрасчёти, маҳсулотнинг сифатини ошириши, ассортиментини кўпайтириши, эски маҳсулотдан янги, ҳозирги замон маҳсулотига кўчишми пайдо бўлса, Лапетеус ҳамма вақт замон билан одим ташлашга ҳаракат қиласи, бирор ишни амалга оширса, дарров Хаавикни чақириар, шундан кейин биргалашив мақола ёзишар, мақолалар: «Ишлаб чиқариш командирларининг тажрибаси», «Хўжалик ходимининг мулоҳазалари» ёки «Илгорлар тажрибасидан ҳамма баҳраманд бўлсин» деган рубрика остида босилиб чиқар эди. Эрини шаҳар советига депутатликка сайланганидан Реэт курсанд бўлди. Бироқ, ҳар қалай, унинг кўнгли тўлгани йўқ. Агар уни Республика Олий Советига депутат қилиб сайлашганда унинг боши кўкка етган бўларди. Лапетеуснинг назарида шундай эди. Реэт мени бошқача кўришни хоҳлайди, деган фикр энди бутунлай тасдиқланди. Хотини энди уни метин одам деб атамас, уйимиздан ошна-оғайнин ортириш учун фойдаланеанг-чи, деб тиқилинч ҳам қилмас эди. Унинг ўзи тез-тез меҳмон чақириар, уларнинг орасида деярли ҳар сафар доцент Мурук билан профессор Саммасельғ бўларди.

Гарчи Лапетеуснинг улфатларга тоқати бўлмаса ҳамки, ҳамма қатори стол ёнига ўтиради. Ичib олгач, тажанг бўлиб кетарди.

Реэтнинг қистови билан улар аввал «Победа», кейин «Волга» машинаси олдилар. «Волга»ни у резерв фондидан олди, Реэт буни эшитиб, яна унга илтифот кўрсата бошлади.

Лапетеус ёлғизлигини тобора кўпроқ ҳис қиласиди. Кутимаганда дардлашадиган битта ҳам сирдош дўсти йўқлигини билиб қолди. Хотинига сир айтмас, Виктор

билин эса оралари бузилиб қолган эди. Танишлари се-
роб бўлса ҳам яқин одами йўқ эди.

Бундай вақтларда у: «Инжиқлик бу», деб ўзини юпатарди. Лапетеус нохуш фикрларни хаёлидан қу-
вишга одатланиб қолган эди. Ҳозир ҳам шундай қил-
ди. Бироқ бу ундан борган сари кўпроқ куч талаб қила
бошлади.

3

Бир мажлисда Лапетеус кутилмаганда Пидрус билан ёнма-ён ўтириб қолди. У кечикироқ келгани учун дуч келган бўш стулга чўккан эди. Чамаси, бундан бошقا бўш стул йўқ эди. Ҳатто концерт залининг бал-конларигача одамларга лиқ тўлган эди. Ўнг томонида Пидрус ўтирганини аввалига Лапетеус билмади. Унинг бутун диққат-эътибори президиумга қаратилган эди. Устига яшил мато ёпилган узун стол ортида ҳаммага таниш одамлар ўтиришарди. Мени президиумга сай-
лашганмикин, йўқми, деган фикр Лапетеусни изтиробга солар эди. Кечиккани учун ўзини хўп койиди. Манави бемаъни ишни қаранг, уни президиумга сай-
лашгану, у бўлса охирги қаторда қақчайиб ўтирибди.
Нима деб ўйлашади энди?

Съездлар, конференциялар, активлар мажлиси очи-
лаётганда Лапетеус мени сайлашадими, йўқми, деб ҳар сафар ташвишга тушарди. Район конференцияларида у ҳамма вақт президиумда ўтиради. Шаҳардаги маж-
лисларда президиумга таклиф этилганлар орасида ўз фамилиясини кам бўлса-да, ҳар қалай, эшишиб турарди. Республика миёсидаги йигинларда ҳам у прези-
диумга сайланган. Энг охирги икки йигинда ҳам у президиумда ўтириди. Бугун сайлашган-сайлашмаганини Лапетеус билмас, шунинг учун безовта бўлар эди. Ахир ёнида ўтирган одамдан, барака топкур, мени президиумга сайлашадими, йўқми, шуни айтиб беринг. деса уят бўлади-ку. Буни энг яқин таниш ва Виктор сингари дўстдан ҳам сўраб бўлмайди. Виктор ҳозир ўрнидан туриб ён дафтарини ушлаганча шошилиб аллақаёқка кетди. Хаавик бир жойда ҳеч тинч ўтирмайди, дам-бадам саҳна олдида кўриниб қолади, танаффусда коридорларда изғиб юради, президиум дам сладиган хоналарга кириб чиқади, буфетда ўрали-
шади.

Ҳани энди бирор маънили одам кёлса-да, нима қи-
либ бу ерда ялпайиб ўтирибсан, президиумга чиқ, де-
са. Шунда ҳамма нарса очиқ-ойдин бўларди-қоларди.
Ҳозир-чи... Шундаям расво иш бўладими?!

Нима қилса экан?

Лапетеус англаб қараб, нотиқнинг гапини диққат билан тинглаб ўтирган Пидруснинг ёнида ўтирганини билди.

У жуда қариб қолибди. Оғзининг бурчакларида ажинлар пайдо бўлибди. Буни Лапетеус бир қараашдаеқ кўрди.

Пидрусни дарров кўрмаганидан у хижолат бўлди. Бироқ у ёқ-бу ёқса қарашга ҳам улгургани йўқ-ку. Пидрус уни кўрганмикин? Албатта, кўрган. Миясига Пидрус партияда тикланган бўлса керак, деган фикр келди. Ҳозир қаерда ишлаётганикин? Уни каттароқ ишга қўйишмаган, бўлмаса эшитарди.

Лапетеус хийла вақт нотиқнинг ғалига қулоқ солди-да, кейин аллақандай қарорга келиб, Пидрусга қўл узатди ва:

— Салом,— деди.

— Салом.

Лапетеус унинг қўлини маҳкам сикди. Пидрус ҳам Лапетеуснинг қўлини қаттиқ қисди. Улар бир-бирла-
рига қараб кулиб қўйдилар-да, баб-баравар яна нотиқ-
қа тикилдилар.

Ҳамма иш табиий чиққанидан Лапетеус хурсанд бўлди. Ўнғайизлиги йўқолди. Бироқ президиумга сай-
лашдими, йўқми, деган фикр уни ҳамон безовта қиласарди. Рост, у докладчининг сўзларини диққат билан эшидти, лекин шунингдек, бу гал мени унтишдими,
йўқми, деб буни билишга ҳаракат қилди.

Лапетеус танаффус вақтида кўнглини ғаш қилган саволга жавоб топиши ниятида одамлар билан сұхбатлашиб ҳам кўрди. Бироқ мажлис бошланиб қолди-ю, ҳеч нарсани билолмай чор-ночор залга қайтди. Энди бошқа жойга ўтирса ҳам бўларди, докладдан кейин кўпгина одам кетиб қолган, олдинда жой бўшаган эди. Лапетеус президиумга сайлашмаган вақтларида доим биринчи қаторда ўтиради. Бироқ Пидрусни ташлаб кетишишга уялди.

У яна Пидруснинг ёнига келиб ўтириди-да:

— Кечикиб қолдим. Комбинатга текшириш бригадаси юлган, тиним йўқ,— деди.

Пидрус нима деркин, деб кутиб турди. Узоқ танаффусдан кейин республика активида биринчи марта қатнашаётгани учун у президиумга сийланган одамларнинг фамилияларини диққат билан тинглаган бўлса керак. Башарти Лапетеуснинг ҳам номи чиққан бўлса, Пидрус эшитгандир.

— Мен ҳам оз бўлмаса кечикиб қолай дедим,— деди Пидрус,— педсовет чўзилиб кетди.

Шунда Лапетеус яна унинг қўйнига қўл солиб кўрди.

— Президиумда ўтирганларнинг ҳамма таниш одамлар.

— Шартия активи жуда ўзгариб кетибди,— деди Пидрус.— Президиум орқасида ўтирганлар ҳам.

Бу сафар уни президиумга сийлашмаганини Лапетеус фаҳмлади. Йўқса, Пидрус айтган бўларди.

Одамлар чиқиб гапира бошлиши.

Лапетеус ахир ҳар бир одамни президиумга сийлавериш ҳам тўғри эмас-да, деб ўзига тасалли берди. Ахир у президиумдан ўрин олиши шарт бўлган каттароқ лавозимда ишламайди-ку. Шундай бўлса ҳам бозиҳа директорларга қараганда уни кўпрақ президиумга сийлашади. Очигини айтганда, бунинг ҳеч аҳамияти йўқ. Энг муҳими шуки, шу пайтга довур у ўзишини эплаб келяпти.

Пидрус унга алланарса деган эди, у гарчи эшитмаса ҳам, бош иргаб маъқуллади. Балки Пидрус бирор мактабда ишласа керак-да, деб ўйлади. Педсовет мактабда бўллади, институтларда олимлар совети ўтказишади. Шўйинча директорларга қилиб тайинлашганимикин? Шундай бўлса керак, йўқса республика активига оддий ўқитувчиларни чақиришмайди. Ўқув юртлари директорларидан ҳам энг машҳурларни чақиришади.

Хельви нима иш қилаётганим? Ҳали ҳам тўқи-мачалик фабрикасида шарторгмижин?

Юрвенга сўз бериши.

Юрвен ҳам президиумда ўтирамаганини кўриб Лапетеус ҳайрон бўлди. У ўнинчими, ўн биринчи қаторданни чиқди-да, тез-тез юриб саҳна томон ўтди. Лапетеус унинг Пидрусга қаҳру газаб билан ҳамла қилганини

эслади. У Пидрус ҳайдаб чиқарилган активни ҳам эсига олди.

Лапетеуснинг кўнгли бузилди.

Юрвен аввал партия пропагандасида шахсга сигиниши давридан бери давом этиб келаётган доктризм борлигини гапирди. Йигирманчи съездни тарихий ва ўта муҳим деб атади, сўнг уларнинг партия ташкилоти съезд қарорларини бажариш учун нималар қилаётганини сўзлади.

Юрвен сўзини тугатгач, Лапетеус Пидрусга:

— Йигирманчи съезд ҳақиқатан ҳам тарихий съезд бўлди,— деди. Пидрус унга жавобан:

— Бу гапни айтиётган кўпигина одамлар ҳақиқатда йигирманчи съезднинг маъносини ва руҳини учалик тушунмайди,— деди.

Лапетеус бу гапни Пидрус Юрвенгагина эмас, унга ҳам тегизиб айтиганини фаҳмласа-да:

— Жуда тўғри,— деб тасдиқлади.

Кейин, Пидрус менинг тўғримда ёмон фикрга бориши мумкин эмас, деган гапни кўнглидан ўтказди. Бирдан Пидрус, менга яхшироқ тушунса жуда соз бўларди, деб ўйлаб қолди.

Мажлисдан кейин у Пидрусни уйига таклиф қилди.

4

— Дарвоқе, шу нарса яхши эсимдаки, Юрвен мени чақиририб сен билан Хельви тўғрисида қандайдир маълумот сўраган эди.

Бу гапни у уйда айтди. Реэт стол тузаб, ўзи юқорига чиқиб кетди. У меҳмон бўлиб келган дугонасига қараши керак эди. Унинг уйидан меҳмон узилмасди.

— Юрвен мендан, Пидрус билан Хельванинг муносабати қанақа, деб суроштирган эди. Кулгили гап-а, тўғрими? Мен унга Хельви билан уруш вақтида алоқчапоқ эдик, шунинг учун у тўғрида ҳеч нарса демайман, дедим. У тушуниши лозим эди, бироқ доктризмсида одамларни кўрмайдиган бу қовоқкалла ҳеч нарсани тушунмади. Бу борада сен ҳақсан. Айтгандек, ҳозир у ўзгариб кетди.

— Ҳаммамиз ҳам ўзгардик,— деб гап қистириди Пидрус.

Бу гап Лапетеусга маъқул тушди.

— Ижозат эт, ўшанда нима бўлганини охиригача

сўзлаб берай. У мендан сизнинг орангиздаги муносабатни суриштирганда, мен улар бир-бирларини танийдилар, дедим.

— Бундан бошқа нима ҳам дер эдинг?

— Гапинг тўғри. Бироқ энг муҳими энди келади. Қани, бир рюмкадан ичib олайлик, кейин гапириб бераман.

Лапетеуснинг вақти чоғ бўлиб жонланиб кетди. Пидрус одамови ва серзарда бўлиб қолган бўлса керак, деган гумони бекор чиқди. У ўзини ҳар вақтдагидек тутди. Ҳали-ҳали ўшандай шартаки, киноячи, сал-пал кеккайтан. Таранг қилиб ўтирмаи ароқни ҳам ичаверади.

— Манови илонбалиқдан еб кўр,— деди Лапетеус унинг олдига балиқ солинган идишни суриб.— Ўзим тутиб дудлаганман. Менда икки юзта қармоқли тўр бор. Бу унчалик кўп эмас, лекин ортиғига ҳафсалам йўқ. Қармоқларга хўрак илишнинг ўзига ярим кун вақт кетади. Бироқ дудлайдиган жой жуда яхши. Ольха ўтинини ёқаман, ажойиб ранг беради у. Еб кўр, юмшоқ, мазали... Қаерда тўхтаган эдим? Ҳа, эсимга тушди. Юрвен менга нигоҳини тикандек қадаб,— сезганимидинг, қирғийникидек ўткир кўзлари болалар-никидек тўмтоқ даҳанига мос тушмасди,— турди-турди-да, маъноли қилиб: «Сиз Пидрус ўртоқ Каартнага партияга киришига тавсия берганини биласизми?»— деб сўраб қолди. Айнан шундай деди.

Пидрус дўстона қизиқиши билан қулоқ солаётганини кўрган Лапетеус руҳланиб кетди.

— Унга, Пидрус менга ҳам тавсия берган, дедим.

Лапетеус хахолаб кулди. У, Пидрус ҳам кулар, деб ўйлаган эди, бироқ унинг жиддий тортганини кўриб тилини тишлаб қолди.

— Бу гапларни нима учун менга гапирияпсан?

Пидруснинг саволидан Лапетеус сувга тушган нондек бўшашиб қолди. Гўштга вилка санчди-да, бир тишлам узиб олиб, оғзига тиқди.

— Шундай, ўзим. Эсимга тушиб қолди. У вақтда жуда кўп бемаъни ишлар қилинган эди.

— Ким қилган эди бу бемаъни ишларни? Ўзимиз. Гап очишига очдингми, энди шуни ҳам айт. Отамни нима учун отишмагани тўгрисидаги шубҳани Юрвен сен билан ўртоқлашганими, йўқми?

— Ўртоқлашган эди,— деб тасдиқлади Лапетеус қизишиб.— Бироқ бу гапни у эллигинчи йилда эмас, ундан анча олдин айтган эди. Йўқ, адашяпман. Буни, ҳар қалай, эллигинчи йилнинг бошида ёки қирқ тўқизинчи йилнинг охирида айтган эди. Ҳа, тахминан ўшандада айтган. Унинг саволига қисқа қилиб, менинг ота-онамни ҳам ўлдиришмаган, дегандим.

Бу сафар Пидрус хаҳолаб кулиб юборди.

— Сенга қойилман. Мени у мот қилган эди, калламга бундоқ маънилироқ биронта ҳам гап келмовди.

— Ҳа, мен шундай дедим. Баъзан ақлим равшан ишлайди. Ол, балиқдан еб ўтири. Уч кун олдин дудланган эдим. Бу хусусда омадим бор. Бултур Реэт олти килосини сиркалаган эди. Илонбалиқдан ўтадиган зақуска йўқ оламда. Лосось ҳам дуруст. Лососни ўзим тутмайман. Уни хотиним қирғоқдан олиб келади. Айниқса унинг дудланган яхнасини яхши кўраман. Юмшоқ, оғзингта солсанг эриб кетади. Афсуски, олдингга қўёлмайман, ҳозир уйда йўқ. Бошқа вақтда яна келганинга тотиб кўрасан.

Пидрус талинкасига яна балиқ солди. Лапетеус яна лайраб кетди. Рюмкасини тўлдириб, салатга қўл чўзди.

— Мен сендан кўпдан бери бир нарсани сўрамоқчи бўламан,— деди Пидрус меҳмондўст мезбонга.— Мени ҳайдаб чиқаришган мажлисда сен ҳақиқатан ҳам бошлиғингни қидириб юрганимидинг?

Бундай саволни Лапетеус кутмаган эди. Шунинг учун ҳанг-манг бўлиб қолди. Ҳозир тилга олинган мажлисни у жуда яхши эсларди. Бугун ҳам Юрвен сўзга чиққанда ўша мажлисни эслаган эди. Лапетеус ҳозир ўшандада Пидрус унга ишонмаганини билди. Лапетеус шуни сездики, агар ўшандада Пидруснинг ўрнида у бўлса-ю, унга ҳамла қилишса, Пидрус ташлаб кетмасди.

Яна кайфи бузилди. Меҳмоннинг ёнига қараб:

— Ҳа, министр мендан якун талаб қилган эди,— деб фудранди.— Ҳозир нима иш қиляпсан?

— Болаларга математикадан дарс беряпман. Бошимга тушган кулфат қайтага менга баҳт келтирди. Юрвенинг шарофати билан ниҳоят орзу қилган ҳақиқий ўрнимни топдим.

Лапетеус Пидруснинг сўнгги гапида умидсизлик оҳангини сезгандек бўлди. Албатта-да, Пидрусдек одам ҳозирги аҳволига тоқат қилолмайди. Нега уни кўта-

ришмайды? Илгари урилиб-сурилган одамлардан бир қамчасини күтаришди-ку. Чамаси, Пидруста ҳам бирор жойни мұлжаллаб қўйган бўлишеа керак. Бўлмаса уни активга қўйишармиди.

— Баъзан мен, бир вақтлар биз ўлгудек калтабин ва бефаросат эканмиз, деб ўйлаб қоламан,— деди Лапетеус.— Мен бошқалар тўғрисида эмас, ўзим тўғримда гапирияпман. Ҳатто ишкоҳ узуги тақишига ҳам журъат этмасдим! Сенга очигини айтсан, уйда тақардиму, ишга жетаётгандага ечиб қўярдим. Гирт аҳмоқлик-ку бу, тўғрими? Ҳозир,— Лапетеус бармогини кўтарди,— буни тамомила табий деб билишади.

— Гап узундамас.

— Тўғри, ҳақ гап.

— Мен узукни ҳозир ҳам тақмайман. Хоҳлаган одамлар тақаверсин. Узук масаласи ҳеч гапмас. Асосий масала шуки, биз ўз калламиз билан иш кўришига кўнинкишини истамаймиз.

Пидрус кетгач, Лапетеус узоқ вақт у ёқ-бу ёққа бориб келиб турди. Учрашувлари совуқ ўтганини сезди. Ҳар хил ғалвали фикрларни бошидан қувиш учун китоб ўқишига тутинди. Бироқ китоб уни қизиқтирамиди.

Менга олайиб қарашга Пидруснинг нима ҳаққи бор? «Бу гапларни нима учун менга гапирияпсан?»— дейди-я. Ахир у сира ҳам ёлғон сўзлагани йўқ-ку. Юрвендан ҳамма зириллайдиган бир вақтда унга, Пидрус менга ҳам партияга киришига тавсия берган, деб айтмадими? Ота-онамни ҳам немислар отмаган, деб айтган-ку. Бу гапларни у, Пидрус мени тўғри тушунсин, деб айтди-ку. «Унга ёрдам бериш қўлимидан келмаслигини тушунса эди. Область ижроия комитетида қўлим ҳеч қаёққа етмасди. Боз устига мактаб ишлари билан шуғулланмасдим-ку. Менга саноат қарапди».

Лапетеус гарчи ўзини оқласа ҳамки, барис бир вақти хуш бўлмади. Юқоридаи Реёт билан меҳмонларининг овози эшитилди. Чамаси, эшник қия очилиб қолган эди. Таъби бутунлай тириқ бўлди.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

1

Лапетеус майор Роогасни кутмоқда эди. У Роогасга телефон қилиб, уни касалхонага чақиришларини илтимос қилганди.

210

Мана, бешинчи кундирки, Лапетеуснинг иссиғи тушган. Врачлар қўрқинчли дамлар ортда қолди, бу ёғига яхши бўлиб кетади, деб ишонч билдиришарди. Бироқ ўқтин-ўқтин у кислород этишмаслигидан ва йўтал тутишидан қийналар, шундай вақтларда ҳаллослаб ўзини ёстиққа ташлар эди. Уриннинг бош томони ба-ланд қилиб қўйилганидан, у ярим ётса ҳам, ярим ўтира-са ҳам бўларди. Бу унинг учун бирмунча қулай эди.

Мабодо Лапетеус юра олганда хотини билан телефонда гаплашган бўларди. Унинг гайрат-шилоати жўн урар, кутишига сабри чидамас эди. Бироқ оёқлари гавдасини кўтара олмас, шунинг учун врачлар вақтидан олдин туришига ружсат этишмас эди.

Келажакдаги тақдирига Лапетеус бефарқ қарамасди. У кун сайин ўтмиши тўғрисида камроқ, келажаги тўғрисида кўпроқ ўйларди. Уни уч нарса ташвишига соларди. У қамашларидан, партиядан ўчиришларидан, ниҳоят, раҳбар кадрлар рўйхатидан чиқариб ташлашларидан қўрқарди. Лапетеус ҳозир ишдан бўшатитиларини сўраб ариза ёзганига пуштаймон қилди. Бу иши билан у гўё айбини бўйнига олгандай бўлди. Албатта, у айборд. Лекин айби шуки, мастилигида машита мизаб, авария қилган.

Эндиликда Лапетеус ҳамма нарсани ипидан ижтасидача хотиржам ва пухта ўйлаб хулоса чиқарарди. Фақат Хаавикнинг ўлимини эсламасди. Бу тўғрида ўйла-гандага ҳар сафар гўё аллаким омбур билан қисгандек юрак-багри эзилиб кетарди. Айни вақтда у ўзини ҳам айбдор, ҳам айблөвчи, ҳам қотил, ҳам жабрдийда ҳис қиларди. Баъзан юрагини ўртайдиган ачиниш ҳислари ўринини шу заҳоти ҳатто бадхоҳликкача етиб борадиган ўзини оқлаш туйтуси эталлаб оларди. Йўқ, гарчи Виктор тузини ичиб тузлигига тупурса ҳамки, унга ўлимни разво кўрмасди. Гоҳо кўзи олдилла Хаавикнинг қўр-қувдан ола-кула бўлиб кетган кўзлари, қийшайган оғзи, даҳшатдан бужмайган башараси намоён бўларди. Бундай вақтда у ўзини оқлашга ҳеч қандай баҳона то-полмасди...

Кечга яқин майор Роогас келди. У формада эди, ел-касига оқ ҳалат ташлаб олганидан, ҳарбий врача ўхшаб кетарди.

— Келганинг учун... раҳмат,— деди Лапетеус унга қоқ суюк, ҳали ҳам сарғиш қўлини узатиб.

— Бугун анча дуруст кўринасиз.
— Врачлар энди... тузаласиз, дейишпти,— деб Лапетеус унинг гапига қўшилди.
— Сиз жуда ҳам бақувват одамсиз,— деди Роогас.— Ўнта, йўғ-э, юзта кишидан битта шунаقا одам чиқади.
— Биздек... эски жангчилар... «сенсираб» гапирса бўларди,— деди Лапетеус кулиб.
— Бажонудил,— деди Роогас ҳам кулиб.— Бугундан бошлаб «сенсираш»га ўтамиз.
— Энди сендан... узр сўрашим... менга осон бўлади... Илгарилари келганингда... аҳволим шундай... танг эдики... менга ҳамма нарса бари бир эди... Мен ўзимни... ўлган деб ҳисоблаб қўйгандим.
— Узр сўрашга лойиқ бирор иш қилганинг йўқ,— деди Роогас шоша-пиша унинг гапини бўлиб.— Сенга жуда яхши тушунаман.
— Раҳмат... қара-я... қанақа ишлар... бўлиб кетди... менинг қасримга Ҳаавик... Шунчаки сизни кўргим келди... Охири нима бўлишини... билмайман.
— Ўша куни шошилиб уйга кетганинг жуда ҳаман,— деди Роогас.— Ўшанда сенга тушунолмадим.
— Бир кун келиб... балки... яна йигилармиз... Агар қамоқдан... ўлмай келсам... Қани, шуни айт-чи, мени... нима кутади?
Роогас жавоб бермади. Чамаси, ўйлаб олмоқда эди.
— Агар... сизга гап тегадиган... бўлса... жавоб бермай... қўя қолинг.
— Халқ суди ҳал қиласди. Мен фақат қонунда кўрсатилган нарсани айтишим мумкин. Бундай айб қилгандар икки йилдан етти йилгача қамалади.
— Ҳеч нарса... қамоқдан... сақлаб қололмас эканда,— деди Лапетеус ташвишланиб.— Илгариги ишим, фаолиятим... ярадор бўлганимам фойда бермайдими?
— Суд ҳаммасини эътиборга олади,— деб Роогас тасалли берди.
— Мен жазомни олдим... Қаттиқ жазоландим...
— Соғлигингни албатта инобатга олишади. Жавоб гарликни ўташга қодир эмас, деган гап бор. Башарти қамашга одамнинг соғлиғи йўл қўймаса, уни турмага тикишмайди.

Лапетеус зўрма-зўраки жилмайди.

— Бундан чиқди... майиб бўлиб қолиш... фойдали экан-да.

— Имоним комилки, ҳар қандай бўлганда ҳам суд аҳволингга қарайди.
— Мен... бундай бўлишини... хоҳламаган эдим... У менинг... дўстим эди... Маст эдим... Жанговар дўстларим... келганига... хурсанд бўлиб ичдим... охири... кайфим ошиб... қолди... Саккиз йилдан... бери машина... минаман... Талоним бирон марта... тешилмаган... Энди нима қиласман? Гапир, Лаури.., Ҳаслаҳат бер... Олижаноблик қил... Мен-ку бундай... қилолмадим...

Лапетеусга қараб туриб Роогаснинг юраги эзилди. Унинг ташвиши, қайғуси ва қўрқаётганига ачинмасдан бўлмасди. Бироқ Лапетеуснинг сўзларида ўқинч бор эди. Бу ҳолига ачинаётганидан дарак берадими ёки унинг раҳмини келтирмоқчими? «Йўқ, у шунчаки бахтсиз одам», деб ўйлади Роогас.

— Олдин тузал. Энг муҳими шу. Суддан ташвишланишга ҳали эрта. Прокуратура ва суддагилар баъзилар ўйлаганча тошбагир одамлар эмас. Улар адолатли кишилардир, нега энди сенга бекорга жабр қилишади?

Лапетеус Роогаснинг гапларини жон қулоги билан тинглади. Бироқ назарида у жонига ора киролмайдигандек туюлди. Қўлидан ачинишдан бошқа ҳеч нарса келмайди. Кўнгли ўксинди. Чиндан ҳам эски ўртоқлари ундан кечиб кетишиди. Роогас ҳам ўшаларнинг бири, тағин унга ёрдам бериб уни ҳимоя қилган эди-я.

Лапетеус ҳар сўз орасида узоқ тўхтаб:

— Энди... менга... ҳамма... нарса... равшан,— деди.
— Мен хотининг билан гаплашдим,— деди Роогас.— Сенга ачиняпти.
— Мен Реэтга ажралишни таклиф қилдим.

Лапетеус нега бундай деганига Роогас тушунмади.

— Бахтсиз... ҳодиса... содир бўлмасдан... олдиноқ... биз ажралиш... тўғрисида... гаплашган эдик. Бизнинг турмушимиз... одамлар... ўйлагандек... ширин... эмас.

Лапетеуснинг аҳволига майор Роогас янада кўпроқ ачинди. Уларнинг суҳбати узоқча чўзилмади. Роогас ундан бир нарсани сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, бироқ беморга ёмон таъсир қилишини ўйлаб индамай қўя қолди. Яхшиси, Лапетеус аввал согайиб кетсин. Қулай фурсат келса, кимни уриб кетганини Лапетеус қаердан билганини ундан сўраб олади. Роогас буни сўраши шарт. Сўрамаса бўлмайди. Шу аснода у ортиқ ўзини айбдор қилмаётганини сезиб қолди.

Чиндан ҳам Лапетеус ажралиш тўғрисида хотини билан авариядан олдин гаплашган эди. Бу можаро Реэтнинг туғилган куни нишонланганда бўлиб ўтган эди. Зиёфат одатдагича ўтди.

Реэт меҳмонларни еб-ичишга қистарди, улар унинг шарафига: «Кўп яша!»¹ деган қўшиқни айтишиди.

Лапетеус рюмкасини тўлдириб, бир томчи қолдирмай ичib юборди. Беш-олти рюмка ичгач, қўлини ёнида ўтирган профессор хотинининг сонига қўйди. Аёл унинг қўлини олиб ташламади.

Реэт Хаавикка ноз-карашма қилмоқда эди.

Профессор Саммасель Мурукка гап сотмоқда эди:

— Америкаликлар юзларча препараторларни текшириб чиқиб, ўсимлик мойи склерозга энг яхши даво деган хуласага келдилар. Дўстлар, келинглар, ҳайвон гўшти ва мойидан воз кечиб зайдун ва кунгабоқар мойига ўтамиз.

Лапетеус қўлини олди, бироқ шу заҳоти оёғига бегона сўёчининг салгина текканини сезди.

Мурук вазъхонлик қилди:

— Газеталарнинг ёзишича, юраги хасталар Астрахань ва Рязанга қараганда Эстонияда кўпмис. Бунга сабаб шу эмишки, Эстонияда мол ёгини, чўчқа мойи, гўшти ва тухумни кўп ёйишармиш...

Мурук сўзини бўлмоқчи бўлган профессор Саммасельга гап бермади.

— Узр, мен ҳали гапимни тугатганим йўқ,— деди зарда билан.— Мой, чўчқа ёғи, чўчқа гўшти, тухум... Мой, чўчқа ёғи, гўшти ва тухумни кўп истеъмол қилиш инфаркт ва тутқалоқ касалларига сабабчи бўлади. Бу хил касаллар Эстонияда Астрахань билан Рязанга қараганда уч марта кўп. Бироқ мұхтарам медиклар ўртача эстонияликнинг асаби қай аҳволдалигини эътиборга олмайдилар. Бир ҳокимият келса, бошқаси даф бўлади, бир ўналиш тугаб, бошқаси бошланади, ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетади, қатъий ва доимий ҳеч нарса йўқ. Буларнинг асабга қанчалик зиён етказиши сизга маълумми, ўртоқ профессор? Асабни бузадилар,

халқ асабига тегадилар. Ҳаммасига ёғ билан чўчқа гўштини айбдор қилиб кўрсатиш жуда жўн иш.

Лапетеус, Мурук ҳамма нарсани қийшиқ ойнада кўрсатяпти, унинг танобини тортиб қўйиш керак, деб ўйлади-ю, бироқ бунга ҳафсаласи келмади.

— Бундай кўнгилсиз нарсалар тўғрисида гапириш керак эмас,— деди Хаавик кулиб. Иллар ўтиши билан унинг юзи сўлиб қолса ҳам тароватини йўқотмаган эди.— Келинглар, туғилган куни нишонланаётган гўзал бекамиз сингари ҳамиша қувноқ ва хуш查қчақ бўлайлик. Унинг соғлиги учун, қани, кўтаринглар!

Хаавикдан сал-пал чўчидиган Мурук мингиллаб:

— Кўнгилсиз нарсалармиш,— деди.— Ҳеч балога ақлим етмай қолди. Борди-ю, Май ва Октябрь байрамларида Ғалаба майдонида портретларни осишмагандан кимга суюниш мумкину, кимга мумкин эмаслигини ҳеч ким билмасди.

Профессор ҳиринглаб кулди.

— Бу нарса ақлимга келмаган экан. Портретлар, ҳм... Тўгри, ҳақиқатан ҳам ажойиб даракчи. Ўсимлик ёғи хусусида сиз адашяпсиз. Асаб-ку, албатта, керакли нарсаку-я, бироқ... Айтмоқчи, биз бошқа ишлар билан ҳам соғлифимизга путур етказамиз. Сайр қилиш, овқатланиш, ухлагани ётиш маълум бир вақтда амалга оширилиши лозим. Соатга қараб. Павловнинг таълимотида нима дейилади? Павловнинг ўзи-чи? Ҳар бир дақиқанинг фарқига боради. Қанча умр кўрди у!

Лапетеус масхараомуз луқма ташлади:

— Сайр, овқат, уйқу... Сиз энг муҳим нарсани — ишини унутдингиз, ишни.

— Сиз ҳақсиз. Иш, албатта, энг асосий ўринни олмоги керак. Бироқ исда ҳам аниқликнинг катта аҳамияти бор. Ҳеч қачон исдан кела солиб одам ўзини овқатга урмаслиги керак. Ҳар хил фикрлардан миянг говлаб ётса-ю, сен оғзингга котлет тиқсанг, шуям ишми? Бундай овқатдан фойда йўқ. Организмни чинакамига овқатга тайёрлаш лозим. Овқатдан олдин энг қамида йигирма беҳ-үттиз минут дам олиш керак. Фикрлар тинади. Юрак бир меъёрда уришини кутиб туриш даркор. Ана шундан кейин, марҳамат, дастурхонга ўтираверинг.

Профессорнинг хотини ҳамон сонини Лапетеуснинг сонига ишқамоқда эди. Лапетеус зерикиб кетди. Ҳеч

¹ Узоқ умр тиловчи эстон қўшиғи.

нарсага хуши қолмаганини аллақачон сезган эди. Ҳамма нарсага таҳт турған профессорнинг хотини ҳам уни ҳаяжонга солмади. Лапетеус меҳмонлар ўртасида профессор борида соғлиқ тўғрисида бўладиган гап-сўзларга қулоқ солмади. Иччилик ичиб, ёғлиқ овқат еяверганидан профессор Саммасельгнинг суроби тўғри бўлиб қолди. Ким нима дейишини Лапетеус олдиндан билиб турарди. Илгари у Реэтнинг танишларидан ётсиради. Улар унга доцент ёки профессор бўлишларига қарамай, қалтабин, такасалтанд одамларга ўхшаб кўринарди. Энди эса уларга кўнишиб қолганди. Реэт жон-дили билан уюштирган зиёфатларда кайф қилиб оларди-да, хотинини хўрлашнинг пайига тушарди. Мастлигидан уни кўргани кўзи йўқ эди. Реэт буни билар, шундай вақтларда бошقا хонада ётар эди.

Энди уларнинг бир-бирларига эҳтиёжи қолмаган эди, буни Лапетеус ҳуашер вақтида ҳам биларди. Улар номигагина эр-хотин эдилар. Диққинафас ҳаётларида баъзан шодиёна кунлар ҳам бўлиб турарди. «Победа»ни сотиб, «Волга» олганларида шундай кун келган эди. Шунда улар хийла узоқ вақт иноқ ва хушчақчақ яшаган эдилар. Лапетеус хотинини ажойиб хотинсан, деб атаган, Реэт эса бир неча йилдан бери уни тағин «Темир одам» деган эди. Бироқ кейин ҳамма нарса яна ўша-ўша эски ҳолига қайтган эди.

Баъзан Лапетеус Реэтгагина эмас, ҳаётда ҳамма нарсаларга одатланиб қолганини ўйласа, юраги орқасига тортиб кетарди. У ҳамон ўзига ва қўли остидаги одамларга талабчан эди, уни ишбилармон директор деб ҳисоблашарди, ўзи ҳам бунга ишонар, бироқ баъзан буларнинг ҳаммаси пуч гаплар эканини сезиб қоларди. Ҳозир ҳам шундай дам яқинлашиб келаётган эди. Лапетеус ўзини оқлашга ожизлик қиласиган дамлардан чўчирди. Бундай пайтларда у «ўзини» ўйлаб, ўзроҳати ва ҳузур-ҳаловатини кўзлаши орқасида катта ишлар қилолмаганини англади. Дангасалар кун беришимагани учун у тиришиб ишларди. Агар у чекиниш обўрисига путур етказишидан қўрқмаганда, ҳароба уйни ташлаб кетган бўларди! Унинг жонини ҳам фидо қилишга тайёр улуғ мақсади йўқ эди. Шунинг учун у Мурук ёки Саммасельгдан тузук эмасди. У жўн одам эди ва шундайлигича қолди. Бундай одамлар ҳаётни олдинга суролмайди.

Жин урсии ҳаммасини!

Лапетеус бир неча рюмка ароқ қуйиб ичди. Профессор хотинининг оёғи иссиқ ва юмшоқ эди.

Лапетеус стол ёнида ўтиргайларга, ҳахолаб Хаавикнинг оғзига торт тиқаётган Реэтга, инсонийлик ва одамгарчилик тўғрисида сафесата сатаётган Мурукка, соғлигига заар етказишдан қўрқиб торт устидаги кремни қириб ташлаётган Саммасельгга, хумор кўзлари билан далда бераётган профессорнинг хотинига ва қолган ҳаммага жирканиб қаради. Уларга қараб туриб, қани, ҳамманг жўна бу ердан, деб қичқиргиси келди.

Унинг қулоғига Хаавикнинг Реэтдан:

- Andresга кима бўлди? — деб сўрагани кирди.
- Темир одам!

Реэтнинг овозида масхара оҳанги бор эди. Улар тил биритирган одамлардек илжайишиди.

Лапетеус ўрнидан турди. У дарҳол бу ердан кетиши керак. Қаёққалигининг унга аҳамияти йўқ, ишқилиб, шу ҳаворанг эшикли уйдан узоқроқча, одамларнинг ёнига иётса бўлгани. Жуда бўлмаса ҳарбий ўртоқларининг олдига боради. У, Andres Лапетеус, ҳали кўз қўриб, қулоқ әшитмаган ишлар қиласди.

Даҳлизга ўтиб, у ердан ҳовлига чиқди.

Кўчада изғирин еларди.

Лапетеус пиллапояда узоқ турди, кейин жунжисиб, елкасини учирди-да, уйга қайтиб кирди.

3

Реэт нимага шама қилаётганини Хаавик жуда яхши тушуниди. Темир одам дегани сира ҳам темир эмас. Реэтнинг эридан ҳафсаласи пир бўлган эди.

Хаавик гўё Лапетеусга ачингандай:

- Andres бугун сал бошқачароқми? — деди.
- Сиз яхши дўстсиз...

Реэт Хаавикдан нигоҳини олиб қочди. Унинг кўзлари қайгули эди.

— Биз эски дўстлармиз. Бир шинель тагида ухлаб, бир котелокдан сўк бўтқа еганимиз. Урушнинг таъсири урган ҳаммамизга. У шунчаки ишда уриниб қолган. Andres жонини аямайди ҳеч. Урушдан кейинги дастлабки йилларда у ҳам ишлаб, ҳам ўқиди, бу жуда кат-

та куч-гайрат талаб қилди. Мен, кечасио кундузи тиним билмай бу ишланингда узоқча бормайсан, деб уни огоҳлантирган эдим.

Реэт қайгули қўзларини Хаавикка тикди.

— Турмушимиз тўтрисида ҳеч кимга ҳасрат қилмаган эдим. Лекин сиз Andresning оғайниси бўлтанингиз учун сиздан яширмайман. Кейинги ваҳтларда Andresning доим қовогидан қор ёғади. Мени ортиқ севмайди. Қилдан қийинқ актаради. Менга қийин, жудаим қийин. Эрим бўлса ҳам доим ёлғизман. Andres ҳеч қачон мени тушумаган бўлса ҳам ажаб эмас.

— Мен унга гапириб қўйман,— деди Хаавик қизишиб.— Ахир у дўстим-ку. Унинг кўнглини нима безовта қилаётганини билишимиз керак. У дуруст одам. Буни меңга айтганингиз яхши бўлди. Биз уни ҳётта ва сизнинг ёнингизга қайтарамиз.

Реэт хомуш жилмайди. У сал-шал титраб турган, бармоқлари узун қўлини Хаавикнинг қўли устига қўйиб:

— Қўйингт, Виктор, бундай қилманг,— деди.— Сизга ишонганимдан айтдим бу гапни, сиримни фоп қилманг. Бундан у хабар тошишини истамайман. Унинг аслида қандайлигини мен ҳаммадан яшираман. Гапнинг ҳеч қандай ёрдам бермайди. Қайтага ҳётим баттарроқ... азобда ўтади.

Хаавик Реэтнинг қўлидан вуҷудига алланарса ўтеганини сезди-ю, ҳаяжони яна ортди.

— Мен... Andresга ҳеч тушунолмайман. Нимадан камчилиги бор? Шундай данғиллама уйингиз бор. Ораст ва шинам, жиҳозлари ажойиб. Машинани айтмайсизми?! Машинада Кавказ ва Карнатга саёҳат қилиш ҳаммага ҳам насиб қиласермайди. Яна унга нима керак? Ҳаётдан яна нимани тана қиласди?

Хаавик бир зум сукут сақлаб турди-да, кейин гапни давом эттириди:

— Мени, проуа¹ Реэт, бундай деганимга ажабланманг, Совет ҳокимияти замонавий муносабатларда янгича одатлар бунёд этишга ултургани йўқ, шу пайтгacha сизга айтишга журъат этолмаган ганимни бугун айтаман. Мен қадимги, жуда яхши анъаналардан би-

¹ Турмушга чиққан аёлларга айтилади, «хоним» сўзига тўғри келади.

ри — назокатни тиклашни маъқул топаман. Шундай Сўлса ҳам мени хушомадгўй деб ўйламанг. Andresning ўрнида сиздек хотиним бўлса, бошим кўкка етарди. Ҳакиқатан ҳам уни тушумайман.

Улфатлар гуруҳ-гуруҳга бўлинib кетди. Профессорнинг хотини хонаама-хона ўтиб, Лапетеусни қидиради.

— Кечирасиз,— деди Реэт ўрнидан қўзгалиб,— мен мезбонлигимни унутмаслигим керак.

У стол устидан овқатларни олиб кетишни, ароқ рюмкалари ўрнига яснъяк рюмкалари келтиришни буюрди. Радиола қўйишди. Реэт биринчи танцага Хаавик билан тушди.

— Мен Andresning ўрнида бўлишини истардим,— деб шивирлади Хаавик.— Менга фақат ўзингиз кераксиз. Машина билан уйни унга қолдирсан ҳам бўлади.

Реэт Хаавикка жиҳдий қаради.

— Сиз нуқул ҳазиллашыпсиз. Ҳозир йиглаб юбораман. Бугун менинг туғилган куним, у бўлса ўштайиб юриоди. Ҳаммага димоғ-фироқ қиласди... Узингиз кўриб турибисиз-ку.

Хаавик, албатта, буни кўриб турарди. У чиндан ҳам Andresga тушунолмасди. Ахир Andresda ҳаёт инъом қилиши мумкин бўлган ҳамма нарса муҳайё-ку. У ўртамиёна корхонанинг директори, ахир министрлик лавозимлари ҳаммага етмайди-ку. Суриштириб келганда директор ўз корхонасида министрга қараганда катта ҳўжайин-ку. Хотинининг эса баҳоси йўқ. Реэт бўлмаганда Andresda на уй, на машина бўларди. Чамаси, ўринда ҳам Реэт совуқ ва шалвираган бўлмаса керак. Бармоқлари қандай таъсирли. Уттиздан ошган бўлса ҳам ўн саккиз яшар қиздек танца тушади. Ўзи чақон, бадани таранг.

Улар орасида ҳаммадан кўп Andresga баҳт кулиб бояди. Ўрмон саноати министрлигига бўлим мудири, область ижроия комитети раисининг ўринбоеари, комбинат директори. Бундан ортиқ мартаба бўладими! Лапетеус ҳаётдан нима тана қилишига Хаавик яна ажабланди.

Унга нисбатан Виктор Хаавикнинг унча омади чопмади. Редактор бўлганда-ку, иши беш эди-я. Бироқ икки дунёдаям редактор бўлолмайди-да. У дипломнинг қадрига етмай катта хато қиласди. Ҳозир эса ўқишига кеч, энг яхши кунларни ўйин-кулги билан ўтказиб

юборди. Andres узоқни кўрди, вақтида диплом олвонди. Xаavикни институтини тамомлагани Lapeteusning энг катта ютуғи, деб ҳисобларди Xаавик.

У Реэт билан иккинчи, учинчи танцага ҳам бирга тушди. Xаавикнинг гојтада вақти چоғ эди. Реэт ҳаяжонга соларди. У Andresning кайфи ошиб қолганини кўриб дўстини ётоқхонага олиб бориб ётқизиб келди.

Lapeteus зинадан аранг чиқаётib унга:

— Биласанми, Виктор, ҳамма нарса жонимга тегди. Сен ҳам,— деди.— Сен ўлгудек риёкорсан. Сен учун социализм хотинларнинг яланғоч думбаси демакдир, бундан бошқа нарса эмас. Йўқол кўзимдан!

Xаавик зинадан тушаётib, дўстидан жаҳли чиқди. Бундай гапни одам деган ҳатто мастилигида ҳам оғзига олмаслиги керак.

— Темир одам!— деди яна Реэт.

— Дарҳақиқат, сизга қийин,— деди Xаавик.— Andresning кўнглини нима безовта қилаётганини биляпман. У мен ўйлагандан фаросатсизроқ экан. Калта-фаҳм ва пасткаш. Бироқ мен бари бир у билан гаплашиб қўяман. Сизни баҳтсиз кўришга чидолмайман.

Xаавик энг сўнгги меҳмонлар билан бирга кетди. Орадан йигирма минутча ўтгач, қайтиб келиб эшикни аста қоқди.

Реэт кўзларини ола-кула қилиб:

— Эсингизни едингизми?— деди.

— Юринг, бу машъум уйдан кетамиз,— деди Xаавик жиддий қилиб.— Сиз Andres билан муроса қиломаймиз, мен сизсиз яшомайман.

Реэт гиқ этмади, зинадан кўтарилида, ҳаворанг эшик олдида тўхтаб қулоқ солди. Эрининг ўринда агардилгани ва уйқусираб алланарса деб ғўлдирагани эшитилди.

Реэт пастга тушди-да, Xаавикни бурчақдаги мӯъжаз хонага олиб кирди.

— Сиз барвақт чиқиб кетишингиз керак,— деди у бамайлихотир.— Andres соат олтида уйғонади.

4

Lapeteus эртаси куни хотинига:

— Ҳарбий ўртоқларимни уйга меҳмонга чакирипман,— деди.

— Ким улар?— деб сўради Реэт.

— Майорлардан Пидрус билан Роогас, сержант Паювийдик, Xаавикни ўзинг биласан, кейин лейтенант Каартна.

— Ким бўлиб ишлашади ҳозир улар?

— Роогас старший давлат автоинспектори, Пидрус халқ маорифи соҳасида ишлайди.

— Нима учун худди шу одамларни чақирипсан?— деди Реэт истеҳзо билан.

Lapeteus гарансиб қолди.

— Сен Хельвии ёлғиз чақиришинг ҳам мумкин. Бошқаларни нима қиласан овора қилиб? Ҳеч ерга бориб шикоят қўлмайман.

Кейинги вақтда тез-тез бўлиб тургани каби Lapeteusning хотинидан жаҳли чиқди. Назарида Реэт жўрттага жигига тегаётгандек бўлди. Шунда кечаги зиёфатни, у Xаавикнинг оғзига торт тиққанини, кесатиб «Темир одам» деганини ва Виктор билан бирга танца тушганини эслади. Миясига қон урганини сезди-ю, лекин ўзини босиб, хотинига тасалли бериш учун ёлғон сўзлади:

— Билишимча, Хельви ҳозир Пидрус билан топишиб олганмиш.

Бир неча йил олдин буни унга Xаавик шишиған эди, ҳозир унинг эсига Xаавикнинг сўзи тушди. Реэт янада ошириб истеҳзо қилди:

— Миллининг қонуний эри бор.

Милли профессор Саммасельганинг хотини эди.

Lapeteus ўзини ўйқотиб, ўшириди:

— Учир овозингни!

Реэт бўш келмади:

— Сонини ушлаганингни ҳамма кўрибди. Профессор сафарга жўнаб кетяпти, бор унукига, кўнглинг тўлгунча ишрат қил. Милли сенинг Каартнангдан ёш. Ўртоқ Каартнамиш! Ҳарбий ўртоқлардан биримиш! Ехудо, қандай фосиқ, қандай разилсан-а, Andrēs!

Lapeteus, Реэтни беш қўлдек биламан, деб ўйларди. Унинг фикрича, ҳозир у муғамбирлик қилаётган эди. Бу сафар у ўзини кунчи хотин қилиб кўрсатмоқда эди. Янги жазман топган бўлса керак. Бундай вақтларда Реэт ҳуда-бехудага жанжал чиқарар, уни бевафоликда, қўпполлиқда, илтифотсизликда, фосиқликда айблар, бўйнига минг хил айб қўяр эди. Шу йўл билан

Реэт, чамаси, кўнглига таскин берарди. Хуллас, у қўрқсан олдин муинт кўтаради қабилида иш кўрарди. Чунки Реэтга виждан азоби ёт бир нарса эди. У танишганлари ва турмуш қурганларининг дастлабки кунида-ноқ Andreseni лақиллатиб келарди.

Лапетеус иложи борича хотиржамроқ ганиришга ҳаракат қилди.

— Улар якшанба куни келишади.

— Сен чиндан ҳам Каартнанинг ёлғиз ўзини таклиф қилишинг мумкин. Мен сизга бутербродлар тайёрлаб, кофе қайнатиб, дастурхон ёзаману, бирор дугонамникига бориб, уникода ётиб қоламан.

Реэтнинг киприкларида ёш кўринди.

Лапетеус илк бор бирга Ниммедин шаҳарга тушганларини, Реэтнинг ўшанда ўзини қандай тутганини эслади. У пайтда Реэт: «Агар сенга малол келса, тўй қилмай қўя қоламиз. ЗАГС дан ўтамизу, бир шиша вино сотиб олиб ичамиз ва ётиб ухлаймиз», деган эди. Бугун ҳам ҳамма нарса: овозининг жаранги ҳам, ҳолати ҳам, киприкларидағи ёш ҳам худди ўша вақтдагидек эди. Шу дамгача бу воқея Лапетеуснинг хотирасида пок ва гўзал бир нарсадек сақланиб келаётган эди, мана бугун унга ҳам доф тушди. Лапетеус афсус-надомат билан:

— Нима қилиб юрганингни ўзинг биласанми? — деди.

Реэт тушунмай, эрига савол назари билан қарди.

— Бизларни бир-биримизга боғлаб турган энг гўзал нарсаларни барбод қиляпсан.

— Агар сен, бир-биримизни боғлаб турган нарсани барбод бўлган, деб ўйласанг, кел, ажрашамиз, — деди Реэт совуқнина қилиб. — Янги квартира тонгунингча, тепада ётиб туришинг мумкин.

Лапетеус ҳозир хотини иложи борича қаттиқроқ чақмоқчи бўлганини билди. Энди у ўзини хотиржам тутиши керак. Бўлмаса жанжаллари яна ҳам шармандали тугайди. Бироқ бари бир ўзини босолмади:

— Бундан чиқди, министрингни топибсан-да?

Реэт эри нозик жойига текканига чидолмай:

— Сен разил, пасткаш одамсан! — деб қичқирди.

Сенга турмушга чиқиб хато қилдим! Хато қилдим, эшитяпсанми?! Мен сени тоғни урса толқон қиласдиган

одам деб ўйлабман. Қандай қилиб қўлга тушиб қолдим-а! Хайриятки, сен ишув, нотавонни шу ишингда ушлаб туришибди. Область ижроия комитети раиси бўлишини орзу қилган ким эди? Кечалари қулоғимга шивирлаб чиқанларингни эсларсан балки? Худбин, худбин, худбин! Каартнани деб қилганинг қаби, мени ҳам йўлингдан олиб ташламоқчимисан? Худога шукурки, сендан болам йўқ!

Лапетеуснинг қўллари-ю, башараси қип-қизаридетди. Реэт ҳеч аямай игнасини санчмоқда эди. У ўзидан ва ҳаммадан дарғазаб бўлиб уйдан чиқиб кетди.

Эртаси куни Реэт яна ўша гапни қўзғади.

— Бирор фикрга келдингми?

Лапетеус чўрт кесиб:

— Мен дўстларимга телефон қилиб қўйдим. Улар якшанба куни соат еттида келишади, — деди.

— Гапни бурма.

— Нима демоқчисан ўзи?

— Ажрашишни хоҳлайсанми, йўқми?

Реэт муғамбирлик қиляптими ёки астойдил гапиряптими, буни билолмади. У эҳтиёткорлик билан:

— Ажраш тўғрисида мен лом-мим деганим йўқку, — деди.

— Одатингни биламан, кўнгилсиз гап бошқалардан чиқишини пойлаб турасан. Майли, мен розиман. Ҳаётимда заҳар-заққумни кўп ютганман, буни ҳам ютишга тайёрман. Сен билан бирга турмайман.

Лапетеуснинг хаёлига ҳар хил фикр келди. Биринчиси: «Реэт муғамбирлик қиляпти». Иккинчиси: «Квартирани қаердан топаман?» Учинчиси: «Баттар бўлмайдими?» Тўртинчиси: «Уй ҳам Реэтнинг номида». Бешинчиси: «Ажрашгудек бўлсан, номимга додгушади», Олтинчиси: «Машина ўзимда қолади». Еттичинчиси: «Нега бундай қиляпти?» Саккизинчиси: «Жанжалга йўл қўймаслик керак». Тўққизинчиси: «Виктор — чўчқа». Ўнинчиси: «У жиддий айтадигани йўқ, қувлик қиляпти». Шу кабилар.

— Мен ажралмайман, — деди у ниҳоят.

— Нима учун? Майший бузуқликда айблашларидан қўрқяпсанми? Кўнглинг хотиржам бўлсин, шикоят қилгани райкомга югурмайман. Бундай ишни ҳамкасларингнинг хотинлари қиласди. Ҳамма айни ўз бўйнимга оламан.

Лапетеус мушкул аҳволга түшиб қолди.

— Мен сенга кечакайтган эдим, сени қувиб чиқармайман, ҳозирча бемалол юқорида яшаб туришинг мумкин. Ишонаманки, янги квартира топасан. Ахир директорсан-ку. Э, айтмоқчи, комбинатингиз уй қуряпти-ку, ёдимдан кўтарилиби.

— Бўлмайди, Реэт, бўлмайди!

— Бўлади, Андрес, бўлади!

Уларнинг даҳанаки жангига масалани ойдинлаштирамади.

Реэт ўзига бурчакдаги мўъжаз уйга ўрин солди.

Орадан бир кун ўтди, Лапетеус кечқурун ишдан келиб, хотини ётоқхонадан кўйлакларини олиб чиқиб кетганини билди. Кенг диван-каравот ҳам йўқ эди. Унинг ўрнига шу пайтгача пастидаги уйда турган оёқлари рангдор баланд күшетка қўйилган эди. Ётоқхонадаги шкафларга нуқул Лапетеуснинг лаш-лушлари тиқилган эди. Ҳар қайси хонадаги нарсаларни шу ерга келтириб қўйилганди...

ЎН ТҮҚҚИЗИНЧИ БОБ

1

Реэт касалхонага фақат Лапетеус чақирганига икки кун ўтгач келди. Узрини айтиб, врачлар қимирамай ётишини буюриди, деди. Врачлар кўчага чиқиши қатъиян тақиқлашганимиш. Касалхонадан ҳам уни даволаш тартибиға қаттиқ амал қилишлик ва бемаврид ҳеч қандай ишга қўл урмаслик шарти билан чиқаришганимиш. У бўлса аввалига уларнинг гапини қулогига олмабди, чунки зарур ишлар чиқиб қолибди. (Унинг ҳаммадан олдин бу ерга югуриб келганини Андрес билади!) Нажот истаб анча-мунча жойларга борибди, охири бели зирқираб оғриб, қадам босса оёғи игна санчгандек азоб берибди. Ҳозир минг машаққат билан юрганимиш, бироқ кўпроқ юрса оёғи яна оғриб, аламга кирапмиш.

Лапетеус Реэт ўзини анча босиқ тутаётганини пайқади. Илгаригидек ортиқ ўзини айбламади, қандай тадбир қўллаш тўғрисида гапирмади. Гўё у кутиб турмоқда эди. Гарчи нима учун чақиртирганини эридан суриштирмаса ҳамки, бу нарса уни ниҳоятда қизиқтиргани туриш-турмушидан билиниб турарди.

— Сен... қаттиқ жабрландинг,— деди Лапетеус.—

Буни сира истамаган эдим...

— Белимга жиддий бир нарса бўлганга ўхшайди,— деди Реэт.— Сал тузалса, Тартуга консультацияга бораман. Ўзинг тузукмисан?

— Бир оз дуруст.

— Соғайиб кетишингга сира шубҳа қилмаган эдим.

— Мен... шу кунгача... бунга ишонмайман.

— Врачлар, хавф ўтди, дейишяпти.

Реэт бу гапларни ишонч билан, бамайлихотир айтди.

— Ўй... қалай?— деб сўради Лапетеус.

— Тинч. Ҳеч ким кирмайди. Рост, ора-сира Мурук кириб туради. Саммасельг билан хотини ҳатто телефон ҳам қилишмади. Брикет тугаб қолди. Пачоқ машина гаражда турибди.

Лапетеус сурилган эди, кўрпанинг чети ерга тушди. Реэт уни тузатди.

— Буни хоҳлаган эмасдим,— деди у яна.

Бу гал Реэт бидирлаб гап бошлади:

— Ҳарбий ўртоқларимни таклиф қиласман, деганинга кўнглимга ёмон гап келиб, бир бало бўладигандай мени ваҳима босган эди. Шу сабабдан сенга эътироз билдириган эдим. Сендан ўзини тортиб юрган одамларнинг этагига ёпишиб олишингнинг нима кераги бор эди? Ораларингдан нима ўтганини билмайман, аммо бирор кўнгилсиз иш бўлиши муқаррар эди. Бўлмаса эсингни еб қўймасдинг. Илгарилари мастлигингда сира рулга ўтирмасдинг. Мен охиригача эътироз билдириб, гапимда қаттиқ туришим керак эди. Ўнда сен бу ерда ўз ёғингга ўзинг қовурилиб ётмасдинг, мен ҳам уйда азоб чекмасдим. Виктор ҳам ўлмасди, машина ҳам мажақ бўлмасди. Мана энди нима қилишимга, қандай яшашимга ҳайронман.

Реэт гапирган сари Лапетеус унга кўпроқ разм солиб қарай бошлади. Хотинининг гаплари уни қаловлатиб қўйди. Реэт нима демоқчи ўзи? Унинг баъзи гаплари юрагига бориб тегса ҳамки, бироқ бу айни вақтда уни ташвишга ва хавотирликка солар эди.

— Мен судга бораман,— деди Лапетеус аста.

Реэт маъюс жилмайди.

— Бирор маслаҳат беролмайман. Миям говлаб кетди. Мен сенга фақат яхшилик тилайман, бу йўлда би-

пор нарса қилгим келади. Ҳатто санманга бориб қолган вақтларимиздаям сенга ёмонликни тиламасдим.

— Мен сенга... ортиқча юқ бўламан.

— Менга узоқ тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Кўнглингдаги ҳамма гапни билib турибман.— Реэт яна бидирлаб гапирди.— Биз узоқ вақт бирга турдик, сени... сал-пал биламан. Менда ўйлашга вақт етарли эди. Охири сенинг ҳақлигининг ишондим. Олдинги сафар келганимда рози бўлмагандим. Менга бу ножжӯй иш бўлиб кўринган эди. Бироқ бу иш кўнглингга ёқса, шундай бўлишини маъқул топсанг, нега энди мен йўқ дерканман. Сенинг аҳволинг менинкига қараганда оғир, шунинг учун сен айтганча бўла қолсин. Мен розиман. Сенга эркинлик бераман. Бизнинг ажралишимиз билан менинг томонимдан адвокат Дебия иш олиб боради. Авария борасидаги суд мажлисида ҳам у сени ҳимоя қилиши мумкин. Сенга буни айтгаш эдим, у рози.

Лапетеус хотинига кўзини лўй қилганча, бақрайиб қараб қолди.

2

Реэт кетгач, Лапетеуснинг ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлди. Ўзи, хотини билан муносабати, ҳозирги аҳволи тўғрисида у худди бегона одамдек ўйлади. Гўё Реэтнинг ажрашишга қарор қилгани унга эмас, бошқа одамга тааллуқли эди. Гўёки ҳали-ҳануз тўшакда ётган у эмас, касалхонадан чиққан заҳоти прокуратура ва ҳалқ судига борадиган одам ҳам у эмас. Албатта, юра оладиган аҳволда бўлса боради.

Лапетеус ҳамма нарса тўғрисида ажралишнинг муқаррарлигини, Реэт ўз одатига содик әканлигини, ҳозир ёлғиз қолганини, омонат кассада тўрт юз йигрма сўм пули борлигини заррacha ўқинмай, бепарво ўйлади. Қандай бўлмасин уни жавобгарликка тортишади, ҳамалиши Хаавикни дағн қилингани сингари табиий.

Ҳа, Лапетеус буларнинг ҳаммаси тўғрисида бепарво ўйлади. Ҳар хил масалалар ўз эътиборини йўқотди, гўё улар қаёққадир узоққа чекингандек бўлди. Фақат Реэтнинг ҳарбий дўстлари тўғрисида айтган гаплари, кўнтилесиз иш бўлишини кўнглим сезди, дегани уни

ташвишга солди. Реэт бу гапларни қувлик қилиб гапирса-да, унга таъсир қилди. У одамлар кўзига ўзини оппоқ қилиб кўрсатмоқчи, шубҳалару жавобгарликни бўйнидан соқит қилмоқчи.

Лапетеус нима учун ҳарбий ўртоқларини меҳмонга чақирди. Буни у жуда яхши билади. Хотинининг танишлари, уйига келиб турадиган одамлар унинг меъдасига зигирёғдек урди. Унга эски дўстлари билан алоқани тиклаш жуда муҳим нарса бўлиб кўринди. Бу шундай муҳим кўринидики, гўё ҳамма нарса: кайфияти, фаолияти, келажаги шунга боғлиқ эди. Тўғри, у учрашганимиздан кейин қайтага иш чаппасига кетса-чи, ўртоқларим мени тушунишмаса-чи, деб ҳавотир ҳам олди. Ахир бундан бир йил олдин анави Пидрус башарасига тикка: «Нима учун менга бу гапларни гапиряпсан?» — деди-ку.

Ахир, одамни тўғри тушунишнинг қанчалик муҳим әканлигини худди шу Пидрус билиши керак эди-ку. Уни нотўғри тушунганилари учун ўзи озмунча жафо чекдими?! Лапетеус хўп бошини қотиргач, охири Пидруснинг истеҳзосига аҳамият бермаслик керак, деган қарорга келди. Агар лозим бўлса, у, яъни Лапетеус меҳмонга нима маҳсадда чақирганини тушунтиради. Хўш, демобилизация вақтидаёқ, уруш пайтида дўстлашган одамлар умрларининг охиригача дўст бўлиб қолишлари керак, деб у айтмабмиди?! Бегоналашиб кетишганига у айбдор эмас. Шунчаки ҳаёт уларни ҳар томонга тўзгитиб юборди. Ахир бир вақтлар уларни йигиб, бошларини қовуштирган ўзи эди-ку, буни улар билишлари керак. Роогасга ёрдам қилгани-чи! Ўша вақтда ундан бошқа ким бу ишга журъят қила оларди? Анкетаси қанчалар шубҳали одамии масъул ишга қўйиши ҳазилми? У вақтларда анкета одамдан аҳамиятироқ эди, яна Роогасга эллигинчи йилда, ишдан бўшаетганида, кетишга ариза беришдан олдин, яхшилаб ўйлаб кўр, деб маслаҳат бермабмиди? Ҳеч вақт мансабпарат одам шундай қиласмиди? Бебурд одам бу нинг аксини қиласди.

Хўш, Пидрус унга нима деб таъна қилиши мумкин? Унинг қўлидан нима келарди? Бутун партия активига қарши бориши қеракмиди? Овоз бериш вақтида Юрвеннинг таклифини қувватламаган одамлар ҳам ломмим деб оғиз очганлари йўқ. Ҳолбуки улар Пидрус-

нинг фаолиятини ундан кўра яхшироқ билишарди. Мисол учун Хельви. Райком инструктори сифатида ҳамма нарсани биларди-ку. Масалани ойдинлаштириш унга осон эди. Лапетеус ўша вақтда тўғри иш қилганини, бошқача тадбир қўллай олмаслигини ҳозир ҳам эътироф этди. Пидрус халқ маорифида, у эса саноат соҳасида ишларди, қайсиниси тўғри, қайсиниси нотўғрилигини у қаердан билсин? У обрўли, масъулиятли ўртоқларнинг фикрларига ишониши керак эди. Уни уларга ишониш руҳида тарбиялашган, бунга у кўнишиб қолган. Наҳотки Пидрус буни тушунмаса? Ахир, Пидрус ҳайдалсин, дейишганда қўл кўтаргани йўқ-ку. Залдагилар ёпласига қўл кўтаришди, бироқ у, яъни Лапетеус эса қўлини кўтармади. Ўшанда кўпгина одамлар унга ола қарашган эди. Оқимга қарши бориш учун катта журъат керак. Юрвенинг олдида ҳам у фронтчи дўстини ҳимоя қилган. «Менинг ота-онамни ҳам ўлдиришмаган!» — деб айтган. Пидрусынг ўзи ҳам бу ишига қойил қолди-ку... Область ижроия комитетида ишлаганида эса, бирор иш қилишга фурсат ўтган эди. Бунинг устига у ўзини ўнглаб олмасдан областлар тугатиб юборилди.

Паювийдикка келганда шахсий ишларида у сира ҳам ёрдам сўрагани йўқ. Улар бир-бирларини унтиб юборишиди. Бир куни кечаси перронда учрашганлари ҳисобга кирмайди. Нима қилганини ва гапирган гапини маст одам билмайди. Лапетеус пиёда кетмоқчи бўлган, фронтдаги юришларини эслаб тайратга кириб кетган эди. Паювийдик эрталабки электричкани кутишни маъқул кўрган эди. Уни зўрлаб судраб кетиши керакми? Айб Паювийдикнинг ўзида! Тили бошига етганда фронтчи дўстини эсга олди. Албатта, у Паювийдик ишлайдиган жойга бормоқчи эди, бироқ областлар ва раис ўринbosари лавозимлари олдинроқ йўқолиб кетди.

Хаавикни у қўллаб-қўлтиқлаб келди, ҳаммадан кўп унга ёрдам қилди. Шул қарз берди, бир неча бор уни мақтаб чиқди, газетага бирга мақолалар ёзди. Виктор билан дўстлиги давом этди. Бироқ кейинги вақтда ораларидан ола мушук ўтиб қолди. Виктор ундан ўзини тортадиган одат чиқарди. Ҳаёт умуман ел каби учади, унинг бурилишлари шу қадар қалтиски, одамни аброр қиласиди, натижада дили сиёҳ одам бировга ноҳақ ёмон гап гапириб юборади. Ахир ўзи Викторга, социализм

сен учун ялангоч хотиннинг думбаси, демакдир, деди-ку. Оғзига қараб гапирса бўлмасмиди! Хўш, нега бўлмаса Виктор Реэт билан пичирлашади, нима учун төзетез хотинларни алмаштиради? Ўзини тиядиган вақт ҳам келган. Бироқ яра газак олиб кетгани учун ҳақиқий дўст сифатида унинг башарасига бор гапни айтди. Ана энди бир рюмка ароқ устида улар бир-бирига кўнглидаги гапни айтиб олиши мумкин. Шунда иккочига ҳам яхши бўлади.

Бироқ бу мулоҳазаларга ташвишли бир фикр халақит берарди. «Сен виждонсизсан,— деди Андрес Лапетеус ўзига-ўзи.— Сен ўртоқларнинг демобилизациянинг иккинчи куниёқ унтиб юбординг. Сен фақат ўзингни ўйладинг, ўз ғамингни единг. Илгариги дўстларингнинг бошига иш тушиб ҳоли тант бўлгандা, сен уларнинг касофати менга урмаса бўлди, деб ўз ҳузур ҳаловатингни кўзладинг». Бу тахлит фикрлар кутилмаганда илгарилар ҳам унинг миясига келар, бироқ у буларни осонгина хаёлидан қувар эди. Бироқ кейинги вақтда қувиш тобора қийинлаша бошлади. Бироқ бу сафар ҳам у ўзини юпатишга муваффақ бўлди.

У фақат Хельвининг олдида ўзини оқлолмади. Унга у ҳақиқатан аблажлик қилди. Армияда хизмат қилган аёл билан турмуш қуриши шательга доғ туширишидан қўрқиб, Хельвии ташлаб кетди. Ахир у вақтда фронтга борган хотин-қизлар тўғрисида маза-бемаза гапларни гапиришарди-да. Йанча оғир бўлишига қарамай, Лапетеус Хельви билан алоқани узди. Мана энди юрагига наштардек санчилётган ўқинч ҳисларини босадиган куч йўқ унда. У Хельви билан кўришмаганига бир неча йил бўлди, унинг қандайлигини ҳам билмайди. Яна район партия комитетида ишлётганини, инструкторликдан иккинчи секретарь даражасига кўтарилиганини эшитди-ю, бироқ ўзини учратолмади. Тасаввуррида Хельви ўша-ўшалигича: солдат блузаси, мешранг юбка ва этик кийиб юрадиган ёш жувонлигича қолди. Этикни унга унинг илтимосига кўра қўли гул Паювийдик плаш-палаткадан тикиб берган эди. Хельви Лапетеусни тушунадиган бирдан-бир одам эди. Ҳозир ҳам Лапетеус, Хельви мени тушунади, баъзи одамларга, айниқса, Пидруслга менинг олчоқ одам эмаслигимни исботлай олади, деб ўзини ишонтиради. Лапетеус бунинг хомхаёллигини билса ҳам сира кўнг-

лидан чиқариб ташлолмасди. У бир кун келиб биз олтволот — Шидрус, Паювийдик, Роогас, Хаавик, мен ва Желвиж жамулжам бўлғиширишиб, яна дўстлашиб кетамиз, илгариги муносабатларимиз тиёланади, деб ишонарди. А́ндрес Лапетеус ўшанда нима бўлганини аниқ билмаса ҳамки, бирор нарса рўй Беришига умид боғтарди. Унинг бунта ишонтиси келар, ишонарди ҳам. Шунда яна асл ҳолатига қайтишини, қалбида тобора кучайиб бораётган бепарволикда, бир дам ҳам тинч қўймайдиган умидсизлини даҳшатидан, ҳаётини барбод қишиян ҳамма нарсадан халос бўлишини ўйларди.

Лапетеус кўнглидан шу нарсаларни ўтказиб, уруш йилларидаги дўстларини уйига чақирган эди.

3

Яхшанба куни эрталаб Реэт шундай деди:

— Нима қилишни Алатага тайинлаб қўйдим. Даствурхонга тил, қимма, чўчқа пўшти ва пиштоқ қўяди. Яхна гўшт ҳам бўлади. Қизиз ва оқ балиқдан ҳам бор. Сиркаланганд қўзиқорин ва тузланган бодринг етарли. Ароқ ёки ўзингиж ичадиган ичкитикни ўзинг топ. Конъяк исчангиз лимон бор. Агар топиб келолсам, меҳмонларнинг оддига апельсин қўясан. Балки Ҳаартна апелтасинни яхши кўрап. Мени кутма. Узримни айтиб, у касал қариндошини кўргани кетди, дегин ёки бошига бирор ваке-корсон кўреат. Душанба куни кўришгуни мизча хайр.

Реэт шартта бурилди-ю, кетмоқчи бўлди.

Лапетеус унинг орқасидан шоша-пиша:

— Раҳмат, Реэт. Мени уялтираслигинги билардим. Биз билан бирга ўтири. Улар унчалик қўпол одамлар эмас. Хаавикни ўзинг биласан. Роогас дилкаш, наzonатли офицер. Ашшула айтади, танца тушади, Пидрус гўр; лекин бетамиз эмас. Энг қўпули Паювийдик; бирор ёки жуда гангча чечан. Зерикиб қолмайсан,— деди.

Реэт унга ўнжаланиб қаради.

Лапетеус жонъжаҳди билан:

— Ҳаартнани аллаҳаён унугиб юборганиман. Борди-келдимиз қолмаган. У менинга етти ёт бегона. Йол,— деди.

— Йўқ,— деди Реэт бош чайқаб.— Ҳамма нарса

тахт: стол ва уйни тартибга солиб қўйдим, янги пластинкалар олиб келдим. Балки сен пайкаматидирсан, вазаларга янги гуллар солиб қўйдим. Узим бўлтмайман, кўндираман, деб овора бўлма, фойдаси йўқ. Илки хотиннинг кўнглини оламан, деб қийтатиб қолласан. Жуда қийналасан. Хайр. Қерати йўқ, ўтма, ҳозир лабимни бўяганман.

— Кийим-бомиларинти яна юқорига олиб чиғ.

Реэт унга маъюс қараб қўйди-да, чиқиб кетди. Қечқурун маълум бўлдики, дарҳақиҷат, у ҳамма шарсани муҳайё қилиб қўйган эди.

Дастурхонда ноз-неъмат сероб эди. Қувил ва оқ балиқлар, думбул нўхат билан тил, яхна тўнти, қимма, чўчқа гўшти, салаг ва сиркаланиган оқ вамбўуртлар солинган идиишларнинг ўртасидаги вазада қўши-қизил апельсинлар уюлиб ётарди. Яна қат-қат колбаса, илки хил гиндоқ ва ҳора донадор икра ҳам бор эди. Тавба, Реэт икрани қаердан тондийкин-а?

Ховалир ёт томса ялагудай тоза эди.

Ҳамма ёнда аввойи гуллар: гладиолуслар, қўйонгуллар, чиннигуллар ва номини Лапетеус билтмайдитан яна хилма-хил чечаклар ишнаб туради.

У хоналарни кўздати кечиртиб чиқди, кўнгли тўлди. Реэт бир йил олдин буютирган, оёқлари узум-увум рангдор жиҳозлар уйни яна ҳам шинам, ораста қилиб юборган эди. Реэт говак резинани қалин қилиб ёттизиши буторди. Кекса амакиси бошлиқ ҳамма яна Реэтнинг улдабуронлигини маҳтавиди, чунки жиҳозлар замонавий бўлиб, клишида катта таассурот қолдиради эди.

— Жиҳозлар уйга худди узукка кўз қўйтиандек ярашиб тушди,— деб таъкидлади Мурук.— Иттоининг байи шундай бўлиши керак. Бундай уйда кимининг баҳри дили очилади.

Реэтнинг қари амакиси ўзининг ёқимисиз чиҳилдоқ овози билан:

— Ҳатто эски замонда ҳам бунга қойил қолтишган бўларди. Реэтнинг қўлидан келмайдиган им ўйук. Қани, қалинлиги саккиз сантиметр келадиган говак резинани топиб кўринг-чи, мен қойил ҳолади! Ҳатто буторилган жиҳозларга ҳам иккى сантиметр чиқинди қўшишади,— деди.

Лапетеус кўпдан ўзини бунчалик баҳтиёр ҳис қил-

маган эди. У зиёфатимиз кўнгилли ўтади, эски дўстларим билан яна апоқ-чаноқ бўлиб кетамиз, деб ўйларди. Уларни илгари чақиролмагани учун узр сўрайди. Чақириш кўнглимда бор эди-ю, лекин ҳар сафар бирор нарса халақит бериб қоларди, дейди. Лапетеус яна Реэт кийим-бошларини юқорига олиб чиқишига ҳам ишонарди.

Эйг олдин Паювийдик келди. У хоналарни, жиҳозларни, дастурхонни синчилаб кўздан кечирди-да:

— Худди кинодагидек-а,— деди.

Лапетеус буни мақтov деб тушуниди.

— Яна айрим камчиликлари бор,— деди у.— Бироқ асосан битган деса бўлади.

Шундай дейишга деди-ю, бироқ Паювийдик истиқомат қилувчилар билан лиқ тўлган бирор тахта уйда яшаса-я, деб ўйлаб қолди ва:

— Хотиним шаддод, бу ўшанинг иши,— деб илова қилди.— Уни йўлдан қайтариш қийин, хотинларни ўзинг биласан-ку. Менга диван ва эски жиҳозлар мъқул, бироқ бу ёғи шундай бўлгач, иложим қанча, шунгаям жаңжаллашиб ўтираманми?

— Хўш, бу ер кўнглингга ёқадими?

Меҳмони нимага шама қилаётганини Лапетеус тушунмади.

— Секин-аста кўнижияман,— деди Лапетеус дудмал қилиб.

— Сенинг ўрнингда бўлиб қолсам, хўп ажойиб иш бўларди-да. Сенга ўхшаб дўстларимни меҳмонга чақирадим. Ахир совет кишиси коммунизмда қандай ҳаёт кечиришини машъяллардан ўрганиб, билиб қўйисин-да.

Паювийдик жуда жиддий гапирди.

— Ахир мен сизларни бу кўнгилда...— деб луқма ташлади Лапетеус.

— Шаддод рафиқант кўринмайди?

— Қишлоқка кетди. Худди онасидек бўлиб қолган холосининг тўсатдан тоби қочиб қолди. Унинг ёшиям бир ерга етган, юрагининг мазаси йўқ, қон босими ошиб кетган.

Паювийдик ён томондаги уйда кўзга чалинаётган дастурхонга имо қилиб:

— Уларни ким тайёрлади?— деб сўради.

— Бизнинг оқсочимиз бор.

— Хотининг ишлайдими?

— Ҳа, улгуржи базасида. Бухгалтер. Илгари ўрмон саноати министрлигига ишларди.

— Болалар ойиси билан кетдими?

— Воламиз йўқ... Бола... тўёри келмайди бизга.

Бола деса Реэтнинг жони чиқишини Лапетеус айтмади.

— Маъзур тутасан, капитан. Шоҳона яшаркансан. Менинг ҳам турмушим ёмон эмас, икки хонали уйда турман. Емакхонамиз ҳам бор. Жиҳозлар эскича бўлса ҳам бир кунимизни кўряпмиз. Албатта сенга тенглашишимиз қийин. Борди-ю, сен билан жон олиб-жон бериб жанг қилмаганимизда бу ерда олтминн сўм ойлик олиб, олти юз сўм даромад қиласидиган одам яшайди, деб ўйлаган бўлардим.

Андрес Лапетеус истеҳзо билан сўради:

— Олибсолтарга ўҳшайманми?

— Бунинг нимаси айб? Ҳозирги вақтда олибсолтарлар майшатда машъял бўлиб қолиниди-ку.

— Фақат олибсолтарларми? Жуда ошириб юбординг, ошиа.

— Яна бир бор афв эт...

Аллаким эшикнинг кўнтироғини чалди.

Лапетеус:

— Ҳозир,— деди-ю, шоша-пиша пешайвонга чиқиб кетди.

Паювийдик қия суяничиqli креслога ўтириб олдида, оёқларини узатди. Шундай талтайиб ўтириш роҳатижон эди. У кўнглидан, Лапетеусга бекор тирғиляпман, деган гапни ўтказди. Ахир у мукофот олиб туради, пулини шунаقا нарсаларга сарф қиласиди-да. Хотиниям ишлаб пул топади. Агар Лапетеус Каартнага ўйланганда бундай уй унга насиб қилмасди. У ўзиға-ўзи: «Ҳасад қиляпсан, ошна, ҳасадинг келяпти», деди-да, эшикка юзланди. Худди шу вақт эшикдан Лапетеус билан Роогас кириб келди.

Паювийдик ўрнидан иргиб турди-да, ғоз қотди.

— Эски нағмалар,— деди Роогас қўл бериб.

Лапетеус:

— Утиринг,— деб таклиф қилди.

— Раҳмат.

— Хўп бўлади, ўтираман.

— Сигарета чекасизми, папироスマ?

— Қуллуқ.

— Менга ўзим чекадигандан бошқаси тўғри келмайди.

Роогас анча қариб қолган эди.

Елкаси шашт пиджак ва почаси тор шимда у жуда увоқ кўринарди. Роогас юмшоқ курсига ўтириди-да, Лапетеус тутган сигаретани олиб чекди. У негадир қисилиб-қимтинарди. Бунинг сабабини ўзи ҳам билмасди.

— Вақт тоғиб келганинг жуда яхши бўлди-да,— деди Лапетеус гап бошлади.

— Бизни йигишини ўйлаб жуда яхши иш қилибсиз,— деди Роогас.

— Бу ишни орамизда бирор қомишнинг қилишига сира ишонмаган эдим,— деб гап ўтди Паювийдик.— Биз ҳамма нарсани ўлгудек тез унучтагиз. Ташкини тортамиз, елиб-югурамиз, тиришиб-тортишимиз, фракат бугунги кунни ўйлаймиз. Кечаги кун билан ишитимиз йўқ, эртаги куннинг ташвишини эса бошқалар чекса, деймиз.

Роогаснинг гапи Лапетеустга манзур бўлди. Шунинг учун у осойишта гап бошлади:

— Яқинда мен ўз комбинатимнинг келажак платанини қаттиқ туриб ўтказдим. Унда бир минг тўқуқиз юз етмишинчи ва ундан кейинги йилларда қилинадиган ишлар кўзда тутилган.

— Паювийдик ҳақ гапни айтди,— деди Роогас.— Биз ўтган ва эртанги кунимиз тўтрисида ҳам ўйтаймиз.

Эшик қўйигирогини бирор чалди-ю, Лапетеус бу гапга эътироуз билдирулмай қолди.

— Йчимизда энг яхши сақлаштам сенсан,— деди Роогас Паювийдикка.— Ҳаммамиздан нафтирон кўринасан.

— Бу гапни элбурутдан айтмай, бир оз сабр қиласанг дуруст бўларди.

Лаури Роогас мийигида кулади.

— Гапни ичда сақлаб бўлмайди. Гапни эртами-кеч айтган билан қадри камаймайди.

— Ким билсин. Баъзи гапларни то маъжилсларда айтгунча ичимизда сақлаймиз.

Хонага Пидрус кирди.

— Ўртоқ Каартна узр айтиб юборди. Мендан келол-маслигини айтишпимни илтимос қилди,— деди у.

— Пешонамиз шўр экан, йигитлар. Хотин-қизлар-

дан бизга яна буюрмади,— Паювийдик қош-қовоғини ўйди.— Мен бу ерга Хельви деб келган эдим. Ахир жигаримдан уриб қолган эди-да, бир неча йилдан бери буния пинжон тутардим, бугун дардимни унга очмоқчи эдим. Сиз билан ичиб нима баҳра олдим? Уч рюмка-дам кейин терлаб-чишиб, овқатнинг ҳазм бўлиши ёки қон босимни тўгрисида ҳасратга тушиб нетасиз.

— Менинг дарди касалим бод,— деди Пидрус.

— Ўртоқ Каартна келматанига мен ҳам ачиняман,— деди Роогас.

Лапетеус Хельви унукига ҳеч қачон межмонга келмаслигини ўйлади. Нима учун у узрини Пидрусадан айтиб юбордийкин?

— Яна кимни кутяпмиз?— деб сўради бетоқат Паювийдик.— Ҳа-я, айтгандек, Ҳаавик кўринмайдику. Уни эсдан чиқарганинг йўқуми?

— Мен сизларнинг ҳеч бирингизни унугтаним йўқ, дўйспар. Ҳаммани таклиф этиланман. Бу ишни аллақачон кўнгалимга тутиб, қўйган эдиму, сира вақтини то-полмасдим. Мана, ниҳоят, биз биргамиз. Ишонаманки, бу ожирни ўтиришпимиз эмас. Яна бир оз кутайлик. Виктор кечикмай келишга ваъда берган эди, ҳали-замон келиб қолса керак.

Ҳаавик келмади. У Ракверадан телефон қилиб, кутилималанда командировкага жўнаб кетганини хабар қилди. Ўртоқларни табриклиб, хаёлан жанговар дўстларим билан биргаман, деди.

Паювийдик:

— Булгун шод-хуррамлик бўлмайди,— деб зорланди.— Виктор бўлмаса, заҳримни кимга сочаман?

4

Ичкилик ва овқат уйиб ташланган стол ёнида бир соатдан мўлроқ ўтиришгач, Лапетеус Паювийдикнинг гапи тўғрилигини тушунди. Шод-хуррамлик бўлмади. Лапетеуснинг назарида ўтирганларнинг ҳар бири ундан, қандай ниятда мени чақирдинг, деб сўрамоқчи бўларди-ю, лекин одоб юзасидан индамасди. Лапетеус межмонларга мулоzамат қилас, рюмкаларига ичкилик ңуяр эди. У сухбатни ўтмишга бурди. Бирга жанг қилиннимиз тўгрисидаги хотиралар бизларни бир-биримизга яқинлаштиради, муносабатларимизни қайтадан тиклайди, деб у ҳамон ишонарди.

— Анави қаттиқ совуқ бўлган тун ёдингдами?— деб у яна гап бошлади.— Ушанда гулхан ёнида бирпас исинишга бутун бор-йўғимни беришга рози бўлгандим. Лекин гулхан ёқишининг иложи ҳам, имкони ҳам йўқ эди, чунки ҳатто чўп ҳам топилмасди, тош эса ёнмайди. Биздан юз метрча нарида, тепалик ортида алланарса қизариб кўринди. Фрицлар ўлгудек эҳтиёткор бўлсалар-да, мен ниҳоятда иссиққа ўч бўлганимдан сал-пал милтиллаган алангани пайқадим.

Пидрус унинг гапига қулоқ солиб ўтирас экан, ҳақиқатан ҳам Лапетеус нима учун бизларни чақирганини, деб ўйлади. У мезон ўлиб-тирилиб уларнинг вақтини чоғ қилишга уринаётганини фаҳмлади, бироқ бундан ҳеч кимнинг чиройи очилмади. Лапетеус ҳаддан ташқари хиравлик қилаётганиданми ёки бошқа бирор сабабданми, ҳеч ким ёзилиб ўтиргади.

— Мен ҳеч қанақа милтиллаган нарсани кўрган эмасман,— деди Паювийдик.— Снарядлар ўйиб кетган чуқурларда ёки тиззадан келадиган зовурларда бошимизга плаш-палатка ёпиб, тумшуғимизнинг тагига вишлаб, чирсилловчи чалани қўйиб мудраб ётган биз эдик. Фрицлар ер қаърига ёки ертёлаларга уриб кетган эди.

Роогас, шуъланинг кўриниши мумкин, деб ўйлади. Ахир кирадиган жой пала-партиш беркитилган бирор пана жойдан кўринган бўлса кўрингандир. Ҳозир Роогаснинг назарida Лапетеус ўзини илгаригидан бутунлай бошқача туваётгандек туюлди. Эзмалик қилас, ҳамманинг кўнглини олишга уринар эди. Бунга қараб туриш ноқулай эди.

— Фрицлар гулхан ёқицаниди ёки бирор ертўла деразасидан ёруғ тушиб турганмиди, буни ишонч билан айтольмайман, бироқ шуъла кўрганим рост. Балки ҳар қалай янглишгандирман, ахир ташна одамга саҳрордаги ҳамма нарса кўл бўлиб кўринаверади-ку. На илгари, на кейин ўша кечадагичалик кўп ўйлаган эмасман. Миямда фикрлар худди қуюндеқ айланарди.

— Мен эса мудраб ётардим,— деб гап қистирди Паювийдик.— Бошқалар отганда, мен ҳам ўқ узардим. Кейин яна мени мудроқ босарди. Яна бунинг орасида қаттиқ нон кавшардим: қўлимга чети тушиб қолибди дент. Енимда аллаким. Этс бўлса керак, автоматдан ўқ узди. Эрталабга етмай у ҳалок бўлди. Мен эса ўта-

кам ёрилиб, уйгониб кетдим, нон оғзимдан ерга тушди. Жуда ачиндим. Пайпаслаб тополмадим. Алам қилиб кетди. Обер-егерлар судралиб келишаётганда роса уларни ўққа тутдим-да ўзимам.

— Менинг эса ҳеч уйқум келмасди,— деди Пидрус.— Сенинг, Паювийдик, асабинг мустаҳкам. Аҳволимиз оғир эди. Агар немислар бизнинг оз эканимизни билганиларида биз ҳозир бу ерда майшат қилиб ўтирамаган бўлардик.

— Мен урушни тамоман бошқача тасаввур қиласдим,— деди Роогас завқланиб.— Урушлар тарихини сув қилиб ичиб юборгандим. Верден яқинида кучлар нисбати ва қўшиналарнинг жойлашиши қандай бўлганини ёки Ватерлоода Наполеон нима учун енгилганини сўрашса кўзимни юмид жавоб берардим. Немис ва француزلарнинг ҳарбий мавзудаги асарларини мук тушиб ўқиганман. Қирқинчи йилда Қизил Армиянилг жайлари, стратегияси ва тактикаси таҳлил қилинган сен-саноқсиз китобларни синчилаб ўқиб чиқдим. Уставларни мен кўр қорилардек ёдлаб олган эдим. Отделение, взвод, батальон, полк ва дивизияларнинг (ҳам ҳужумда, ҳам мудофаада) жанговар тартиби устав ва буйруқларда қандай баён қилинганини беш қўлдек билардим. Мен уруш муайян ташкилий бир нарса, ўт очиш қуролларини қатъий ҳисобга олиш, жойлардан ўринли фойдаланиш, операция планларини пухта тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва яна бошқа ҳарбий-техник ишлар, деб ўйлардим. Бироқ чекиниши хәёлига ҳам келтирмаган солдатнинг бир тишилам нон йўқотгани учун дарғазаб бўлишини асло ўйламаган эдим, жанг русмига қараганда, немислар бизни бир соат ичидан қириб ташлаши мумкин эди.

Паювийдик кулиб юборди.

— Э, барака топкурлар, оғзимдан чиққан ҳар бир сўзга чиппа-чин ишонаверманглар.

— Менинг ишонгим йўқ,— деди Роогас.— Бироқ сен бошингдан кечирган ҳодиса мен айни уруш вақтида назарга олиб, қадрлайдиган далилларнинг энг яхшиши.

Хийла вақт улар овқатдан чўқилаб ўтиришди.

Суҳбатлари яна узилиб қолди.

Бирдан Паювийдик сўраб қолди:

— Менга қара, капитан. Йўғ-э, младший лейтенант.

Ахир у пайтда томогинг тагида атиги битта кубик йилтираб турарди-да. Ҳа, майли, унвоннинг аҳамияти йўқ. Қани, шуни айт-чи, оғзимиздан тушмайтган ўша тунда сен бир кун келиб шундай ҳаёт кечиришингни ўйлаганимидинг, йўқми?

Лапетеус бир оз саросимага тушиб қолди.

Паювийдик луқма ташлади:

— Яъни, хусусий уйим, машинам бўлади, директорлик лавозимига ўтираман, деб ўйлаганимидинг, йўқми?

Лапетеус ўзини босиб:

— Мен директорлик лавозими ёхуд уй учун жанг қилганим йўқ,— деди.

— Миннатдорман, капитан. Жаҳлинг чиқмасин. Оғзимдан чиқиб кетди. Урушдан кейин ҳаётимиз қандай бўлишини қайси биримиз билибмиз? Балки буни Хаавик билгандир, бироқ у йўқ, назаримда, капитан, яна сенга ёқмайдиган гап гапирадигандекман, борди јо, кўнглымдагини айтмасам, мунофиқлик қилган бўлман. Мени нима учун кўргинг келганига ақлим етмаяпти. Илгари менга нима учун тобинг йўқлигини салпал билардим. Ҳозир уйингда ўтирганимда сенга керак эмаслигимни ўйлаган сарим баттар юрагим сиқиляпти. Ахир сен мени хурсанд қилмоқчи бўлиб эмас, ўзингни ўйлаб чақиргансан-ку. Хўш, бу ишта сени нима мажбур қилди? Мана шунинг ҳеч тагита етолмаяпман.

— Афсус,— деди Лапетеус лаблари титраб,— афсуски, мени тушунмайсан.

Лапетеус қолганлардан, сиз ҳам мен тўғримда шундай фикрдамишив, деб сўрашга оғиз жуфтлади-ю, бироқ тилини тишлаб қолди. Чунки улардан ҳам Паювийдик айтган гапларни эшитишни кўнгли сезди.

— Ўзингтаям, менгаям қуй, капитан,— деди Паювийдик.— Ҳаммага қуй. Ярашамиз. Мен, албатта, бемаъни савол бердим. Қани, кўтариング, йигитлар! Өвқат зўр, ароқ муздек, нега шалвираб ўтирибмиз. Ӯлга, гвардиячилар!

Улар яна ичишли, бироқ Лапетеус бунинг фойда бермаслигини очиқ-оидин тушунарди. Бу учрашув унга ҳеч нарса бермайди. Зиёфат расво бўлди. Улар ёт одамлар. Ҳеч ким уни тушунишни хоҳламайди. На Пидрус, на Роогас. Паювийдикни-ку, татира-

са ҳам бўлади. Хельви келмади. Хаавик жўнаб кетди. Ҳаавикнинг келмагани Лапетеусга оғир ботмади. Викторни у тез-тез кўриб турарди. Ҳозир Лапетеус Хаавикдан қўлини юваб қўлтигига урганини эътироф этди. Бирдан кўнглига, Реэт қаердайкин, деган шубҳа келди.

Биринчичи бўлиб Роогас кетишга отланди. Лапетеус уни тұхтатмади.

Роогасни кузатиб қўяётиб:

— Ўша вақтда ҳозиргичалик ақлли бўлсан, сени Вильяндан кеткизмаган бўлардим,— деди.

Роогас Лапетеуснинг қўлини маҳкам қисди.

— Каартна икковингиздан ўла-ўлгунча миннатдорман.

Роогас бу гапларни сидқидилдан айтганини Лапетеут сезди. Бир оз кўнгли кўтарилиди.

Паювийдик стол ёнида куйиб-пишиб гапирмоқда эди.

— Ҳаётимизни ўз ҳаётларига мослаштироқчи бўладилар: хусусий уйлар, машиналар, бир-бирларининг хотинларига кўз олайтиришлар. Буни мен ҳазм қилоимайман. Ҳаҳотки биз шунинг учун жанг қилган бўлсан?

Лапетеус бу гапларга қулоқ солиб ким тўғрисида гапириёттанини ўйлади. Унинг тўғрисидамикин? Паювийдикка адовати баттар ортди.

Кўп ўтмай қолган межмонлар ҳам кетмоқчи бўлишиди.

— Сенда икки оғиз гапим бор эди,— деди Лапетеус Пидрусга. Паювийдикни у кўнгил учун айтиладиган сўзлар билан кузатиб қолди.

5

Улар конъяк ичишли.

— Бир-бirimizdan узоқлашиб кетдик, Оскар,— деди Лапетеус.— Бу жуда ёмон бўлди, айниқса менга. Баъзан ўзимни бутунлай ёлгиз сезаман. Эски дўстларим ҳам мени... ёмонотлиқ қилишади.

Алланарса Лапетеуснинг ичини мушукдек таталаётганини Пидрус фаҳмлаб қолди.

— Ҳеч ким сени ёмонотлиқ қилаётгани йўқ,— деди Пидрус ўйчанлик билан.

— Емонлашади,— деди Лапетеус ҳаяжонланиб.— Паювидик гап келганда отасини ҳам аямайдиган едам, у ҳамма гапни очиқ айтди. Унинг сўзлари ёдимда: «Нима учун илгари мени кўргинг келмасди!» «Мен сенга керак эмасман!» «Сен мени кўнглимни олиш учун эмас, ўзингни ўйлаб чақиргансан!» Ҳаммангиз ҳам, нега бу бизни меҳмонга чақирди, ахир, илгари ҳеч чақирмасди-ку, деб ўйлайсиз. Қани, айтинг-чи, сиз фронтчи дўстларимни кўргим келиб, ўтган ишлардан гаплашиб ўтириш учун чақирсан бир нарса бўптими? Бунинг нимаси ёмон?

Пидрус унинг гапини бўлмади, кўнглидагини гапириб олсин, деб кутиб турди.

— Мен ҳеч кимдан тама қилмайман. Мени ҳеч ким ишдан бўшатмоқчи эмас. Давлат пулини исроф қилганим йўқ. Ҳеч кимнинг устидан чақув қоғози ёзмадим, ҳеч кимга соҳ қазимадим. Уйим ва машинам бор. Паювидик шу уй ва машинам учун менга ола қарайди, мени янги чиқсан буржуй, маишатбозликни авж олдирувчи бадкирдор одам ҳисоблади. Уни биламан, баҳт унга кулиб боқмади, шунинг учун баҳти чопган одамларга ҳasad қиласди. Роогасни айтигин-а! Унга қўлимдан келганча ёрдам бердим. Нега менга қарши бўлиб қолдингиз? Яширма, очигини айт.

Оқсоч кириб, қиладиган ишим борми, деб сўради. Лапетеус унга жавоб бериб юборди.

— Бир-биримиздан узоқлашиб кетганимиз рост, бу галинг тўғри,— деб гап бошлади Пидрус.— Сенга ҳеч ким адоват ва нафрат билан қарамайди. Шу билан бирга сени яхши дўст деб ҳам билмайди. Шунинг учун ҳамма тезроқ кетишнинг пайига тушиб қолди.

Пидрунинг гапи Лапетеусга оғир ботди, у:

— Мен сизларни дўст деб юардим,— деб ғўлдиди.

— Вақт қиладиган ишини қилди. Бизларнинг юзаки дўст эканлигимизни кўрсатди.

— Роогастга ёрдам бердим, сени ҳимоя қилдим. Хаавикни қўллаб-қўлтиқладим.

Пидрус унга:

— Ўзингни ўзинг айблаяпсан,— деди.

Улар узоқ сукут сақлашди. Лапетеус аллақаёқка — бўшлиқча тикиларди. У қалбида Пидрусга нафрат ҳислари пайдо бўлаётганини сезди.

Пидрус бўлса, Лапетеуснинг асаби бузилган, дам олиб, даволаниши керак, деб ўйламоқда эди. У кўнглига келган шу гапни айтишга оғиз жуфтлаган эди ҳамки, Лапетеус.

— Вақт! Сен вақт дейсан!— деб хитоб қилди.— Бироқ аслида ўша вақт қандай бўлганини ҳеч ким эътиборга олмайди.

Пидрус Лапетеуснинг хатти-ҳаракатида қандайдир қалбакилик борлигини пайқади. Шунинг учун совуққина қилиб:

— Қўй, ўзингни бос. Сен ўзингни ўзинг асабийлаштиряпсан,— деди.

Лапетеус яна меҳмонга қарамай, бошқа ёққа тикилди.

— Вақт оғир эди,— деди у энди оҳиста.— Ҳар биримизда унинг асорати қолган.

— Сени дурустгина жойга ишга қўйишган эди,— деди Пидрус киноя билан.

— Бунинг аҳамияти йўқ,— деди Лапетеус яна тувақиб.— Шахсга сифинишдан ҳаммамиз зарар кўрганимиз. Сен ҳам, мен ҳам. Ўшанда жабрланганларни вақт маънавий жиҳатдан ўзгартириб юборди. Ким билсин, балки дуруст жойларга ишга қўйилган, шахсга сифиниш вақтидаги талабларга ўзини мослаштирган мендек одамларни кўпроқ ўзгартиргандир.

— Субутсиз одамларга тоқатим йўқ,— деди Пидрус яна ҳам совуқроқ.

Чароғон хонага яна жимлик чўмди. Жимликни Лапетеус бузди:

— Сен ўзингни замоннинг зайлига юрмайдиган бегуноҳ фаришта деб ўйлагансанми? Риёкор экансан, ошна, риёкор.

— Бошқа ҳар қандай одамничиалик менинг ҳам гуноҳим бор,— деди Пидрус чўрт кесиб.— Бироқ мен шароитга мунофиқларча мослашганим йўқ. Ўша пайтда шундай деб ўйлаганман.

Лапетеус кулиб юборди. Унинг кулгиси ҳам Пидрусга соҳта туюлди.

— Ана кўрдингми,— деди Лапетеус.— Айтгандек, мен шароитга мослашганлар, деганим йўқ, шахсга сифиниш талабларига ўзини мослаштирганлар, дедим. Ҳай, майли, бунинг нари-бериси йўқ. Муҳими шуки, вақт ҳаммага таъсир қилди. Сенга ҳам. Шу ҳаммага

таъсир қилгани ёмон бўлди. Шуниси даҳшатли, илгари ўзимизни бошқача тутган эдик, энди бошқача тутишимиз даркор.

— Ўзини бошқача тутиши даркор бўлган одам энди ўзини бошқача тутмай қўя қолсин.

Лапетеус яна қўлга тушганини ҳис қилди. У ўсмоқчила гап бошлади:

— Ўзини бошқача тутиши даркор, деган сўзни мен сен... тушунганингдан бошқа маънода ишлатган эдим. Мен, бизнинг ҳозирги вақтдаги дунёқарашимиз илгариги вақтдагидан бошқача, демоқчийдим. Мисол учун, синфий курашнинг ўтиклишуви тўғрисидаги назарияни олайлик. Ахир, сени шу назарияга асосан айблашган эди-ку. Агар бу назариянинг хато эканлигини билганимда сени биринчи бўлиб ўзим ҳимоя қилган бўлардим. Юрвен хўп фойдаланди-да ундан! У вақтда ҳаммамизга ниҳоятда оғир эди, калаванинг учини йўқотиб қўйган эдик.

Пидрус апельсин олиб арта бошлади.

— Шахсга сифиниш бир одамни ҳеч хато қилмайдиган деб эълон қилишганда эмас,— деди Лапетеус дадиллик билан.— Шахсга сифинишнинг моҳияти совет қонунчилигини қўпол равишда бузишларида ҳам эмас. Шахсга сифиниш фикр юритишнинг маҳсус усулини пайдо қилди. Догматизм ва ақидапарастликни келтириб чиқарди. Пастдан бўладиган ташабbusни маҳв этди. Одамлар юқоридан келадиган йўл-йўриқни кутишига одатланиб қолишиди.

— Бу Юрвеннинг охирги конференциядан олдингисида сўзлаган нутқи. Унда ҳали секретарликдан тушмаган эди. Бу гапларни Юрвен бошқа бир одамнинг нутқидан кўчириб олиб, ваъзхонлик қилган эди.

— Бу гапларни нотўғри деб ҳисоблайсанми?

— Йўқ. Бироқ бу гапларни Юрвен гапирса, унга ишонмайман. Юрвеннинг гапларини сен такрорласанг, сенга ҳам ишонмайман.

— Хом гапни гапиряпсан.

— Шахсга сифинишни тушунтириш учун мени олиб қолибмидинг?

Лапетеус Пидрус тикилиб турганини кўрди.

— Мендек ҳалол фаолларга ҳозир қийин,— деди ўзини хотиржам тутишига уриниб.— Партия иши учун астойдил курашган биз каби одамларни ҳозир лаган-

бардорлар, оғмачилар деб юзимишга солишади. Гўё бешқалар ҳамма нарсани тушунишгану, фақат бизлар ҳеч нарсани тушунмаганмиз. Мен ҳам баъзи нарсаларга тушунганман, бироқ...

Лапетеус елкасини қисди.

Пидрус луқма ташлади:

— Мен тушунганман. Мен ҳамма нарсани кўриб-билиб турганман, оқимга қарши боролмай, ҳамма билан бирга одим отганман, дейдиганлар чиндан ҳам тутуриқсиз одамлардир.

Бунга Лапетеус ҳеч қандай эътироz билдиrmади.

Энди Пидрус ёниб гапирди:

— Ҳозир жони ширинлик қиласиган одамларни кўргани кўзим йўқ. Кўкракларига уриб: «Эҳ, қандай оғир замонлар эди, бизни қанчалик эзишди-я, қандай қийнашди-я», деб нола қилишади. Ўтган даврни қандай бўлса шундайлигича олиш керак. Ўша йилларда ҳеч бир халқ меҳнат қилиб бизча катта ютуқларга эришгани йўқ. Шод-хуррамлик ҳам бизга бегона эмасди.

Лапетеус эътироz билдириди:

— Қўй-э, қўй-э! Мингларча одамлар турмаларда, сургуnlарда азоб чекди. Сенинг ҳам бошингга не кунларни солишмади.

— Тўғри, сен ҳақсан. Кўпларга жабр қилишди, кўпгина одамларни эзишди, жисмоний жиҳатдан маҳв этишди. Бироқ ўн минглаб, миллионлаб одамларда ҳақиқий ҳаётга муҳаббат уйғонди. Йиғлоқи ва жони ширин одамлар тўғрисида гапирарканман, бегуноҳ, жабрланган, қалби пок одамлар тўғрисида ўйлайман. Мен, кечирасан, хотиржам яшаб, эндиликда ўзларини даврнинг энг катта жабрдийдалари қилиб кўрсатадиган сенга ўхшаш одамлар тўғрисида ўйлайман.

— Мени ҳақорат қилмоқчимисан?

— Оҳ-воҳлар бир тийин,— деди Пидрус қизишиб.— Бу ҳар биримизга аччиқ сабоқ бўлиши керак. Ҳар ким бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олсин. Булардан бири шуки, нотўғри ишининг учун оҳ-воҳ қилма, зорланма, қилар ишни қилдингни, энди жавоб бер. Биз жавоб беришимиз керак. Одамларда раҳм-شاфқат ҳислари уйғотишга уринишнинг ҳожати йўқ, бизга ҳеч ким шафқат қилмайди. Ўз калланг билан иш қил. Қилган ишининг учун жавоб бер.

Лапетеуснинг назарида Пидрус атайин биз деб га-
пираётгандек, аслида эса уни назарда тутаётгандек
бўлиб кўринди. Пидрус уни муросасоз, ўз дўстларини
унутган, ўзини ҳаммадан юқори қўйган одам, деб ўй-
лаяпти.

— Менинг... Хельвидан бошқа ҳеч кимнинг олдида
юзим шамгин эмас,— деди у.

Пидрус ўрнидан турди.

— Сен хотинингни... яхши кўрасанми?

Пидрус гапни нима учун унинг уйланишига бурга-
нини Лапетеус тушунмади. У норози оҳангда гўлди-
ради:

— Томдан тараша тушгандек сўрайсан-а.

— Мен буни... бекорға сўраётганим йўқ.

Пидрус алланарсадан ҳаяжонга тушган эди, Лапе-
теус ҳам буни пайқади.

— Хотиним билан муносабатим қандайлигининг
сенга нима кераги бор?

— Мен Хельвига уйланаман,— деди Пидрус.

Лапетеус бу гапдан ҳант-манг бўлиб, Пидруслага ти-
килиб қолди. Ниҳоят, рюмкани кўтариб:

— Сизнинг баҳтли ҳаётингиз учун,— деди.

Унинг қўли сал-пал титраб, столга ароқ тўкилди.

— Раҳмат.

Улар рюмкани бўшатиши.

Пидрус кетгач, Лапетеус узоқ вақт хонадан хонага
ўтиб юрди. Пидрус бир вақтлар айтган гапни эслади.
Ўшанда у: «Сен кўрсан ёки фирт ҳайвонсан», деган
эди. Хўш, у ким эди ўзи? Хайрият, Хельви баҳтини
топди, деб ўйлади Лапетеус. Кўнгли бузилиб кеттани
ни сезиз пўнгиллади.

— Асаб, асаб, асаб.

ИИГИРМАНЧИ БОБ

1

Лапетеус анчадан бери ёлғиз бўлса ҳамки, хонада-
ги ранг-баранг пластмасса қалпоқли қандил аввалгича
шамалоқдек ёниб турарди. У бошини қуий солиб ўти-
пар ва палапартиш талинкаларга, ярим бўш шишап-
ларга, деярли қўй урилмаган овқатларга маъюс тики-

ларди. Фақат Паювийдиккина иштаҳа билан
овқатланди, қолганлари эса овқатга хушлари бўлмай,
чўқилаб ўтирилар. Пидрус билан Роогаснинг рюмка-
ларида конъяқ хира қизариб кўринарди. Паювийдик
эса бир томчи ҳам қолдирмай ичиб юборган эди. Лапе-
теуснинг рюмкаси чип-чип тўла эди. Пидрус кетгач,
рюмкасига конъяқ қуийган эди-ю, бироқ ичмаганди.
Столга тирсагини тираб ўтиради, ўзини дунёда ёлғиз
ҳис қиласарди. Йўқ, тўғрироғи, ўзини ҳамманинг на-
заридан қолган одам деб ҳисобларди.

Ўртоқлари ундан юз ўгириши.

Юз ўгиришса, ўгириша қолсин. У ҳеч кимнинг
дўстлигига зор эмас. Ёлғиз ўзиям бир кунини кўриб
кета олади.

Гарчи Лапетеус ўзини оқлашга уриниб, эски фронт-
чи дўстларининг қилмишини қораласа ҳамки, вақти
хуш бўлмади. Кўнгли тобора хира бўла борди.

Ундан нима исташади? Пидрус билан Паювийдик
олдида тиз чўксинми? Уни субутсиз дейишга, одам-
ларда раҳм-шафқат уйготишга тиришувчи одам деб
аташга нима ҳақлари бор? Уни, фақат ўз ҳузур-ҳало-
ватини кўзловчи худбин одам, деб ўйлашга ҳақлари
йўқ!

Йўқ, йўқ, яна бир карра йўқ!

Лапетеус ўзини шунга ишонтиради. Гўё бу қарори-
ни қувватламоқчи бўлгандек столга кафти билан бир
урди-да, рюмкадаги конъякни ичиб, ўрнидан турди.
Хийла вақт кўнгли таскин топгандек бўлди. Чунки у
собиқ дўстларимнинг гина-кудуратлари ўринисиз, уч
пуллик аҳамияти йўқ, ахир ҳеч ким айбимни кўрса-
тиб таъна қилолмади. Ҳамма гап-сўзлар одоб доира-
сида бўлди, деб ўзига тасалли берди.

Лапетеус ўзини бошқа нарсалар тўғрисида ўйлаш-
га мажбур қилди. Эртага эрталаб соҳилга боради ва
дарҳол денгизга чиқиб кетади. Ўлибдими, биронта
жимжилоқдек чўртсанбалиқ илиниб қолар. Балки
хонбалиқ илинар.

У хонбалиқ қармоқ учидаги ялтироқ темир балиқ-
чани ютаётганини ўйлаб турган вақтида бирданига
ўзидан-ўзи жирканиб кетди. Буни қаранг-а, шуям
ишми, у балиқ ови тўғрисида ўйлаб қалбини тирнаёт-
ган фикрлардан халос бўлмоқчи-я.

У стол ёнида безовтланиб, депсиниб турди-да,

Реэт унинг ҳамма лаш-лушларини келтириб қўйган юқоридаги хонага чиқди, кейин пастга қайтиб тушди. Алланарса уни вассасага солар, ташвишли, ваҳимали ва таънили фикрлар миясини куйдирар эди.

«Асабларим ҳакиқатан ҳам ҳеч балога ярамайди». Бу иборани у овоини чиқариб бир неча бор такрорлади. Ўз овозидан ўзи чўчиб ён-верига аланглаб қаради.

Минтиллаб:

— Кимдан қўрқаман? — деди.

Уйда ундан бошқа ҳеч зог йўқ эди. Йўқ, у ёлгиз қололмайди. Буни Лапетеус очиқ-ойдий билди. У ўзини юпатиш учун, сен мунофиқона, енгил-елни ҳаёт кечирдинг, деган даҳшатли фикрни хаёлидан қувинш учун бир илож қилиши керак.

Лапетеус гўё бир қарорга келгандек, пешайвонга чиқиб, пальтосини кийди. Гаражнинг калитини олиб, уйни қўлфлади. Қандил ёнгана қолаверди. Учта юз шамли ламна хонанинг кенг деразасидан кўк, сариқ ва яшил нур сочиб турса ҳамки, Лапетеус буни пайқамади.

Миясига ҳозир рулга ўтириши иотўгри, камида ўн рюмка ичкилик ичдим, деган фикр келса-да, бунга парво қилмай, гаражнинг эшигини очди. У қаёқка боришини аниқ билмасди. Фақат ҳозир ўйлашдан ўлгудек қўрқаётган, фикрини чалғитиш учун ўзида бирор нарса қилишга эҳтиёж сезмоқда эди.

Мотор дарров ўт олди. Бўлмаса, бальзан аккумулятор ўтириб қолар, ручка инсплатишга тўғри келар эди.

Лапетеус гараждан чиқиб машинани тўхтатди. Гаражни ёпди, бироқ бу ерда ҳам чироқни ўчиришни унутди.

Бўй-бўш кўчадан оҳиста кетди.

Ғалаба хиёбонига чиқаётib ўнг томонга қарамаган эди, оз бўлмаса уни ўқдек учиб келаётган такси уриб юборай деди. Энди у яна ҳам эҳтиёт бўлиб юрди.

Шаҳар марказида деярли машина йўқ эди. Лапетеус ҳеч қандай мақсадсиз бир кўчадан иккинчисига ўтиб юрди. Шунда ахволини тушунадиган, истаган вақтида эшигини қоқиб бориши мумкин бўлган биронта ҳам сирдош дўсти йўқлигини билди.

Хаёлидан қувмоқчи бўлган фикрлар яна безовта

қила бошлади. Лапетеус тўсатдан тезликни ошири. Эҳтиёткорликка бало борми?!

Бундай қараб, Нарва тош йўлига чиққанини билди. Пиритга бориш фикри унда шу ерда туғилди. Хотини у ерда дугонасиникида ётиб қолмоқчи бўлганини эслади.

Реэтнинг дугонасиникига у киролмади. Қўнгироқни ҳар қанча жиринглатмасин, янги хусусий ўйнинг эшигини ҳар қанча тақиллатмасин, ҳеч ким жавоб бермади.

Реэт қаерда?

Э, бунинг нима аҳамияти бор. Унга деса бирор билан бир тўшакда ётмайдими?!

Лапетеус Пиритдан қайтаётib тезликни яна ошириди.

Олдинда юк машинаси кетарди. Лапетеус буни қувиб ўтмоқчи бўлди. Машинасини чапга бурган эди, шаҳар томондан келаётган «Москвич»ни кўрди. Олдинда келаётган юк машинасининг чироги «Москвич» машинасини ёритиб юборди.

Миясига, тормоз бериб, ўнгта бурилиш керак, деган фикр келди. Лекин шу пайт юк машинаси билан тенглашганини, ўнгга бурила олмаслигини билиб қолди. «Москвич» ниҳоятда тез яқинлашиб келар, гўё жуда ҳам катта бўлиб кетгандек туюлар эди. Тўсатдан, у одамларнинг башараларини очиқ-ойдин кўриб қолди-ю, ҳамма нарсани унуди.

Рулда Хаавик ўтиради.

Викторнинг кўзи қинидан чиқиб кетган, оғзи очиқ эди, балки у додлаган бўлса керак.

Унинг ёнида Реэтнинг чехраси кўринди. Унинг ранги оппоқ докага ўхшар, башараси тошдек қотиб қолган эди.

Буларнинг ҳаммасини Лапетеус кўз очиб-юмгунча кўрди.

Кейин унга ҳамма нарса бари бир бўлиб қолди.

На узбекском языке

Библиотека дружбы

Проза народов СССР

Пауль Куусберг

ПРОИСШЕСТВИЕ С АНДРЕСОМ ЛАПЕТЕУСОМ

Роман

Перевод с издания издательства
«Советский писатель», Москва, 1965

Иккинчи нашри

Фафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967 й.

Редактор Н. Жураева

Серия рассказов И. Кирякиди

Рассом Д. Цирин

Расмлар редактори А. Кива

Техн. редактор В. Барсукова

Корректор Р. Содикбекова

ИБ № 1041

Босма конага берилди 08.02.79. Босишта рухсат
этилди 26.09.79. Формати 84×108 $\frac{1}{3}$. Босмахона ко-
ғози № 2. Мактаб гарнитураси. Юкори босма.
Шартли босма л. 13,02. Наимр л. 13,3+0,68 (вклей-
ка). Тиражи. 30000. Заказ № 67. Баҳоси 1 с. 20 т.
Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат напри-
ёти. Тошкент, 700129. Навоий кӯчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва
китоб савдоси ишлари давлат комитетининг
Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқарини
бирлашмаси. Тошкент, Ҳамза кӯчаси, 21.